


СОБИР ҶНАР  
БИБИСОРА



84/59)6

СОБИР ЎНАР

ҚИССАЛАР

# БИБИСОРА

Қиссалар, ҳикоялар, эсселар



12262

ТОШКЕНТ – «O'ZBEKISTON» – 2011

ALISHER YUSUFIY NOMIDAGI  
ToshDO'TAU  
AXBOROT-RESURS MARKAZI

1368

УДК: 821.512.133

ББК 84 (5Ў)6

Ў 75


*Ушбу муъжаз китобимни заҳматкаш ва меҳрибон онажоним  
Солиҳа Тинибек қизига камоли эҳтиром ила бағишладим.*

Мазкур китобга истеъдодли ёзувчи Собир Ўнарнинг кейинги йилларда ёзган ва матбуотда чоп этилган қисса, ҳикоя ва эсселари жамланди. Адиб асарларида ўзига хос жозибали тил жилолари устуворлик қилади. У кейинги йилларда ижтимоий мавзулар қаторида маънавий, оилавий, ахлоқий ва севги-муҳаббат мавзуларида ҳам дадил қалам тебратиб келаётир. Ўйлаймизки, ушбу қисса ва ҳикоялар Сиз муҳтарам китобхонни асло бефарқ қолдирмайди.

ISBN 978-9943-01-678-1

© «O'ZBEKISTON» НМИУ, 2011

# ҚИССАЛАР



---

---

## БИБИСОРА

*Уларда дард ва изтироб не қилар,  
Улар фақат кишнаб юрган йилқилар.*

*Ўлжас СУЛАЙМОН*

Мақтаб ҳовлиси катта танаффусда ўйинқароқ болаларга тўлиб кетади. Айниқса, почтачи Қўниш ака келса Худо урди — кейинги соатга бир гуруҳ бола кечикиб киради. Чунки почтачи опкелган хатларни эгаларига улашгунча кўп вақт кетади. Кейин эса Қўниш ака четига обуначининг фамилияси ёзилган газеталарни тарқатади. Кимга хат келган бўлса, хат эгаси виқор билан даврадан чиқади, шартта конвертнинг гардишини йиртади-да, четга ўтиб ўқий бошлайди. Армиядаги акаси хатга кўшиб сурат юборган бўлса-чи, унияма деярли ҳаммага кўрсатиб мақтанишга улгуради. Акаси посанг аскар кийимида, шапкасини дўндириб тушган бўлса, кўринг қизиқни. Кечагина шу мактаб ҳовлисида лой оралаб, ланка тепиб, муаллимдан дакки эшитиб юрган бола сал ўтиб Москвада, Ленинградда ёхуд чет элда хизмат қилаётган бўлса, албатта расмини жўнатади. Укаси расми ўртоқларига, синфдош қизларга хўп мақтаниб кўрсатиб бўлгач, уйдаги кўринарлик жойга осиб қўяди. Аканг қарағай мана, армияда, полвон йигит, ефрейтор бўпти, ҳадемай сержант унвони олармиш, командирлари раҳмат айтибди — ҳалол хизмат қилипсан деб, тунов куни ота-онасигаям ўрисчалаб машинкаланган қоғозда «Ўғлингиз Совет Армияси сафида сидқидилдан хизмат қиланти, шундай интизомли йигитни тарбиялаганингиз учун сизларга раҳмат ва ҳоказо», деб мактуб йўллабди. Бундан ота-она бир газ ўсади. Қолганини ўзлари тўқиб-бичишади: ўғлимиз мана, мактабдаям дуруст

Ўқиган эди, лекин институтда домлалар пул илинжида ёмон баҳо билан йиқитиб юборишувди, ана, ҳақиқат бор экан, ўрис камандир мақтаб ётибди, хизмати тугасаям юбормаймиз, бундай одам давлатга керак, зарур бўлса ўзимиз ўқитамиз, уй берамиз, энг чиройли қизга уйлантирамиз, бола-чақали бўлади, бир қучоқ неварали бўлгач келиб кўрасизлар, полковник бўлгандан кейин ўзи қайтиб боради қишлоғингизга. Ва яна кўп гаплар. Бир парча қоғоз бўлса, яна у ўрисча ёзилган бўлса, ким тушуниб, ким суриштириб ётибди қолган гапларни.

Боз устига, армиядаги йигит сенинг аканг бўлса ҳар қанча керилсанг арзийди. Топ-тоза офицер кийимида қирчиллаб юрган, ранг-рўйи ҳам оқариб-тозарган, қўл остида қанча аскар честь бериб бўйсуниб турган бўлса, рус жононлари, ҳа-ҳа, бир-биридан ўтиб тушган оқбилак ўрис қизлар унга ҳавас қилиб кетмакет севги изҳор қилиб ётган бўлса, пўрим йигит кечалари буларнинг қайси бири тузук, қайсиси хотинликка ярайди деб ўзича ўйлаб ётса. Бундай йигитга ҳавас қилмай бўладими?

Ахир у қизлар дунёнинг сулувлари. Бизнинг қишлоқдағиларга ўхшаб қўли косов, сочи супурги, кийимидан тезак иси анқиб ётмайди-да. Эҳ, қўяверсангчи!..

Бу галги катта танаффусда почтачи ўзиям юзтадан ортиқ хат тарқатди. Гарчи акам армия ёшига етмаган бўлсаям менга-да хат тегди. Хат амаким Султон акага эди. Мен уни мактабдан қайтишда уйига ташлаб ўтишим керак эди.

Синфхонага кириб хатни очиб ўқимоқчи бўлдим. Кимданлигини билолмадим. Тагига Танями, деб ажибужи имзо қўйилган эди. Орқасини ўгирсам «Ўз қўлига тегсин!» деган ёзув. Лекин жуда қалин конверт. Ўйлаб-ўйлаб топдим: бўлғуси янгам Тўлғанойдан. Акам уни севади. Хатлар ёзади, хатлар олади. Китоблардагидай севишиб ётади. Барибир конвертни очишга уриниб кўрдим. Очилмади. Янгам биров очиб ўқишидан чўчиб конвертни обдан елимлаб ташлабди.

Султон акам чавандоз. Армиядан келиб ўқишга кирмади, кондаги шахтада ишлади, кейин шофёрликка ўқиб самосвал ҳайдай бошлади. Лекин кўпқари жони дили. Кейинги вақтларда танилиб қолди. Ўзининг оти бўлмаса ҳам биопунктнинг айгирларидан минади. Акам бир гал кўргондан ишдан қайтаётганда машинасига иккита қиз ўтирган, улар жумабозорлик қизлар экан, бири чавандозни таниркан, «сиз Султон полвон бўласиз, таниймиз», дебди. Акам шундан сўнг ҳалиги қизга ошиқу беқарор. Ўшанда у қизни уйигача обориб қўйган. Кейин боришга уялиб нукул хат ёзади, янгам ҳам шундоқ: қалин-қалин мактублар йўллайди. Мактубни амакимга обориб берсам суюнчисига уч сўм пул беради. Уч сўм катта пул. Ўртоқларимга мақтаниб Жўллибой аканинг дўконидан бир ҳафта картошкали пирашка олиб ейман. Амакимнинг севгиси ҳам бор бўлсин!

Геометрия дарсида хатни латта папкамга энди беркитиб турган эдимки, почтачи синфга кириб келди, ҳой, Жонибеков, сенга яна битта хат бор, ҳалиги чегачи чолга бериб қўярсан, деб менга тагин бир конверт берди. Конверт одатдагидан каттароқ, сарғиш-малларанг, орқаси ҳам қалин малла рангда сўрғичланган эди. Хатнинг қувонарли жойидан кўра ажабланарлиси кўпроқ эди. Сабаби, у чолни мен кимсасиз деб ўйлардим. Аввал Боликул бобоникида бир ойча ётиб юрди. Кейин бизникига келиб бобом билан ошна тутиниб қолди-ю, шу ерда танда қўйиб қолди. Бобом содда одам, юмшоққўнгил бўлгани учун ҳар нарсани гапираверади. Ҳалиги чол эса кулоқчинли қора телпагини кўзигача бостириб чақчайганча эшитиб ўтираверади. Чолнинг кўриниши алламбало. Елкасига хуржун ташлаб олади. Телпакли узун қора плашини ҳечам ечмайди. Қишнинг изғиринли кунларида мотоциклчиларникига ўхшаш катта кўзойнак тақиб олади. Қошкўзини совуқдан сақласа керак-да. Чолни Ўшданми, Жўшданми, бир ёқдан келган дейишарди. Албатта, у юртларни биз билмаймиз. Шунинг учун чет эллик деб ўйлаймиз.

Қалин қора соқоли ҳар замонда кўриниб қоладиган, кир босиб ялтираб кетган ола кўйлагининг ёқаларигача тўсиб туради. Устки мўйлаби ҳам ўсиб, оғзигача тушган. Тагин бурқситиб чилим ҳам чекадики, бу ҳол уни баттар ажнабийлаштириб кўрсатади.

Чолнинг хуржунида бир белбоғ қора ялтироқ кўмир, уни пуфлаб ёндирадиган найсимон мис асбоб, чинни идишларни ямайдиган майда тунука ва елимлар юради. У ҳар бир чойнакни чегалар экан, буни алоҳида маросимга айлантирарди. Ҳовлига чиқиб кичкина ўра қаздирар, унга бир ҳовуч кўмир ташлаб, яна пайраха, ёғоч ўтин опкелтирар, мослашиб ўтириши учун ўриндиқ ҳам талаб қиларди. Айни замонда Хитой чиннилари арзанда эдими, топилмасди чоғи, синган чинниларни одамлар Иштихондаги мўлтони ёхуд Каттақўрғондаги араб дўконларига олиб жўнаб, кечқурун қир ошиб қайтиб келишарди. Отам бир замонлар армияда Владивостокда хизмат қилиб, хитойлардан катта сариқ чинни чойнак сотиб олиб келган экан. Ҳадеганда чойи адо бўлавермайдиган чойни бобом кўп қадрлар эди. Не тонгки, катта энам бир гал ўчоқ бошида чойнакнинг тумшугини офтобага уриб олиб, тумшуқ иккига бўлиниб тушган, шунда ҳам темир чойнакдан обрўли, афзал бўлганидан бобом уни ишлатишни қўймас эди. Кунларнинг бирида мана бу чол келдию чойнагимиз темир ямоқ билан бўлсаям тузалиб, бобомнинг кўнгли жойига тушди... Шундан бери анови чолнинг олдида гўё муттаҳамдаймиз. Уйимизнинг тўрига ўтқазиб қўйдик.

Ўша куни мактабдан чиқиб амакимникига ўтдим. Амаким кўпқарига кетибди, уйидагиларга хат борлигини билдирмадим. Кечқурун тагин борсам, энди кўпқаридан қайтиб баланд пошнази этигини айвондаги устунга суяниб олиб ечаётган, терлаб-сасиб кетган пайтаваларини чорпоёга қараб отаётган экан. Мактабда роса қолоқлиги учун ўқимай қўйган укаси Суюндикка терга пишиб кетган, устидан бутунлай буғ кўтарилаётган катта қора отнинг жиловини ушлатиб қўйди-да:



— Эгарини олиб, жобувини ташла, тўхтатмай юргизиб тур, икки соатдан кейин жойига опкелиб бойла, бир сатил чойни совитиб ичир, — деди-да, менга ўгирилиб:

— Ҳа, дабба, ўқишинг зўрми, Марди муаллим «беш» кўяяптими? — деди.

Мен ўқишим аъло эканини, мана, иккинчи синфга ўтганимдан кейин синфком бўлганимни ҳам айтиб мақтандим.

— Ў, маладес, — деди амаким. Гуппи фуфайкасининг кўкрак киссасидан бир сиқим букланиб кетган пул чиқарди. Орасидан бир сўм олиб менга узатди:

— Ма, яна яхши ўқи, бизлар одам бўлмадик, ука.

— Сизга хат бор, ака, — дедим.

Ажабсиниб қаради-да:

— Армия жўраларданмикан? — деди менга.

— Йўқ, Таня чечамдан, — дедим мен ҳам тап тортмай. Эшикни ланг очиб қараб турган энасига бир ялт этиб қаради-да:

— Келинингиз хат ёзипти, — деди. — Ана, тезроқ оббермасангиз уйингизга кеволади.

— Ай, сен бети қора, Таня нимаси тагин? — деди энаси айвонда ялангоёқ берироқ юриб.

— Таня-да, ўрис-да янги топганим, — деди амаким ҳингир-ҳингир кулиб.

— Қамчини бер, қани, — деди энаси.

— Мана, — деб қўлига тутқазди амаким.

— Агар Тўлғанойдан бошқасига кўзингни олайтирсанг, мана, кўрасан, мана, — дея гуппи фуфайка устидан савалай кетди энаси.

Амаким роса таёқ еган боладай у ёқдан-бу ёққа войвой деб думалаб қочар эди.

Бу уриш ҳазил уриш эканлигини мен ҳам билиб турардим. Амаким шунақа эшгириб отаси билан ҳам, онаси билан ҳам ҳазил қилишни яхши кўрарди.

Амаким таёқдан бўшагач:

— Ўҳ-ўҳ, қани, Таняхоннинг хатини бер бу ёққа, — деди менга.

Уйга кириб мойчироқнинг ёруғига тутиб ўқий бошлади. Амакимнинг дув қизариб бўғриқиб кетганини кўрдим.

— Товушингни чиқариб ўқи, менам эштай, — деди онаси.

Амаким хатдан кўзини узди-да, эшитмагандай менга бир оз жиддий қараб турди. Сўнг энасига:

— Ўрисчани тушунмайсиз-да, — деди.

— Эй, бети қора, косов билан соламан ҳозир, ҳа-а, — деди она.

Амаким эътибор бермай олти бетлик хатни охиригача ўқиб чиқди. Сўнг беихтиёр уни яхшилаб қатлади-да қўйин чўнтагига тикди.

— Ҳайит қачон? — деди ўшандай паришон ҳолда.

— Олти кундан кейин, — деди онаси.

— Олти кундан кейин Суюндик билан янгангникига ҳайитлик юборасизлар, — деди менга амаким.

— Индамасак, ўзинг ўзинга тўй ҳам қилиб юборарсан? — деди иддао билан онаси, худди ота-она бўлиб бизлар нима қилиб юрибмиз, дегандай. Аммо амаким бу гапгаям парво қилмади.

— Маладес, ука, — деди менга тагин.

Ўрнимдан туриб эшикка бораётган эдим:

— Шошма, — деди.

Ёстиққа ёнбошлаган кўйи кўкрак чўнтагига тагин қўл юбориб, беш сўм чиқарди.

— Буниси суюнчи, — деди.

Онаси бирданига қизганчиқлиги тутиб:

— Ўзи кўпкарида беш сўмлик жалов олганмидинг? — деди тўрсайиб.

— Бир тўйлик соврин олдим, бўлди-да? — деди онасига ўзини аразлагандай кўрсатиб ва тагин ҳиринг-ҳиринг кулди: — Таня келинингиз зўр-да, пойчалари шилдинглаб бир хизматингизни қилсин ҳали!

Она энди гап Таня эмас, Тўлғаной ҳақида кетаётганини тушунди, шундаям ўғлига ёлғондакам пўписа қилиб қўйди.

Суюндик акам билан янгамникига ҳайитлик оборадиган куни кун гарчи қуёшли бўлса-да, кечга бориб аёз тушди. Янгамнинг қишлоғига етти-саккиз чақирим бор эди. Катта газла — қишлоқ чегарасидан ўтаётганимизда қуёш ботиб бораётган эди. Эшакка ҳолва ва бошқа мевалар солинган хуржунни ортанмиз, амаким бир ҳўкизча ҳам етаклатиб қўйди. Қишлоққа ўрганган ҳўкиз қишлоқдан чиқаверишда сира етовга юрмай қўйди. Ҳўкизнинг ипини эгарга боғлаб эшакка ўтириб олганман. Совуқ уриб кетаёзди. Айниқса қўнжи калта ботинкамда оёғим қотиб қолди. Ҳўкиз ҳар торхошовлик қилиб силтанганда эшак ҳам мункиб кетар, йиқилмоқдан бери бўларди. Суюндик акам бўғилиб ҳўкизни сўкар, таёқ билан аямай бошига соларди. Янга бўлмишнинг уйига етганимизда қоп-қоронғу тун эди. Даҳлиздан жиккаккина бир сариқ чол чиқиб, ҳай-ҳайлашимизга қарамай бизнинг юз-кўзимизга ун суриб ташлади. Удум шу эмиш. Бўлажак келин-куёвнинг ҳаёти оқликларга буркансин эмиш.

Гарчи ҳайитлик келтирган дастёрлар бўлсак ҳам қудалар мақомида эканмиз. Қуда бобо—чолнинг олдимизга келиб ўтириб катталар билан ҳангома қилгандай жиддийсифат ўтириши, серғўшт кулчатой тортилгани, ва энг муҳими, сўпоқ, каттакон шишали «Портвейн» виноси келтириб сузгани бунинг яққол тимсоли эди. Суюндик акамга тенгқур бир қўшни йигит келди, у ўзидан бир неча ёш кичик уй эгаси Норча деган йигитга бемалол ҳазил қилар, қўлидан винони тортиб олиб дадил пиёлаларга қуяр, ора-чура Самарқанддаги аллақандай техникумда ўқиб юрган чоғидаги қизлар билан муомалаларини мароқ билан ҳикоя қилиб қоларди. Албатта, қулоқни бекитиб туришнинг иложи йўқ, қайтанга мен учун жуда қизиқ эди бу гаплар. Суюндик акам бошидан бунақа ширин саргузаштлар ўтказмаганиданми, уқувсизлигиданми, ҳар қалай бир оз маҳлиё бўлар ва винонинг кучи зўрлик қилиб, барибир мақтангиси келиб, нуқул акаси билан тоғда каклик, олқор, тўнғиз овига чиққанидаги

гапларни сўзларди. Қўшни бир маҳал ташқарига чиқди-да, учта пати юлинган қушни кўтариб кирди.

— Эй, қуда, — деди, — сизга ўхшаб тоққа чиқмасак ҳам шу ернинг ови етади бизга. — Мана бугун эрталаб отамнинг йигирма саккиз милтиғини бир картон сочмага тўлдириб, ўригимиз остидаги зағчаларга қаратиб битта қўйиб эдим, ўн олтитаси жойида қолди. Мана ов, мана ов. Гўшти какликникидай ширин. Опам тушда бештасини қовурмага босди. Қолгани турибди. Мана, Норча, опанга айт, қовурсин.

Йигитнинг ўткири ўткир бўлади-да. Унга термулиб тамшаниб ўтиришдан бошқа иложимиз қолмади.

Қуда бобо ҳам ўзимиз қатори оддий, камбағал одам экан. У киши яқин орадаги беморхонада кўмир ёқувчи, кампири ҳам ўша ерда ошпаз экан. Винодан икки пиёла сипқориб, гўшт, картошка, пиёз, оқ ёғ, карам, макарон, гуруч улуши борлиги, шу нарсалар уйига текин келишидан ғурурланиб, ўзи ҳам ора-сира уйига кўмир ўмариб келишидан мақтанди. Кўмир обдан қизарган печканинг ёнида мулгиб-мулгиб, охири ухлаб қолибман. Турсам, тонг ёришиб кетибди. Уй сигарет ва вино ҳидидан сасиб кетган. Суюндик акам фуфайкасини бошига тортиб қотиб ухлаб ётибди. Наридан Норча, уям чалқанча тушиб хириллаб ухлапти. Дераза пардасини тортиб қарасам, чол жегдасининг ўнгирини белидаги қизил белбоққа қистирган кўйи ташқарида қор кураб ётибди. Орқасида қалин оқ жун рўмолни танғиб ўраб олган қиз чўкир супургида қорни супуриб юрибди. Чамаси қуда бобо одамлар тургунча ҳожатхонага йўл очаётган эди. Батартиб, янги калиш кийиб олган хушбичим шу қиз ҳойнаҳой янгам бўлса керак. Музлаган дераза ойнасини нафасим билан эритдим-да, ўша «тирқиш»дан янгамни томоша қилиб туравердим. У олдидаги супани ҳафсала билан супурарди. Гоҳ-гоҳи совқотган қўлларини куҳ-куҳлаб иситиб оларди-да, тагин энгашиб супура кетарди. Юзи тўлин ойдек оппоқ, қомати бежирим, ўрим сочи жун рўмолнинг тагидан тошиб тушиб турибди. Амаким бе-

корга ошиқ бўлмаган экан-да. Ҳадемай шу қиз тўй бўлади. Амакимнинг оғушига тушади. Ҳазиллашишади, ўпишишади. Сўнг тўшакда ўйин қилишади. Шундай но-зиккина, сулувгина қиз-а!

Этим жимирлаб, ичим шувиллаб кетди.

Ҳожат қистаб қолди...

\* \* \*

Кўкламнинг булутли, аммо ёгинсиз бир кунида тўй бўлди. Мастура момо гулхан ёнида лапар айтиб, чилдирма чалиб ҳамма хотинларни ўйнатди. Келин-куёвга салом солдирди. Дарвоқе, у замонларда энгил машиналар камёб эди. Бўлсаям бизнинг қишлоққача довон оша етиб келолмас эди. Лойгарчиликда юк машина ҳам юролмасди. Келинни Мустафо аканинг «Зил»ида аввал довонгача, ундан берисига куёв бўлмишнинг кўпқари жўраларидан бирининг саман қашқасида мингаштириб келибди. Келганда амаким келинни ўзи ордан кўтариб туширди. Шунда янгамнинг оқ, қалин пошнали туфлиси отнинг яғринига тегиб учиб кетди. Шўтаноқ болалар туфлини опқочишди. Амаким келинни кўтариб тураверди. Роса ўсал бўлди. Хотин-халаж, қизлар, бизлар чувиллашдик. Келин, чамаси йиғлаб юборди. Амаким ноилож уни ерга қўйди. Янгам оёғи совқотган лайлакдай оппоқ пайпоқли оёғи учини ерга тираганча энгашиб турарди. Шўтаноқ болалар охири туфлини келтириб беришди. Амаким жуда изза бўлди. Отақул бахши унга танбеҳ берди:

— Султонбой, полвон деганам шундай бўлама? Келинни даст кўтариб олмайдими одам! Бир улоқча солмоғи йўқдир ўзи!

Егани бир туйир нон, ичгани бир коса шўрва, одамлар ҳам эрта кунни кеч қилиб уй-уйига тарқашди.

Эртаси куни қуёш чарақлаб чиқди. Офтоб чиқди оламга, югуриб бордим холамга, деганлари сингари уч-тўрт қайнлар, беш-олти қайнсингиллар янга кўришга шошдик. Ҳали юз очар бўлмаган, келин чимилдиқда экан. Чошгоҳда келиннинг дугонаси ва кайвони-

лардан бирининг етовида келин ўчоқбошига қараб юрди. Оппоқ либос, оқ пойабзал, бошида ҳам оқ ҳарир рўмол, унинг тагида ироқи гулли оқ дўппи остидан кўп ўримли кўнғир сочлар соллана тушиб турибди. Қишлоғимизда бундай гўзал кийинган қизни ҳеч ким кўрмаган. Чунки асли янгамнинг ўзи гўзал. Жудаям гўзал.

Янганинг юзини намоз ёшига етмаган ўғил бола очиши керак экан. Албатта, намоз ўқиш ёшига етган бўлсам-да, бу юмушга биринчи галда мен талабгор эдим. Чунки янгамнинг уйига ҳайитлик оборганман, янгамнинг хуснихатларда битилган севги мактубларини почтачидан биринчи мен опкелганман, амакимнинг хатлариниям почтачига ўзим оборганман. Хўш, бу мишиғи оққанларнинг ичида мана шундай муҳим вазифаларга қўл урган мардлар бормикан? Албатта, йўқ.

Талабгор эканимни билдирдим. Хотинлар кўнмади. Бироқ қараб ўтирганим йўқ. Ўчоқдаги қозонда турган чўмичга биринчи бўлиб чанг солдим. Хотинларнинг уни ўчди. Биламан, мойли чўмич билан келиннинг юзи очилади. Чўмични паранжига теккизсанг бас, у ёғини хотинлар эплашади. Ҳа, шундай.

Янгамнинг ойдек юзи ялтираб кўринди. Сурма қўйган кўзлари оқи оққа, қораси қорага ажралиб, қуралай бўлиб турарди. Қалам теккизилган қошлари ҳам ибодан яна эгилиброқ кетган, ўзи ҳам бошини тагин қуйи солинтирган эди. Бундай тиниқ чеҳрали сулув ҳеч ерда йўқ. Ҳеч ерда! Ўша сулув менинг янгам. Ўзимнинг янгам!

Янгам кўзининг ости билан бир оз сузилиб қараб кулиб қўйди. Бу менга хайрихоҳлиги, балки яхши кўриши эди. Ичимда бир нарсалар тўлғониб кетди. Уқдимки, янгам «сиз яхши боласиз», деди. Эшиттирмай пичирлаб айтди. Эшиттирса уят бўлади. Ҳалитдан қайнисини суйиб эркалаяпти, деган ўшак тарқалади.

Хотинларнинг ундови билан янгам ярим чўмич мойни ўчоқдаги ёниб турган олов устидан қуйди. Шундай қилса келин мойли оёқ бўлар эмиш. Бу уйга келин

барака опкелар эмиш. Одамлар нималарни ўйлаб топишмайди-я. Ахир шундай гўзал аёл хизматингизни қиламан деб эшигингизга келди, остонангиздан уч бор тавоф олди, ҳар биримизга эгилиб салом берди — етмайдимми? Уни хижолат қилиб, уялтириб ҳар иримга дуч қилаверасиз.

\* \* \*

Тўйнинг тўппаси тўрт кун. Яъниким, тўрт кунгача тўйхонанинг овқати узилмайди. Зериккан, бекорчи борки, тонг отгач бу ёққа секин томоқ қириб кириб келаверади.

— Ҳай, Жонибекип, келин мойли оёқ бўлсин! Опкелавер нишхўрдингдан, бизга бўлаверади.

Амакимникида калла-поча қозонга осилган куни бўйинсалари шундай деб келади.

Бир ҳафтадан сўнг куёвнинг тенг-тўшлари келади.

— Тарвузинг ёрилди, илигинг қуриди, қулогингдан ой кўриняпти. Ҳай, баччағар, энди кўпқарига ярамайсан. Хотининг билан кўпқари ўйнай берасан. Тамом бўлдинг, тамом. Овқат-повқат ҳам еб тур. Қани, топган-тутганингни опкел, биз ҳам шерик бўлайлик.

\* \* \*

Ўша кунларда қишлоққа эндигина электр келган эди. Уям пастки овулдаги Пўлат тоғанинг моторхонасига қўйилган катта движокдан одамларнинг уйига тортилган симлар бўлиб, кечқурун уч соат ёнарди. Пўлат тоғаям уч сўм, беш сўм ёхуд «Портвейн»нинг мудгори, то шом қоронғуси чўкиб одамлар бетоқат бўла бошлагандагина моторхона ёнига эшагини бойларди-да, аввал битта «Беломор» сигаретни обдан охиригача сўриб, кайфини суриб, кейин бемалол моторхона дарвозасини очиб қўйиб тимирскилана-тимирскилана моторнинг учидаги парраги ёнига каноп арқонни хўп ўраб оларди-да, оёғини тираган кўйи тортиб юборарди. Мотор шу юрганда юрса юрди, бўлмаса тўрт-беш учкун чиқариб «пат» этиб ўчиб қоларди. Сўнг арқонни яна ўрай кетарди ва бошқатдан оёқ тираб

тортиб қолар эди. Шундан сўнггина қишлоқнинг Ильич чироқлари чўғдай лимиллаб турарди-да, мотор овози кучайгач, чароғон бўлиб кетарди. Кечкурун қирларга чиқиб қишлоқ этагидаги сой ичига жойлашган моторхонага кўз тикиб ўтирган ёшу кексанинг Пўлат тоғага инсоф тилаб термулиб ўтириши, мотор юриб, чироқ ёнғач қичқириб қувнашларини кўрсангиз эди. Бу бир олам қувонч, бир олам соғинч, яна бир нималар эди-да. Қишлоққа электр келиши билан Жиянбой муаллим шаҳардан «Рассвет» деган телевизор сотиб олиб келганди. Мол-ҳолларни жойлаб бўлгач, биз болалар катталарга қўшилиб домланинг уйига уриб кириб борардик. Аксар ўрисча кўрсатувлардан бирор маъно уқмасак ҳам тирик одамларнинг экранда юриши, қўшиқ айтиши, хоккей ўйнаши, гапиришини томоша қилиш ғоят мароқли эди. Кўп ўтмай тоғ қоровули Исоқул ака ҳам «Кварц» деган кичкина телевизор сотиб олди. Шундан сўнг қишлоқ одамлари иккига бўлиниб телевизор кўришга киришиб кетишди. Султон амаким катта чавандоз бўлишига қарамай тўртинчи ё бешинчи бўлиб телевизор олди. Шундан кейингина болаларни жеркиб берувчи муаллим ва тоғ қоровулининг миннатларидан қутулдик.

Энди чироқнинг ёнишини ҳам амакимникида кутиб оладиган бўлдим. Янгам менга эрига ўхшаб «дабба бола» деб от қўйган эдию, бу от менга ёқмади. Асли бобомнинг кичик укаси Қора отам ўйлаб топган бу лақабни. Қора отамни Қора деган ҳам, акасини Малла дегувчилар ҳам янгалари бўлган. Улар қайниларининг исмини айтолмагани учун лақаб қўйишган. Қишлоқда шу — агар бехосдан келинчак қайнисининг исмини айтиб юборса, қолди балога — худди улкан бир жиноят содир этгандек қарашади унга. Акамнинг оти — «Зўр қора», укамники «Тошбақа», меники «Дабба». Оғир, тенгқурларимга нисбатан гавдали бўлганим учун шу номни қўйишгандир. Аммо янгам ҳам ҳадеганда «дабба»лай кетгани бошида сира ёқмади. Шундай чиройли аёл бирор чиройли исм топса бўлармиди? Барибир кейин-кейин қулоғим ўрганди. Бора-бора янгам билан



ҳазиллашадиган ҳам бўлдим. Янгам мени қитиқлар эди, мен унинг баданидан чимчилаб қочиб кетар эдим. Мени тутиб олиб қитиқлаётганда бир ажойиб атир ва бадан ҳиди димоғимга урилар эдики, тўсатдан энтикиб кетардим.

Шу уйга, аниқроғи, Тўлғаной янгамга тамоман ўрганиб қолдим. Янгам ҳам бошқа қайнлари билан эмас, мен билан гаплашишни яхши кўрарди. Баъзан оқ чемоданини очиб амакимнинг мактубларини ўқирди. Яна аллақайси жойлардаги дугоналаридан олган хатларини ўқирди. Мен учун бу хатлар жуда сирли, ҳаммасида севги-муҳаббат туйғулари яширин эди. Янгам хатларни овоз чиқариб ўқир экан, мен унинг оппоқ бўйнига, балдоғи каттакон сариқ исирғасига, чиройли энгаги, бурни, лаби, ёноғи, энтикишлари, кийими, антиқа атир бўйлари – бари-барига термулиб тўймас, ҳаяжонланар эдим. Катта энам бир маҳаллар ойнани очиб:

– Ҳей, ялқов, уйинг борми сенинг? Чечангга жуда ёпишдинг-қолдинг, уят эмасми? Бор, жўна, – деб қоларди. Айб иш қилгандай секин ўрнимдан туриб жўнай бошласам, янгам:

– Эна, қўйинг, бир пасил ўтирсин, яхши бола-да бу, – деса, энамга қараб турардим, у эса:

– Бўлди-бўлди, молига қарасин бориб, онасиям изиллаб излаб юргандир, – дерди жеркиб.

Бу ерда қолиб кетишим, албатта, онамга, амакимгаям ёқмасди. Нима қилай, жудаям ўрганиб қолган эдим. Чунки бу дунёда биргина чиройли аёл бор эди, у ҳам нуқул севгидан сўзлаб одамни илҳомлантирар, бу жозибали туйғуга кишини асир этар эди.

Одат бўлиб қолди: кечқурун ҳам телевизор кўргани келаман. Амаким ҳаш-паш дегунча овқатини еб бўлиб бир оз телевизор кўриб ўтириб мудрай бошлайди. Катта энам дарров:

– Тўлғаной, бунга жой соббер, тоза тинкаси қурибди, – дерди одатдагидай жеркинсиб.

Янгам ирғиб ўрнидан туриб нариги келин-куёвнинг уйига кириб кетарди-да, шу билан ўзиям гойиб

бўларди. Менга эса энди бу ерда ўтириш тоза азобга айланарди. Чунки бошқалар ҳам қачон уйига даф бўларкин шу бола, деётгандек бўлаверарди.

Биз амакиларнинг уйлари бир қатор узунасига солинган эди. Уйдан чиққанни бир-бири билиб, кўриб тураверарди. Бир гал кечки пайт амаким билан янгам уйларига кириб кетишгач, одатдагидай бегонасирай бошладим ва секин туриб жўнадим. Ҳожат баҳона уйнинг орқасига ўтдим. Янгам билан амакимнинг товушлари орқа дарчадан эшитилиб турарди. Назаримда ички дераза очиқ, фақат ташқи ёғоч қопқа ожизгина ёпилган эди. Амаким шивирлаб бир нарсалар дер, янгам беғубор овозда қиқир-қиқир куларди. Кейин янгам кулгидан тўхтаб аразлагансимон:

— Боринг-э, — дегани ва афтидан, амакимнинг яланғоч баданига шапатилагани эшитилди.

Титраб кетдим.

Жимиб қолишди.

Туйқус аёл кишининг сескангандай товуши чиқди.


Сўнг чўзиб «вой-й!» деди. Ичимда жаҳлгами, ғазабгами ўхшаган бир нима қорнимдан биқинимгача ўрмалаб чиқди. Сескангандай тиниқ овоз такрорланди. Энди инграётгандай эди. Амаким янгамни нимадир қияпти, аммо аямаётган эди. Бирдан уни ёмон кўриб кетдим. Одамзод шундай ажойиб аёлга шафқатсизлик қилиши мумкинми? Ҳайвон, йиртқич инсоннинг иши бу!

Одам баданининг нафас ва кўрпа товушига қўшилиб ишқалангани, нафасларнинг тезлашиши, дунёнинг энг бокира аёли бирданига ўзига қўтосдай ташланаётган эркакнинг қулоқлари тубига беихтиёр чўзиб «жони-им!» деб юбориши ақлга сифмас ҳодиса эди. Тушуниб бўлмас эди. Кечириб ҳам бўлмас эди.

Музлаб кетдим.

Иштонимни ҳўллаб қўймаслик учун нарироққа чошиб кетдим.

Бу гапларни бировга айтиб бўлмасди. Тушунтириш ҳам қийин. Янгам айниқса, мен учун ёмон иш қилган эди. Шундоқ ийманиб тургани билан барибир уятсиз хотин экан-да, деган қарорга келдим. Уч кунгача бу



ерга қадам босмадим. Тўртинчи куни амакилар янги келинчакни бирин-кетин нонга чақира бошладилар. Чилласи чиққач, яқин қариндошлар нонга чақириш одат эмиш.

Янгам бизнинг бўсагадан уч карра тавоф олиб уйга киргач, менга кулиб қўйди. Бошқалар олдида ийманиб ўтирди. Сўрашиб бўлиб бир оз киришимли бўлгач, менга юзланиб:

— Бу асал бола бизникига бормай қўйди. Хапаман. Янгасини ёмон кўрадимми ё? — деди жуда тиниқ овозда энтикиб кулиб.

Негадир дилимдаги ғубор бирданига тарқади. Хайрият, дедим ичимда. Янгам амакимни эмас, мени яхши кўради деб ўзимни ўзим ишонтиргим келди.

Орада янгам ота-онасиникига ҳам бориб «чой ичди» бўлиб келди қудағайлар етовида. Анча юзи очилиб, ҳамма билан баралла кўришадиган бўлиб кетди.

Янгам ҳам менга ўхшаб ҳалиги чегачи чолни ёқтирмас экан.

— Бизнинг қишлоққаям борган, — деди у. — Одамларникида чегачилик қилиб юрар, почтахонага кўп қатнар эди. Айтишларича, кимлардандир унга ўрисча хат келармиш. Бошқача конвертларда. Буям хат жўнатармиш — ўшандай конвертларда. Почтачилар бунинг хатини алоҳида олиб туманга обориб беришармиш. Жуда ғалати чол, индамайди, нуқул гап эшитади, бировга эл бўлмайди. Шпионми, дейман-да.

Шпион чол, амакимнинг уйида ҳам уч-тўрт кун яшади. Тўйда синган бир-икки пиёла, чойнакларни ямаган эмиш. Сўнг яна бизникига қайтиб келди. Бора-бора сездимки, бобом ҳам уни ёқтирмайроқ қолди. Ўз ишига уннаб, чолни ҳоли ташлаб кетадиган бўлди.

Бобом жуда меҳрибон одам. Мени ортиқча яхши кўради. Мана, мактабга бораётган бўлсам ҳам қайтгунимча соғиниб қолади. Иккинчи синфда ўқишимга қарамай, «қани, булбулни кўрай-чи!» — дейди. Энди уяламан. Бобом бўлса эркалаб, чақалоқдай қилиб, «оҳ-оҳ, улимнинг булбулидан-а!» — деяверади.

Орада каникуль бошланди. Султон амакимга янги уй бошлашди.

Овул-ҳамсоянинг ҳашари билан ҳадемай девор тикка бўлиб, эшикбоши ҳам қўйилди. Гувала, лой ташишларда биз ҳам қатнашар эдик. Ҳаммасидан кўра турғазилган девор ичи биз болалар учун чинакам ўйин майдонига айланди. Иссиқ кунларнинг бирида Жумабозордан янгамнинг синглиси Бибисора меҳмонга келди.

У мен билан тенгқур экан. Бир сиёғи янгамгаям ўхшайди. Юзи лўппи, шаҳлокўз. Аммо жуда оғир, босиқ қиз. Янгамга ўхшаб ҳар икки гапнинг бирида шарақлаб кулавермайди. Биз тенгқурлар билан уни бекинмачоқ ўйнашга зўрға кўндирдик. Бора-бора бизга ҳам эл бўлди. Янги уйнинг деворлари, гувалалар уюми, ҳожатхона, уй орқасидаги қуюқ тераклар ортига — дуч келган жойга беркинардик. Топган одам маррага биринчи келиб тупуриши, агар ундан ўзиб маррага қараб чопса қўлидан тугиб тўхтатиб ҳам қолиши мумкин эди. Бибисора ўзи босиқ бўлгани билан бизга ўхшаб кета кийиб олганиданми, жуда илдам экан. Ҳар гал биз ўғил болаларни доғда қолдирарди. Шуйтиб у бизга жўра бўлди-қолди. Ўйин асносида бир-икки марта унинг оппоқ, юмшоқ қўлларида ҳам тутдим. Негадир яна ушлагим келарди. Уч-тўрт кун тургач, у уйига кетди. Шунда биз уни қўмсаб қолдик. Янгамдан синглингиз яна келадими, деб сўрадим. Янгам маъноли кулди. Кейинроқ келади, деди. Уни ростакамига соғинаётган эдим. Янгамдан уларнинг адресини, ўқиётган мактабининг номери ва синфини сўрадим.

— Акангизга божа бўлмоқчимисиз, дабба? — деди янгам ва энтикиб-энтикиб кулди. Мен бу сўзни тунунмадим, лекин уят гап бўлса керак, деб ўйладим.

Бибисорага хат ёздим. Неча баҳоларга ўқиши, уйда неча киши экани, каникулда нималар қилаётганини сўрадим. Ундан ҳам жавоб келди. Уям худди шунақа саволлар берган эди. Жавоб ёздим. Кейингисида расм сўрадим. Яхши расмим йўқ, кейин жўнатарман дебди. Бир гал янгам оқ чемоданини очиб хатларини ўқиётган пайтда Бибисоранинг расмини кўриб қол-

дим ва билдирмай қўйнимга тикдим. Бибисора опаси — янгам билан бир-бирига суянишиб тушган. Сочларининг орасидан бежирим парк очиб, икки ўрим қилиб кўксидан ташлаб олган. Эгнида атлас, энги калта қўйлак. Янгам ҳам шундай кийинган. Мен бу расмни папкага солиб, панада ёки ҳеч ким йўғида ҳўб томоша қилар эдим. Кейинги ёзган хатимда беихтиёр, ўғирлаганим эсимда йўқ, расмга зўр тушибсан, деб ёздим. Негадир сени яхши кўриб қолдим, деб ёзгим келди. Уялдим. Бунинг ўрнига «Ж+Б=С» деб ёзиб қўйдим ва кимдир кўриб қоладигандай тезда конвертни елимлаб ёпиштирдим. Почтачи Қўниш акага беришдан олдин конвертнинг елимланган жойига «Ўз қўлига тегсин!» деб катта ҳарфларда ёзиб қўйдим.

Эртаси куни жўраларим билан келаётган эдим, газанинг устида чегачи чолга кўзим тушди. Кун иссиқ бўлишига қарамай у одатича қора плашига ўралиб олган, бўйи баробар заранг ҳассасига суяниб олган эди. Биз бу сўхтаси совуқ одамга салом беришгаям чўчирдик. У бўлса кўзини чақчайтган қўйи менга тикилиб турарди. Ёнидан ўтаётсам, олдимни тўсди. Жўраларим тирақайлаб қочиб қолишди. Мен ҳам қора соқол чолни айланиб ўтиб қочмоқчи эдим, у эпчиллик билан қўлимдан ушлаб қолди.

— Ҳа, гўрсўхта, — деди. — Сенга севишни ким қўйибди, сволоч! — шундай дея у чўнтагидан мен Бибисорага ёзган хатни чиқарди. — Расм қани? — деди.

Ичим ўтиб кетди, қалтирай-қалтирай папкадаги китоб ичидаги расмни олиб бердим. Чол уни юлқиб олди-да, мендан кўз узмаган қўйи хат билан қўшиб тилка-пора қилиб ташлади.

Сўнг уни майда-чуйда қилиб чанг йўлга сочиб юборди. У ҳамон билагимдан сиқиб ушлаб турарди. Юзини юзимга яқин олиб келди. Кўзлари чақнаб кўкимтир тус олди. Соқолларига нимадир майда нарсалар ёпишиб турарди. Бурнимга унинг оғзидан қўланса бир ҳид урилди.

— Қисиб юр, бўлмаса қамоқда чиритаман!

Шундай деб, у суякдангина иборат қўлини била-

гимдан бўшатди. Уни шапалоққа мўлжал қилиб орқасига тислантирди. Йўқ, хайрият, урмади. Аммо эшонам чиқиб кетди.

Бир-икки кунгача қилаётган ишимни ҳам билмай юрдим. Кўз олдимда унинг кўкимтир кўзи ялтираб турар, ҳадеб юзимга қўланса ҳидли нафаси уриларди.

Ҳаммасиям майлику-я, у мени севишганга чиқариб бобом, отам, онам, акам, янгам ва амакиларим олдида шарманда қилса-чи? Ёки элдан бурун айтган бўлса-чи?

Шу кунларда чол бизникида ётмади. Қаердалиги номаълум. Бобом ҳам кун бўйи пастдаги олмазор чорбоғ остида ўт ўради. Тушда қизил белбоғида бир белбоғ чучук олма олиб келади. Бу олмаларни бобомнинг ўзи эккан. Сап-сарик, олтиндай ялтиллаб турибди бу олмалар — жуда серсув, карсиллайди. Ўта ширин. Димоқни қитиқлагувчи муаттар ҳиди бор. Олма дарахтлари ёввойидай шохлаб, бўйи ҳам теракникидан баланд бўлиб кетган. Музбулоқдан оқиб келаётган тегирмон ариққа тап-тап олмалар тушади. Тилладай ялтироқ олмалар...

Чолнинг қилиғи ҳеч эсимдан чиқмай қолди. Уни эслаганим заҳоти танамда титроқ тура бошларди. Энди Бибисорани ҳам эслашга чўчийман. Чунки ўша заҳоти шпион чол кўз олдимда гавдаланади.

Кунларнинг бирида Бибисора яна келди. Энди амакимнинг уйига болор кўтаришган, устини ёпишга янтоқ, хашак, хари, ходалар келтириб ҳовлига уйиб ташлашган эди. Уста Омон каттакон пойтешасини олиб у ёғоч билан бу ёғочни жуфтлаб, мослаб кесиш, йўниш билан машғул эди. Бибисора аввал мендан уялиб, ётсираб турди. Кейин беихтиёр поччасининг янги уйини кўргиси келдими, том олдидаги ёғочларни айланиб ўтиб ичкарига бўйлади. Мен ҳам орқасидан бордим. Шумлигим тутиб орқа ром ўрнидан ичкарига ошиб тушдим-да, унинг рўпарасидан чиқиб «пах» деб кўрқитдим. «Вой ўлмасам, опажон!» — дедию дарҳол қизарган юзини рўмоли билан бекитди. Орқасига тисланатуриб шаҳлога монанд кўзини норози бўлгандай сузди ва «тав-

ба қилдим», деди оҳиста. Туриб қолдим. Бориб «кечирасан» демоқчи бўлдим. Хат ёзиб ҳам чакки қилибман, ўзи келаркан-ку. Ҳар қалай «сени севаман» демовдим-ку. Шпион чол мени йўлдан қайтарди-ку.

Чол шу заҳоти рўпарамда пайдо бўлди. Кўзини ўқдай қадаб чап қўли билан ўнг юзимга чарсиллатиб бир шапалоқ урди. Юзим ёниб кетди ўзиям. Бирпас кўз олдим қоронғулашди. Нимагадир бутун танам қизий бошлади. Гўё айб устида қўлга тушган жиноятчи ҳолида эдим. Оёқ-қўлим қалтирай бошлади. Шапалоқнинг зарбидан эмас, ҳолимнинг забунлигидан хўрлигим келиб хўнграб йиғлаб юбордим. Ўтириб олиб кўп йиғладим. Кўзларим ачишиб кетди. Бориб уйдагиларга айтиб берсам-чи? Отам уйда йўқ, акамнинг бу одамга кучи етмайди. Бобомга айтсаммикан? Бобом «гўдакни нега урдинг, эй, от тепкур», дейди. Хезланиб келади. Урмоқчи бўлади, шунда чол мени айблаб қолса-чи? Бировнинг қизига кўз олайтиряпти, хат ёзаяпти, деса-чи. Бундан ортиқ уят, алам қиладиган жойи борми тагин? Моторхонани томоша қиладиган бахмал қирга чиқиб, узала тушиб ўзимни босиб олмоқчи эдим. Қирга чиқдим. Агрофда ҳеч ким йўқ. Тавба, бўкириб йиғласанг ҳам биров нима бўлди, деб сўрамайди-я. Узала тушиб олдим, энди йиғлагим келмаётган эди. Чаккам ҳалиям қизиб, жонсиздай бўлиб турибди. Теваракка қарасам, ўнг кўзим жимир-жимир қилади, қовоғим халтадай осилганга ўхшайди. Туриб, ҳайрон бўлиб, узоқларга, Оқзов томонларга қарадим. Бир қора одам кетаётгандай туюлди. Ўнг кўзимни бармоқларим билан беркитиб, чап кўзимда қарадим. Чол елкаси бир оз букчайган кўйи шувоқ, буталар оралаб бир маромда кетиб борарди. Қозонбулоқ, Токли, Қизилолма, Кийикли, Оқзов, Парандоз, Бешбармоқ, ўҳ-ўҳ, ундан нарисиди яна юртлар бормикан ё дунёнинг охири ўша ерлармикан? Менинг бола назаримда ер шарининг охирги чегараси кўриниб-кўринмаётган ўша кўкимтир тоғлар эди.

Анови менинг кўнглимни вайрон қилган, ёруғ ха-

ёллар суришга, шахлоқўз Бибисора билан суҳбат қуришимга, хат ёзишимга монелик қилувчи, мудом қўл кўтариб йўлимни тўсиб қўрқитувчи қора плашли шпион, сўхтаси совуқ чол ўша тоғлар чўққисидан йиқилиб ўлсин, Парандоз чўққидан қулаб кетсин, гўшти парча-парча бўлсин, қузғун, калхатлар есин!

\* \* \*

Кечқурун молайиришдан сигир, таналарни айириб қайтдим. Онам нега бунча шишиб кетгансан, биров урдими, деб тергади. Ҳеч нарса бўлгани йўқ, бетимга чўп тегди, дедим. Онам юзимни ушлаб кўрди, ким урган бўлсаям илоё қўли синсин, деди. Ҳеч ким урмади, десам ҳам, бармоғининг излари турибди-ку, деди. Барибир айтмадим.

Ётарда онам ҳар куни эртақ айтар эди.

Бу гал эртақдан сўнг ухламай, анови шпион чол яна бизникига келадими, деб сўрадим.

— Бу Азроилдай сўрамай келадиган чол, — деди онам. — Чолни келган куниёқ таниганман. Урушдан кейинги ўроқ-машоқ йили у Саритой тоғамни ўроқ билан сўйиб кетган.

— Нега сўяди?

— Негалигини ҳеч ким билмайди. Бу одам мактабда дарс берар эди. Саритой тоғам саводли эди. Райондан газет, китоб опкелиб ўқир эди. Бир куни ёз пайти тоғам уйининг олдидаги супада газет ўқиб ўтирса бу одам ўроқ кўтариб келиб қолган. Келинг маллим, деб ўрнидан тураётса, ўроқни бир силтаб қорнига тиқиб тортиб юборган. Тоғам ичак-чавоғи осилиб қолиб кетган. Қизлари, бизлар, янгам чувлаб қолаберганмиз. Бу совуқбашара плашини ечиб, майкачан бўлиб олиб тоққа қараб қочган.

— Ҳеч ким ўч олмадими?

— Билмадим. Биров дарагини тополмаган бўлса керак. Бизлар ёш эдик-да.

\* \* \*

Шу бўйи чол қишлоқда қорасини кўрсатмади. Мен



ҳам энди Бибисорага хат ёзмадим. Энди ўйлар эдим-ки, унга хат ёзсам ёки учрашсам чол бир ёқдан қора калхатдай учиб келади. Йўлимни тўсади.

Балки энди ўроқ кўтариб келар...

\* \* \*

Ёз ўтди. Янгамнинг бўйида бор эмиш. Унинг оқиш-сарикдан келган юзлари қизариб, тўлишди. Семирди. Билак ва кўкраклари бўлиқ бўлди. Оёқлари ҳам.

Янгам ойдаи эди. Ойдек тўлин эди.

\* \* \*

Қишга бориб туғди. Бир бўлимли ўғил туққан эмиш: новча, кўзлари кўкиш. Кимгаям ўхшарди, амакимгада: полвон бўлса, кўзи кўк эмас, маллатоб. Лекин ҳазилнинг уйини кўйдиради. Онаси билан ҳам сенсирашиб, туртишиб, жўрттага уришиб кетаверади. Бунда хотин бўлса балиқдай. Қишлоқнинг азобли меҳнатидан чўчимайди. Қайтамга кундай, ойдаи очилаверади.

Менинг дунёда ягона янгам!

Амаким у билан қандай бахтли!

\* \* \*

Мен бир оз улғайдим. Пионер бўлдим, сўнг комсомолга яқинлашдим. Бибисора ҳам бўй етган қизлардай очилди. Энди биз бир-биримизга бошқача қарай бошладик. Бу бошқача туйғу эди. Биз гўдак эмасдик, бир-биримизни сизлардик.

Янгам бир этак бола туғиб ташлади. Ҳаммаси ўғил. Ҳаммаси оппоқ, полвон болакайлар. Фақат каттаси новча, ориқ, қора ва кўк кўз. Бошқанинг боласидай ажралиб туради.

Янгам энди турмуш ташвишларига кўмилди. Шаддодлиги ҳам сусайди. Биз билан аввалгидай ҳазиллашиб ўтиришга вақти ҳам йўқ эди. Балки хоҳиши ҳам йўқдир. Аммо синглиси Бибисорани менга оберишга ваъда қилган. Бибисора эса янгамнинг аввалги кўринишига ўхшаб тобора бўй етар, тобора гўзаллашиб борарди. Аммо биз энди бир-биримизга аввалгидек

болаларча тирғалишдан ийманар эдик. Янгамнинг икки оғиз ваъдаси худди бизни унаштириб қўйгандек эди. Чунки бизни таниганлар аллақачон ошиқмаъшукқа чиқариб улгурган, гап-сўз қилиб юборишганди. Шу боис унга хат ёзмаётган бўлсам ҳам ҳар куни ёзаётган, кўришмасам ҳам ҳар куни пана-пастқамларда учрашаётган, кучоқлашаётган ва бўса... олаётган эдим.

Бироқ унга айтар сўзларим кўп. Чегачи чолни у ҳали билмайди. Бу сирли одам ҳақида гапиргим келади. Чол эса шу бўйи гумдон бўлди. Қанийди зовдан тушиб кетган бўлса.

\* \* \*

Бир замонлар, тоғ ортидаги тожиклар билан бизнинг қишлоқдагилар борди-келди қилмасларидан бурун ўша ёқлик овчилар тонг чоғи Парандоз тоғ чўққисида ялтираган қора нарсани кўриб қолишибди. Ўшшайиб катта сойга туртиб чиққан чўққи учиди телпакдан каттароқ бир нарса тонг шафағида живир-живир товланар эмиш. Бири— ёмби, тоза олтин бўлаги деса, бири — тош шираси — мўмиё, кийик ҳам етолмайдиган қояда қотиб туриб қолган, ёзда у эриб, сойга томчилаганда кийик, олқорлар сой тошлари устидан уни ялаб ейдилар. Чунки умр бўйи тоғ-тошда сакраб ҳаёт кечирувчи бу беозор жониворлар кўпинча оёғи, суягини тошга уриб лат ейди, синади. Савқи табиий равишда шу мўмиё малҳам эканини биладилар ва талпиниб ундан ризқланадилар, шундай қилиб ўзларининг жароҳатига ўзлари малҳам қўядилар. Ўқ тегиб ярадор бўлса ҳам қочиб қутулиб кетиб, сўнгра тузалиб оёқланиб кетгувчи олқорларнинг соғайиш сабаби ҳам шундан. Буни овчилар яхши билишади. Яраланиб қочдими, демак, энди у мўмиё бор жойга етиб олади, ўша ёқлардан пойлаш лозим дейишади. Ҳушёр жонивор эса ўта ҳид билгич, одам исини ҳам, мўмиё исини ҳам тез пайқайди: энди чўққилар атрофида тагин овчига ўлжа бўлишни хоҳлармиди дейсиз — қочди-кетди-да.

Хуллас, овчилар маслаҳатни бир жойга қўйиб, зовга чўққининг тепа томонидан бир кишининг белига арқон боғлаб туширишни келишиб олишади. Арқонларни бир-бирига боғлаб, Парда исмли бир бўз йигитни тушириб, ўзлари нарёқда арқоннинг бир учини маҳкам тортиб туришади. Йигит чўққининг ёмби ялтираб турган лабига етай деганда шунақа қаттиқ шамол турадики, муаллақ қолган йигит беихтиёр ён томонга сурилиб кетади. Ўз оғирлиги билан босиб турган арқон ҳам сирпанади, шу сирпанишда давом этаверади, қоянинг қиррали тошлари арқонни кесиб кетади, бора-бора у енгил ипларда илиниб қолади ҳамда қоянинг бир четига етганда чарс узиладию йигит пастга қараб вой-ҳойлаганча қулайди. Пастга, боя улар маслаҳат қилган жойга Парданинг бир неча бурда гўшти ва кийимларининг бир парчасигина учиб тушади. Қолган тана қисми Парандознинг арра тишидай чўққиларида осилиб қолиб кетади. Шундан бери у ёққа кишилар кўп ҳам талпинмай қўйишган. Ёмбини ёки мўмиёни кўрадилар, тамшанадилар, аммо у беозор тоғ жониворининг дахлсиз ризқи эканига иқрор бўладилар.

Бир бўз йигитнинг бевақт ажали уларнинг очкўзлигига барҳам берган бўлса ажабмас. Айтиб бўлмайди: вақт-замони келиб бир уддабурон учар бу чўққиларга вертолётда келиб ҳамла қилиши ҳам мумкин-да. Ахир техника тараққиёти нималарга олиб келмаяпти.

Мана, неча йил ўтди, чегачи чол ўша ёқларга кетди, даф бўлди. Бироқ ўсиқ қошлари ва юзидаги баттар қора мўйлари орасидан ўқдай қадалиб боқувчи кўк кўзлари ҳамон эсимга тушади, туйқус сесканиб кетаман. У менинг болалик туйғуларимнинг йўлини кесиб чиқди, гўё сен бола эмассан, ўйнаб-кулишга ҳаққинг йўқ, дегандай бўлди.

Бу дунёси унча ҳам кенг эмас экан.

Ўша чўққи, Парандоз — дунёнинг бир чеккаси. Чол эса чўққидан ошиб нарига кетган. Қани эди у чиндан ҳам ер шарининг охирги чегараси бўлсаю, чўққидан нарёққа овчи йигитдай парча-парча бўлиб тушиб кетган бўлса...

Еттинчи синфга ўтаётганимда биз турган жойлар торлик қилиб, пастдаги қишлоққа кўчиб тушдик. Мактаб олислигини ҳисобга олмаганда бу ерлар кенг, яйлов кўп, сербулоқ — сув ҳам етарли, ҳаммадан ҳам мол боқиб кун кўрувчи отамга ўнғай эди. Мактабдан келгач, биз бемалол отамга ёрдамчилик қила олардик. Энг муҳими, биз Бибисоранинг қишлоғига яқин жойга кўчгандик. Бир уй, бир даҳлиз қурдик. Саккизинчи синфга ўтганимда тагин бир уй ва ғаллахона, молхона солдик. Кейинги йил каникулда ўтинхона ва яна бир уй қурсак, эл қатори яшай бошлаймиз, ҳеч ким бизни камбағал демайди.

Физкультурадан бизга тарих ўқитувчимиз, отамнинг ошнаси Сайпи муаллим дарс ўтарди. У ҳар баҳорда сел ювиб кетувчи сайҳонликдаги стадион деб аталувчи майдончамизда олтмиш метрга пойга югуртириш-нигина биларди. Мактабимиз футбол, волейбол тугул бир турникка ҳам ёлчимаган эди. Югуришга ўнғай жой ҳам умумий машина йўли, ҳар замон патирлаб бирор трактор ёки мотоцикл чангитиб ўтиб қоларди. Тракторни эса то кўздан пана бўлгунча қувиб борамиз, ичимиздан бирда-ярим шўтанокларимиз тележкасига осилиб олар, тракторчи пайқаб қолиб, тракторини тўхтатиб сўкиб туширгунча тушмас эдик. Тушгандан кейин ҳам қўймай тележкасига тош отиб қарсиллатиб урар эдик. Нима зарил экан — ҳайронман. Шўхликми-кан ё техника камлигидан ҳавасакмикан? Тавба.

Хуллас, Сайпи муаллим қадами билан ҳоппойлаб олтмиш ҳоппой санаб, у бошигаям, бу бошигаям ялпоқ қайроқтош билан ўйиб бир чизиқ тортарди. Команда беришдан олдин уқтирарди: «Бошинг етсин, кетинг қайтсин! Тушундингми?» Албатта, бу гапни қиз болаларга айтарди. Қиз шўрликлар рўмоли ечилиб, калишини пойи тушиб қолиб, сўнг имиллаб орқасига қайтиб, рўмолини бошқатдан пешонасига танғиб ўраб, отилиб кетган калиш пойини топиб, учи йиртиқ пайпоғини қўли билан қоқиб, артиб, кейин пойабзалини кийиб, устидан кулган ўғил болаларни қарғай-

қарғай бемалол юриб келарди. Муаллим барибир уларга «4» ва «5» баҳо қўйиб нарига ҳайдаб юборарди-да, сўнг ўрнига ўгил болаларни сафга тизарди.

Бу сафар ўн икки нафар ўқувчига худди бир болага уқтиргандек команда берарди: «Қара, ҳой бола, бу чизиқ и нариги чизиқ, ораси олтмиш метр, старт берилади — учасан, нариги чизиққа бошинг етсин, кетинг қайтсин. Бутун дунё спортида шу қоида — қаерга борсанг боравер. Биров бир нарса деса — номаъқулнинг нонини жепти! Хўпми, ҳаммага тушунарли, а? Кетдик: Внимание! На старт! Марш!»

Ичимизда биргина Зойир «4» баҳо оларди. Қолганларники — «беш». Чунки унинг қишин-ёзин киядиган кетаси тамом айрилиб кетган, тез югурганда оёғининг остига қайрилиб тушиб суриниб кетар, югурганда ҳам пойабзалининг ичига ҳаво кириб «ҳап-ҳап-ҳап» этган товуш чиқарар, биз бу товуш қаерингдан чиқяпти, деб қотиб кулардик.

Абдураим билан Ражаб бу ташвишдан холи эди. Чунки улар қишда ҳам бир нарса киймасдилар, бемалол ялангоёқ қор, лой кечиб келаверишарди. Чамаси камбағалчилик ё отасининг зиқналиги устун келиб, оёқлар туёққа айланиб бўлганди, валлоҳу аълам.

\* \* \*

Шаҳардан бир Фахриддин деган физкультура ўқитувчиси келдию бу юмушларга барҳам берилди: «туёқдорлар» қандай кўринишда бўлса-да пойабзал киядиган бўлди — совет ўқувчисининг қишда ялангоёқ ўқишга келиши кодексга мувофиқ эмас. Иккинчи янгилик — Сайпи муаллим жисмоний тарбия дарсидан озод этилиб, ўзининг тарихчилигига куни қолди.

Қорачадан келган, хушбичим бу физкультурачи инсон ўта қаттиққўл эди. Берилган вазифани бажаролмасанг жазоларди. Масалан, темирдай қаттиқ қўли билан билагиндан маҳкам қисиб ўзига тортиб кўзини тик қадаб тураверарди. Темир қўли билакни ўйиб кетарди. Иккинчи жазоси — бош кийимни ечтириб қўйиб, бошқа бармоғини иккинчи қўли бармоғига тираб ту-

риб рогатка қилиб уриш эди. Ұйлашимча, бошга гурзи тушса, бундан кўра енгилроқ бўларди, чунки унинг бармоғи оддий бармоқ эмас, мундайроқ болтга ўхшаб тегарди ва ўша заҳоти шишиб чиқарди. Қизларни эса иягидан қўли билан кўтариб, ўзига қаратиб оларди, иягига бармоғини тираб кўзини чақчайтириб тураверса — шунинг ўзи оғир гап эди, биринчидан, қизнинг нозик ияги кўкариб чиқади — оғриқ ҳам борда, иккинчидан, нигоҳ масаласи анча ваҳимали эди — кўзига кўзи тушгач беихтиёр хўнграб йиғлаб юборарди.

Аммо мактабимизда кўп ўзгаришлар бўлди. Ҳозирнинг кучимиз билан волейбол майдончаси қурдик: сой тошларини териб майдонни тозаладик, иккита устунга ер ковлаб ўрнатдик, тўр тортдик, майдон четига майда тошлар териб чиқдик. Бир чеккага турник ўрнатдик.

Баъзан кечки пайтларда шу тор майдонда футбол ҳам ўйнардик. Бироқ тўп ҳадеганда сойга тушиб кетар, тошқин сой уни оқизиб кетарди. Икки бола югуриб, унинг ортидан қувар, хода билан уриб сувдан ташқарига чиқаролмагач, бир чақирим пастдаги тегирмоннинг ёнидаги қисилчангдан сув кечиб тутиб келишарди. Бунгача футболчиларимиз коптокни сувга тепиб юборган бўлғуси чемпионни сўкиш билан андармон бўлиб турар, у бўлса ўзини оқлаш учун бошқани айбдор қилиб бақириб ётарди. Бу тор майдонда «аут» қилмасликнинг эса сира иложи йўқ эди.

Нима бўлганда ҳам Фахриддин муаллимнинг турник ўрнатиш сиёсатини ижобий баҳолаш мумкин эди, сабаби, биз ўғил болалар турникда тортиниш у ёқда турсин, чирпирак бўлиб айланиш машқини ҳам ўзлаштириб олдик. Дарсдан кейин ҳам галма-галдан турникка осилганимиз осилган эди. Домла бу юмушга қизларни ҳам сафарбар этиб улгурди. Табиийки, умрида бир нарсага осилиб кўрмаган қизлар турникка яқинлашгиси ҳам келмасди. Домла уларга қатъий команда бериб чақирар, ўзи белидан кўтариб турникка етказиб қўяр ва «тортил» деб зўрлар эди.

Бу ишларга қизлар қарши эди. Ҳатто ота-оналар, баъзан муаллимлар ҳам аралашиб кўришди. «Қизларимизнинг путини кўтариб гимнастикачи қилмоқчимисан, мактабни битирса эрга тегаети, ўқишгайм, ҳеч жойга бормаиди. Буларни буйтиб шарманда қилма!»

Фахриддин муаллим рус тилидан дарс берувчи Аҳмад муаллимникида ётиб юрарди. Аҳмад муаллим бир куни ўқитувчиларга айтибдики, бу йигит марказдан махсус жўнатилган, совет қишлоқларида спортни ривожлантириш, улар ичидан зўр комсомол-чемпион етиштириб бериш унинг асосий вазифаси, топшириқ билан келган.

Ростдан ҳам мактабимизда хоккейдан бошқа ёт ўйин турларининг ҳаммасини ўргана бошладик. Қизлар ҳам лозимларини ечиб брижа, кета кийишарди, югурганда елпиниб халақит бермаслиги учун дуррача ва рўмолларини ечиб ялангбош бўладиган одатлар чиқаришди.

Қиш ўтса, туман марказида ўтадиган ўқувчилар спартакиадасига ҳам қатнашадиган бўлдик.

Қишда синфхоналарда дарс ўтиларди. Волейбол, футбол, гандбол, баскетбол ва бошқа спорт турларининг қоидаси, назарияси ўқитилар, ёздирилар, ёдлатилар, дафтарлар тўлиб кетарди. Ёзилган қоидаларни ёдлаш керак эди, бўлмаса жазо қаттиқ.

Айни вақтда тош кўтариш, ўтириб туриш, қўлга таяниб гавдада ётиб туриш каби машқлар ҳам синфда бажариларди. Ётиб туриш айниқса қийин эди. Мактаб пол бўлмаганидан парталар ўртасидаги йўлак лой, тупук-шилимиқ жой, шу ерга кафтинг билан таянишинг керак эди, чарчасанг ҳам домла устингда туриб «давай» деяверар, охири қўлинг толиб юзинг, кўкрагинг билан шу булғанч жойга ётиб ҳам қолардинг. Аммо «совет муаллими» бошингда туриб олиб, «двадцать один, давай, ещё четыре раза» деб бақираверарди.

Аҳмад муаллимнинг уйига икки хотин ва бир чол жанжал кўтариб борибди: қизларимизни тинч қўядими бу ё қишлоқдан изини қуритайликми?.. Муаллим яна ўртага тушибди: бу ўзи яхши йигит, нияти яхши,

хукумат боводан шундай-шундай топшириқлар олиб келган, қишлоғимизнинг номини Совет Иттифоқиға кўрсатмоқчи. Яна бир янгиликни сизлар билмас экансизлар, айтиб қўяй: бола асли қишлоғимизга жиян экан. Саритой бобонинг ҳалиги бурун қочиб кетган аёли бор-ку, ўшанинг ўғли эмиш. Момой уч йил олдин ўлипти, боласигаям тоғаларингни топ, деб васият қипти. Бу, энди, тоғаларининг ичида бир оз эркалик қилса, кечиринглар-да. Педагог ўғил-қизларингизни тарбиялаб одам қилиши керак. Қизиқ экансизлар. Мана, бизга ўхшаб мундайроқ ўқитса, болалар русчани ўрганмаса майли, қаттиқ турганнинг энасини Учқўрғондан кўрсатиш керак экан-да, а? Бундай бўлмайди-да, қўйинглар энди...

Одамлар қариндошлик туйғулари билан бир оз юмшаб, шунда ҳам қизларимизни путини кўтариб турникка осилтирмасин, дея шарт қўйиб ортга қайтишибди.

Бироқ Фахриддин муаллим барибир шаштидан қайтгани йўқ. Айниқса, у мен билан ўчакишади. Ерга қўл билан таяниб туришни бошида эплаёлмасдим. Кейин йигирма, элликтага чиқардим. Бошқалар йигирматага етказга олмаса ҳам менга етмишта қиласан, деди. Етмиштага ҳам етказдим. Барибир у менга илиқ гапирмади. Қишнинг ўртасида у қаердандир йигирма тўрт килолик тош топиб келди. Аввал ўзи кўтариб кўрсатди. Енгил нарсани кўтаргандай уч марта ҳаволатиб кўтарди. Партадошим Абдушукур беихтиёр, «ўхў, маллим, полвон экансиз, нечтага обorasиз?» — деб қолди.

Муаллим қовоғини уйди.

— Йигирмадан ошади, — деб қўйди сўнг тўнғиллагансимон.

Тош ниҳоятда оғир, жойидан қўзғатишнинг ўзи амримаҳол эди. Қиш бўйи ҳадисини олгач, кўпчилигимиз уни уч мартадан ошириб кўтарадиган бўлдик. Мен майиша-майиша йигирмага етказдим. Майишганим менга дакки олиб келарди. Сўнг майишмай ўнг қўлимда ўттизга етказадиган бўлдим. Чап қўлда ўнтадан оширолмасдим. Муаллим шу томонимга ёпишиб



олди. Худди бошқа қиладиган иши йўқдай мен билан ўчакишар, сира бунинг сабабини тушунолмасдим.

Кўклам чиқди. Дарслар ичида энг муҳими физкультура бўлиб қолди. Қизлар ҳам оғир жисмоний машқларга ўрганиб қолишди. Футбол ўйнамас, кураш тушмас, тош кўтармас эдилар, холос, бошқа ҳаммасини бажаришга мажбур эдилар. Баҳордаги туман спартакиадасида биз яхши қатнашдик. Югуришда, узунликка сакрашда камина биринчи ўринни олдим. Футболда ишимиз юришмади, майдон катта, қоидадагидек тўқсон метр, тор жойда ғуж ўйнаб, коптокни сувга тушириб юборишдан чўчиб қисқа масофага тепиб ўрганганимиз панд берди чоғи, ҳеч қайсимиз узоққа тепиб, бир-биримизга оширолмаимиз. Дарвоза ҳам катта, дарвозабонимиз узоқдан келган тўпни ҳам ўтказиб юборди — кичкина дарвозага ўрганиб қолган-да. Учта мактаб билан ўйнаган бўлсак, учовидаям йирик ҳисобда ютқаздик: югурамиз — бефойда. Ҳар гал ўйиндан кейин ҳақимизни оламиз: Фахриддин муаллим бўралатиб ўрисчалаб сўкади. Нима деяпти — тушунмаймиз. Одам бўлмайсизлар, деётган чиқар-да. Янаям айтиб бўлмайди, шаҳар кўрган, ўрисча таълим олган.

Қизларимиз волейболдан учинчи, биз иккинчи ўринни олдик. Биринчини ҳам олардигу, судья уларга очикдан-очик ён босди. Ўқитувчимиз бир оз қизишди, судья билан талашди, фойдаси бўлмагач, тағин биздан ўчини олди — русчалаб бақирди.

Ўнинчи синф қизларидан Лола опа деганимиз ҳам турнирда машқ бажаришдан учинчи ўринни эгаллади. У ҳамма машқларни рисоладагидек бажарди, бироқ формаси йўқлиги, қишлоқча кийингани, ақалли рўмолини ҳам ечмагани унинг очкосини тушириб юборди. Шундоқ ҳам муаллим Лола опани мактаб турнигига белидан ушлаб чиқариб қўйгани, оёқларининг юмшоқ жойларидан ушлаб турнирда айлантиргани, кейин яна кўтариб тушириб қўйиб, ўрисча мақташи гап бўлиб кетган эди.

Кўп ўтмай муаллимнинг Аҳмад аканикидан мактаб қоровули Исрофил бобоникига кўчиб ўтгани бу гап-

сўзларни яна кўпайтирди. Чунки Лола опа — Исрофил бобонинг кенжа қизи. Гарчи мактабда унча аълога ўқимаса ҳам жуда чиройли, дуркун қиз. Унча-мунча аълога ўқийдиган катта йигитлар ҳам унга суқланишар, хатлар ҳам ёзишарди. Айтишларича, у бу синфдошларига парво қилмайди, Тошкентда Ирригация институтида ўқийдиган туман марказидаги йигит билан аҳд-паймони бор эмиш, қиз мактабни тугатган заҳоти бунга уйланармиш, кейин Лола опани медтехникумда ўқитиб дўхтир қилармиш. Ана орзу, ана бахт! Одамлар ҳали ўқувчилигидаёқ келажак истиқболини таъминлаб кўя оладилар.

Куёв бўлмиш ҳам гоҳо қишлоққа келиб, мактаб атрофида ўралашиб юрармиш. Кеч тушгач Лола опа билан бекитиқча шивирлашиб кетармиш. Тошкентга бориб фавворалар бўйида гулдор кўйлак, клёш шим, узун сочларда ўртоқлари билан тушган, пастига «Тошкент-1974» деб чиройли ёзилган суратини юборармиш.

Фахриддин муаллим Лола опаларникига кўчиб ўтгач, бу миш-мишларнинг шовири камайди. У Лола опага келган хатларни йиртиб ташлармиш, йигитга ёзилган хатлар ҳам етиб бормасмиш.

Ва, кунлар ўтди — Лола опа Фахриддин муаллимни севиб қопти, деган гап чиқди. Ростдан ҳам муаллим энди физкультура дарсларида Лола опани кўп аяйдиган, аввалгидай мураккаб машқларни бажартирмайдиган бўпти. Ҳар қалай бу гап бекорга эмасдир. Дўппидай қишлоқ, ҳамма бир-бирини билади — сир ётадимми бу ерда?

Мен туман газетасига бўлиб ўтмиш спартакиада ҳамда унда мактабимиз спортчи ёшларининг муваффақиятларини бир-бир санаб, мақола қилиб хатда жўнатиб юбордим. Унда Лола опанинг ҳам моҳир гимнастикачи экани, туманда фахрли учинчи ўрин соҳибаси бўлгани тилга олинган эди.

Тўрт кун ўтиб, мактабда буткул шов-шув кўтарилди, «Жонибекип, ёзувчи бўп кет-э, «Илғор чорвадор»да мақоланг чиқибдими? Югур, Кўниш почтачи ҳали шу ерда, хат тарқатяпти».

Отилиб чиқиб дўконнинг ёнидаги почтачи от боғлайдиган столбага қараб чопдим. Одатдагидек Қўниш ака икки кўзи посилка ва газетага лиқ тўла хуржунини бутини орасига қисганча кирланиб, шўр босиб, ранги унниққан дўпписини кўзигача бостириб терлаган қўйи бир даста хатни эгалари ёки қариндошларига тарқатмоқда. У содда бўлсаям жуда сезгир одам. Узоқдан мени пайқадию хат ўқишдан тўхтади.

— Ўҳ, бўламнинг боласи, молодес. Жўрналис бўлади бу. Бери кел.

Шундай деб, у хуржунидан менга иккита «Илғор чорвадор» газетасини олиб узатди. Яна қайтиб олди-да:

— Мана бу ерда, охирги бет. Ана, «Жонибеков», сенми шу? Ҳа, бўламнинг боласи, яна ёз! — деди ва тагин гувиллаган ўқувчилар қуршовида мактубларни бирин-кетин ўқий кетди.

Мақола газетада бир қарич жойни эгаллаган, бу жуда катта дегани эди. Менинг биринчи мақолам. Чиқадими, чиқмайдими деб ёзиб юборсам, чиқаришибди азаматлар. Илгари «Гулхан» журнаliga икки марта шеър жўнатганимда, улар ҳали пишиқ эмаслиги, кўп ўқиб, ўз устимда ишлашим зарурлиги ҳақида ёзиб жавоб жўнатишганди. Чиройли, рангли қоғоздаги мактуб эди. Негадир шунда ҳам жуда севинганман. Бу гал эса нақ газетанинг ўзида, ҳе йўқ, бе йўқ, босиб чиқаришибди-я. Демак, таниш-билишчилик қилишмас экан, эгасини билмасаям чиқараверишаркан. Қойил!

Сўз, гап тузилиши, сарлавҳа ҳам гарчи ўзимники бўлмаса-да, маъноси ўша-ўша эди.

Кейинги алгебра дарсимизда деярли дарс бўлгани йўқ, ўқитувчи ҳам қизиқиб кетиб, аввал бизнинг мақолани, кейин газетанинг у ёқ-бу ёғини ағдариб обдан синчковлик билан ўқиб чиқди.

— Ҳа, ана, биздан ҳам чиқар экан-а, — деди.

Болалардан дам-бадам газетани тортиб оламан. Ўзим ёзган нарсамни қайта-қайта ўқийман. Ҳарфлар бир-бирига урилиб жимирлашиб кетади. Шунда кўзим ёшланаётганини сезиб қоламан.

Дарс сўнггида синфга директор кириб келди. У мени

турғизиб қўйиб бир оз мақтади. Мактабдан ташқари бўш вақтларида шеър ҳам ёзаркан, мана, районимизнинг газетида шеъри чиқибди, биласизларми бу қандай газет — райком партиянинг газети, у ерда унчамунча нарсани чиқазишмайди, обдан суриштиради — кимнинг боласи, отаси судланганми, қайси мактабда ўқийди, «беш»и кўпми, «тўрт»ими, хулқи, интизоми қандай — бари-барини сўраб, билиб, ундан сўнггина шеърини чиқаришади. Шундай экан, биз бу боланинг хулқи, одоби, ўқиши билан тинмай шуғулланишимиз зарур. Шундай эмасми, домла?

— Шундай-шундай.

— Ўзи сиздики нима предмет?

— Алгебра.

— Ҳа, дарвоқе, алгебра. Бу боланинг ўзлаштириши қандай ўзи?

— Тузук. Масалаларга бир оз кучи етмайди, лекин тарбияласа бўлади.

— Физкультураси қандай экан?

— Унисини билмадик, директор бобо. Мана, шеър ёзишиниям сиздан эшитдик. Мақоласини ўқидик.

— Ие, бу мақола дейиладими, шеър эмасми?

— Мақола-да бу, домла.

— Майли, бизга барибир. Муҳими — чиқибди. Физкультурасини қандай дедингиз?

— Буниям ўқитувчиси билса керак-да.

— Ҳа-ҳа, билмапмиз, янги маллим ўтса керак-да.

Энди билдик, тўғри-тўғри. Турник қандай, турник? — дея менга ияк қоқди директор.

— Турник яхши, баланд.

Болалар дув кулиб юборишди.

У турникда яхши машқ бажарасанми, деб сўрамоқчи эди, буни билардим. Лекин — саволга яраша жавоб-да.

Директор савод масаласида андак бадхатроқ. Лекин «хулқи яхши» эди. Шунинг учун ва айнан чаласаводлиги учун атайлаб район маориф бўлими мудири келиб тайинлаб кетган уни. Чунки шунгача икки-уч директор қўйилганда нуқул устидан ёзишма бошланиб

кетаверган, бирини иккинчиси, иккинчисини учинчиси ёзиб бадном қилиб, ишдан олдириб ташлайверган. Бу одамнинг довдирлиги, саводсизлиги маорифгаям қўл келган: мана, баттар бўлинглар, дегани бу.

Жонибековнинг мухбирлиги оғизга тушди. Мактабда она тили, адабиёт ўқитувчиларим керилишди: болани биз тарбиялаяпмиз-да, ўқитяпмиз, ёздиряпмиз, иншоларини текшираяпмиз, текшириб «беш»ини қўйиб беряпмиз, натижада мухбирлик даражасига кўтардик. Мана, бутун районга танилди: Дзержинский номли мактабнинг 7 «А» синф ўқувчиси бутун районга таниқлик мухбир.

Камина бир парча информация ёзиб шу алфоз шовшув кўтарибман, мабодо Тошкентдаги бирор газетада мақолам чиқиб кетса, билмадим, нима бўлади. Онам бурун сенга ўхшаган саводи борлар одамларга ариза ёзиб бериб ҳожатини чиқарайди, масалан, Саритой тоғам ўн бир одамни қамоқдан опқоғанман деб айтганини эшитганман. Сен ундан ошиб тушдинг, деди. Бобом ҳам алқади: ёзғич улим, барака топ!

Менинг ёзғичлигим фақат бир кишига — Фахридин муаллимга ёқмади. Мақтов, олқишлар бир оз пасанда бўлгач, у мени мактаб коридорида тўхтатди ва ташқарига опчиқди.

— Ёзибсан, яхши, — деди. — Лекин билиб қўй: бундан бу ёғига Лола опангга тил теккизма, нақ қўлингни синдириб ташлайман.

Фахридин муаллимга сўз бердим. Лола опани ёзаман деб кўзим ҳам учиб тургани йўқ. Лекин бу одам нега ҳадеб мен билан ўчакишади: шунисига қотаман. У туман Наврўз байрамидаги тош кўтариш мусобақасига мени атайлаб қатнаштирмади. Ўзи катгалар ўртасидаги тош кўтаришда қатнашиб ютқазиб келди. Ўқувчилар баҳсида албатта соврин олишим мумкин эди. Боз устига мактабдаги тош кўтаришда ҳам нуқул менга эллиқдан оширсанг, олтмишдан оширсанг баҳо қўяман, деб қийнайверади. Кураш тушишга уқувим йўқлигини билгач, нуқул катта синф болалари билан кураштирадиган бўлди. Тош кўтариб юрганам боис

рақибимнинг белига қўлим етса бас эди, агар у тоғ бўлса ҳам ердан азот кўтариб қулатардим. Мувозанатдан чиқариб чалиш ёки оёқ тираб тўсатдан елкадан ошириб ташлаш усулларини ҳеч қўллай олмасдим.

— Приём ишлатолмайсан, баҳойинг «бир», — дерди у кўзини лўқ қилиб.

Болалар, синфдошларим муаллимнинг адолатсизлигини билишса-да, пичинг қилиб кулишарди. Айниқса, қизлар.

Бир куни муаллимнинг кўзига тик боқдим:

— Илтимос, ўзимнинг баҳомни қўйинг, сизга ўхшаб физкультурачи бўлмоқчи эмасман!

— Шундайми?

— Шундай!

— Унда жаноби олийларининг баҳоси «бир!»

— Қўйинг ўша «бир»ни. Устингиздан районга ариза ёзаман.

— Ундан нарига — Москвага ёз, билдингми? Кимсан ўзи сан: ўқитувчига, азиз устозингга гап қайтара сан! Мана шу шапалоқдан битта тушади — ўласан-қола сан!

Қочишни мўлжаллаб, орқага бир оз тисландим-да:

— Ўқитувчининг ўқувчини уришга ҳаққи йўқ, — дедим.

— Кўрамиз. Сенга ўхшаган бетарбия, мараз, сволочларни кўзини жойига келтириб қўйиш учун қамчи билан савалаш керак!

Шундай деб у мен томон хезланиб, лекин уришни мўлжалламай — қўлини орқага қилиб келди-да:

— Тупурдим сенгаям, уруғ-аймоғинггаям, — деди башарасини жийириб.

Уруғ-аймоғим бунга нима ёмонлик қилган экан — тушунмадим. Буни ўйлаб ҳам ўтирмай шартта директорнинг хонасига кирдим.

Директор «Прима» сигаретини бурқситганча нималарнингдир чўтини ташлаб ўтирарди.

— Маллим, — дедим ҳовлиқиб, — мен бу мактабда ўқимайман. Бошқа мактабга ўтаман, рухсат берасизми, йўқми — эртадан бошлаб келмайман.

Директор:

— И, — деди-да, қотди-қолди.

— Ариза ёз десангиз ёзаман.

— И, — деди яна бир марта директор.

— Фахриддин маллим мени қўймаяпти. Энди ўқимайман бу ерда.

— Жонибеков санми? — деди директор бир оз ўзига келиб.— Ҳа, жўра, нима гап, бунча пишқирасан?

— Физкультура маллим қийнаяпти. Ўқимайман бу ерда.

— Сен бир нарсани тушун: уни ҳукумат бово, яъни-ким партия жўнатган — шу ернинг аҳолисини ҳаммасини таълим-тарбия қилиб, муносиб совет кадри чиқарасан деб. Бундай деганинг нимаси — гўргаям бормайсан.

— Унда районга ёзаман, — дедим тап тортмай.

— И, — деди-да, яна қотди директор.

Турди, турди-да, папирোসини охиригача симириб бичогини ерга ташлаб, ости қалин боғичли ботинкаси билан обдан эзфилади.

— Жонибекипсан-а сен? Биладан, ёзишни эплайсан. Сен бизга кераксан. Лекин у ўқитувчи билан ўйнашма: тайинланган кадр.

— Бўлмаса айтиб қўйинг, мени қийнамасин.

— И, — деди директор. — Марказдан, — дея бармоғини осмонга нуқиди, — ҳа, марказдан келган етук домуллога бир нарса деб бўладими? Қизиқ бола экансан-ку, жўра.

Шартта чиқдим-да, синфдан папкамни олиб қўлтигимга қисиб уйга кетдим. Ҳеч кимга айтмай икки варақ дафтар қоғозига физкультура ўқитувчиси Фахриддин Қурбонов устидан шикоят ёздим. Районга. Кечқурун почтачи Қўниш аканинг уйига бориб, бир конверт сотиб олдим устидаги адресини ўзига ёздириб қўлига тутқаздим.

Директорга ҳам энди бу мактабда ўқимайман, деган мазмунда ариза бердим. Домла одатдагидай «и» ҳарфига урғу бериб қотиб қолаверди. Қайтиб мактабга бормадим.

Уч кун ўтдим, тўрт кунми, директор мени, ота-онамни чақиртирибди. Отамнинг қўли тегмаганидан эшакка миндириб онамни олиб бордим. Ўқитувчилар хонасида синф раҳбарим Улаш ака, завуч Ҳотам муаллим, директор ва директорнинг ёнида физкультура домлам мунғайиб ўтиришибди.

— Чеча, — дея гап бошлади директор, — бу болангиз бизда тузуккина ўқиётиб эди, кейинги вақтда айниди. Газетада шеъри чиқди — айниди-қолди. Бу укамиз Пахриддин шаҳардан келган. Олий маълумотли. Гандболми ё волейболданми, а, — дея физкультурачига қаради директор, — ҳа, гандболдан чемпион бўлиб медаль олган полвонлардан ўзи. Бизга керак одам. Ўғил-қизларимиздан спортчи чиқараман, деб жон куйдирипти. Улингиз, манови бўлса шундай катта домулла билан тирашади. Ай, ким қўйибди тирашишни бунга, китобини ўқисин, одам бўлсин.

Онам менга мўлтираб қаради. Жуда хафа эди. Бечорани мажлисга чақиришнинг ўзиёқ уни тамом қилганди.

— Маллимжон, кечиринг, мен буни уришиб қўяман, — дея олди зўрға.

Йўлда онам билан шунга келишган эдик. Бошқа гап гапириб ўтирманг, дегандим.

— Масала ҳал, — деди директор, — ота-она буни тарбия қилолмаган, биз эпини қилолмадик, улингиз ҳайдалади мактабдан. Қаерга борса бориб ўқийверсин.

— Ўзи нима қилди болам? — дейишга журъат қилди онам. — Айтинг-чи, нима қилди, қаерга бориб ўқисин?! — шундай дея онам бечора юм-юм йиғлайверди.

— Йиғламанг, — дедим онамга. — Қайтанга яхши бўлди. Жумабозорнинг мактабига бориб ўқийман. У ерда ўқитувчилар яхши ўқитади экан. Ҳаммаси олий маълумотли. Мактабни битирганларнинг ҳам ҳаммаси ўқишга кирар экан. Йиғлашингизга арзимамайди. Жумабозорнинг мактаби энди бизга яқин-ку. Ҳечам йиғламанг, кетдик.

Йўлда онам йиғлай-йиғлай менга арз қилиб кетди:



— Шу жаллоднинг боласиминан қасдлашасанми? Отаси Саритой тоғамни сўйиб қочган, уч кундан кейин Гулой чечамни отга ўнгариб опқочиб кетган бўлса, Гулойдан туғилган бу бола тагин келиб қишлоқда билган номаъқулчилигини қилиб юрган бўлса, бандаси буларминан тенг келолмайди, болам. Нега сен қасдлашдинг?

— Мен ҳали унинг ковушини тўғирлаб қўяман, — дедим негадир. Аммо отасининг қилган ишларидан кўрқиб, титроқ босди.

— Сени бир нарса қилиб қўяди, шунисидан кўрқаман.

— Нурмат, Шермат тоғалар Саритой тоғанинг болалари-ку. Шулар ўч олса бўлади-ку.

— Қўй уларни. Мурғак гўдакка ўхшайди.

— Ана холос. Бу дунёда қотил бўлиш керак экан-ку. Кўрасиз, ҳали совет ҳукумати бундайларни жазолайди. Бугун-эрта жазолайди.

Уйда бобом ҳам мени койиди.

— Буларминан тенг бўламан дея кўрма. Қўли қон, болам. Сенга зиёни тегади. Бизнинг қўлимиздан нима келади? Худо кўрсатмасин, отаси қилган қилиқларни қилса бутун юртни ҳаромга ботиради.

— Мен унинг устидан ёзганман. Ҳадемай комиссия келиб текширади.

Уйда бобом ҳам мени койиди.

— И, — деди бобом директорга ўхшаб. — Тинч юр, ёзма буни, нега Азроилга тегишасан, жоним болам. Бекор қипсан, энди ҳаммамизни хонавайрон қилади.

— Партия бундайларни жазолайди, — дедим ишонч билан.

— Партиянг — Ленинми?

— Ленин ўлган, партия қолган. Райком, обкомларни партия дейди. Ўша партиялар буни жазолайди.

Бобомни партияга ишонтирдим.

\* \* \*

Мактабни комиссия босди. Мен шикоятда Фахридин муаллимни ахлоқан бузуқ, ўз ўқувчиси Лола Ис-

рофилова билан бузуқ ишларни амалга оширган, деб ҳам ёзган эдим. Иккита мелиса ҳам кепти. Улар муаллимдан тушунтириш хати опти. Лола опа мен муаллимни севаман, депти. Бироқ отаси мен кўп нарсани билиб юрипман, қўрқиб индамаётувдим, депти. Лола опанинг онаси келиб қизининг ҳомиладорлигини айтибди. Бу жуда катта гап бўлиб кетди. Боз устига мелисани кўриб ҳимоячи топилганидан бошқа ота-оналар ҳам менинг боламниям урар экан, деб ёзиб беришибди.

Бўлди тўполон, бўлди тўполон.

Аканг қарағай жиноятчидан қаҳрамонга айландим. Муаллимни мелиса опкетадиган бўлди. Мен ҳам шу атрофда голибона айланишиб юрар эдим. Почтачи Қўниш ака келиб мени сўрабди. Бордим. Бир каптанса тутқазиб қўл қўй, деди. Қўл қўйдим. Қўйнидан олти сўму йигирма тийин чиқариб берди. Газетадан пул келибди. Гонорар дейишаркан буни.

— Менга қара, бўламнинг боласи, — деди у тўсатдан. Қизифар ўттиз йилдан бери хат, пенсия, газет-жўрналларингди ташийман. Биров бир оғиз раҳмат демайди. Сен ёз. Мақта, хўпми? Газетада чиқсин. Мана, беш сўм. Икки винонинг пули-да. Ол. Ош бўлсин. Ҳалол пулим.

Пулни олмаганимга қўймади. Уни олгач нима деб мақташни ўйлаб қолдим.

Почтачининг олдига директор келиб қолди.

— Тоғамнинг боласи, — деди уям менга қараб. — Отасининг отаси тус тоғам-да менинг. Қўниш, бу бола анови ифлосни ёмон боплади-да. Ёмонам боплади. Кутуладиган бўлдиг-э шу мараздан. Тоза жонга тегиб юрувди. Биров бир нарса деёлмайди. Шу қилди ҳамма ишни. Ҳа, молодес, жўра. Ўзинг бўладиган боласан-да. Документларингам қолади. Энди шу мактабда ўқийверасан. Оббо тоғамди ули-я.

Ичимда шайтон қўзғолиб «жиян»га гап қайтардим:

— Муаллим, энди мен сизнинг мактабингизда ўқимайман, Жумабозорга қатнайман, отам директори билан гаплашиб келди.

— Номаякулнинг нонини ебсан. Отанга ўзим айтаман. Бу нимаси, бу ерда ҳаммаси ога-ини, қариндош, бегона жойда пишириб қўйибдими сенга?!

— Барибир у ёқда ўқийман, кўрасиз.

Кўз олдимга Бибисора келди. Балки бир синфда ўқирмиз. Майли, бир синфда ўқимасак ҳам танаффусларда кўришсак, икки оғиз гаплашсак. Жуда бўлмаганда қуралай кўзларини сузиб кулиб ўтиб кетса ҳам майли. Эҳ-ҳ.

Мелисалар Фахриддин муаллимни сайҳонликдаги «Уазик» машинаси томон олиб тушишди. Домла хафа эди, бироқ кўзи ёнарди. Тўдага қўшилиб мен ҳам пастга тушдим. Муаллим машинага минатуриб тўхтади. Менга қаради. Мелисага бир нарса деб шивирлади-да, мен томон юрди. Орқага тисланган эдим, қўрқма, урмайман, деди. Келиб энгашди.

— Чавандоз аканг бор-а, Султон деган? Шерали деган ўғли бор-а? Ўша бизнинг ука бўлади. Тушунсанми бунақа гапларга? Бу қишлоқда бизнинг уруғларимиз бор. Ҳали улар отилиб чиқади. Бизни излаб топади. Янганга, чавандозга тайинлаб қўй, укамизни яхшилаб боқишсин, ўртоқ Жонибеков!

Унинг кўзларидан яшин сачрагандек бўлди.

Машинага чиқаётиб ортига, аниқроғи, менга тагин тикилди. Чамамда бўрининг кўзлари шунақа бўлса керак. Фижиниб «Жонибеков!» деди яна, тишларининг орасидан тупук сачради.

Кетди. Қайтиб қорасини кўрсатмади.

\* \* \*

Янгамнинг энди келин бўлиб тушган чоғларини эслайман: хуркаккина, қалин кўнғир сочлари тўпигини ўпади, юзи оппоқ — сулувларнинг сулуви, кўзларининг оқи оқ, қораси қора — тип-тиниқ, кийимлибослари ҳам — ҳамма нарсаси гўзал, энтикиб сўзлашлари-да бўлакча эди. Менинг гўр ва дағал болалигим янгам туфайлигина маъноларга қоришди. Гўзал инсон, бокира аёл қандай бўлишини янгам тимсолида кўриб, мафтун бўлдим. Янгам мен учун буй кўрсатиб

турган жонли хилқат, битмас-туганмас орзулар ман-баи эди.

Анвойи атирлари бўйи шундоқ димоғимни қитиқлаб ўтди. Аввал шарақлаб, сўнгра энтика-энтика ҳаяжонланиб кулганлари кўз олдимга келди.

Мана бу ифлос, кўланканинг, кўлансанинг фарзанди нималар деяпти? Нимага мени, бизни ҳақорат қиляпти? Шундай дейишга ҳаққи борми ўзи? Бутун бир қишлоқни булганча ботириб кетаверадими? Отасининг қилгани, қилганига яраша жазоланмагани етмагандай боласи ҳам нажасини бегуноҳ болалар, пок қизлар оғзига тиқиб, устидан хоҳлаганча кулиб кетаверсинми?

Наҳот, наҳот менинг Тўлғаной янгамнинг этагига ит теккан бўлса? Итдан баттар қора чол... мараз, яна қандай сўз бор экан, таърифлаб бўлмайди. Наҳотки ўша сассиқ чол учун ҳамманинг эшиги, уйи, ҳатто бокира кучоғи ҳам очиқ бўлса?! Буни тушуниб бўлмайди. Ўғли-чи, ўғли? Нега ундан ҳам ҳамма кўрқади? Шермат, Нурмат тоғамлар нега унинг қорнига ўроқ уриб ёриб ташлашмади? Мана мен — сенинг отангинг қотилининг ўғлиман деб кўкрак кериб ёлғиз келди-ку бу! Ёлғиз ўзи бошқа ишларни ҳам қилди-ку!

Отаси-чи? Отангизнинг жаллодидан, онангизни отга ўнгариб опқочиб кетган ҳам ўзимман. Қаридим, лекин тап тортмай, кўрқмай яна келдим, қани, кўлингдан нима келади, демадими? Бечора, ғурусиз, латтачайнар тоғаларга бу ҳам камми? Номусини, орини ҳимоя қила олмайдими? Мактаб директори-чи? Ўл мундай ялтоқланмай. Аввал Фахриддиннинг товони-ни ўпар эди. Энди у кетар бўлгач, мен тоғасининг ўғлига айланиб қолибман.

Хўш, Фахриддин нима ишлар қилди? Ҳаммаси кўзингизнинг ўнгида содир бўлаётган эди-ку, директор бобо? Ҳаммаси сиз бошқараётган, сиз раҳбар бўлган улуғ даргоҳ ичида бўлди-ку. Исрофил бобо сизнинг ишчингиз эмасми? Қизи Лола опанинг кимдан кам жойи бор эди — у сизнинг ўқувчингиз, керак бўлса, бир мард эркакнинг бахтини очадиган гулдай қиз эди-

ку. Ёки мен кимман? Ўгаймидим? Ит, тўнғиз ғажи-  
ганда думоғингиз чоғ бўлиб қараб турасиз, қўл қовуш-  
тирасиз. Энди дунё ўзгариб ит ҳайдалса, тоғам дей-  
сиз?

Энди мени бу мактабда арқон билан ҳам боғлаб  
ушлаб тура олмайсиз. Елкамнинг чуқури кўрсин! Жу-  
мабозорга бориб ўқийман, Жумабозорга! У ерда қан-  
дай муаллимлар борлигини биласизми: маданиятли,  
билимли, муҳими — ғурурли! Яна бир зот бор у ерда.  
Буни сизга айтиб ўтирмайман. Айтганимда ҳам тушун-  
майсиз. Умуман, тушунишгаям арзимайсиз, домла!

\* \* \*

Уч кун ўтиб, ҳали мактабдан ҳужжатларимни ҳам  
олиб улгурмаган эдим, Бибисорадан мактуб келди.

«Салом Жаҳонгир! Соғликларингиз яхшими? Ўқиш-  
лар қалай? Биламан, «беш»га ўқийсиз.

Хат ҳам ёзмайсиз. Жуда бўлмаса 8 мартда табрик-  
лаб турардингиз. Аразмисиз? Майли, ўпкаламайин,  
ўпкалашга ҳаққим ҳам йўқ.

Бизлардан сўрасангиз, яхши. Ўқишлар ҳам ёмон  
эмас. Фанлар анча мураккаблашиб кетди. Ўқитувчилар  
талабчан.

Отам тўрт ойдан бери касал. Дўхтирлар инсульт де-  
йишди. Қон босимидан бўлармиш. Қимирламай ётади.  
Акам армияда. Укам жуда дангаса. Дарс тайёрламайди.  
Онам балнисанинг ошпазлигидан бўшамайди. Кеч ке-  
лади. Отамга ўзим қараб ўтирибман.

Баъзан сиқиламан. Сизни ҳам ўйлайман, нима қила-  
ётган бўлса деб.

Тепа қишлоққаям бориб турибсизми? Тўлғаной  
янгангизни яхши кўрардингиз. Ҳазиллашиб юрганла-  
рингиз эсимга тушяпти. Кўриб турибсизми? Отам ётиб  
қолгандан бери бир мартагина келди. Болалари кўпайиб  
қўли тегмай қолгандир-да. Бироқ поччам ҳар замонда  
келиб туради. Катта ўғли — кўк кўз жиян роса тўпо-  
лончи эмиш. Кўрсангиз, менинг номимдан ўпиб  
қўйинг, илтимос. Соғиндим. Тайинлаб ҳам қўйинг: кўп  
тўполон қилмасин, онасини қийнамасин.

Айтмоқчи, сиз мухбир экансиз-а? Билмас эканман. Бугунги «Илғор чорвадор»да Қўниш почтачини мақтаб чиқибсиз. Мен ҳам танийман у одамни. Балнисанинг орқасидаги почтахонага кириб туради.

Аввалроқ ҳам бир мақолангиз чиққан экан. 48-мактаб болалари районда ютиб чиқди, деб ёзибсиз. Кечроқ олиб ўқидим. Физкультура муаллимларингизни ҳам мақтабсиз. Қойил, энди физкультурадан нуқул «беш» олаётган бўлсангиз керак.

Дарвоқе, бизнинг мактабгаям янги физкультура устози келибди. Унинг ҳам исми Фахриддин экан. Шаҳардан келган дейишди... Қора плаш кийиб юрармиш...

Шу билан соғинчилик салом хатим тамом. Хайр. Кўришгунча.

Биби. 19.. й. 14 апрель».

Ичимга ўт тушди: тавба, ўзи биз киммиз, ўзи мен кимман? Мабодо... Худонинг Ўзи асрасин!

Сени соғинаяпман, Бибисора! Илтимос, энди мактабга борма. Бора кўрма...

## ДУНЁ ШУНДОҚ ТУРУРМИ?

Уч кун ўтди. Дили хуфтон бўла бошлади. Шу кунгача у ажаб қилдим, хўб қилдим, деб юрган эди. Аммо кунлар ўтиб ҳаёт бу қадар рутубатли, қоп-қоронғи бўлиб қолишини сира ўйлаб кўрмаган экан.

Ошхонага бориб музлатгични очди. Пиёлада битта чақилган тухум бор экан. Ўшани қовуриб егиси келди. Лекин битта кам-да. Музлатгичнинг декчаларини қарай-қарай тагин битта тухум топиб олди. Икковини қўшиб қовурса, баҳарнав, нонушта дегулик бўлади. Туз топила қолди-ю, аммо ёғ деган исқот қай гўрда экан? Ёғнинг идиши — бакалашка бўшаб қолган. Бошқа идишларга овқатдан ортганини қуйиб қўярмиди хотини, қайси бирига қуйиб қўярди — ҳеч тополмади. Охири бакалашканинг тубидаги беш-ўн томчи ёғни товага ялингандек сирқитиб, иккита тухумни тутатиб, куйдириб амаллаб пишириб еди.

Ўзи тухум дегани тузук овқат. Шу нарсанинг бориға шукр: ошқозонни қийнамайди, юмшоқ, тез ҳазм бўлади. Ошга ўхшаган оғир овқат есанг кун бўйи қорнинг дўмбира бўлиб юради. Айниқса, кечқурунги ош обдан қийнайди кишини. Шаҳарда пайшанба куни дахмаза билан ош дамлаш расм. Тўйиб ухлаганингдан кейин қурмағур хўп қийнайди-да. Кечаси бир уйда бир ўзинг ухласанг экан... Адабиёт газетасининг тунов кунги сониди катта бир шоир наҳор ошни мадҳия қипти. Нима эмиш, ўзбек ўғлонлари тун бўйи хотини билан ошиқмаъшуқ ўйнаб чиқади, шу боис эрталабдан жуда кетади-да ош...

Э, садағанг кетай ҳукумат, шунча кифтини келтириб гап топишганини қаранг. Бундан кейин кечаси ором олиб эрталабдан қаттиқ овқатга тайёр бўлмаган ошқозонни кўпам қийнаманглар, деб кўринг-чи. Умумий одатга айланиб қолган. Ҳар қандай зиёли, катта лавозимли киши ҳам азонлаб нима керак экан-а, дейди-ю, ўзи тўй ё маросим қилса наҳорга мўлжаллаб қўл қовуштириб тураверади. Демак, бу одатни биз истамаганимиз ҳолда аслида хоҳлаб турамиз.

Ширинқул тухумнинг тагидаги ёғларни ҳам нонга суркар экан, дарвоқе, бугун пайшанба-я, деб қўйди. Лекин унга пайшанба, жумаларнинг аҳамияти қолмаган. Уч кундирки, бўйдоқлик аламини тортяпти. Бунчаликка бораман деб ўйламаган эди. Жаҳл чиқса ақл кетади деганлари рост кўринади. Мана энди ҳаммаёқ ҳувиллаб ётибди. Уч хонадан иборат уйининг ҳам ҳайҳотдек эканини кўриб ажабланиб қўйди.

Ваннага кириб пайпоғи, майкасини совунлаб ювди. Қўйлагининг ёқаси ва кир бўлган енгаринигина ювиб қўймоқчи эди, бошқа жойлари ҳам ҳўл бўлганини кўриб тўлиқ ювиб ташлай қолди. Шуюм қийин иш эканми, Мағфиратга қолса бу кирлар ваннада нақд бир ой ётарди. Ҳа, бир ой!..

Бир ой эмас-у, бир ҳафталаб ётарди-да. Негадир шу тобда унинг бир оз кўнгли юмшади. «Бекор «та-лоқ» дебман. Нега айтдим шуни? Шунчаликка бориш шартмиди?!»

Ваннахонадаги усти латта билан ёпилган тоғорани очиб қаради. Бир талай пайпоқлар, ўғлининг ювилмаган иштон-майкалари, Мағфиратнинг ҳам халати ётибди. Алланечук бўлиб кетди. Файрати қўзиб уларниям ювиб-чайиб ташлади. Ўғлининг ахлат-сийдикларидан доғ бўлиб кетган иштонларидан жирканмаганига ўзи-ям ҳайрон қолди. Лекин ҳарчанд уринмасин, бу доғларни кеткиза олмади. Хотини уларни темир тоғорага солиб, порошок қўшиб қайнатармиди, ишқилиб бир нарсалар қиларди-да. Энди-и...

Шунда бирдан кўзига икки яшар ўғли кўриниб кетди. У кўк елим тувакка ўтириб олганча кўзлари қизариб: — Дада, ман титоппан, — деганди кучана туриб. Кучаниб бўлгач, ўрнидан туриб: — Ана, — деган ва бурнини жийириб: — Вақхай, — деганди. Ширинқул ўғлининг қилиғига қота-қота кулган эди. Кулиб-кулиб хотинига буни айтиб берган, тувакни биринчи марта ўзи ҳожатхонага тўкиб, чайиб келган эди.

Энди ўша кунлар жуда ширин. Энди ўша кунлар арзанда. Ўша кунлар жудаям узоқ...

Иссиққа тоби йўқ. Сув иссиқ, ванна иссиқ, бунинг устига кун ҳам иссиқ. Терлаб-тепчиб кетди. Баданидан, қўлтиғидан ҳид таралаётганини сезиб бир чўмилиб олди. Артиниб бўлгач девордаги соатга қаради: ҳали еттиям бўлмапти. Кунлар узун. Ишга боришга эрта. Соат 9 да боришинг кераг-у, аммо эл қатори 10—11 да борсаям ҳеч ким ҳеч нарса демайди. Нашриётларнинг иши ҳозир шунақа: ўзини ўзи боқса бўлди, китоб чиқар, сот, фойдасини кўр, яша. Минбаъд давлатнинг пулига шерик бўлакўрма. Ўз кунингни ўзинг кўр!

Икки йил бурун катталарнинг кўзига яхши кўриниш мақсадида марказий газетада бир мақола чиқарган эди. Нима палакат босдию шу мақола ўзининг зарарига хизмат қилди. Катталардан бири шу мақоладан сиёсий хато топибди. Бу одам замондан орқада эканку, деганмиш. Шундан сўнг бирлашма директори уни чақириб: «Эҳтиёт бўлмайсанми, ким сенга мақола ёз деб эди, энди ишинг масаласи кўрилиши мумкин», деди. Ширинқулнинг аъзойи бадани титраб кетди. Ахир



мақола бошдан-оёқ мақтовдан иборат эди-ку. Баъзи бир шахсий мулоҳазалар ҳам бор эди, холос. Ўшанда бирлашма директори уни чақириб олиб: «Яхши иш қипсан, пусиб юравермай фаолроқ бўлиш керак, бунақа мақолаларни кўпроқ ёз, қўлингдан келади. Мен кейин сизларни қариқиз қилиб ушлаб ўтиравермай ўстирайин, шогирдларим фалон-фалон ишларга кўтарилди, дейин. Тушундинг-а?» — деган эди. Бу гаплар аниқ эсида. Ўшанда Ширинқул директорга фаол бўлишга ваъда берган эди. Устозим менинг қадримга етади, деб қувонганди. Аммо... иш тескарисига кетди.

Шундан икки ҳафта ўтмай директор яна чақириб олиб: «Ука, шу вазифангни топширмасанг бўлмайди чоғи, қўйишмаяпти», — деди. Ширинқул дабдурустдан нима дейишини ҳам билмай қолди. Шалвираб, ичидан зил кетиб турган эди, директор: «Ўзи сан бола, қиличнинг дамига қўл уришни яхши кўраркансан-да, а?» — деди. Ширинқул ялт этиб устозига қаради, «Тушунмаяпман, устоз, ўшанда ўзингиз чақириб, «баракалла, яхши мақола ёзибсан», дегандингиз-ку», — деди юрак ютиб ҳам бир оз қизишиб. Устоз шундай дегани эсидан чиққан эканми ё эслагиси келмадими, ҳар нечук ҳовридан тушмади. Кейин барибир йигит бекорга нобуд бўляпти, деб ачиндими: «Ўринбосаринг ким, анови жипириқми?» — деди. Ширинқул директор кимни назарда тутаётганини англаёлмай қолди. Кейин муддаони тушуниб ерга қараган кўйи: «Жипириқ эмаску», деди. «Жипириқ-да, жипириқ. Бош муҳаррирликни у сендай эплаёлмайди», деди. Шундагина директор, «ҳей, бола, аслида сени ёмон кўрмайман», деган маънода гапираётганини тушунди. Ширинқул директор шундоқ ҳам яхши танийдиган ўринбосари Авазни ортиқча ҳимоя қилиш лозим эмас, деган қарорга келди. Директор шу маънонинг давоми ўлароқ: «Майли, жипириқ бўлмаса жуда яхши. Ўшани сенинг ўрнингга қўйиб турамиз-да, бу гаплар бости-бости бўлгандан сўнг, бир-икки ойдан кейин тагин жой алмашиб оласизлар», деди.

Ширинқул ноилож «хўп» деди. Аммо нега ишлар

бу қадар тескари кетганига дабдурустдан кўниколмагани учун тамом шалвираб қолди. Идорада ҳам ўтиролмамай уйига кетди. Тўйиб-тўйиб ичди. Ишга чиқмай қўйди. Охири бир кун кечаси ўринбосарининг уйига телефон қилиб: «Дўстим, ўзингиз бу ёғига жиловни қўлга оласиз, директорга мен сизни айтдим, бошқа муносиб одам йўқ дедим», — деди. Ва ўтириб аризани ёзди. Хотини телефондаги гапини эшитиб турган экан, «нима гаплар бўляпти ўзи, дадаси, ҳеч бунақа бир ўзингиз ичиб ётмасдингиз-ку?» — деди суйкалиб. «Ҳеч гап йўқ», деди унга сир бой бермай. «Аваз акага нима деганингизниям тушундим, ҳеч бунақа аҳволда кўрмаганман сизни, менга айтинг ҳеч бўлмаса?» — деб туриб олди.

Ширинқул ошхонага ўтди-да, ярим бўшаган шисани олиб икки пиёлага қуйди.

— Ичасанми? — деди хотинига.

— Йўқ, — деди у.

Қараса эри икки пиёлани ҳам бирин-кетин сипқориб юборади.

— Мана буни камайтириб беринг, майли, — деди. Сўнг эри билан чўқиштириб афтини буриштира-буриштира ярим пиёла ароқни ичиб юборди.

Эри бўлган гапларни бирма-бир айтиб берди. Хотини бу иш ноҳақ эканини билиб кимларнидир қарғади, ёзғирди. Лекин ўйламанг, кимдан каммиз, уй, ўғил, қиз, ейиш-ичиш, егулик, пул — ҳаммаси бор, бир кунимиз амаллаб ўтар, деди.

Эр шу гапларни эшитишини биларди. Лекин хотин киши эркакдай ҳамдард бўлолмайди-да. Кўп ўтмай ёрбиродалар, ҳамкасблар, ҳамқишлоқлар — бариси эшитди. Ширинқулга бу гап-сўзлар худди шов-шувдай туюлаверди. Қишлоғида баъзилар, «ўзи кейинги пайтларда жуда керилиб кетувди, тўй-пўйларгаям келмайди, чўнтакда пул, тагида мошин, қўша-қўша уй, қўша-қўша хотин эди, барининг охири бор-ку, мана, Худо урибди энди», дейишгача борибди. Ширинқул бу гаплар кимдан чиқишини билади. Иши юришганда келиб ялтоқланадиган, юришмаганда бир тийинга ҳам ол-

майдиган бир-иккита одамлар бор, ўшалар айтган. Улар нима сабабдан айнан шу гапларни чиқараётганини, эртага яна қандай гаплар тўқиши мумкинлигини ҳам у тахмин қила олади. Майли, қандини урсин, уларга-ям бир кун тегди-да. Жуда қийналиб кетишганди...

\* \* \*

Кейинги уч-тўрт ой ўтиши жуда қийин кечди. Аваз камтар, саводли, инсофли йигит. Уни ўзи зўрлаб кабинетига ўтқазди. Ўзингиз ўтиринг, менга ноқулай дейди у. Сиз ўтиринг, қоида шундай, ҳали ишлар изга тушса балки тағин жой алмашармиз, фақат хизмат машинасидан фойдаланиб турсам бўлди, деди. «Э, ўзингизни машинангиз, ўзингизни шофёрингиз-ку, — деди Аваз. — Бизга ким қўйибди». Бироқ бу ҳол икки ойгина давом этди. Ахир тоқайгача бошлиқ минадиган машинани ўринбосар миниб юради? Авазга бу ёқавермади, кабинетни бердингми, машинани ҳам бер демасаям ходимларга айтибди. Ширинқул улардан эшитди. Аввалига хафаям бўлмади. Кейин бора-бора ҳамма имтиёзлар қўлдан кетди-ку, деган ўй унинг ич-этини ея бошлади. Ўша кунлари фақат хотини ҳамдард бўлди. У кечқурун Мағфиратни ёнига чақирарди-да, бир-икки пиёла ичириб, қолганини ўзи давом эттирарди. Бироқ иш, турмуш ҳақида лом-мим демасди. Иродаси кучли эканига гарчанд ишонса-да, негадир суянгани ароқ бўлиб қолди. У унча-мунча тўйларгаям айтилмас, ўрнига Аваз айтиларди. Аваз ҳам ўз навбатида сиз боринг, деб турарди. Ширинқул, йўқ, сиз айтилгансиз, ўзингиз боринг, дерди. Бир-икки сафар борди ҳам, танишбилиш, ҳамкасблар нима бўлди ўзи, ҳозир қаердасиз, деявергач, уялиб бормайдиган бўлди. Бир сафар ҳатто лавозимда ишлайдиган бир одам ҳамманинг кўз олдида тўйхат тарқатиб, атайлаб Ширинқулни четлаб ўтди. Ширинқулни жуда яхши танирди, бироқ бетинг-кўзинг демай очикчасига айнан фақат уни ташлаб, бошқаларга кўз олдида таклифнома улашгани ғалати бўлди. Алами қўзиди-ю, индамади. Газеталарга бир-икки марта мақола бериб кўрди. Чикмади. Бирлашма

директори ҳам бир мажлисда Ширинқулни тепиб ўтибди. Калласи ишласа, ғояси тўғри бўлса, шундай қилармиди, мана, ишдан олдик, кўчада қолди, дебди. Аммо Ширинқул билан кўришганда, «бир оз шошма, гап-сўзлар босилсин, эсимда турибсан», деб қўярди. Аммо улфатчилик қилишдан ўзини опқочмасди. Ўшанда тагин яқин қолди, деб ваъда берарди.

Ширинқул бу гапларнинг маъносини раҳбарининг кўрқоқлигида деб тушунарди. Ҳақиқатан ҳам шундай эди. Раҳбар ўзини сақлаш учун у ёқни ҳам, бу ёқни ҳам рози қилиши, икковининг олдида ҳам юзи ёруғ бўлишини хоҳларди. Ширинқул ҳам фалон мажлисда каминани ёмонлабсиз, деб ўпкалаб ўтирмади. Устозининг қўли узунлигини билгани учун бир куни барибир ўзи суяйди, деб ўйларди.

Орадан икки йил ўтди ҳамки, бирор ўзгариш бўлмади. Энди Ширинқул вазиятга кўникди, аммо умидини узмади.

Одамзод гарчи тилида ўзини обдан хокисор, бегуноҳ кўрсатса-да, аслида ич-ичдан қадр топишни истайди. Шунинг учун ҳам пастга уриш, ҳақоратларга дош беролмайди. Унинг фитрати шундай тузилган.

Яқин жигарлари ва Мағфиратгина ёстиқдошининг дардини янгиламасликка ҳаракат қилишарди.

Лекин кунлар келиб ўртада уруш чиққанда, Мағфират ҳам барибир юзига солди: «Худо ўзи сизни уриб қўйган!» — деб юборди.

Бу гапни эшитиб Ширинқул манглайдан гурзи егандек ўтириб қолди. Сўнг бу нокаут ҳолатидан ўзини ўнглаб олмоқчидек, секин туриб нариги уйга кириб кетди. «Худо урганини у қаёқдан билади? Бировдан кам қилиб қўйгани йўқ-ку оиласини! Худо уриб нима қилибди, айрилса мансабидан айрилди, яна нима бўлди? Ё бу хотин Оллоҳнинг ҳукмига шерикми: кимни урди, кимни қўллади, билиб турадимми? Мана шу Худо урган эр унияям, болалариниям боқяпти, уйдагиларга фойдаси тегяпти. Қолаверса, Мағфиратнинг акаси бизнес қиламан деганда 500 доллар берувди, уч йилдан бери бир сўм ҳам қайтармади-ку!»

Секин хотинининг олдига қайтиб чиқди-да:

— Сен Худонинг олдидан келган қозимисан? — деди бақириб. — Мени урганини қаердан билдинг?

Бироқ Мағфират ҳам шаштидан тушай демасди. Нималардир деётган эди, эри шартта галини бўлди:

— Акангга айт, Худо урган одамнинг пулини қайтариб берсин!

— Нима, нима дединг? — деди хотини сенсираб, — тилим қисик жойини биласан, а?

— Сенсирама! — деди эр уни уриб юборишдан зўрға ўзини тийиб.

— Сенсирайман, ифлос, бизнинг камбағаллигимизни бетимизга солдинг-а, қарздорсан дединг-а! Дунё шуйтиб тураверамакан?

Хотини шу билан ҳам қараб турмай йиғлаган кўйи унга яқинлашиб кела бошлади.

Уришдан бошқа иложи йўқ эди.

Биринчи қаттиқ шапалоқданоқ хотин энгашиб қолди. Юзини чангаллаб:

— Ўл! — деди. Сўнг бошига устма-уст муштлар тушди. Йиқилди, йиқилгач тепкилар бошланди. Шу билан ҳушидан кетди. Эр бу билан ҳам тинчимасди. Ошхонадан пичоқни олиб келиб сўйиб ташламоқчи бўлди.

— Талоқ! Уч талоқсан! — деди бўғилиб. Лекин бунга қаноат қилмай нимта-нимта қилиб ташламоқчи эди. Боядан бери катта фарзанди унинг оёғига ёпишиб:

— Дада, дадажон! — дея ялиниб юрганини сезмабди.

— Урманг, урманг! — деганини энди эшитди. — Дада, ойим ўлиб қолади!.. — деди қизи ўкраб йиғларкан.

Кичкинаси — ўғли эса онасининг бағрига осилганча чирқирамоқда. Дадасига бегона одамга қарагандай умидсиз тикилиб:

— Ая. Ая! — дерди.

Ширинкул шу зумда фарзандлариниям ёмон кўриб кетди. Тепиб уларни икки ёққа улоқтириб ташлагиси келди. Кўлида пичоқ, почасига қизи тирмашган, хотинига яқинлашиб келганида ўғли кўрққанидан шу

қадар қаттиқ чинқирдики, отаси бир зум тўхтаб ўглига қараб қолди. Ўглининг ранги кўкариб кетган эди. У бир муддат йиғидан тўхтаб ўрнидан турди, отасига бечораларча, норасидаларча, ожизларча термулиб қолди. Қаттиқ қўрққанидан бўлса керак, сийиб юборди. Тўшамчи ҳўл бўлди.

Ширинқул бирдан тўхтади. Орқасига қайтди. Ошхонага пичоқни ташлади. Бу ишларнинг оқибати ҳақида ўйлай бошлади. Изига қайтиб яна фарзандларига термулди. Ўғли йиғлайвериб чарчаганидан ҳиқиллаб қолган эди. Қизи ёноқларидан шашқатор ёш оқаркан:

— Дада, урмайсиз-а, урма-анг! — деди.

Ширинқулнинг бирдан юраги ҳапқирди.

Ерда инграб, чўзилиб ётган хотини, йиғлаб чарчаган, сийдикка ботиб турган ўғли, қизининг ялинчоқлик билан термулиб туриши...

«Бу ҳаёт, бу ғурбату жанжаллар шу болаларнинг кўз ёшига арзийдими ўзи?! Эҳ, лаънат!..»

\* \* \*

Ўзи нима бўлган эди?

Ширинқул кундалик тутишни одат қилган. Ўша кунлари унинг кўзига кўп нарса майда кўринармиди ё ўзи анчайин майдалашиб кетган эдими, хотини билан ҳам тез-тез айтишиб қоладиган бўлди. Оғир табиатли одамнинг бир жаҳли кўзимасин, жуда тушиши қийин бўлади. Кўпинча у ўзини босишга куч топади. Куч топганда, мисол учун, кундалигига бундай деб ёзиб қўярди:

«Бугун эрта турдим. Стадионга чиқиб бадантарбия қилиб келдим. Афсуски, иссиқ сув йўқ икки кундан бери. Сув иситдим. Кечқурун овқат ейилган идишлар ювилмай қалашиб ётибди ошхонада. Асабим кўзиди. Қизимга сен ҳам опангга ўхшаб ялқовсан, дедим. Опасига бундан ошириб захримни сочмоқчи эдим, зўрға ўзимни тийдим. «Мен агар эртароқ ўлиб кетсам бир ой эмас, бир неча кунларнинг ичида рўзғорнинг дабдаласини чиқарасан, болларниям девона қилиб юборасан, ҳаммаси дангасалигингдан, бесаранжомлигинг-

дан», деб уришмоқчи эдим. Майли, шу гапни айтмай қўяқолай.

Аммо, ўлай агар, хотиним чиндан ҳам жуда ялқов. Ҳатто қизига бирор ишни тайинлаб қўйишгаям эринади. Бунинг учун ҳам тил, жағ, овозларни ишга солиш керак-да. Шу даражада дангаса. Мабодо бир ҳафта иссиқ сув келмай қолса шунча вақт кир ювилмайди, бундан кўра ўғлига янги иштонлар сотиб олиб кийдиришга тайёр. Ўзи ҳам қўлтиғи сасиб ювинмай юраверади. Кечаси ювинишдан жирканиб мен билан ётмайди. Тўғрироғи, сув иситиб, ташвиш қилиб ювинишга у жуда эринади. Бу ўлимдан ҳам ёмон иш. Ношукур бир банда-да. Бесаранжомлик, сариштасизлик ва эринчочликнинг ҳам нақадар катта кулфат эканини чуқурроқ англаяпман.

«Агар бошидаёқ бу нарса ўта муҳим эканини англаганимда, Мағфиратга эмас, хунукроқ бўлсаям гайратлироқ, уддабуронроқ бир қизга уйланардим.

Шу нарса доим менинг кайфиятимни туширади, хафа қилади. Хонимга эса негадир доим барибир. Дунёни сув босгани билан иши йўқ. Мен мудом ўйлайманки, бу иллатларнинг борлиги, воз кечмаслиги соғлом фарзандларнинг отасига, рўзгорни тўкин-тўкис қилиб қўйган, балодай пул топиб келаётган, ақл-хуши жойида эр учун ҳам бориб турган ношукрлик. Бошқа нима деб тушуниш мумкин?

Ишқилиб, охири бахайр бўлсин!»

Ширинкул кўпинча кимдандир панд еб қолса, ўша заҳоти шундай демабман, бундоқ деб жавоб қилсам ёки бундай деб тузласам бўларди-ку, деб афсус қилиб қолади. Аммо ҳар доим ҳам кечикади. Биров билан эл бўлиши осон, лекин уришмоқчи бўлса, тезда қизишмайди, бир қизишса ҳовридан тушиши қийин. Қизишса қизишганига, қизишмаса — бунгаям вақтида жавоб қилолмагани учун пушаймон бўлади.

Бу гал ҳам шундай бўлди. Шимининг чўнтаги йиртилгани учун хотинига тикиб бер, деб диваннинг устига ташлаб қўйган эди. Табиийки, Мағфират дарҳол тика қолмади. Эртаси куни ҳам, ундан кейинги куни

ҳам шим меҳмонхонадаги диван устида осилганча ёта-верди.

Ширинқулнинг бир кийимга ўрганиб қоладиган одати бор: бир кийса тамом — ҳадеб ўшани кияверади. Учинчи куни қараса, шим диванда йўқ, тахмонда экан, олиб қайиш тақиб кийиб олди. Лекин йиртиқ тикилмаган экан: у ишхонанинг, машинанинг калитларини доим ўнг чўнтагига солади. Чўнтақдан калитлар диринглаб ерга тўкилиб кетди. Ечди ва турсикчанг бўлиб игна, ип олиб хотинининг кўзи олдида ўзи тика бошлади.

— Нариги шимингизни кийиб турақолинг, бугун тикиб қўймоқчийдим, — деди у.

— Йўқ, ўзимам тикиб қўявераман, бир йил кутадиган иш эмас бу, бир минутдан қўп вақт кетмайди.

Хотини не қиларини билмай турди-турди-да, нари кетди. Чиндан ҳам чўнтақ тикиш нима деган гап — Ширинқул тикиб, ипини тугун қилиб тиши билан чирт этиб узди-да шимини кийиб олди. Тамом-вассалом. Аммо унга алам қилди. Алам қилса айб топадиган, тирноқ тагидан кир излайдиган одати бор. Ваннага кириб бир неча кундан бери ётган кирларни кўрди. Аввал ҳам кўрган эди, эътибор қилмаган эди. Аммо бу сафар тутақди. Кирларни олиб хотинининг башарасига отмоқчи эди, хотини кичкина хонага кириб ўғли билан кўрпага бурканиб олибди.

— Мановларни неча ойдан кейин ювасан? — деди деярли ўшқириб ва хотинининг юзига улоқтирди.

Хотини жанжал бўлишини сизди. Ранги гезариб кетди. Ўғли уйқусираб туриб йиғлай бошлади. Мағфират ўтирган кўйи:

— Шунингиз сиз ювмайсиз-ку, ўзим юваман, — деди чақчайиб. — Бир кун турса осмон узилиб тушадими?

— Бир кун турса, бир ҳафта турсаям хурсанд бўламан. Шимнинг йиртиғи учун бир ой кутаман-ку. Деворга туртсангам жавоб қилади, сен қанақа ифлоссан, доим кир-чирнинг ичида ётишни яхши кўрасан?



Хотини ҳам эри жаҳл қилганда хўп деяқолмайди-ганлар хилидан: йиқилган томонидан турмайди.

— Уришмоқчимисиз, қўрқитмоқчимисиз? — дея туриб келди.

— Мен сен билан уришолмайман, ўлдириб сўйиб ташлайқоламан — шуниси осонроқ.

— Ўзи сени Худо уриб қўйди-ку!..

Хотини бу гапни минғирлаб, тушунарсиз қилиб, энгашиб, кўрпаларни йиғиштираётган киши бўлиб айтди. Аммо эри жон қулоғи билан аниқ-тиниқ эшитди.

— Нима деяпсан, ит?! Эшиттириб гапир, манқамисан? Сенсирадинг-а! Худо сени урган, деддинг-а?

Мағфиратнинг бу гапи калтак ейишга арзигулик оғир эканини яхши биларди. Шунинг баробарида минғирлаб, ишга овунган киши бўлиб айтгани боз беписандлигидан далолат бериб турганини ҳам яхши ҳис қиларди. Лекин айтар сўзидан қайтмади: оғир калтакни атайлаб ўзига сотиб олди.

Сўнг воқеалар юқорида баён этганимиз каби яқун топди. Мағфират акамга берган пулингни миннат қилдинг-а, ифлос, қарз эди, берарди-ку, деди.

Бироқ ёстиқдошинг, фарзандларингнинг онаси бўлатуриб сенсираш, ифлос дейиш учун ҳам одамга анча-мунча сурбетлик керак. Бу шундоққина оғиздан сирғалиб чиқиб кетадиган қўшиқ эмас-ку...

\* \* \*

Ширинкул ишхонада бир кўринди-ю, бирор соатдан кейин зарил иши бор одамдек шошилиб чиқиб кетди. Кўнглига бир юпанч излар эди. Бир яхши курсдош ўртоғи хотини, қайнонаси билан жанжаллашиб юрганида орага тушган, уларни яраштираман, деб бибурд бўлган эди. Ўртоғининг қайнонаси ва хотини Ширинкулни ҳам булганч сўзлар билан қаргаб, қувиб солишган эди. Ўзи дунёда хотин киши билан жанжаллашишдан оғири йўқ экан.

Ширинкул ўша ўртоғи — Мирзани топиб маслаҳат солди. Бўлган воқеани хўрсина-хўрсина қисқа гапи-

риб берди. Аввалига ўртоғи келин дуппа-дуруст, ювош эди-ку, ундан ҳам шунақа гаплар чиқадими, деб ҳайрон бўлди. Сўнг булар ҳолва, қайнона билан жанг қилсанг оғир бўлар экан, деб қайнонасини қайси усуллар билан мот қилганини айтиб берди. Унинг қайнонаси шаҳарлик, обдан шаллақи эди. У Мирзага дуо ичириб, ишидан ҳайдатиб, уйини ўзининг номига расмийлаштириб кафангадо қилмоқчи бўлди. Хотини, ҳатто кичкина болаларигача унга қарши қилиб қўйди. Ўртоғининг машинаси, бир уйи ҳам қайнонасининг номида эди. Уларни қайтадан қай йўллар биландир ўзига расмийлаштиргунча қариб кетибди. Уларнинг мақсади ҳовли ва машинага эгалик қилиб, эрни ҳайдаб юбориш эди. Хотини эса ўйнаш орттириб, ўшалар билан ялло қилиб юрмоқчи бўлган.

Нақадар виждонсизлик, ноинсофлик!

Бироқ Мирза уларга бас келди. Шунинг уддасидан чиқди. Қайнонаси ҳатто бунинг жойига эгалик қилишга тўлиқ ишонгани учун ўзининг уйини ҳам сотиб юборган экан. Орада уйларнинг нархи ошиб кетиб, ниҳоят бир хоналик квартира сотиб олишибди шаҳарнинг қай бурчагидан. Ўғли, келини, учта невараси билан ўша уйда яшаётганмиш. Намоз ўқирмиш. Ҳозир мулла минган эшакдай бўлиб қолган, бизникига келсаям аввал рухсат сўраб, кейин келади, қовоғимни уйганим захоти зингиллаб жўнаб қолади, деб кулди Мирза.

У Ширинкулга бир-икки кун бизнинг Қорақамишдаги бўш уйимизда яшаб туrolмайсанми, дея таклиф қилди. Таклиф маъқул бўлди-ю, лекин айнан мавриди эмасди.

— Вазиятга қараб кўраман, зарур бўлса сени топарман, — деди Ширинкул.

— Ўғлинг бор, қизинг бор — иложи борича ярашиб ол, ҳали барибир ярашишга мажбур бўласизлар, — деди Мирза.

Ширинкул бундай танг вазиятда қандай қилиб ярашиш мумкинлигини тасаввур қилолмади. Мисол ҳеч нарса бўлмагандай, бозор-ўчар қилиб егулик кўтариб борсанг, хотининг кечирим сўрамасаям илиқ бир қа-

раш қилса, ҳаммаси изга тушиб кетишига ишонса бўлади.

Ширинкул болаларига майда-чуйда кўтариб бораркан, ич-ичидан илиқ вазият юз беришига иқрор эди. Шундай ҳам бўлди. Эшикни узоқ тақиллатгандан сўнг охири қизи очди. У дадасининг қўлидан шоколад, конфетларни олиб раҳмат айтди, лекин ҳар доимгидек: «Ассалому алайкум, дадажон!» — дея юзидан ўпиб қўймади.

Хотин эса ўша ётганча кўрпага бурканиб олганди. Ўғли ошхонада ўтириб олиб косадан қўли билан нимадир олиб еяпти. Худо билсин, булар кун бўйи оч ўтирган чиқар.

Ширинкул ўзи овқатга ўч эмас. Боз устига томоғидан ҳам ҳеч нарса ўтмайди. Музлатгичдан ароқ олиб бир пиёла ичиб юбормоқчи эди, аммо бу сабил ҳам жойида йўқ. Телевизор қўйди. Одатда Москва каналларини кўради. Йўқ, Москва каналлари ҳам нуқул бемаза кўрсатувларга ўтиб опти. Маъносиз, бачкана, яланғоч, реклама.

Хотинининг кўрпасини очиб бир қарамоқчи бўлди. Жуда қаттиқ урдим-а, деб ўзидан хафа бўлди. Бироқ гурури йўл қўймади. Уришган одам уришгандай бўлсин, хотини оёғига бош уриб ялиниб келсин, кечирим сўрасин қайта-қайта.

Ўзи-и шу хотин ёмон эмас. Фақат бир поғона паст тушиб, бир оз мулойим гапирсанг ишни ҳам қилади, ўзигаям оро беради, болаларигаям яхши қарайди. Терс гапирсанг елкаси тиришади-қолади: ўлақолса йўригингга юрмайди. Ахир нима қилиш керак, унга мослашиб яшайвериш керакми? Э, астаффуруллоҳ, бунинг иложи йўқ-да.

Асли бу хотин еб-ичишга, ялтир-юлтурга, ҳашамгаям унча қизиқмайди. Пулинг ҳам, зеб-зийнатинг ҳам керак эмас, гоҳ-гоҳида эрига фалончи бундай нарса опти, улар бундай тўй қипти, деб қўяди, холос. Бу билан ўшалар яхши яшаяпти, бой экан, биз ундоқ эмасмиз, деган иддаони пеш қилмоқчимиз ё уларга ҳаваси келяптими — сира тушуниб бўлмайди.

Ширинқул:

— Кўрасан, биз ҳали улардан ўтиб кетамиз. Бизнинг келажак олдинда. Ялтираб, товланиб кўзни қамаштириб ётипти, — деб қўяди.

Бу билан хотинига кайфият улашмоқчи бўлади. Хотини бўлса «ҳм-м», дея оғир хўрсиниб қўя қолади.

Одам дегани куладиган нарсага кулса, йиғлайдиганига йиғласа. Чўнтагида ҳемири йўқ, ит ҳам эсламайдиган овлоқ бир қишлоқдан келиб бегона юртда обрў топяпсан, ул-бул қўлингга кирипти, уй, болалар, машина — булар хурсанд бўлишга арзимайдими? Ҳаммасига девордай булк этмай қараб туравериш керакми?

Аслида жанжални хотини ҳам хоҳламайди. Эри-ку, умуман. Аммо буям бир феъл-да.

Ширинқул ечиниб, ўрнига чўзилди. Ҳали эрта. Уй-қуям келмайди. Болалари ҳам ҳали-вери ухлайдиганга ўхшамайди. У ёққа ағдарилиб, бу ёққа ағдарилиб ётаверди, ётаверди, охири, пинакка кетди.

Бир пайт устидаги кўрпани биров силтаб тортиб юборди. Чалажон уйқуда экан. Сесканиб кетди. Чироқ ёқилган. Тепасида биров турибди. Хотини! Чап кўзи кўкариб шишиб, қовоқлари осилиб қопти. Ширинқул ирғиб ўрнидан турди. Шундагина «ёмон урибман-а», деб кечирим сўрамоқчи, хотинини бошидан силамоқчи бўлди. Бироқ хотини бирдан тиз чўкли-да:

— Мени урган қўлларинг синиб тушсин, илойим, — деб қўлларини тескари қилиб, кафтларининг орқаси билан юзига фотиҳа тортиб юборди.

Ширинқулнинг яна жини кўзиди.

Хотинига ўқрайиб қаради.

— Олайган кўзларинг ҳам оқиб тушсин, — дея тагин дуоибад қилди хотини.

Ширинқул:

— Ие! — дея, яна давоми борми, дегандек ўқрайиб қараб тураверди.

— Бунчалик ифлос, маразлигингни билмасдим, — деди хотини.

— Шунча йилдан бери ифлос эр билан бирга яшаб келган экансан-да!

— Оиламизнинг камбағаллигини юзимга солдинг, акамга берган пулингни миннат қилдинг-а! Акам уй-жойини, молини, хотинини сотиб бўлсаям қарзидан қутулади, қутулади сенинг ўша ҳаром пулингдан.

«Ҳамма гап бу ёқда экан-ку, — деб ўйлади Ширинқул.— Нозик жойи шу экан-да. Аммо мен ҳеч қачон бунга гапирмаганман. Бугун бундан баттар гаплар бўлди. Гап авзойига шунчаки қўшиб айтгандим. Тили қисик жойингниям эслатай дегандим. Лекин ўша пулинг икки юзидан кечдим, олган уйингизга тўёна, қолган уч юзини беринг деганман. Аммо уч йилдан бери йўқ-ку шуям!»

Ширинқул мансабдан тушганига энди бу ёғига яшашим қийинроқ бўлади, деб кимда қанча пули борлигини ўзича хомчўт қилиб юрарди. Табиийки, қайноғасидан уч юз долларни ундиришниям ўйлаб қўйганди. Демак, бу гап миннат экан, писанда экан. Мана бу билан сенинг ака-укаларингниям боқиб ётибман, демади-ку.

«Ҳаром пулингдан» дегани нимаси? Мен уни бировдан тортиб ё ўлдириб олдимми? Биров эшигингни тақиллатиб пулимни бер деб келяптими? Нега ҳаром бўларкан?»

Хотинининг юзига зингил солиброқ қаради.

Бу юздан шашқатор ёш қуйиларди.

— Миннат қилдинг-а, ифлос!..

— Ҳа, миннат қилдим! — деди Ширинқул секингина, бошқа гап бефойдалигини сезиб. — Аканга айтсанг, жўра, ўша пул беш юз доллар эди, икки юзидан кечдим, қолганини бер девдим, ўйлаб қарасам, кечмабман, беш юз доллар қилиб эртагаёқ хотинини, уйини, мол-ҳолини сотиб менинг қўлимга опкелиб берсин, хўпми, жоним. Шундай бўлсин!..

У оғзидан чиқаётган гапларига бу қадар кўп заҳар солинганига ўзиям ҳайрон қолди. Бироқ бу сафар ростдан ҳам миннат қилди.

— Ифло-о-ос-с! — дея хотини юзини икки қўли билан тўсиб, энгашиб, хўнграб юборди.

— Ким ифлос! — ўшқирди эр.

— Сен, се-ен! — дея у ерни қайта-қайта муштлади.

— Уч талоқсан! Эшитдингми, уч талоқ! Ҳозироқ жўна! Болларниям олиб кет бу уйдан!

— Вой-й, — дея хотини кулоқларини беркитди. Устидан совуқ сув қуйиб юборилгандек бирдан сесканиб, йиғидан тўхтади. Кўзлари қонга тўлиб турган эрига бир зум тек қараб турди-да: — Огзингизга қараб гапиринг! — деди.

У тамом йиғидан тўхтаган, гўё кўзларининг шишганиям жойига келгандек эди. Эрга бу ҳолағ таъсир қилмади. У жаҳл отига миниб бўлган эди.

Тумбочка устидаги сигаретдан олиб бемалол тутатар экан:

— Уч талоқ-да, уч талоқ! — деди гўё ғоят мулойимлик билан. — Кетмасангиз қорнингизни пичоқ билан ёриб, ичакларингизни бошингизга шляпа қиламиз. Шунақа ўйин ўйнагимиз келяпти.

Эрга оқилона, файласуфона ўгитлар, паст тушишу кечирим сўрашдан кўра мана шу сурбетлик йўли маъқул кўриниб қолган эди. Рост-да, икки дунё бир қадам кўриниб турган пайтда тагин қандай йўл тутсин?

— Воҳ, ифлос! — деди хотини тагин.

Яна кулоқларини беркитди. У энди бояги майдачуйда ҳақоратларига, бетгачопарликларига қарши ундан-да минг карра залворли қарғиш, ҳаётни тамом тескари қилиб юборувчи қудратли сўз борлигига, ўша сўз айнан ўзига қарата ўқдек отилганига энди тамоман иқрор бўлаётган, бироқ бунга кўниколмаётган, ҳозирнинг ўзидаёқ шунинг ёлғон бўлиб чиқишини юраги зирқираб истамоқда эди. Афсуски, ундай эмас. Оллоҳ таоло одамзодга кўриш учун кўз, ейиш учун оғиз, юриш учун оёқ, иш бажармоққа бир жуфт қўл, гапирмоққа тил, уни бошқаришга ақл ҳамда шунинг баробарида шу суяксиз тил барпо этган сўзни эшитмоққа бир жуфт кулоқ ҳам бериб қўйибди. Бу узун ёки қисқа ҳаётда одамнинг кулоқлари неларни эшитмайди? Оғир сўзлардан-да оғирроғи не? Айрилиқми, ўлимми, бетобликми? Ҳа, ҳаммасиям оғир. Аммо Мағфират ва Ширинкул учун энг оғир сўз бугун айтиб

бўлинди. Бу — ҳукм! Бу айтган одам учун ҳам малҳам эмас — жазо! Эшитувчи учун ҳам жазо! Чунки одамзод ўз жуфтидан ўлмай-йитмай ажрашиб кетиши мумкинми? Бу сўзни иккиланмай тилга олиш, уни ўқдек учириб юбориш ҳам осонми?

Ҳа, осон экан. Оппа-осон экан!

Энди тамом. Ҳаммаси тугади.

\* \* \*

Ширинкул диний йўриқларда ҳам анча-мунча китоб ўқиган, бир вақтлар билимдон бир кишининг уйига қатнаб арабий хат-савод чиқарган, умуман олганда аҳли сунна вал-жамоат ақоидини ўзлаштирган эди. Талай йиллар амал ҳам қилди. Номдор диний арбобларнинг баъзилари, муллалар нафс йўлида пулга учиб, диний оқимларга қўшилиб бадном бўла бошлагач, кўнгли совиб ташлаб қўйган эди. Оилада бошланғич тўғри илми олмаса қийин экан.

«Оллоҳ учун ҳалол нарсаларнинг энг ёқимсизи талоқдир» деган ҳадисни эслаб қолган эди.

Ҳалол бўлса-да, Оллоҳгаям ёқмайди бу сўз!

Ширинкулга негадир шу ҳолатидаям бу сўз ҳазилга ўхшаб туюлди. Айни пайтда ростдан ҳам айтиб юборганига иқроор бўлиб турарди.

Тонглар отди, кунлар ботди — ўлмаган кул бошда борини кўравераркан. Ширинкул ўтган гапларнинг бари рўё бўлишини, тушида кўрган бўлиб чиқишини, эрталаб ёнида ётган хотинини эркалаб, юзларидан ўпиб, Худога шукур-ей, тушим экан-ку, дейишни хоҳларди.

Афсуски, бу туш эмас эди. Бўлар иш бўлиб, гишт қолипдан кўчган эди.

Мағфират ҳам кўзи кўкарганча бир оғиз гапирмас, гоҳ ошхонага, гоҳ ванна томонга эҳтиёж учунгина чиқиб келар, фарзандларигаям чурқ этмас, улар олдига бориб эркалансалар, бобиллаб уришиб берар, «анови Азроил дадангга бор», деб бақирарди. Болалар ҳам қон бўлиб кетишди.

Бола дегани қайғуни кўтаролмайди. Тезроқ овунгиси, қувонадиган эрмаклар топишни хуш кўради. Бироқ бу уйнинг деворлари, тўшагию идишлари ҳам хўмраяр, қовоқ уяр, хуллас, фариштаси қувилиб бўлган эди.

Учинчи куни Мағфират қизини орага элчи қилиб Қипчоққа кетишини билдирди. Ўша кўрғонда акаси туради. Ота-онаси эса Ғаллаоролнинг тоққа туташ Асалли қишлоғида яшашади.

Акасиникига борса яхши экан, тўрт-беш кунда безор бўлиб қайтиб келади...

Қайтиб келармикин?..

Майли, тавбасига таянсин, барибир қайтиб келади. Чунки тўрт болали акасининг уйига неча кун меҳмон бўлиши мумкин? Янгасиям ёқтирмай қолади. Ҳозирги замонда бировнинг ўлигини биров кўтариб юриши оғир.

Ширинкул ҳам қизини элчи қилиб сўратди:

— Машинада шоҳбекатгача обориб қўяйми, йўл пули қанча берай?

— Пул керакмасакан, ўзимиз кетаверарканмиз, — деди қизи.

Орадан бирор соат ўтиб йўлга тайёр бўлган Мағфират остонада туриб орқасига, энди эр мақомидан маҳрум бўлган Ширинкулга бир мартагина қараб қўйди. Бу қарашдан Ширинкул ҳеч қандай маъно уқмади. Кейинчалик ҳам бу нигоҳ кўз ўнгида муҳрланиб, кўп бора ўзи қидирган нарсани топмоқчи бўлди. Масалан, бир оз шаштидан тушиш, қайтадан бирга яшаш эҳтиёжи ёки шунга ўхшаган бир нарсалар. Жуда бўлмаганда «шу иш чакки бўлди, номард экансан!» — деган каби қарғиш бўлсаям майли эди, кейинчалик шунини ўйлаб юрар эдинг. Йўқ, ундай ҳам бўлмади. Жуда мавҳум бир қараш.

Хотини ўғлини кўтариб олгани учун унга ҳеч нарса деёлмади. Қизига термулган эди, у қўлидаги юкларини ерга қўйиб, йиғлаб юборди ва отасининг бўйнидан қучиб йиғларкан:



— Биз энди қайтиб келмас эканмиз, дадажо-он!.. — деди, сира айрилгиси келмай.

— Қизим, йиғлама, тез кунда... — деб гап бошлаган эди, хотини:

— Мақсуда! — деб ўшқириб берди. Қизи хўнг-хўнг йиғлаганча бурилиб эшикдан чиқди.

Эшик қарсиллаб ёпилди.

Бу — баттар бўл, дегани бўлса керак.

Ширинқул уйининг балкони томонга ўтди. Қизи орқасига ўгирилиб-ўгирилиб қарар, чамаси дадасини кўрмаётган эди. Балконнинг деразасини очди. Қизи қўлларидаги кийим солинган елим халталарни ерга қўйиб, қўлларини силкиди. Дарҳол юкларни кўтарганча онасининг орқасидан эргашиб чопиб кетди.

Шунгайм уч кун ўтди. Уй ҳайҳотдай хувиллади-қолди. На бўлғай, Ширинқулимиз айрилиқ дегани ҳаётнинг ўзидан ҳам аччиқ эканини англади.

Ишга бориб келиб овуниб юрмоқчи бўлди. Бироқ мана шу кичкина уй у қайтиб келгач, нақ ютиб юбораман, дерди. Ҳар бир уйнинг фариштаси бўлармиш, деб эшитган. Ўша фаришта энди бу уйда йўқ, бўлсаям ялмоғизроқ бирортаси келиб ўрнашиб олгану, у Ширинқулни ботинан қарғар эди...

Дўст-ўртоқларига, телефон қилиб турувчи қариндошларига хотиним қайнотамникида, кўклам ҳавоси, бир ўйнаб келсин деб жўнатдим, дерди.

Ишхонасида Авазга дардини ёрди.

Уям аввал чакки иш бўлганини таъкидлади, сўнг дўстининг кўнглини кўтариш учунми:

— Янга унақа баджаҳлмас, биламан-ку. Яна бир ҳафта сабр қилинг, мени айтди дейсиз, болларини етаклаб кулиб қайтиб келади, — деди.

Чамаси шундай бўлишига Аваз ишонар эди.

— Бировнинг уйда сифинди бўлиб юравериш ҳазилми? — деб қўйди у.

— Аслида шундай. Лекин талоқ масаласи бор-да, — деди Ширинқул.

— Менимча, бунинг ҳам йўл-йўриғи бор, — деди у иягини қашлаб туриб. — Уришқоқроқ бир ҳамсоям бор,

хотинини эрмакка талоқ кўяди. Хотиниям кетиб қола-  
веради, қайтиб келаверади — ўрганиб қолган. Бир куни  
маҳалла оқсоқоли чиқиб бу оғир гап, ука, талоқдан  
кейин хотин ҳаром бўлиб қолади. Танишларим бор,  
юринг, улардан йўл-йўриқ олинг, деб бир диний идо-  
рага оборибди. Кўшни улар билан тил топишиб, ўттиз  
мингми, қанчадир жарима тўлаб талоқни бекор қил-  
дириб ўзига фатво ёздириб опти. Худо билади, ундан  
кейин ҳам неча марта бу сўзни айтган чиқар, лекин  
биров ундай-мундай гап қилса ўша справка билан ба-  
шарасига уради...

Ширинқул бир китобда ўқигани бор: ўртага талоқ  
тушгандан кейин хотин бошқа кишига турмушга чи-  
қиши керак. У билан ростманасига яшаши, ҳалол тур-  
мушни ният қилиши керак. Мабодо уларнинг оиласи  
бузилиб, ўша хотин яна талоқ олсагина аввалги эри  
билан қайтадан никоҳдан ўтиши мумкин.

Авазинг гапи эса... янгилик!

Бирор ҳафта ўтгач, қайноғаси Болибек келиб қол-  
ди. Аввалига у сир бой бермади. Қозогистонга янги  
чиққан помидорлардан ўтказмоқчимиш. Чорсуга олти  
яшик опкелса, тала-тала бўлиб кетганини гапирди.  
Лекин Қипчоқда, ҳатто Гулистон атрофидаям помидор  
танқислиги, бунинг сабаби қиш пайти теплицалар-  
га газ берилмаётганини тушунтириб, агар мўмайроқ  
пул бўлса Чиноз ва Янгийўлдан икки-уч «Камаз» помидор  
олса бўлишини, бунинг учун каттароқ пул керак-  
лигини таъкидлади.

Ширинқул унинг гап авзойидан яна пул сўрамоқ-  
чи эканини, бу гал кўпроқ пул топиб бер, демоқчи-  
лигини англаб турарди.

— Бунча пул бир одамда бор, лекин жуда фоизни  
катта қўйворяпти, — деди Болибек.

Ширинқул гапнинг давоми сифатида у одам ким,  
қанча фоиз қўяётганини сўрамоқчи бўлди. Ўзича у  
киши менга танишдир, ўртага тушиб гаров бўлишим  
керакдир деб ўйлаб, тилини тишлаб турган эди, Бо-  
либек бирдан:

— Мағфират билан ораларингда бирон гап ўтганми? — деб сўраб қолди.

Ширинқул:

— Йўқ, — деди негадир. Беихтиёр айтилган бу сўзнинг оқибати қанчага тушиши мумкинлигини ўйлаб тек қотди. Чамаси ҳозир Болибек: «Мен ҳаммасидан хабардорман, иккаланг ҳам пушаймонсан, гап-сўзни кўпайтирмай ярашиб олмоқчи бўлсанглар, мана, мен кафил, ўзим тўғрилайман, лекин сен анови одамдан қарз оберасан», деб шарт қўймоқчи эди.

— Тинчликми ўзи? — деди Болибек.

Гапни узоқдан олишини қара, дея хаёлидан ўтказди Ширинқул сергак тортиб.

— Ўзи бирон нарса дедими? — деб сўради бир оз ўзини қўлга олиб.

— Уришли бўлганга ўхшайсизлар. Мағфират борганидан бери мени эзади. Куёвингизнинг пулини қайтариб беринг, дейди. Мен айтаман: куёв ўлар-қолар жойда эмас-ку, ўзи қисталанг қилмаяпти-ку. Йўқ, ўламан саттор қайтиб беринг, дейди нуқул. Шу-у... шунақа нарсаларни хотин кишига билдириб ўтириш шартми-ди, куёв?

Бу гап билан қайноғаси изза қилмоқчи эканини пайқаб:

— Икки ойга деб олган нарсангизга қанча вақт ўтди? — деди қарши ҳужумга шайланиб.

— Икки йилдан ошдими дейман, — деди қайнога ер остидан қараб, жингалак сочларини тез-тез қашларкан.

— Уч йилдан ошди, — деди Ширинқул бамайлихотир. У энди ўзини босиб ташаббусни қўлга ола бошлади. — Сиз қайноғамсиз. Оилангизнинг аҳволини биламан. Қишлоқдагилар ҳам ўзига яраша қўл учида яшайди. Пенсия билан иккита мол нимаям бўларди. Чўлга келиб уйсиз, квартирада яшаб юрдингиз. Оборотга деб пул сўрадингиз. Аввал икки юз, кейин уч юз. Савдосотиқдан фойдаланиб уй олганингизни эшитдимурхурсанд бўлдим. Мағфиратга ўша аввалги икки юзидан кечдим — биздан уйига тўёна деб айтдим. Азбаройи

хурсанд бўлганимдан. Лекин шундан кечмасам қайтариб берармидингиз-йўқми — унисини билмадим.

— Қайтарардим, қайтараман... уч юз... шу...

— Бошқа одам бўлганида бўйнингизга қанча илиб ташларди, биласизми?

— Энди аҳволни ўзинг кўриб турибсан, бирда ундай бўлса, бирда бундай. Икки марта қарзга товар бериб тамом оборотимдан айрилиб қолдим, ўзинг биласан.

— Бизнес доим бир хил бўлмайди, буни тушунаман. Лекин ҳаётда лафз деган нарсаям бор. Бу — шунчаки, оддий гап эмас...

— Сен муҳтож бўлиб қолдингми? Орада яп-янги «Жигули»ям олдинг-ку?

— Бунинг сизга аҳамияти йўқ, шекилли. Мағфиратга сўра акангдан, машинага пул керак, деганман. Сиз бермадингиз, қорангизниям кўрсатмай қочиб юрдингиз.

— Қочмадим. Синглимдан, жиянларимдан қочаманми?

— Билмадим, кимдан...

— Ширинқул, — деди гавдасини тиклаб, ўнглаб оларкан Болибек, — жуда керак бўлаётган бўлса борку, молимни, уйимни, хотинимни сотиб бўлсаям, эртага опкелиб бериб кетаман. Лекин одам ундай бўлмайди-да, ука...

Ширинқулнинг миясида «чирс» этиб ўт чақнагандай бўлди. Мағфират ҳамма гапни дастурхон қиптида, деб ўйлади. «Молимни, уйимни, хотинимниям»... деяпти-ку. Шундай бўлса-да, у ўзини босган киши бўлди. Жаҳлини билдирмади-ю, мийиғида киноя билан:

— Қандай бўлади одам? — деди.

— Миннатли ошни ит ичмайди, дегани тўғри экан, — деди Болибек, четга бурилиб. — Шуни вақтида қайтарайин деб эдим, бўлмади-да. — У шундай деб хонтахтани беихтиёр кафти билан «тақ» этиб урди. Бошини чайқади.

Ширинқул ўрnidан турди. Холодильникдан ароқ

ва газаклар опкелиб кўйди. Қайноғаси йигламаса ҳам йигламоқдан бери бўлиб, бошини эгиб ўтирарди.

— Кимингдан бўлсаям қарз бўлма экан. Пулнинг барибир миннаги бўларкан. — Шундай деб, Болибек ароқ шишани ўз олдига тортди. Пиёлаларга тўлдириб-тўлдириб қўйди ҳамда мезбоннинг такаллуфиниям кутмасдан сипқориб юборди.

— Жигарингизга зарари йўқми? — деди Ширинкул унга ҳайрон бўлиб қараб.

— Ҳе, энасини... шу жигарниям, — деди қайноғаси ароқнинг аччиқлигидан кўзларини юмиб газак ҳидларкан.

— Қаранг-да, — деди Ширинкул ва бундан бир ойча бурун қайноғасининг сариқ касал билан оғриганини эслади. Менга нима, дегандай ўзи ҳам ичиб юборди. Ичаркан, ичидан зил кетиб Мағфират акасига куёвингиз пулни миннат қилди, шуни нима қилиб бўлсаям қутулинг, деб уқтирганини тушунди.

Демак, Болибек шунинг учун, куёвининг олдидан бир ўтиб қўйиш учун келган эканми? Яна бирор гапи бор-ов. Синглиси тўғрисида нима деркин: нега урдинг, бир сингил бўлса ўзим боқиб олардим, ўласи қилиб ургунча, кет уйдан деб, ҳайдаб юбор эди.

Болибек бундай демади. Эҳтимол, Мағфират эрим урди демагандир. Урди деса, акаси ҳам нега уради, сен нима дединг, деб суриштирмайдими?

— Ака, — деди Ширинкул бир оз бўшашиб. — Мана, кўриб турибсиз, ишим аввалгидай эмас. У-бу ҳаракат қилай десам, одамлар аввалгидай муомала қилмай қўйди. Мансабинг борида одам қатори кўраркан, тушганинда шартта юзини ўгириб оларкан. Шунинг учун борини майда чайнаб турибмиз. Қарзни қистамоқчи-ям эмасдим. Лекин мажбурман. Оиламизам тинч бўлмай қолди. Қайтарсангиз яхши бўларди.

— Қайтараман, лекин сал шошмай турасан. Мана бу памилдорини бир ёқлик қилволай, кўшиб бер десаңг қўшибам бераман, — деди Болибек, тагин ўзининг пиёласига тўлдириб ароқ қуяркан.

— Беш юзни-я, қанча кутай? — деб сўради Ширинкул масалага ойдинлик киритиб қўйиш учун.

— Беш юзми ё...

— Қанча бермоқчисиз ўзи?

— Уч юзингни... наригиниям кечмовдингни ё?

— Қанча бера оласиз?

— Ҳозир ҳеч нарсанинг тайини йўқ, лекин памилдоридан мўлжалим катта... Шошилтирмай турсанг бўлди.

— Хўп, қанча вақт?

Болибек бу қадар қистовни кутмаган эди. Пиёлани лабига теккизди-да, тўхтаб қолди. Кейин четга қараб «киф» дедию пиёлани бўшатиб, тўнкариб ташлади.

— Дунё шундай тураверадими! — деди у лабларини тишлаб, алам билан. Кўзларида ёш гилтиллади. Негадир шу тобда куёвига бир умид, бир умидсизлик билан термулди. Тавба, дея ҳайратланди Ширинкул: одам ҳам шунақа ўхшайдими? Йиғлаганда, айниқса, пастки лаби пастга тортиб, тела лаби титраши, бурнининг учи қизариб қолиши, кўзлари ёшга тўлганда нима демоқчилигини билиб бўлмаслиги — бир хил. Қайноғаси ёшини тезда артиб ташлади-да, сочиқни дастурхонга тап этказиб уриб: — Бор будимни, боя айтган нарсаларимни сотаману қутуламан, бўлдимми? — деди. — Шу миннатингни тоза пеш қилдинг. Хотинингниям балки шу нарса учун қўйгандирсан?

Ширинкул нима дейишини билмай қолди.

— Бу бутунлай бошқа масала, — деди охири. — Синглингнинг ақли бўлса ўзи тушунтириб айтар.

— Одамнинг бошига бир иш тушса қайтиб яна тушавераркан, — деди Болибек, ўзини босиб олиб. — Эшитган бўлсанг менинг онам Пискентда туғилган. Бир пайтлар, кўчирма замонида келиб шу ерда яшаган. Онаминг отаси яқинда ўлди. Нурмат тентак — яхши биласан. Биринчи хотини бизнинг катта энамиз — онаминг онаси бўлган. Ундан кейин ҳам бу одам етти марта уйланган, тўртта хотинини уриб ўлдирган. Катта энамизам таёқдан ўлган. Қўлида чақалоғи, кетмон

даста билан кўчада бўкиртириб уриб ётганида бир аравакаш келиб қутқариб олган. Пискентнинг марказидаги балнисага зўрга етиб борган энамиз, ўша ерда узилган. Дўхтирлар жигари эзилиб кетган дейишган. Ўликка эгаям топилмаган. Шундай зайил, бешафқат экан катта отамиз. Бир кунлари келиб, замон сал сусайганда чақалоқни онамнинг янгаси излаб келиб аравакашникидан топган. Қиз қилиб ўстириб эрга берган. Тақдирнинг ҳазилини кўр, онам ҳам отамдан бот-бот калтак еб туради. Мана, қизи ҳам...

«Оббо, — деди Ширинқул ўзига-ўзи, — буниям айтибди-да. Майли-да, бошқасини гапиргандан кейин бу қолармиди? Энди фарқи нима?»

Болибек ёздаям ечмайдиган камзулини елкасига илди.

— Ярим оқшомда қаерга борасиз? — деди Ширинқул.

— Бораман-да, борадиган жойларим бор, — деди Болибек иддао оҳангида.

Ширинқул кетманг, қолинг, деб айтса бўларди. Лекин индамади. Қайтанга «ўзингиз биласиз» деб қўяқолди. Хаёлига келган нарса шу бўлдики, бу туришда қайноғам билан яна айтишиб қолишим мумкин, кетавергани маъқул. Лекин Мағфират, болалари ҳақида бир нарсаларни билгиси келди. Қандоқ сўрайди, нима деб сўрайди?

\* \* \*

Бу дунёнинг одам кўникадиган ва умуман кўниколмайдиган қисматлари бор. Одам ўлимга, айрилиққа ҳам секин-аста кўникади, ниҳоят яқин одами қайтиб келмаслигига ҳам иқрор бўлади. Сўнг бу дард совийди.

Тирикларнинг савдоси эса бошқа.

Ширинқул айрилиққа сира кўниколмади.

Аввал ҳамма эркаклар сингари э, бу бўлмаса бошқаси, икки марта уйланиш фақат менинг чекимга тушибдими, деди ўзича. Ўйлаб қараса, воз кечолмас экан.

Гап-сўзларни кўз ўнгида гавдалантириб бир гижинади, бир оз совигандай бўлади. Аммо Мағфиратдан, бири-биридан ширин бўлиб ўсаётган болаларидан кечиб юбориш...

Вақт ҳакам. Ҳамма нарсага ўша совуққон ҳакам барҳам беради. Лекин...

Бир гал ишхонасига жуда замонавий кийинган, ўта чиройли қиз келиб, мен фалон шоирнинг қизи бўлман, бироқ дадамни танимайман, у онамни чақалоқлигимда қўйиб юборган экан, мабодо ўша шоир сизнинг нашриётларингизга келмайдими, мен отамни кўришни жуда хоҳлайман, деб кўз ёш қилган эди. Зингил солиб қараса, кўзи, қошлари, юз тузилиши худди ўша одамники. Во, ажабо! Кунларнинг бирида шоирнинг ўзи ҳам келиб қолди. Шоир табиатан хушфезъл ва ҳазилкаш эди, лекин киноя, истеҳзо билан ўйиб оладиган одати бор эди. Сочлари оқариб кетган шоирга негадир бу янгилик бўлиб туюлмади.

— Э, қайси бирини излайман буларнинг, бўлса бордир. Қайси институтда ўқир экан, дедингиз? Маданиятда. У ерда нукул ундақалар ўқийди-ку, қўйинг-э, шуни кўрмай қўяқолай, — деди қўл силтаб.

— Жуда бўлмаса телефонингизни қолдиринг, ўзи сизни топиб олар.

Шоир дунёда аёл кишидек хиёнатчи бўлмаслиги, улардан ниҳоятда эҳтиёт бўлиш шартлигини уқтира бошлади. Шу гаплардан кейин хотинини уйда қолдирса мудом эшикнинг сиртидан қулфлаб юришини, бўлмаса бегона эркак келиб қолиб бирор кор-ҳол рўй бериши мумкинлигини, ўзи умуман буларни кўчага чиқариб бўлмаслигини, мабодо чиқар бўлса албатта автобус ё трамвайда бегона эркакларга у ер-бу ерини эздириб юришини ташвиш билан гапирди.

— Жа-а унчаликмасдир-ов.

— Шунчалик бўлмаса бешинчи марта уйланармидим, ука. Ҳаммаси шунақа буларнинг. Ҳозирги уйдигисиям ноилож, кўчага чиқолмайди. Шундаям, аниқ биламан, деразани кўча томонга очиб бегона йигитлар билан кўз уриштиради, гап ташлайди.



— Э, ака, довруқли шоирсиз-а. Ёппасига айблаб бўларканми аёлларни? Анави қиз бўлса, худди қуйиб қўйгандай ўзингиз.

— Бе, — дея тагин қўл силтади шоир, — маданият-да кимлар ўқиши, кимлар ўқитишини биламан-ку...

\* \* \*

Ҳар нечук Ширинқул ҳаётга бошқачароқ кўз билан қарайди. Шоир ҳақида «шизик у» деган таърифни эшитган.

Энди бир муносиб аёлни топиб уйланиши керак. Хўш, кимга?

\* \* \*

Баҳор ўртаси. Қишлоқ, тоғ-дашт тугул шаҳар ҳам яшнаб кетган. Гулламаган дарахт қолмади. Одамзоду табиатда кайфият аъло. Бу кунларда байрам қилмаган, шодланмаган кишининг ўзи номард.

Идорадагилар ҳар йили кўклам чиқиш арафасида Чимёнга бир кунлик саёҳат уюштириб, у ерда чанғи, чаналарда учиб, маза қилиб, қор ва қиш билан хайрлашиб келишарди. Бу йил қиш ёмон келмади. Бешолти марта бўлиқ қор ёғди. Аммо Авазнинг эътиборсизлиги туфайли бу гал қор билан хайрлашиш насиб қилмади.

Ширинқул ташаббус кўрсатиб, бу сафар Чорвоққа, лола сайлига борамиз, деди ва ўзи танишлари орқали кичик «Отайўл» автобуси топди. Тошкент — Хўжакент поездига ўтириб боришсаям бўлади-ку, лекин ўз идиш-товоғинг, ҳамроҳларинг билан хоҳлаган жойда тўхтаб, хоҳлаган нарсангни пишириб ейишга нима етсин.

Кечаси билан шаррос ёмғир қуйиб чиқди. Сафар олдидан ҳам ёмғир челақлаб ёғаётган эди. Нашриёт биноси олдида турган автобусга бирин-кетин ҳаммалари етиб келишди. Одатда ҳар сафар ошпазлик қилувчи омбор мудирини Маҳкам акаям дўпписининг устига катта салафан қўндирганча етиб келди.

Чирчиқдан ўтиб Ҳазалкентнинг йўлига чиққанларида ёмғир сийраклашиб, тоғ тараф ёришиб кела бош-

лади. Гўё энди тонг отаётгандай эди. Осмон қоқ ярмидан қора парда йиртилгандай бир томони оқариб қолганди. Гўзал бир манзара.

Ширинкулнинг баҳридили очилди. Шериги билан кайфиятини ўртоқлашмоқчи бўлиб унга қараса, компьютерда ишлайдиган бухоролик Назира экан.

— Назира, қарагин, тоғ қандай ажойиб!

Қиз Ширинкулга ажабланиб қараб қўйди.

— Бу ҳавода зап кўзиқоринлар чиқади-да. Умрингда ҳеч кўзиқорин терганмисан?

— Йўқ, — деди Назира, — биз томонда кўзиқорин ўсмайди. — Негадир у тагин ҳайрон қаради.

— Ўзи кўзиқорин ўсиб ўтирмайди, — деди Ширинкул. — Судралишни ёқтирмаса керак-да. Момақалди-роқдан сўнг лоп этиб ернинг бетига чиқади-қўяди.

Назира ёйилиб кулди. Бу ҳижоб ўраниб юргувчи қизга кулгу шундай ярашар эканки, шериги ҳам бир зум лол бўлиб тикилиб қолди.

Қиз бирдан:

— Ширинкул ака, сизга «сан»сираш ярашаркан, — деди.

— Йўғ-э, «сан» дедимми сизни, узр, — деди Ширинкул нокулай аҳволга тушиб.

— «Сан» денг, илтимос, — деди Назира.

— «Сан», бўлдимми?

— Йўқ, бундан кейин ҳам доим «сан» денг.

— Хўп-хўп, яна сан.

Назира яна чеҳраси бирам очилиб кулдики, Ширинкул бу қизга бунча кулгу ярашмаса деб қўйди ва ичидан нимадир зил кетгандай бўлди.

Ҳадемай тоғни ярим-ёрти қуёш нурлари ёрита бошлади. Тоғ ёнбағирларида енгил туман сузиб юрар, ҳаво жуда мусаффо эди. Одамнинг кўнгли ҳам жиллақурса шу ҳавога ўхшаса экан — ҳар ёмғирда бир тозаланиб турарди. Лекин айнан ҳозир автобусдагиларнинг кайфияти чандон аъло эди. Улар бир-бирларини туртиб манзара, дарё, дарахт, сувлар, гулларни кўрсатишар, кадрлар бўлими нозирини, хўппа семиз Машҳура опа

дунё билан иши йўқ, ўзича бир мумтоз қўшиқни қошларини учириб чайқала-чайқала хиргойи қиларди.

Рассом Нодир гарчи қўшиқ эшитилмаётган бўлса-да, опага қараб:

— Ҳа, дўст, жуфт бўлсин! — дерди.

— Коллективимиз яхши-я? — деди Назира.

— Коллективми, ҳа, бўлади, — деди Ширинқул. — Аканг қарағай шакллантирган-да буни. Қаранг, ҳар хил размер, ҳар турли шакллардан бор. Хуллас, импортний-да.

— Ажойибсиз-да, Ширинқул ака. Барибир яна «сиз»ладингиз.

— Қўполлашма, ким «сиз» деди сени. Ҳақорат ҳам эви билан-да.

— «Қаранг» дедингиз-ку.

— «Қара» сўзини йўқ қилиб, бақрайиб қара, вот манзара, ҳаммаёқ дабдала. Қалай?

Назира автобуснинг ойнаси томон ўгирилиб, энгашганча булк-булк кулар эди. Сўнг қизариб кетган кўзларини Ширинқулга қараб ярим очиб:

— Зўр талантсиз-ку, вой ичагим узилопти, — деди тагин энгашиб.

Ширинқул ораста қошлар, катта ва қора кўзлар, табиий қайрилма киприklar, бўялмаган лабларнинг ҳам бу қадар чиройли бўлишини билмаган экан. Беихтиёр Назира, унинг қандай бу ерга ишга келганини эслаб кетди. Машҳура опа ярим штатга олайлик, жуда одобли, эпчил, удабурон деганди. Яна етимми, ўгай онанинг қўлидами, нимадир деганди.

— Назира, хоҳласанг борганда иккаламиз қўзиқорин терамиз, мана бу текинхўрларга нонушта тайёрлаймиз, хўпми?

— Хўп-хўп, — деди Назира, — текинхўрларми булар?

У Ширинқулдан тагин қизиқ бир гап кутди.

— Қўзиқорин ердан чиққандан кейин ҳаммага текин-да, — деди у. — Ҳали у жонивор бор бўлса, — дея қўшимча қилиб қўйди ва бу сафар Назирага атайлаб синчиклаб тикилди. Назира юзини ойна томонга ўгирди.

Автобус Чорвоқ қишлогининг кунбеткай ёнбағридан чиқиб тик қияликка етмасдан тўхтади. Бу ёғига юриш қийин эди. Шу жой ҳам маъқул: ўт-ўлан, дарахтлар, атроф тоғ, сал тикроқ юриб пастга қарасанг—сайхонлик. Бироқ ҳаммаёқ ҳўл. Асфальтдан ошиб бир оз юрсанг бўлди — почанг тиззанггача ҳўл бўлиб кетади. Қуёшнинг шуъласида шудринглар ялтирайди. Ариқдан тўлиб лойқа сел оқяпти. Уни кечиб ўтишинг маҳол. Ҳайдовчиям, ёшу кексаям бу пайтда дастёр ёки кўриқчи бўлишни хоҳламасди: ҳар ким ўзини ҳар ёққа урган, намгарчилик, гуллар, сувлар, қушлар — ҳаммаси олам-олам қувончдан иборат эди.

Ширинқул дарахтзорга кириб беш-ўнта замбуруғ топиб чиқди. Балдоғи билан узиб олгани учун худди гуллардай қилиб Назирага тортиқ қилди.

— Иби, кўзиқоринингиз шуми? — деди Назира.

— Бу замбуруғ, кўзиқорин бужур, хунукроқ нарса. Кўзиқориннинг заҳарлиси бўлмайди, шунинг учун хавфсирамай паққос тушираверса бўлади, — деди Ширинқул билимдонлик билан.

Қўлидагиларни елим пакетга жойларкан:

— Аслида кўзиқоринни бунақа дарахтзордан топиш қийин, анавиндай яланглик бўлса, — деб нариги беткайни кўрсатди.

Бир зумда ҳар ким хоҳлаган томонига улоқиб гум бўлган эди. Ширинқул Назирани ўша ўзи кўрсатган томонга бошлаб кетди.

— Бу ерларда илон-пилон бўлмайдими? — дея ҳадиксираб сўради Назира.

— Илонлар уйғонишига ҳали бор, — деди Ширинқул тағин билагонлик билан, худди ёшлигидан бу жондорлар билан ошна-оғайни бўлиб ўсгандек. — Ҳув, май ойининг охирларига келиб бу ерларни ораласанг, шундоқ олдингдан «виш-ш!» деб бошини кўтариб келаверади. — Назира шу заҳоти «Вой!» деб бақариб юборди. Ширинқул ҳеч нарса бўлмагандек давом этди: — Қочсанг қочиб қолдинг, бўлмаса «тап» этиб отилади-да, бўйнингга арқондек ўралиб олиб бўғаверади, бўғаверади. Ўша вақтда чўнтагингда лезвиями, ўткирроқ пи-

чоқми бўлгани маъқул-да, айни хириллатиб бўғаётганда қоқ белидан бўлиб ташласанг доғда қолади. Иккинчи марта сенга яқинлашмайди, лекин шундаям ўлмайди — иккови икки томонга судралиб жуфтакни ростлаб қолишади. Бир хилларининг тили бор, гапирди, эгилиб қўли кўксига «кечирасиз» деб...

— Оббо, бўлди-ей, тоға, лоф ҳам эви билан-да, — деди кулиб Назира. Ширинқул эса жиддий эди.

— Кўрганимни айтяпман-да, жиян.

Назира бу жиддийликни кўриб яна ҳазилга йўймоқчи бўлиб кулиб Ширинқулга қараб тураверди.

— Ва-а! — деб бақирадиганлариям бор-да, ўшалардан Худо асрасин.

Бу сафар Назиранинг ўтакаси ёрилаёзди.

— Юрагимни ёриб ўлдирасиз-ку, — деди яниб.

Бу Ширинқулга хуш ёқарди.

Ширинқул шими ҳўл бўлиб кетаверганидан туплисини ечиб почасини тиззасигача сириб олди. Назирага ҳам шуни маслаҳат берди. У олдинига унамади, кейин энгашиб красовкасини ечди ва уни Ширинқул елим халтасига солиб кўтариб олди.

— Почангни кўтариб ол, бўлмаса ўласан шамоллаб.

— Шундайчаси яхши, — деди Назира уялаётганини яшириб. Аммо сал ўтмай трикоси шалаббо бўлиб осилиб қолгач, ўзи тиззасигача сириб олишга мажбур бўлди.

Оёқлари оппоқ, бежирим эди. У шу ҳолатидан хи-жолатда эди. Бошқалардан узоқлашиб овлоққа келиб қолмадикми, деб атрофга олазарак қараб қўйди.

Пастдаги ясси тош устида Машхура опа ва яна кимдир ўтириб олиб қўлларини оғизларига карнай қилишганча нимадир деб қичқиришарди. Нима деяётганларини на эшитиб, на тушуниб бўлади.

— Хавотир олманглар, Назирани бус-бутун қайтариб опкеламан, — дея қичқирди Ширинқул.

— Иби, номусга ўлдирасиз-ку сиз, — деди Назира ҳовлиққаннамо, бу нима деганингиз деган каби.

— Ваъда бериб қўйган яхши-да. Ким билсин, шу масалада хавотир олишаётгандир-да.

Идишларини тўлатгунча замбуруғ теришди-ю, қўзиқорин дегани иримигаям йўқ экан. Қўзиқорин завқи билан Чорвоқ сув омборининг тепасига келиб қолишибди. Каттакон денгиз қуйида ялтираб, адирлардан адирларга ёнлаб ўтиб, чайқалиб, ястаниб ётибди.

— Ана манзара, мана денгиз, Ўзбекистоннинг ҳақиқий денгизи, — деди ҳайратланиб ерга ўтираркан Ширинқул.

— Ростдан ҳам денгиз-а, гўзаллигини қаранг, — деди Назира ҳам. — Иби-и, шунча катта экан-а!

— Биз ёз пайтлари бу ерларга келиб чўмилиб турамиз, — деди Ширинқул. — Шаҳарда орттирган кирларни шу сувга келиб ташлаб кетамиз.

Назира анқайиб қараб қўйди. Боягидай ҳазилми ёчинми, деган маъно бор эди бу қарашда.

— Ёзда маниям опкелинг, — деди беихтиёр.

Ширинқул кутилмаган бу таклифга ишонқирамай:

— Чўмиласанми? — деб сўради.

— Йўғ-э, шундай-да, — деб қўйди Назира.

— Нима қипти, сендайлар ҳам чўмилаверади кийим-пийими билан. Кун иссиқ, бир оз юрганингдан кейин ўз-ўзидан қуриб кетади.

Ширинқул Назиранинг лўппи юзига, қулоқларини ёпиб турган қалин, жингалакка мойил қора сочларига, сўнгра ёмғирдан кейинги шабнамда оппоқлиги тагин ҳам ялтираб бўртиб турган оёқлари, болдирларига суқланиб термулди. Назира ҳайратлар дунёсига ўзини топшириб ҳамон ҳаприқар эди.

— Назира, — дея унинг хаёлини бўлди Ширинқул. — Институтни тугатдингми?

— Қайси институтни?

— Ислом институтига кирдим девдингми?

— Йўқ, киролмадим-ку.

— Кирмай туриб дахмазанг шунчами?

— Қанақа дахмаза?

— Айтаман-да. Ўзи қиз нарса ўқиб ҳам нима қиларди, эртага бир этак болага ўралашиб қоласан, тўғрими?

— Тўғри.

— Тўғри бўлса...

— Бир этак болали бўлиш учун аввал эрга тегиш керак-ку.

— Ҳа, дарвоқе... Назира, сени Машҳура опа ўгай онанинг қўлида катта бўлган деганди. Тўғримини шу гап?

— Ҳа. Лекин ҳеч эслагим келмайди. Ман бу ёққа келиб худди қамоқдан қутулгандекман.

Назира касалликдан вафот этган онаси, сўнг отаси бошқага уйланиб ўгай онанинг қўлида қолгани, у хотин қизга ит кунини солганини истар-истамас айтиб берди. Тошкентга бир отин ойисиникига келиб диний таълим ола бошлагани, кунлардан бир кун отин ойининг эри диний оқимга қўшилганликда айбланиб, қамалиб кетгандан сўнг тақдир тақозоси билан Машҳура опаникига ижара излаб келиб ўша ерда туриб қолганини ҳам сўзлади.

— Сенинг тақдиринг ҳам меникидан энгил эмас экан, — деди Ширинқул оғир ҳомуза тортиб.

— Нимага? — деди Назира Ширинқул томонга ўгирилиб қараркан.

— Нечага кирдинг? — деди Ширинқул саволга савол билан.

— Йигирма бирга кираман энди.

— Сенинг қисматинг энгиллиги шундаки, сен ҳали бошламагансан.

— Тушунмадим?

— Турмуш қийинчилигини.

— Бошимдан ўтказмаган бўлсам ҳам ҳис қиламан, Ширинқул ака.

Назира бу билан бошингиздан ўтганини айтаверинг, мен тушунаман демоқчи эди.

— Мен турмушни бошладим, қувончу ташвишларини кўрдим ва тугатиб ҳам бўлдим, — деди Ширинқул воқеани бир бошдан айтиб ўтиришни хоҳламай.

— Ишхонадаги хотинлардан оилангиз тинч эмас деб эшитган эдим, — деди Назира.

Ширинқул оғринди. Менинг оилам ҳақида били-

шаркан-да, гапириб юришар экан-да, деган хаёлга борди. Одамнинг юзини қора қиладиган бирдан-бир белги шу экан-да, деди.

Барибир Назирага ўхшаб хоҳлаб-хоҳламай ўша воқеаларни узуқ-юлуқ айтиб берди.

— Мастмидингиз? — деб сўради Назира.

— Йўқ, маст эмас эдим.

— Агар маст бўлганингизда талоқ тушмасмиди, деб ўйлабман-да.

— Ҳа, хотинимни, қизим Мақсудани, ўғлим Фирдавсни ўйласам юрагим гумуриб кетади, Назира. Ҳеч бошқа ҳаётни тасаввур қилолмайман. Бировлар бўлади, калишни алмаштиргандай алмаштириб кетаверади хотинни. Мен бўлсам, гарчи шунчаликка борсам ҳам воз кечолмаяпман. Аслида ўша пайтда ҳам воз кечмаган бўлсам керак.

— Табиатан раҳмдил, бўш феъл бўлсангиз керакда. Бундай кезде эркак киши узил-кесил ҳал қилмаса қийин.

Ширинқул «хўш?» дегандай қаддини тўғрилаб қизга қаради.

— Умр жуда қисқа, Ширинқул ака. Буни мендан кўра яхши биласиз. Сизга ақл ўргатолмайман, лекин энди иложингиз йўқ, барибир бошқага уйланасиз. Янгамуллоям бошқа эр қилади. Талоқ масаласи оғир. Юрсангиз юраверасиз.

Шу пайт уларнинг ёнига иккита аскар йигит келиб қолди. Кўринишидан қишлоқ йигитлари, уст-бошлариям унниқиб кетган.

— Ака, чекишдан борми? — деди улардан бири, сал хижолат бўлиб.

— Мен чекмайман, — деди Ширинқул.

Аскарларнинг бири Назирага қараб бақрайиб қолди. Қиз бечора дарҳол оёқларини бекитишга тушди.

— Буям чекмайди, — деди Ширинқул у йигитга, тезроқ кет, деган маънода.

Йигитлар нарироқ кетгач, бири орқасига қараб бош бармогини кўрсатиб «михдай» ишорасини қилди.

— Назира, зўр эмишсан, — деди Ширинқул.



— Бу нима деганингиз?  
— Анави аскар бола сени, михдай экан топган қизингиз деб кўрсатяпти.

— Қўйсангиз-чи, ёш боламисиз?

Ширинқулга бу гаплар гўё Назиранинг ўз хотинидек муомала қилаётгандай бўлиб туюлди. Ичида ийиб кетгандек ширин ва айни пайтда кўз олдини қоронғилаштириб юборувчи ҳадикли бир туйғу ўтди. Ўзини мастдек ҳис қилди.

— Назира, — деди ва нима демоқчилигини тағин бир эслаб олмоқчидек тўхтаб қолди. Назира унга термулиб турарди. Унда ҳадик йўқ, лекин Ширинқул талмовсирайди.

— Бу гапни нега гапираётганимни тайин бир аниқлаштириб олганим йўқ-ку, шундаям...

Назира бу гапни билардим дегандай кумуш денгизга қаради. Аммо унинг ҳам кўзларидан маъно йўқолган эди.

— Назира, — дея қизнинг эътиборини ўзига жалб қилди йигит. — Агар хотинликка қўлингни сўрасам рози бўлармидинг?

Назира бир сесканиб тушди. Оёқларини йиғиштириб ғужанак бўлиб олди. У мунғайиб, жуда кичрайиб кетгандек туюлди. Ширинқулга бошқа қарамай қўйди, бемаъно, денгизга тикилиб тураверди.

Ширинқул ҳам денгизга қаради. Аммо у ерда мовий кенлик ва жимир-жимирдан бошқа ҳеч нарса йўқ эди.

— А, Назира?

Яна ўша жимлик. Мазмунсиз нигоҳ.

— Тўғри, бунга дабдурустдан «ҳа» деган жавобни кутмайман. Шундай бўлганида балки сени ёқтирмай қолардим. Барибир...

— Сиз бу нарсани анчадан бери ўйлаб юрармидингиз?

— Нима десамакан?.. Гапнинг очиғи, аввал бир тўхтамакка келолмаганман. Айтдим-ку... Сен ҳам эшитдинг. Бугун шундай хаёллар гирдобидаман.

— Ширинқул ака, бошқа нарсаларни гаплашайлик.

— Ҳа, тўғри, — дея ўзини ўнглаб олди. Ширинкул. — Ўзим ҳам қийналиб кетдим. Демак, барибир умид остонасидаман деб тасаввур қилаверсам бўлар-а, тўғри-ми?

Назира бу гал ҳам индамади. У бирпасда улғайиб қолгандек эди.

Бояги аскарлар кетган томонда пастга тушадиган зина ва бетонйўлак бор экан. Йўлак бора-бора йўлни катта асфальтга опчиқаркан.

— Лола терсак яхши бўларди, — деди Назира.

— Лола тошли жойларда ўсади. Кел, яхшиси, мана бу қияликдан тушамиз. Лолалар ҳам топилади бу ёқда.

Ширинкул йўл-йўлакай тўрт дона лола топиб узиб Назирага берди. Назиранинг бўлса кайфияти кўтарилмас ёки у ҳеч нарсани сездирмас эди.

Ширинкул эрталаб хаёлидан кечган — қиз дилдорлик берса лабидан бир муччи оламан деган ниятидан воз кечди. Қияда Назиранинг қўлидан тутар, шунда иссиқ, жудаям иссиқ тафтни туяр, лекин қиз сал текисроқ жойда дарҳол қўлини тортиб оларди.

Асфальт йўлда уч нафар аскар боланинг елим челақларда замбуруғ ва кўзиқорин сотиш учун йўл бўйига чиқиб турганини кўришди.

Ширинкул аскар бола билан савдолашиб бир челақ кўзиқорин сотиб олди.

Автобус ёнида аллақачон кўрпача ва одёллар тўша-либ жой ҳозирланган. Маҳкам ака ўчоққа гуриллатиб олов ёқаётган эди.

Машҳура опа буларни кўриб пичингга ўтди:

— Келин-куёвлардай жа-а хилватларда қолиб, а?.. Бу ёғи тинчликми ишқилиб?

— Хотиржам бўлинг, ҳаммаси яхши, ёш боламидим, — деди Ширинкул.

\* \* \*

Ширинкул идорада Назирага овунадиган бўлиб қолди. Компьютер ёнига келиб, атайлаб китоблар хатосини тепасида туриб тўғрилатар, баъзан бутун-бутун матнларни айтиб туриб ёздирарди. Шу сабаб унга

қандай яқинлашиб бораётганини ҳам ўзи сезмай қолди. Назира ҳам бора-бора бунга кўникди. У Ширинқулга китоблар бериб турар, ушбу китобларда кўпинча ичкилик қораланар эди. «Қиёмат аломатлари» деган китобни ўқиб, унинг тепа сочи тикка бўлиб кетди. Баъзида худди эрига қилган каби, «ичмасангиз бўлмай-дими шуни?» — дея маломат қилиб қолар, сўнг отасининг ичкилик туфайли буткул одамгарчиликдан айрилганини мисол қилиб айтарди. Булар маъқул, лекин ёш қизнинг, ўздан қарийб ўн тўрт ёш катта одамга «жаноб Ҳақ субҳонаҳу ва таоло ўз шарифи каломида таъкидлаганидек», дея амру маъруф айлаб қолиши галати эди.

— Биламан, бу нарсаларни ўқиганман, — дерди йигит.

Ўша тоғ сайрида ҳам Ширинқулга «бир қултум ичсангиз, мен билан гаплашмайсиз», дея шарт қўйган эди. Ширинқул ҳам одобли болалардек бу талабни бекаму қўст адо этди.

Уй эса зимистондан-зимистон эди. Пардалар, кийим-кечак, супурги, идиш-товоқ, ошхона — бари Мағфиратнинг отини айтиб чақиргандек бўлаверарди. Ўтган қирқ кун қирқ йилдан ҳам зиёддек эди. Фирдавсни эркалашни хуш кўрарди. Ишдан келиб у билан бир зум ўйнаса ҳордиғи чиқиб кетарди. Ўғли нукул у айтган ишнинг тескарисини қиларди, бунга сари отанинг завқи ошаверар, баъзан болани жеркиб берса, у сира кечирмай қоларди, ҳатто эртаси куни ҳам ойисига кўрсатиб, «дадам мани уйди», деб йиғлаб юбораверарди. Мана шу эркалик, эркалатишлар ҳам энди арзанда.

Ширинқул негадир юрагининг туб-тубида барибир Мағфират қайтиб келади, деб ишонарди. Бутунлай воз кечиб кетишга иродаси етмайди ёки мендан бошқаси билан яшашни тасаввур қилолмайди, деб ўйларди. Ўзи ҳам ундан бошқаси билан яшаёлмасам керак дерди.

«Ҳозир акасиникидамикан. Болалар билан қандай сиғиб юрган экан, ё қишлоққа кетганмикан? Ҳозир ўғлим нима шўхлик қилаётганикин, қизим-чи? Мағ-

фират дераза олдига бориб мени ўйлаётган чиқар, кутаётганмикан? Ё бирорта эркакни топиб олганмикан? Тавба қилдим, шунақа бўлиши ҳам мумкинми? Бева хотиннинг орқасидан юрадиган чиқади барибир. Қипчоқда бекорчи кўп. Ишсизлар ҳам, пулдорлар ҳам кўп. Бирорта пулдори кўнглини топиб, ўйнатиб юрган бўлса-чи? Ўйнатиб ҳам ўйнашиб... Йўқ, бундай қилмас керак. У мендан бошқаси билан тўшакка киролмайди. Ўзим ҳам негадир ундан бошқаси билан ётолмасам керак. Нега шундай? Дуо қилдирмаганмикан? Йўқ, ўзи шу нарса менга ёқмаса керак. Талабаликда дўстларнинг қизиқтириши билан бир фоҳишага дуч бўлгандим. Кўп ўтмай касалликка чалиндим. Яширинча даволаниб тузалгунимча нақ она сутим оғзимга келган, бор будимдан айрилиб қарийб яланғоч қолганман. Шу боис кимки бегона аёл бўлса, касал деб ўйлайман. Ифлос ва сассиқ туюлаверади. Фақат Назира... У намозхон-да, тоза. Лекин хотин бўла оладими? Босиқ, кўп қийинчилик кўрган, лекин нимасидир енгил туюлади. У — Мағфират эмас. Акслиги бўлса ҳам Мағфиратим яхши. Агар яхши кийиниб олса қомати ҳамманикидан зўр. Кўнгли ийса ҳамма айтганингни бажаради. Бадани ҳам топ-тоза, ўзига қараб юрса бўлди, ўпсанг ҳам ёқимли ҳиди бор, эҳ, қани ўша Мағфират?! Энди йўқ, йўқ, йўқ. Даҳшат! Агар биров билан юриб кетса сўяман!

Ўлиптими, болаларига меҳрибончилик қилиб, қараб, акасиникида юргандир. Акаси сиғдирармикан? Қипчоқ ҳам шаҳардай гап: бир эшикдан кириб чиқарвергандан кейин ёқмай қоласан тез кунда. Ҳа, туғишганингни ҳам ёқтирмай қоласан. Мана, ўзингдан қиёс, бошқалар ҳам шундай-да. Ё қишлоққа жўнатиб юбордимикан? Қишлоқда эса тез гап бўлиб кетади. Ажрашипти деган гап аёлга яхшими? Шунинг учун бу нарсани яширишга уринишади, бир-икки кун туриб қолса ҳам ажрашган деб, қолганини тўқиб-бичиб ташлашади. Йў-ўқ, қишлоққа кетмагандир. Қипчоққа бир бориб пойлаб келсаммикан? Қандай қилиб пойлайман? Кўриб қолади, кўрса ялиниб келди, деб ўйлай-

ди. Шу-у, қайсарлиги бор-да. Бошқа томони яхши. Барибир бораман. Ҳамма айб ўзимда».

\* \* \*

Одатдагидай уйни саранжом-саришта қилди, енгил кийимларини ювиб дорга илди. Ишга бориб бир-икки кун келолмайман, деб тайинлаб келмоқчи бўлди. Эртароқ борган экан, Назирадан бошқа ҳеч ким келмабди. Қиз ҳар сафаргидай «Ассалому алайкум» дея кўлини кўксига қўйиб ўрнидан турди.

— Ҳар куни шундай эрта келасанми? — деб сўради Ширинқул.

— Ҳа, деярли ҳар куни. Ҳеч ким йўқлигида оромидан ишлайман.

— Бўлмаса халақит берибман-да?

— Нимага уннок деёпсиз?

— Балки халақит бергандирман деб ўйладим-да.

— Ширинқул ака...

Қиз ерга қараб турарди.

— Бир нима демоқчимидинг, — деди Ширинқул гўё эътиборсиздай. Аммо бир жуда муҳим гап айтмоқчилигини англади, негадир ич-ичидан «ўша сўзни айтмасин-да», деб ялингандай бўлди.

— Кир кийимингиз бўлса менга келтириб берса-йиз, овқатдан ҳам қийналаётгандирсиз...

— Йўқ, қийналганим йўқ. Қайтамга яхши, курсимга лойиқ нарса еяпман. Кир ювиш бўлса менинг хоббим, физкультура-да, маза. Бизнинг кирларни кўтариб юрсанг Машхура опа нима деркин?

— Билмасам...

— Мавриди бўлганда бир тонна кир қилиб уйиб қўярман, ўшанда уйга бориб ювиб берарсан балки.

Бу гапда илмоқли фикр ҳам борлигини ўйлаб:

— Балки бирорта дугонангни ҳашарга оборарсан, — деб қўйди.

— Тушимда сиз оқ от минибсиз, хайрлик бўлса керак, — деди Назира.

— Эгарланганмиди от? — деб сўради Ширинқул бирдан ҳовлиқиб.

— Эгарланган эди...

— Асов эмасаканми, ирғишлаб устидан тушириб ташламадими аканг қарағайни?

— Ажойбсиз-а...

Назира Ширинқулдаги шу кўтаринкиликни ёқтирарди. Шу боис у кучли одам, ҳар қандай дард ва аччиқ қисматни шундай баланд руҳ билан енгиб ўта олади, деб ишонарди.

— Бу ҳафта иш билан икки-уч кунга даф бўлмоқчиман, келгунимча идорада назорат ўрнатиб турасан, хўпми? Тагин ўзинг йигит-пигитларга шилқимлик қилиб юрма, хафа бўламан. Чунки сен яхши қизсан, ҳадеб бундай шилқимлик қилиш сенга ярашмайди.

Қиз гарчи булар ҳазиллигини билсаям жўрттага жиддийлашди:

— Шилқимлигимни кўриб эдингизми?

— Кўрмаганман, кўрмайин ҳам дейман-да.

— Оллоҳ асрасин! Кўйинг, ман мунноқ ҳазилларни кўтаролмайман.

— Унда яхши, мен сени кечирдим.

Ширинқул «кечирасан, синглим, дилингни оғритиб қўйдим» дегани эди бу, тескарисини гапирди, холос. Лекин Назира бу ҳазилни мутлақо тушунмади.

\* \* \*

Йўл бўйи «қандай кутиб оларкин?» деган хаёл уни тарк этмади. Бир гап бўлар, пешонада борини кўрарман, деб машинасини босиб кетаверди. Кўз ўнгида ўғли, қизи жонланди. Совға олиб бормаса ноқулай бўлишини сезиб дўкондан ҳар хил ширинликлар, Янгийўл атрофида йўлдан икки кило қулупнай ҳам олволди. Йўл узоқ, хаёл суриб кетди. Мағфират билан биринчи учрашув, унинг тортинчоқлиги, чиройли экани, ўзи «бўлди, шунга уйланаман», дея тез қарорга келгани...

Янгаси қурғур ёмон таранг қилар эди-да. Чақириб бериш учун ҳам аввал бир нимангни олиб, кейин яна девор орқасидан пойлаб турарди. Мағфиратнинг ақл-фаросати, билими ўқиган қизларникидан қолишмас-

ди. Биринчи сафар девор орқасида туриб гаплашган, кейингисида эса, «келсангиз, кундуз куни келинг, кечаси учрашувга чиқмайман», деган. Кейингиларида бирмунча мослашган, аммо зинҳор сой бўйидаги теракзор ичида учрашишга рози бўлмаган. Ширинкул саккиз чақирим келадиган қишлоғидан одатда кечқурун, акасининг мотоциклида келарди учрашувга. Бир гал энди мактабга бораётган синглисини олиб келган, у янгасини бир кўрай деб хархаша қилган эди. Синглиси Мағфиратнинг синглиси билан ўйнаб оуниб қолганида биринчи марта узоқ гаплашган ва... қизнинг гарчанд қаршилигига қарамай ўпган эди.

— Шу ёшга кириб нимага уйланмай юрибсиз?

Йигит йигирма олтига кирган эди.

— Сиздайини тополмадим-да.

— Биздан зўрлари шаҳарда кўп-ку, ҳам ўқиган улар?

— Аёлнинг ўқимагани яхши. Ўқиса эшганлаб кетади.

— Вой, нега эшганлайди?

— Шаҳар кўрган эчкидан кўрқ, деган гап бор-ку.

— Мени отам ўқишга жўнатмади. Кириб кетардим.

Энг аълочи бўлмасамам билимимга ишонардим.

— Балки кечкига кириб ўқирсиз, кўрамиз.

— Ўқитасизми? Отамнинг қўли калталиқ қилмаганида-ку...

— Афсус қилманг, Худо хоҳласа ҳаммаси яхши бўлади. Биз ҳам унча ошиб-тошиб кетмаганмиз.

Ёз чиққанда тўй бўлган. Ширинкул уни қаттиқроқ яхши кўриб қолган эди. Бир йилча ҳар шанба қишлоққа қатнади. Йўлдан безор бўлиб кетди. Яқин жой бўлса экан. Онаси ҳам негадир опкет келинни, кватирада бўлсаям амаллаб яшаб турарсизлар, демаган. Мағфират ҳам энамнинг хизматини қилай, ҳадеганда шаҳарга қочиб кетмай, дерди. Биринчи фарзанди қиз бўлди. Мақсуда эмаклаб, дастурхоннинг ағдар-тўнтарини чиқарадиган бўлганда Ширинкул уларни шаҳарга олиб кетди. Иккинчи фарзандга ҳомиладор бўлганида Худо ярлақаб уйли бўлишди. Хотинини ўқишга кириштиш ҳақидаги гаплар эсидан ҳам чиқиб кетди. Бола

билан ўқиб бўларканми? Миядаги бор билимни шулар қоқиб қўлига беришди.

Эшикни акасининг қизи очди. Акаси уйда йўқ экан. Ширинкул: «Мағфират опангни чақир бўлмасам», деди. Анча фурсатдан кейин акасининг хотини кўриниш берди.

— Ҳа, куёвтўра, нима гап?

— Келдик.

— Хотин, бола-чақа энди керак бўлдими? Қилгиликни қилиб қўйиб?..

— Уйдами?

— Тешик кулча ерда ётармиди, эрга бердик сингилжонни...

— Йўғ-э-э, ҳазиллашманг.

— Сизга ўхшаган бир бойвачча топилиб эди, бердик.

— Жиддий гапиряпсизми?

— Бўлмаса нима? Талоқни бергандан кейин у кимники бўларди, бировга бериш керак-да.

— Янга, уйингизга кирсак бўладими?

— Йўқ, бўлмайди, энди янги куёв киради бу уйга.

— Ҳеч бўлмаса бир оғиз гаплаштирамайсизми, кўриштирамайсизми?

Янгасининг кўзлари пирпираб, ёноқлари учиб ўшқиринишга тайёрланди.

— Жигит деган шундай бўлама? Икки ой боланинг, хотиннинг аҳволидан хабар омайми? Энди мудгор бўгани неси?

— Янгажон... — Янга эшикни қарсиллатиб ёпди. Ичкарига қарганиб кириб кетди. «Жигит ўлгур-ей, буйтиб журганча» деганини эшитди.

«Қаерда бўлиши мумкин? Ҳеч бўлмаса қизим ҳам чиқмади-я. Наҳотки янга айтганидай... Йўқ, бўлиши мумкин эмас. Қизимни, ўғлимни бировга фарзанд қилиб бериб қўймайман!» Кун бўйи шу жойларда тентиради. Машинасини юргизди, ўчирди; юриб қаради, туриб қаради, истагани топилмади. Қўрғон марказида кафелар кўпайибди. Ҳар хил муסיқалар янграб, ёшланг кириб-чиқиб турибди. Кимлардир дарахт сояси-



да пиво симирмоқда. Ширинкул ҳам тўйиб-тўйиб пиво ичсамми, деб ўйлади. Аммо ичидан ўтаётганини бу ҳам босолмаслигини билиб турарди. Аста, бемажол машинага ўтириб ўт олди. Қўл телефонини олиб Мағфиратнинг акасиникига қўнғироқ қилиб кўрди. Тағин бояги қизча олиб оёқларини чақиргани кетди. Фойдаси бўлмагач, машинага газ босди. Илгари чўл қурилиши бўлган идоранинг олдидан ўтди. «Нексия»лар қаторлашиб турибди. Бу ерда ҳам кафе очилибди. Иккита қориндор киши кабоб билан қўшиб ароқ ичиб ўтиришибди. Шуларга ўхшаганлар Мағфиратни илинтирдимикан, деган ўйга борди ва бирдан юраги «шиғ» этиб кетди.

«Булар ифлос одамлар: пул топади, пулига маишат қилади. Хотинбозлик қилади. Бу — аниқ. Хотин эмас, ўйнаш керак буларга. Мағфиратга кўзи тушса, эридан ажраб келиб ўтирганини билса, тинч қўймайди. Бир нарсалар олиб бериб, ё хотин қиламан деб, маишатини қилади-да, сўнг туфлаб ташлайди, кейин итмисан деб ҳам қарамайди, сўнг бошқасини илинтиради. Мағфират ҳам шуларга учиб... Уф-ф, ундоқ эмасдир-ов. Мағфират шунақа аёлмиди? Йўқ, унақа эмас».

Шу ўй-хаёл билан катта кўчага чиқиб кетганини ўзи ҳам сезмади. Қаёққа юрсин: Тошкентгами, қишлоққами?» Иккиланиб, каловланиб турганида Гулистон томондан бир «Нексия» келиб, секин Қипчоқ томонга қайрилди. Бир мешқорин киши, ёнида хотини ҳам бор. Ширинкулга у Мағфиратга ўхшаб кўриниб кетди. «Мағфиратмас, — деди у ўзига-ўзи. Мағфиратмас, Мағфиратмас!» Ишонқирамай унинг орқасидан юрмоқчи бўлди. Пича юриб фикридан қайтди. «Нексия» ҳам юриши тезлашиб кўздан ғойиб бўлди.

Бир қарорга келиб-келмай қишлоқ томонга ҳайлади. «Отасиникига кетгандир», деган илинжи бор эди. Қуёш ҳам қизариб бораётган уфқ ортида ўйланиб туриб қолган, гўё у ҳам бу ҳолдан ҳайрон, тоғлар ортига ботиб кетиш эсидан чиқиб кетгандек эди. Қишлоққача кам деганда етмиш чақирим бор, етгунча қоронғи ҳам

тушиб қолади. Қоронғида юришни ёқтирмайди, кўзига бир балолар кўрингандек ваҳимага тушаверади, йўлда чиққан одам ҳам қоп-қора девдек туюлаверади.

Қишлоқда чироқ йўқ, атроф зимистон эди. Ўзи шу кейинги пайтларда қишлоқда икки ё уч соат чироқ беришади-да, хуфтон бўлмасдан ўчириб қўйишади. Одамлар ҳам кўникиб қолган бунга: мойчироқни ёқиб, хангома қилиб чойхўрлик қилиб ўтираверишади. Тош ва пахса билан ўралган тор йўлга биргина машина сиғади. Йўлак тугаб қишлоққа чиққач, қия йўлдан ўнг томонга бирор чақирим юрилади. Ён тарафи тош девор билан тўсилган биринчи уй қайнотасиники. Ёғоч тўсиқлар девор вазифасини ўтайди. Даставвал вовуллаган кўйи ит югуриб келди. Деразасидан ёруғ тушиб турган уйнинг олдида гугурт ёнди. Кимдир оёғига пой-абзал кийди чоғи. Машина ёруғининг рўпарасигача келди: қайнотаси. Оқ иштон, устидан узун қора яктак ташлаб олган, соқол қўйибди, мўйлови оппоқ. Бобой бўлиш ҳам бирпаслик иш экан-да. Кунни кеча мироб, қишлоқ бригадири бўлиб шовқин солиб юрарди. Ҳойнаҳой номозхон ҳам бўлиб қолган чиқар.

— Ҳа, куёв, келинг. Кучукдан қўрқапсизми? Тушинг-тушинг.

Ширинқул бирор нарсани тусмол қилмоқчидай эшикни очиб тушди. Қўрққандай бўлиб, хавфсираб кўришди.

— Болларни опкелмадингизми? — деди қайнотаси тўсиқларни бирин-кетин тушириб йўл очаркан.

— Ие, — деди Ширинқул беихтиёр ва гапнинг давомини айтолмай бош қашлади. Орқасига қайтди. Машинанинг юкхонасини очиб шаҳардан олган меваларни олди.

Қайнотаси нукул невараларининг ҳолини сўради.

Ширинқул «ҳа яхши, яхши»дан нарига ўтолмади.

Демак, Мағфират бу ёқларга келмапти-да. Қайнотаси негадир гап қўшмай хомуш, сирли-сирли тикилиб ўтирди. Ширинқул бир-икки пиёла чой ичиб, уйга ўтай, уларниям кўрмаганимга анча бўлди, деб туриб олди. Қайнотаси «қуруқ оғиз кетманг, жуда бўлмаса

тўртта тухум қовурсин», деб туриб олди. Ширинкул унамади. «Кеч бўлиб қолди», деб баҳона қилди.

— Майли бўлмаса, куда-кудағайларга салом денг, — деди қайнотаси.

— Майли, яхши ўтирингизлар.

Қайнотаси эргашиб келган невараларини бораверинглар уйга деб ҳайдаб юборди-да, куёвига кифтлашди.

— Кампир билан икки-уч кундан бери қобоқ-тумшуклимиз, хижолат бўлманг, куёв. Ҳаётда ҳар нарса бўптуради. Илгари елкаси қичиди шекилли, деб бир-икки қамчи ташлаб турардим, энди ярашмай қолди. Лекин сиз Мағфиратни урманг, хўпми? Мен уни ўғилларимдан ҳам, қизларимдан ҳам яхши кўраман. Урсангиз мен хапа бўламан, кўклам кунлари бир опкелинг, маёпка қипкетасизлар.

Ширинкул уйга боргач янгасига тўшак солдирдию донг қотиб ухлаб қолди. Бошқалар ҳам ухлаб қолишган экан.

\* \* \*

Онасининг келинлари ичида Мағфиратга алоҳида меҳри бор. Қизим қатори кўраман деб кўп айтган. Ҳатто тўйдан кейин қанча йиллар шаҳарга жўнатмай туриб олган.

Эрталаб ўғли ариқдан юз-қўлларини чайиб келгач:

— Тинчликми ўзи? — деб сўради.

— Тинчлик, — деди ўғли.

— Ростдан тинчликми, болам? — дея хавотирланиб яна сўради онаси.

— Туш-пуш кўрувдингизми? — деди бунга жавобан ўғил.

— Туш бўлса майли эди, тушдан ёмон гаплар юрипти, болам. Бирор гап бўлдими келинминам?

— Нима гаплар эшитдингиз ўзи?

— Ай, шу одамлар, хотинлар ундай-мундай гапириб ётишипти-да, элда гап жотома? Не қилдинг келинди?

— Гартак айтишдик. Пичагина юзини силаб ҳам

қўйдим. Болларни олиб бир оз айланиб кел дедим, ака-пакасиникида бир-икки кун дам олиб, айланиб боради-да, нима қилади бир ерда диққинафас бўлиб.

— Бир нарсани бошламаган бўлсанг-ку...

— Бундай келинингиздан айрилиб бўлармиди. Отам қаерда?

— Жаровулдаги катта бўлаларинг қизини чиқара-ётиб экан, ўта солиб келай, Ширинқул кетиб қолма-син, деб тайинлаб кетди.

— Вақтим зикроқ эди-да.

— Қарамасанг бўлмайди, қаттиқ тайинлади. Кеча куруқ оғиз, оч қоринга ётиб қопсан. Акангнинг қизлари пидина териб келган, ҳозир чечанг пичак пишираман деб хамир ийлаяпти. Ҳеч қаерга кетмайсан.

Ҳовлидаги қўл ювгичнинг олдидаги бир парча ойнага қараб акаси соқол қиртишлаб ётипти.

— Уйга кириб чой-пой ичиб тур, ҳозир бораман, — деди у.

Ичига ялпиз солиб пиширилган пичакни чалобга ботириб урсанг ё ичига сарёғ эритиб туширсанг зап кетади-да. Ширинқул жуда очқаб кетганини туриб-туриб ҳис қилди. Ҳар гал келганида онаси юпқа пишириб берарди. Ҳозир сой ва ариқ бўйларида ялпиз кўплиги учун невараларини эргалабдан уйғотиб, қўлига челақ бериб югуртирибди.

«Меҳрибонгина энажоним! Не аҳволда бўлсангизам мени ўйлайсиз-а! Аслида невараларингиз, келинингиз билан келиб уч-тўрт кун юрсам қанчалик димоғиям чоғ бўларди. Афсус... Фақат кўп сўроққа тутаверманг, илтимос. Шундоқ ҳам ичгинам эзилиб кетаётир, эна!»

\* \* \*

«Ўша куни кўп дакки эшитишимни билардим уйдагилардан. Отам, онам, айниқса акам обдан тузлайди, деб ўйладим. Аммо негадир ҳеч бири менга дўқ ҳам урмади, писанда ҳам қилишмади. Афсус ва аттанг қилишди, энди нима қилмоқчисан, дейишди. Бундан

кўра таёқ олиб урганларида минг марта яхшироқ бўларди, қилиғимга яраша жазо олган бўлардим. Фақат синглим, «агар шу янгамни қайтиб опкелмасангиз сиздан ака сифатида рози эмасман», деди ва йиғлади. Шундай гурбатли кайфиятим бўлмаганида икки-уч кун юрмоқчи эдим. Қишлоғим қандай кўркам бўлиб кетибди. Ҳаво, сув тоза, атроф кўклам қуёшида яшнаб ётибди. Осмон шу қадар тиниқки, қуёш чиққунча юлдузлар кўриниб туради.

Акам, бир-икки кун турмайсанми, гаплар бор, деди. Мен унамадим. Чой ичгандан кейин мени районга ташлаб қўясан, деб машинага ўтириб олди. Талоқ масаласини ҳеч қайсиси билмас экан. Лекин акам эшитибди. Аёллар миш-мишни кўпайтириб юборишган чоғи.

— Чиндан «талоқ» дедингми? — деб сўради акам йўлда. Менинг индамаганимни кўриб: — Бекор қипсан, аттанг, — деди бошини чайқаб. — Айтиб қўяй, бундай келинни топиш қийин. Нимаси ёмон, айт-чи?

Яна индамадим.

— Ҳамма гап ўзингда, ука. Менга шундай туюляпти. Ичиб олиб ургандирсан. Қишлоққа келиб жўраларинг билан кўришиб қолсанг ҳам роса ичасан. Биз билан, ота-она билан хангома қилишни билмайсан. Жўра дегани нима: бирпас ўтириб улфатчилик қилишга-да у. Кейин устингдан кулиб юради. Ота-онаям қарияпти. Энди улар сенга хотин қидирмайди. Бўлар иш бўлган десанг, мен югуришим керак яна.

— Ака, бу масалада сизга юк бўлмайман. Тўғри, кўп айб ўзимда. Шунинг учун ўзимнинг мойимга қоврилаяман. Бир оз вақт ўтсин энди. Келинингизниям, мениям кўзимиз жойига келар.

— Сен талоқ деган нарсани тушунмайсан, шекилли?

— Тушунишга-ку тушунаман, лекин...

Бу нарсани акам билан сирлашолмайман.

Отамнинг, онамининг олдидаям худди одам ўлдиргандай аҳволга тушдим. Онам кўп ўпкалади, отам, қудаларимиз яхши одамлар, тезроқ келинни опкетиб, яра-

шинглар, мен уларнинг кўзига қандай қарайман, тўй бор, маърака бор, деди.

Акамни райсобеснинг олдига ташладим-да, бу ёғига ўзим келдим. Бугдойзор ораси қизгалдоқдан гиламдай товланиб ётибди. Устига ётиб думалагинг келади. Бултур шу ерлардан болалар билан ётиб, туриб, гулларни кучоқлаб расмга тушган эдик.

Қайтаётганда яна Қипчоққа бурилдим. Қайноғамнинг кўчасига қайрилган жойда унинг қизи бир тўда қизлар билан кўчага бўр билан чизиб нимадир ўйнаётган экан. Мени кўриб бир оз тек туриб қолди. Машинадан тушган эдим, чопиб уйига кетиб қолди. Аммасини чақирар деб, эшигининг тагида кутдим. Яна ўша аҳвол: ҳеч ким чиқмади.

Ўйлаб ўйимнинг тагига етолмайман: ўша давангирдай маишатхўрлардан биттасига тегиб кетдимикан? Мағфират-а?! Наҳотки бу иш шу қадар осон бўлса? Мумкин эмас! У мендан бошқаси билан ҳам ётиши мумкинми? Йўқ, сира тасаввуримга сиғдиролмайман. Мендан буткул совиган бўлса-чи? Акаси, янгаси жеркийвериб, ҳеч қаёққа сиғмай қолиб сабр-бардоши тугаган бўлса-чи. Шундай бўлиши ҳам мумкин-ку!..

Бошим шишиб кетди. Ишга борсаммикан, борсаммикан?»

\* \* \*

— Назира, яна қандай тушлар кўряпсан?

— Кўп туш кўраман, лекин кўписи хаёлимга турмайди.

— Ширинкул мавзусидаги тушлардан йўқми?

Қиз ҳазилга бир зум тўхтаб, сўнг қиё қараб жиламайиб кўйишига ўртанади Ширинкул. Одамзоднинг бундай гўзал қилиқлари борлигини ўйлайди. Соф, типтиник бир туйғулар ҳам бор бу дунёда. Ширинкул бу қиз учун суянчиқ, юпанчми, халоскорми — ким? Ё бўлажак қайлиқмикан?

Ҳамма ташвишларию ҳозир юрагида кечираётган туйғуларини жамлаштириб бир қарорга келолмади. Унда биргина ният пайдо бўлди: шу қизнинг ёниб

турган дудокларидан қонгунча ўпиш. Аввал кўз олди бир жимирлаб кетди, сўнг нима бўлса булар деб секингина, деярли шивирлаб:

— Сени яхши кўриб кетдим, лабингдан ўпгим келпти, — деди.

Қиз дув қизарди ва ишини ҳам тўхтатиб тескари ўгирилиб олди. Йигит курсисини унга яқинроқ суриб ўтирди. Қиз туриб кетди ва деразанинг олдига бориб ташқарига бемаъно тикилиб тураверди. Йигит унинг ўрнига компьютер қошига ўтириб олди-да, қизнинг ишини давом эттириб ўзи тера бошлади. Қиз секин, истар-истамас унинг ёнига келди ва:

— Қўйинг, ўзим ишлайман, — деди.

Ширинкул ўрнидан қўзғалиб қаққайиб туриб қолди.

— Хафа бўлдингми? — деди.

— Гап хафагарчиликда эмас. Мен сизни акамдай кўраман. Мунноқ гаплариз оғир ботади.

— Кечирасан, — деди-да, йигит хонадан чиқиб кетди.

Кетаётиб ўпишимни рад қилгани учун ҳам бу қизни ҳурмат қилса арзийди, деб ўйлади.

Шундан сўнг кўп вақт шу ҳақда ўйлаб юрди. Ўзининг унга боғланиб қолаётганини сизди. Агар Мағфират билан тақдиримиз тескари кетган бўлса фақат Назирага оғиз соламан, намоз ўқинг деса намозхон бўлиб оламан, қайтанга тоза юраман, улфатлардан воз кечаман, деган қарорга ҳам келди. Аммо бу қарор муқим эмас, истакнинг хулосаси эди, холос. Хотин қўйган, икки болали эркакка бокира бир қизнинг хотин бўлиши ҳам шунчаки гап эмас. Боз устига турмуш сир-асрорларини бир бошдан тушунтириб, уқтириб боришинг керак. Ширинкул шу заҳоти Назирани қандай тўй қилиб опкелиш, тўйга нималар сарфлаш, қаерда ўтказиш керагу қанча машина жалб қилиш ҳақида ҳам ўйлаб қўйди. У ич-ичидан Назира менга рози бўлади, деб ишонди.

Фақат Мағфират билан кечган ҳаёти, қизи ва ўғли ҳақида ўйлаганида зил тортар, буларни осонликча

ташлаб кетолмаслигини яхши ҳис қиларди. Аммо нимадир чора топиш керак-ку.

Ишдан келган заҳоти «адажон» дея югуриб келиб бўйнига осилиб олувчи қизини эслади. Юраги тўлиқиб бораётганини ҳис этди. Негадир илгаридан, деярли талабалик давридан бошлаб турмуш ҳақида ўйлаганида нуқул шу нарса кўз ўнгида гавдаланарди: уйинг бўлса, ишдан келсанг, кирганингда қизинг қийқириб югуриб келса, юзингдан чўлпиллатиб ўпса, сўнг уни эркалатиб мевалар, ўйинчоқ берсанг, хотининг ҳам уйни саришталаб овқат пишириб кутиб ўтирган бўлса, «яхши ишлаб келдингизми, чарчамадингизми» деб кутиб олса...

Ҳаётда ҳам худди шу орзу қилгани бўлди. Худо уй, хотин ва эркалаш учун қиз берди. Ўғил орзу қилган эди, ўғил ҳам берди. Ният қилган иши, машина — ҳаммасига етишди.

Аммо нима жин тегдию...

Ҳаммасини қайтадан бошлаш оғир. Квртирама-квртира сарсон-саргардон бўлиб юришлар, ўқиш, амаллаб ишга жойлашиб олиш, бора-бора бир нималик бўлиш учун тинимсиз ҳаракатлар... ҳатто эслагиси ҳам келмайди. Эслаганда ўртоқлашадиган, сирлашадиган киминг бор ўзи? Яқин ўртоқлари, тез-тез келиб турувчи қариндошларининг ҳам оёғи узилди. Оиланг бўлмаса ростдан ҳам қариндошлар келмай қўяр экан. Дўстлар ҳам оилавий давраларга чақиришдан тийилиб қоларкан.

Бу туришда охири моховдай бўлиб қоламан шекилли, деб ўйлади.

\* \* \*

Назира эртаси кундан бошлаб яна ундан мутлақо хафа эмасдай тутди ўзини: аввал қандай бўлса шундай гаплашиб кетди. Худди ҳеч нарса бўлмагандай. Қизинг менда кўнгли бор, таклиф қилсам уйгаям боради, деб ўйлади Ширинкул.

Қиз ҳам бир-икки кун қовоғини солиб юрса яхши эдими? Шу туфайли бўлса керак, йигит қизни уйига



таклиф қилишга журъат топди. Албатта, сабаби аён. Ширинкулнинг кир-пирларини чайиб бериши керак.

Иш йўқ куни, шанбада чошгоҳга томон келар бўлди Назира. Ширинкул ҳаммаёқни саранжом-саришта қилиб қўйди. Қўшнилари нима деб ўйлашаркин, ишқилиб биронта талаба қариндошлар келиб қолмасин, деб саросимага тушарди. Назира айтган вақтида, соат ўн бирларда кириб келди. Бирорта дугона-пугонасини ҳам эргаштирмабди. Улар бошқа хаёлга бормасин деб чўчиганини айтди. Назира кириб бирров катта одамлар сингари ният қилиб дуо ўқиди. Сўнг кетма-кет кекира бошлади.

— Сизда кинна бор, — деди.

— Киннаси нима экан?

— Назарлангансиз...

— Тавба, сендан бошқа ким ҳам назар соларди?

— Яхши муллага бир ўқитиб юборинг.

— Хўп, яхши мулла бормикан ўзи? Балки ўзинг ўқиб қўярсан?

— Дуосини биламан, лекин аёл кишиники эм бўлармикан?

— Аёлмас, қиз боласан-ку, сеники эм бўлади.

Назира «Аъзу биллаҳи минашшайтонир рожийм, бисмиллаҳир роҳманир роҳийм» деди-да, пичирлаб бир нималарни ўқий кетди. Уч марта Ширинкулнинг елкасига қоқди, бошини сиқди. Ростдан ҳам йигит энгил тортгандай бўлди. Негадир қиз энди эснай бошлади.

— Уйингизда дуо-пуо йўқмикан? — деб қўйди.

— Динда ирим йўқ, деб эшитганман.

— Дуо ирим эмас, — деди қиз. — Бирортаси ёмонлик билан дуо қилиб ташлаб кетган бўлиши мумкин-да.

— Мабодо фолбин эмасмисан?

— Аллоҳ сақласин. Фол кўриш жину шайтонларнинг иши.

Қиз энглари шимарди-да, ванна томонга ўтди. Уй соҳибидан тоғора қаердалигини сўради. Ширинкул балкондан тоғорани опкелиб берди. Ҳеч ким пойламаяптмикан, деган ўйда пастга бир қараб ҳам қўйди.

— Хоҳласанг, кир мошин бор балконда. Унга солсанг ҳам бўлади.

— Йўқ, қўлда ювақоламан. Уни ишлатишним билмайман.

— Тўғри, мен ҳам ишлатолмайман.

Ширинқул ошхонага ўтиб бир нечта картошка ва пиёз арчиди. Ўзи билган овқати — гўшт билан картошкани қовурмоқчи эди. Пиёзни тўғраб бўлиб гўшт кесаётганида Назира чиқиб келди.

— Нимага овора бўляпсиз?

— Меҳмонга зиёфат, — деди Ширинқул.

— Ширинқул ака, қўйинг, менинг қорним тўқ, бир нима емоқчи бўлсангиз ўзим пишириб бераман.

— Энди меҳмонни ҳар томонлама эксплуатация қилиб юбормайлик-да.

— Шу-у, ваннангизда бир нима бор, — деди Назира Ширинқулнинг гапига эътибор бермай.

— Қаёқдан билақолдинг, фол очмайман дединг-ку?

— Ваннангизнинг шифтига ўзингиз ҳам бир қаранг-да.

Ширинқул беихтиёр ўрнидан учиб турди. Бориб ваннанинг шифтига разм солди.

— Йўқ-ку ҳеч нарса.

— Анави ёндаги икки кафел туташган жойни қаранг.

— Нима экан, газетми?

— Ўшани олинг-да.

— Ўзинг қўймадингми ишқилиб?

— Кўринг-чи, бўйим етарканми?

Ширинқул бир стул олиб келиб устига чиқиб қўл узатган эди, шундаям бўйи шифтга етмади. Тоғорани кирдан бўшатиб уния тўнкариб стул устига қўйишга тўғри келди.

Эски, сарғайиб кетган газета парчаси кичкина қилиб ўралган, унинг устидан ип чатиб ташланган. Ширинқул секин ипни бўшатиб еча бошлади ва Назирага «очса бўлаверадими», дегандай қараб қўйди. Назиранинг икки кўзи топилдиқда эди.

— Ерга қўйиб очинг, тўкилиб кетмасин яна.

Ширинкул секин ерга ўтириб, газетани ҳам полга қўйиб оча бошлади. Тариққа ўхшаган нимадир майда нарса, яна озроқ тупроқ, аёл сочи бўлса керак, бир тутам чалкашиб ётган соч ва бир-иккита тирноқ бор эди.

— Оббо азамат-эй, овора бўпти-да, — деди Ширинкул сир бой бермай.

Назира баттар эснай бошлади.

— Худди шу, — деди. — Дуойи бад.

Аслида Ширинкул энди чўчий бошлаган эди. Ким қилган бўлиши мумкин? Тирноқ, соч, тупроқ, тариқ — буларнинг маъноси нима бўлди? Эс-хаёли хотинида эди. Жаҳл устида ўша бир нарса қилган бўлса керак.

— Ким қилган бўлиши мумкин, Назира?

— Душманларингиз қилган, ким қиларди.

— Ким экан душманим?

— Ўзингизга маълум бўлса керак?

— Хотиним қилдимикан?

— Янгамуллода бундай одат бормиди? Ҳар қалай бу аввалдан қилинган бўлса керак: ишингиз ортга кетсин, оилангиз бузилсин, деб қилинган.

Ширинкулнинг боши қотди, сескана бошлади, тагин ким қилган бўлиши мумкин, деб ҳаммани бир-бир кўз ўнгидан ўтказиб чиқди. Ҳеч кимда тўхтала олмади.

— Буни нима қилиш керак? — деди охири.

— Оқаётган сувга оқизиб юборинг.

— Бўлдими шу билан?

— Сўнг ўзингизни бир ўқитиб ташлайсиз.

— Ҳозир оқаётган сувни қаёқдан топаман?

— Кейин ташлаб юборасиз.

Назира ҳафсала билан кир ювди. Сўнг уларни балкондаги дорга бирма-бир ёйиб чиқди. Энди ошхонага ўтиб овқатга уннади. Ширинкул эса чўғнинг устида ўтиргандай ўтирарди. Гоҳ бориб телевизор кўради, гоҳ ошхонага киради. Мана бу дуо деган нарса ҳам дард устига чипқондай уни безовта қилиб қўйди. Ора-сира

шу қиздан ҳам бунақа амаллар чиқиши мумкин, деб ҳам ўйлаб қўярди. Бундай вақтда кимга ишонишингни ҳам билмай қоласан.

Назирани ўзининг хотини деб ҳам тасаввур қилиб кўрди. Балки шундай бўлгани тузукдир. Ҳаммасига қўл силташ керакдир. Бундай сиқилиб, эзилиб юргандан кўра хотиндан бир йўла воз кечган маъқул. Чунки орага совуқчилик тушиб бўлди, айтилар сўз ҳам айтилди. Паст тушиб орқасидан ҳам борди. Ундан дарак бўлмади. Ҳойнаҳой, бошқасига турмушга чиққандир.

Тақдирининг бу қадар кескин ўзгариб бораётганига у тушунмасди: на кўникишни, на чора кўришни биларди.

Шу каби Назирага уйланишгаям юраги дов бермасди. Ичидан нимадир шунга йўл қўймай, изн бермай турарди. Беқарор бир юрак.

Ошхонадаги хонтахта ёнида ўтириб Назирага хаёлчан тикилиб қолди. «Тоғда кўрганымда оёқлари жуда бежирим, оппоқ, ялтироқ эди, ҳозир бошқачароқми, қанақадир суюклари бўртиб турибдими». Хотинининг оёғи жуда чиройли эди. Унақа оёқ ҳар қандай шаҳарликман, посонгман деганидаям йўқ, қўллари ҳам, юзи ҳам, қомати ҳам чиройли эди. Сочини бир турмак қилиб юриш унга қандай ярашарди. «Ҳозир шу қиз Мағфират бўлиб қолсаю югуриб бориб кучоқлаб олсанг, тўйгунингча ўпсанг, йиғласанг, ёлборсанг, энди хафа қилмасликка сўз бериб оёғига йиқилсанг».

Ўпкаси тўлиб, кўзларига ғумбурлаб ёш тўлиб қолди.

— Қараманг, уйга кириб ўтириб туринг, — деди Назира ноқулай аҳволга тушиб. Ширинқулнинг кўзига кўзи тушгач эса бир хил бўлиб кетди. Яқинроқ келиб: — Йиғлаяпсизми? — деди.

— Йўқ, кўзимни пиёз ачитган бўлса керак.

— Алдаяпсиз. Янгамуллом эсингизга тушди. Фарзандларингиз ширин, янгамуллониям жуда яхши кўрасиз. Менга қараб эслаб қолдингиз, келмасам бўларкан.

«Тавба, бу қиз авлиёми ё фолбинми — ҳамма нарсани сезади-я».

Бу уйдан овқат ҳиди келмай қўйганига анча бўлган эди. Қовурилган гўшт ва ёғ ҳиди бошқача экан. Назира пиширган таомнинг мазали экани ҳидиданоқ сезилиб турарди. У овқатни товоқдан кичикроқ тарелкага бугини чиқариб опкелиб қўйди. Сўнг чой дамлаб келди.

— Ўтир, — деди Ширинқул. Ўзининг гап оҳангига эътибор берса, худди хотинига буйруқ берган каби жуда табиий айтибди шу гапни. Аммо қиз ҳадеганда ўтирай демасди. Охири ўтирди.

— Нима бало, овқат совиса мазаси қочади, ҳеч ўтиргинг келмайди.

— Мана, ўтирдим, бошланг.

Ширинқул картошканинг бир четидан ушоқдан каттароқ қисмини олиб ташлади — ирим қилди. Сўнг «бисмилло» деб бошлади.

Қиз нимадир деб юзига фотиҳа тортди.

— Тушунмадим, нима деб дуо қилдинг?

— Шу таом тоатимга қувват, иймонимга нур бўлсин, деб сўрадим.

— Оллоҳ сендан рози бўлсин, — деди Ширинқул жиддий.

— Раҳмат, айтганингиз келсин.

Назира чой қўйиб узатди. Ширинқул уни ерга қўймаёқ оғзига олиб ҳўпламоқчи эди, Назира тўхтатди:

— Бир-икки томчи тўкиб ташланг. Шунда менинг дуойим сизга ўтмайди.

Ширинқул ҳушёр тортди.

— Шунақа одат борми?

— Айтаман-да, шунақа гап бор: дуо солинган чойдан бир миқдорини, овқатдан ҳам пичасини олиб ташлаб юборсангиз дуонинг таъсири бўлмайди, деб эшитганман.

Ширинқул шу иримга ўзича ишонарди.

Ишхонасида бир вақтлар устоз бўлган одам иримчироқ эди: сира чойнинг биринчи пиёласини ўзи ичмас, бир-икки томчи тўкиб юборар, овқатдан ҳам бир чимдим олиб ташлашини кўп кўрган. Шу нарса унга юққан. Аммо ҳадеб бунга амал қилавермайди. Дуо масаласи кун тартибига чиққандан сўнг шуни ўйлаб бир

миқдорини қошиқ билан олиб ташлаган эди, Назира синчковлик билан кузатиб турган экан. Уялиб кетди.

— Бай-бай, жуда ширин бўпти овқатинг, қўлинг дард кўрмасин.

— Ош бўлсин.

— Ол ўзинг ҳам, лекин пичасини олиб ташлаб юбор.

— Нега?

— Чунки мен сени дуо қилиб ўзимга иситиб олаётган бўлмайин тагин.

— Шундоқ ҳам ўзингиз иссиқ одамсиз, дуо шарт эмас.

Ширинкул буни дилдорлик бериш деб тушунди ва ичида бир ийиб қўйди.

— Ажойибсан-да, Назира.

— Туҳмат қилманг, ўзингиз ажойибсиз.

— Овқатдан ол, бўлмаса ҳозир...

— Урмасангиз керак меҳмонни?

— Ураман...

— Бўлди, унда қочиб кетаман.

Шундай дея, қиз ростакамига қошиқни дастурхоннинг бир четига қўйиб қўйди.

Аммо унинг жиддий гапираётгани юз-кўзидан билиниб турарди.

— Энди ростдан ҳам ураман.

— Иби, ака, нима қилопсиз?

Ширинкул тезда хонтахтани четлаб ўтиб уни қучоқлаб олди.

— Иби, бақираман ҳозир.

— Аввал уриб бўлай, кейин...

Қиз бола эмасми, титроқ босарди уни.

— Қўйиб юборинг, кетаман.

— Кетмайсан, бир умр қоласан шу ерда.

Ширинкул ўпмоқчи эди, қиз унинг иягига тирсагини тираб туриб олди. Кучи етмагач, йигитнинг оғзини бекитди, шунда ҳам бўлмагач, ўзининг юзини тўсди. Аммо кучи етмади...

Аввал юзини у ён-бу ёнга ўгириб олиб қочди. Сўнг чарчадими ё хатти-ҳаракатлари бефойдалигига кўзи етдими, индамай қолди. Бундан фойдаланган йигит

уни даст кўтариб уйидаги диваннинг устига олиб бориб ётқизди. Чирмашиб ўпаверди. Охири чарчади.

Қиз:

— Энди нима бўлади? — деб унга термулди.

— Зўр бўлади.

Кутилмаганда қиз унинг юзидан ўзи ўпич олди.

Бу йигитга яна куч берди. Босиб ўлиб, сўнг қизни ечинтиришга тушди.

— Вой акажон, вой, онажон, ўзимни ўлдираман ҳозир...

Ширинкул эс-хушини йиғиб олди. Барибир ҳаяжонда эди. Қизни анчагача эркалаб ётди...

\* \* \*

«Синфдошим Олқор калта ўтган кузда Тошкентга пул тәпиш учун келиб, бизникида бир ойдан кўпроқ турди. Тоза жонимга тегди. Жуда уйқучи, кундузи мардикор бозорига чиқиб кетиб, кечқурун ўлардай чарчаб келади. Бир-иккита нон кўтариб келса дейман, буям майли, сира оёғини ювмайди, сасигандан сасийди-сй, одамнинг кўнгиллари айниб кетади. Хотиним жирканиб балкондан жой солиб беради. Йигит кеч туради. Тургандан кейин хотиним балконнинг ҳамма деразаларини очиб қўйиб уйни шамоллатади. Бўлмаса уйда туриб бўлмай қолади. Баъзан ўзим судраб уйғотаман. «Бизнинг томонларда хотинни бегона эркак билан қолдирмайдилар, эр йўқ уйга бегонани киритмайдилар, тур, жўна», дейман. Хафа бўлади. Туриб чой ҳам ичмай жўнаб қолади мардикор бозорга. Ичиб олса айнийди. Кетиб қолган хотинини эслаб йиғлайди, сен бахтлисан, бахтлисан, деб кўзлари сузилиб хотинимга қарайверади. Охири пайтларда менга ҳайдовчилик гувоҳномаси оберасан, шопирингни бўшатиб мени ишга оласан, деган талаб қўя бошлади. Буниси энди тоза ошиб тушди. Келганда келдингми, кетганда кетдингми, демай қўйдим. Охири кетди. Бир марта келди-ю, кўзлари аланг-жаланг ўғрига ўхшаб кириб-чиқиб юрди, бошқа қорасини кўрсатмади.

У чақалоқлигида жуда кичкина бўлган, онаси тел-

пакка солиб катта қилган экан. Кузда янтоқ чопар маҳали онаси янтоқнинг соясига ётқизиб дастага суяб қўяр экан. Ана ўлади, мана ўлади билан катта бўлган экан. Катта бўлганидаям паканалигича қолди. Шу боис биз уни «Олқор калта» деб кетдик. У синфимизнинг қолоқ, мишириғи оққан, бўш-баёв ўқувчиларидан эди. Катта бўлганда эса зиқна, пишиқ, ўзидан бошқани ўйламайдиган одамга айланди. Ҳеч жойда ўқимади. Иш йўқ. Уйланди. Хотини кетиб қолди.

Назира айтган Сулув фолбинга борганимда Олқорнинг сифатларини айтди: ўртоғингиз, бўйи пак-пакана, кўккўз, чаққон йигит. Шу қилган дуони. Қайтарма қилдириб ташланг...

Дуокаш мулланиям Назира айтди: Шопойизнинг ичкарироқ маҳалласида турадиган, тожик шевали, кекса бир чол экан. Уч кун қатнаб ўқитдим. Анча енгилман, бошимдан туман кўтарилгандай».

\* \* \*

Назира йигитнинг энг яқин сирдоши эди. Ширинқул гарчи унга ўз маҳрамидай, тортинмай муомала қилса-да, негадир барибир хотин бўлишини кўз олдига келтиролмасди. Қиз эса бутунлай унга боғланиб қолди. Аксига олиб Ширинқулда қизга нисбатан севги аломатлари кўринмас эди. Назирага дўст, эркак жўрадай гапирадиган бўлиб қолди. Қизга шуниси ҳам ёқиб тушар, назарида Ширинқул энди хотини билан бутунлай узилишган, ришталарни қайта боғлашга ҳаракат ҳам қилмасди, бу кайфият қизда умид учқунларини ёлқинлантирди. У Ширинқулдай одамга турмушга чиқишга мингдан-минг рози, балким хоҳлар, хатти-ҳаракатлари билан бу хоҳишини сездириб-сездириб, йигитнинг турмушига дахлдорлигини билдириб, у учун куйиниб юрарди. Хоҳлар эдики, ҳаётнинг муҳим нуқталарида менга суянса, шунда мен ишончини оқлаб хизмат қилсам, кейин бутунлай боғланиб қолиб бошқалар ҳақида ўйламай қўйса...

Қизнинг мўрт, нотавон кўнгли шуни тиларди.



Назира йигитнинг уйига бориб кир ювиб... келганига беш кун бўлган эди. Ширинкул ишга отланаётганида қўл телефони жиринглади. Қараб туриб қайноғасининг уйидан бўлаётганини номеридан билди. Тугмасини босиб энди қулоғига тутган эди, ўчиб қолди. Ўтириб кутди. Кутаверди. Туфлисини кийиб эшикдан чиққанида уй телефони босиб-босиб жиринглайверди. Юраги чидамай эшикни очиб кириб гўшакни олди. Ҳеч ким индамади. Энди қўяман деб турганида, ингичка овоз эшитилиб қолди:

— Адажон!.. Мақсу!..

— Алло, алло, қизим... гапир, нимага гапирмайсан?

— Адажон, сизни соғиндим...

— Менам соғиндим, Мақсуда, келмайсанми? Ойинг қани, чақир.

Яна алоқа узилди. Ярим соатча остонада бетоқат кутди. Бошқа телефон бўлмади. Эртага Навойга хизмат сафарига жўнаши керак. Йўлда тушиб ўтсамми Қипчоққа, деб режа туза бошлади. Машинага чиққанида Аваз телефон қилди:

— Ишга келасизми? Тезроқ келинг, гаплар бөр.

Идора остонасини ҳатлар-ҳатламас Назира рўпара бўлди.

— Аваз акага киринг, мана бундай янгилик эшитасиз!

У қўлини «михдай» қилиб кўрсатди.

— Наҳотки, нима гап?

— Киринг, ўзларидан эшитасиз.

Аваз унинг қўлини ҳар доимгидан бардам ушлаб, сиқиб кўришди.

— Ўзи бу кресло сизга аталган, дўстим! Бугундан бошлаб ўзингиз ўтиринг.

— Йў-йў, нима гап ўзи?

— Хўжайинга аввал ҳам икки марта кириб: «Ширинкул ҳар томонлама эзилиб юрибди, оиласиям бундай бўлди, жойига ўтирсин», деб илтимос қилган эдим.

Илтимосимни ниҳоят бугун қондирди. Ариза бердим, қўл қўйди.

— Ноқулай-ку. Ўзингиз...

— Мени ўйламанг. Ишларга қўлдан келганча ёрдам бераман. Бошқа яхши таклиф ҳам чиқиб турган эди, бу ер бегона бўлмасин деб, сизни ўйлаб унамаган эдим. Биров, бегона келиб қолмасин дедим. Мана, вақти-соати бор экан-да ўзи. Битта ариза ёзиб, хўжайинга ўзингиз кирсангиз ҳам бўлади. Бўлмаса мен...

— Ишлайверсангиз бўларди-да, ўрганиб қолувдим.

— Бу гап ортиқча. Ўзимга ноқулай бўлиб юрувди, елкамдан тоғ қулагандай бўлди. Сиз бу ерга ўрганган-сиз.

Ширинқул бундай бўлишини ҳали-вери кутмаган эди. Авазнинг эртарақ келинг дейишидан бошқа янгилик кутганди, Мағфират унга телефон қилиб бирор нарса деганмикан, деб ўйлаганди. Шу боис ҳозирги янгилик янгиликдай туюлмади: на қувонди, на хафа бўлди, қайтанга Авазнинг қаршисида бир оз хижолат чекди.

Хонасига кириб эшикни ёпмасидан Назира кушдай учиб кирди. Кўзлари порлаб йигитнинг юзидан «чўлп» этказиб ўпиб олди. Унинг хомушлигини кўриб:

— Нима бўлди ўзи? — деб сўради.

— Ҳеч нима.

— Қанақасига? Эрталабдан дув-дув гап-сўз. Аваз ака ариза берибди, директор яна Ширинқул акани қўйибди, деб. Унақа бўлмадими?

— Нима аҳамияти бор бунинг?

— Вой, сизга аҳамияти йўқми? Мен... анов кунги дуони олдиргандан кейинги омадингиз деб ўйлаб эдим. Мана, кўрасиз, ҳали яна омадингиз чопади. Мени айтди дейсиз.

— Туш кўрдингми?

— Энди-да...

— Кўрган бўлсанг айт.

Йигит қизнинг юзидан секингина ўпиб қўйди.

— Эрталаб қизим телефон қилувди, — деди хўрсиниб. — Нимагадир ўчиб қолди.

— Ана, буям омад.

— Шунинг орқасидан бир янгилик эшитаманми деб ўйлагандим. Иш эса бўлаверади-да, бир кун ундоқ, бир кун бундоқ — энди бир жойга ҳоким бўлармидик.

— Ҳали бахтли бўлиб кетасиз.

— Шундай деб ўйлайсанми?

— Албатта.

— Кошкийди...

Ширинқул қизининг телефон қилгани хабаридан Назира хафа ё хурсандлигини англаёлмади. Қиз чиқиб кетгач, ўз ёғига ўзи қоврилиб қолаверди.

\* \* \*

Эртаси кунни ҳам, ундан кейинги кун ҳам Қипчоқдан телефон бўлмади. Ботиниб ўзи ҳам сим қоқмади. Ҳойнаҳой Мағфират борганини эшитган чиқар. Наҳотки ўзининг қаердалигини ҳам билдириб қўйгиси келмаса. Аёл киши ҳам шунақа қаттиқкўнгил бўладими? Ахир мен эркак бўлатуриб бордим-ку, йўқ, энди ўзи изласин, деган хаёл уни қамраб, бўйсундириб олди.

«Кечириб бўлмас гуноҳим нима: талоқми, миннатми? Бундай олганда икковиям бир-биридан баттар. Мағфиратнинг «дунё шундоқ турурми?» деб йиғлаши миннат қилганим учун эди. Юрак ҳам хун бўлиб кетди. Нега шу гапни айтдим-а? Айтмасам бўлмас эдимиз? Мана, дунёси хувиллаб қолди.

Худо уриб бировга эрга чиққан бўлса-я...

Мағфиратнинг шундай қилишига кучи етармикин? Йў-ўқ, ҳеч ишонгим келмайди. Бировларга эрмак... Мағфират-а?! Ширинқулнинг хотини шундай қилиб юрибди, деган гаплар чиқиб кетса-я?! Бундан кўра ўлиб кетаверган минг марта яхши-ку! Нима қилиш керак? Яна борсаммикан?..»

\* \* \*

— Назира, нима деб ўйлайсан: борсамми, бормасамми?

— Ўзингиз биласиз. Лекин билиб қўйинг: у хотин энди сизники эмас, бошқа бировга эрга чиқиши керак.

— Унчаликмасдир-ов. Ҳеч йўл-йўриги йўқми?

— Аслида йўл йўқ...

— Тўғрику-я. Ўзим ҳам яқинда «Талоқ китоби» деган китобча ўқидим. Ундан аввал «Мухтасар» деган китобда кўзим тушган эди. Куръондаям бор. Тарк этолмайман-да, нима қилай?

— Хотинингиз тўғри юрганига аниқ ишонасизми?..

— Ундай дема, ундай дема! У... Энди юракни қон қилма-да сен ҳам.

— Дейман-да, шунча вақтдан бери...

— Мана, сен ҳам юрибсан-ку?

— ...менинг йўригим бошқа. Оллоҳ насиб қилса, ҳаётдан умидим кўп.

— Ишонасанми?

— Бир нарса деёлмайман. Аммо...

— Аҳд-паймон қилганинг бордир?

— Ростини айтайми?

— Айт.

— Айтмайман...

— Майли, айтмаганинг тузук...

\* \* \*

Ўртаниш, иштибоҳу иккиланишлар қуршовида юрганининг учинчи куни идорасига ён қўшниси Фаарида телефон қилди.

— Ока, суюнчини чўзинг!

— Айтинг, суюнчи бермаганам номард.

— Болаларингиз...

— Раҳмат! Қани, уйнинг олдида туришибдими? Айланай сиздан...

— Бизникида, вой...

— Мағфират-чи?

— Келсангиз кўрасиз.

Болалар аллақачон кўчага чиқиб ўйнаб юришган экан. Мақсуда чопиб келиб дадасининг бўйнига осилди, ҳеч қўйиб юбормади. Туриб-туриб йиғлаб юборди.

У ўзини тўхтатолмас, дадасининг бўйнидан ҳам қўлини бўшатмас эди.

— Бўлди, бўлди, эна қизим. Энди ҳеч қаёққа кетмайсан, ҳар куни ўзим ўйнатаман, ҳар куни...

Шундай дея дадаси ҳам йиғлаб юборди. Оёғига келиб мушукдай эркаланаётган ўғлини ҳам сезмади. Капкатта эркак, дунёда энг зўр одам деб ўйлайдигани дадаси бўлса, буям йиғлаб ётса. Фирдавс ҳам беихтиёр йиғлашга тушди. У биринчи марта дадасининг юзларидан чўлп-чўлп ўпди, юзини ўгириб яна йиғлади.

Фақат Мағфиратгина тусини ўзгартирмади. У бир нафас эрига қараб қолди, кўзидаги ёшни кўриб раҳми келдими ё унинг ҳам йиғлагиси келдими юзини олиб қочди.

— Ширинкул ака, — деди Фарида эшилиб, — қайтадан тўй қиласиз энди, ҳе, одам бўлмай кетинг...

— Майли, майли, бугуноқ тўй. Рашид келса чиқинглар, тўйни бошлаймиз-да.

Болаларининг ранги қорайиб, кийимлари ҳам тўзиб, ранги ўчиб кетган эди. Мағфират ҳам қорайибди. Озибди. Ўзи камқон эди. Овқат кам ерди. Бировники ўзингникидай бўлармиди. Кийимлари ҳам бир аҳволда. Алмаштириб кийишга кўпроқ опкетмаган экан-да. Майли. Муҳими — келди-ку. Харобу хонавайрон бўлиб кетган оила тагин тикланди-ку! Худойимга шукр! Мингларча шукр!

Мағфират ваннага кириб узоқ ювинди. Сўнг болаларини опкириб ювинтирди. Ширинкул уларнинг чиқишини кутиб ўтирмай бозорга зинғиллади. Ростдан ҳам бир тўйга етгулик нарса кўтариб келиб уйига ташийверди. Тугаб бораётганига қарамай донаси товукнинг тухумидай келадиган қулупнайлар, тут, янги чиққан зардолию гилослар, пишган, пишмаган қўй, товук гўштлари, турфа шарбату ичимликлар... Ўзи йигит ҳаётида биринчи марта шундай эриб кетаётган чиқар.

У бир талай ҳамқишлоқлари, ишхонаси, бир неча қўшниларини ҳам меҳмонга чақирди. Мағфират ҳам чурқ этмаган бўлса-да, астойдил дастурхон тузаб ов-

қат пиширишидан яқин соатларда об-ҳаво ўнгланиб кетишидан умид қилса бўларди. Ишхонасидан Аваз, Машҳура опа, яна уч киши келди. Назира келмади. Келмаганиям тузук бўпти. Машҳура опа гап орасида бир-икки марта Ширинқул билан уни сал бўлмаса ошиқ-маъшукқа чиқариб қўяёзди. Аваз бир амаллаб гапни бошқа ёққа буриб вазиятни ўнглаб юборди. Қўшниси Фарида эса тамом Назира билан қизиқиб қолди. «Ҳижобли қиз эмасми?» — деб сўради. Иккаласи бирпас шивирлашиб қолишди. Яхшиям шу топда Мағфират ё ошхонада, ё ўғлини ухлатиш билан банд эди. Аваз баланд овозда Ширинқулнинг қўшниси Рашидга қадаҳ сўзини узатиб юборди. Рашид ҳам эл қатори энди бу оилада сира низо, келишмовчиликлар бўлмаслигини, янги келин-куёвлардай тинч-тотув яшашлари ва «ёшлар» қўша қаришини тилади. Ўтириш алламаҳалгача давом этди. Охири Аваз «асал ойи бошланган» шу кунларда ёшларни кўп ҳам безовта қилмаслик зарурлигини уқтириб дастурхонга фотиҳа тортди.

Мағфират йўлда чарчаб келгани бир сари келдикетди, дастурхонга уннаб чарчаб, кўзлари киртайиб қолган эди.

— Кел, ўтир, қолганини эртага йиғиштирасан, ҳеч нарса қилмайди, — деди Ширинқул. Кўп ичилган бўлсаям у ҳушёр эди. Мағфиратга қараб негадир безовта бўларди. Мағфират эса ҳамон чурқ этмай идишларни ошхонага таширди.

— Қўй, бўлди, — деди Ширинқул яна.

Бу сафар Мағфират ўтирди. У барибир эрига қарамас эди.

— Мени кечир, Мағфират, итлик қилдим.

Хотини бунга жавобан столнинг гардишини тирноқлаб ишқалаб, эрмак қилиб ўтирди.

— Худога минг қатла шукр, кечирганингми бу?

— Нима қилганим?

— Келганинг.

— Ўзингиз бордингиз шекилли...

- Мен, тўғриси, тавба қилиб бордим.
- Миннатчи одамнинг тавбаси қаерга борарди. Бунинг устига оғзингизни каппа очиб талоқ қўйдингиз...
- Бундан чиқди, кечиролмабсан-да. Проста акангнинг уйига сизмагансан, а?
- Миннатдан бошқа гапингиз қомапти ўзи?
- Мен... миннат қилмайман. Тавба қилдим... Қўй, бу гаплар меням эзади, сениям. Мен билан озроқ ич, хўп де.

Ширинқул ўзини пиёласига тўлдириб, уникага камроқ-камроқ тўрт марта қўйди. Ўпкаси тўлиб кетди. Дунё бир ёруғлашиб, бир қоронғулашди. Яна ёришди. Хотиниям мўлтираб термулди, кўзларини ёш қоплади. Хотини қизариб кетган эди. У эрига тик қаради. Эрининг кўзларидан шашқатор ёш қўйилиб кетди. Бу унинг ўтинчи, ялиниб-ёлвориши, тавбаси ва умуман тақдир шу ергача етаклаб олиб келгунча бўлган дардининг кўз ёриши эди.

Мағфират чидаб туrolмади.

Келиб эрининг устига ўзини ташлаб баралла хўнграб юборди. Кўзидаги ёшини тўхтатолмас, бурни шўрқиллар эди.

— Бўлди, бўлди, йиғлама. Йиғлайверма дейман, ёш боладайсан-а.

Йигит ўзича шундай дедию, ҳиқиллаб, кўкраги оғриб қолгунча йиғлади. Кўзлар, юзлар, бурунлар қизариб, шишиб кетган эди. Ниҳоят, Ширинқул хотинининг юзидаги ёшни артар экан, ёш болани ўпгандай ўпиб қўйди ва беихтиёр:

— Этагингни тоза тутдингми, Мағфират? — деб сўради.

Мағфират тахтадай қотиб қолди. Сўнг кўзларини юмганча боягидан ҳам баттар бўзлаб юборди. У таёқ еган боладай бор овозини қўйиб юборди ва кучсизгина қўллари билан столи алам билан муштлади.

— Қайтиб олдим, Мағфират. Мен тушундим.

— Шунча ифлос дедингизми мени, шунчаликка боради деб ўйладингизми?

— Кечир мени, ма, пичоқни олиб сўйиб ташла, бўлди, ма!

Шу кеча осмон ҳам йиғлади. Гўё момақалдиروқлар жўрлигида инқиллаб, йўталиб, эҳтимол, тўйиб йиғлади. Лекин бу икковлон тун ярмигача йиғига тўймади. Охири кўзларининг ёши қуриб битди. Бунга довр савол ҳам, жавоб ҳам ҳўнг-ҳўнг билан айтилди. Ниҳоят, улар кулишга ўтдилар.

Ширинқул хотинини қучоқлаб кўтариб олди.

Мағфират ҳаётида биринчи марта баданига эрининг қўли текканда индамай, аксинча, ёқтириб кулди. Ширинқулнинг бунга сари ғайрати жўшди. Ушбу лаҳзанинг тотини тушида ҳам кўрмаган, эртақда ҳам ўқимаган эди. Шу боис эҳтиросга тўла бу фурсатнинг узоқ давом этишини хоҳлашарди.

Ширинқул аёл зотининг бу қадар ширинлигини энди билди. Дунёдаги энг гўзал аёл ўзиники экан!..

\* \* \*

Талабаликдан сўнг ўртоқлари билан араб алифбеси ва намоз ўрганамиз деб бир мулланикига қатнаган эди. Абдулла қори дер эди у кишини. Ҳар икки кунда кечқурун, ишдан сўнг уйига бориб икки соатдан дарс олишарди. Тажвид, муаллими соний ва ундан сўнг ҳафтиякка киришиб кетишди. Ширинқул илгари бундай сабоқ кўрмагани сабабми, жудаям қизиқиб қолди, гўё дунёда жавоби йўқ саволларга исломда жавоблар бор эди. Асосий фарқлар, суннатларни билиб олди. Жамиятда юз берган эркинликлар динга ҳам кўчган эди. Дастлабки рўза тутган кунларини яхши эслайди. Рўзанинг биринчи куни бўлган гапларни сўзлаб бера бошлади. Мулла эса, (ҳойнаҳой ҳожи ота бўлса керак) энгашган кўйи бир қоғозга араб имлосида бир нарсаларни ёза бошлади. Ширинқул, худди у одам бунинг гапларини ёзиб олаётгандек оқизмай-томизмай тўғриси гапириб бера бошлади. Ҳожи ота ёзишдан тўхтади ҳамки, мижоз тўхтамади. У чамаси гишт енгил кўчганига тамом иқроп бўлган эди.

— Отингиз? — деди меҳрибон одам.



Айтди.

— Келин?

Айтди.

Энди муҳр босиш қолган эди.

Иш худди ўйлаганидай, яъни рисоладагидай амалга ошди. Ширинқул белгиланган тартибда жарима тўлади ва бажонидил, кўнгилдан чиқариб «одамгарчилик» ҳам қилди. Ҳожи ота бу «одамгарчилик»ни табассум билан, меҳрибонларча қабул қилди. Узундан-узоқ дуо қилди, оиласини, фарзандларининг мўмин-мусулмон, иймонда собит бўлишларини, қўша қариб, фарзандларининг роҳатини кўриб даври даврон суришларини тилади. «Патта»ни қўлига олиб шитоб билан машинасига қараб юраркан, «одам деган бундай бўпти-да», деб қўйди.

Ишхонага ўзида йўқ хурсанд кириб келди. Аваз унга кабинетини бўшатиб қўйибди. Қабулхонада Назира. Унинг юзидан бир нарсани уқиш қийин. Ҳар доимгидай ўрnidан туриб «Ассалом» деди. Ширинқул ичкарига кирди, ичкаридан Назирага чой буюрди. Креслога чўкди. Бирам ёқимли, майин эдики бу ўриндиқ...

— Янгамуллом телефон қилувдилар. Негадир менинг исмимни сўрадилар... Сиз соткангизни ўчириб қўйибсиз.

— Э, парво қилма. Мана буни қара, — дея у чўнтагидан тўрт букланган фатво қоғозини чиқарди. — Нималигини биласанми? Айтмоқчи, арабча ўқий оласан-ку.

Назира уни қўлига олди. Тезда қайтарди-да:

— Фатво экан, яхши бўпти, — дея бурилиб чиқиб кетди.

Ширинқул унинг орқасидан қабулхонага чиқди. Назира очикчасига тумшайиб олган эди.

— Хоҳласанг, — деди Ширинқул ва гапини давом эттирмай ўйланиб қолди.

— Бу ерга Машҳура опа ўтқаздимми? — деди бирдан.

Назира индамай тураверди.

— Хоҳласанг, — деди яна Ширинқул унга, — бирор жойдан квартира топиб сенга шароит қилиб бераман.

— Гуля касал экан, Аваз ака шу ерда ўтириб тур деб айтоптилар, — деди Назира зўрға овози чиқиб.

Бошлиқ нега бундай деяпти, деган каби унга ҳайрон қаради. Сўнг қизнинг аввалги саволга жавоб бераётганини паришон бўлиб эслади.

— Тўғри қипти, — деди.

Негадир шу топда юраги гумуриб кетди. «Энди ҳеч хато қилмайман, тоза юраман», деб ўзига қасам ичди. Кабинетига ўтиб уйига қўнғироқ қилиб, Мағфиратдан суюнчи олмоқчи бўлди. Ҳеч ким телефонни кўтармади. Бир ёққа чиқишгандир-да, деб чой ҳўплашга тунди.

Идорадан чиқишдан олдин уйига тагин қўнғироқ қилди. Қизи олди. Энди ширин қизим, асал қизим, нима обораи, деб эркаламоқчи эди, у: «Дада, тезроқ келинг, ойим турмаяпти», деди. «Ухлаяптими?» — деди у кўнглига алағдалик тушиб. «Турмаяпти, Фирдавс йиғлаяпти», деди қизи ва ҳиқиллашга тушди. «Ҳозир бораман, қизим», дея шошиб гўшакни қўйди. Негадир бўғинлари бўшашиб кетди. Ичидан муздай бир нарса сирғалиб товонигача тушди. Шол бўлиб қолмадимми, деб оёқларини қимирлатди: ишлаяпти. Лекин увишгандек.

— Назира, — деди титроқ товушда.

Қиз эшикдан мўралади.

— Телевизор, чойнак-пойнакларни токдан суғуриб қўй, мен кетдим.

Назира ҳайрон бўлди.

— Ўчирилган-ку ҳаммаси.

Лекин бошлиқ бунга аҳамият бермади. Кун асрга оғиб, болалар «дом»нинг соясида шовқин солиб ўйнашарди. Ширинкул жонсиз оёқлари билан учинчи қаватга ҳарсиллаб чиқди.

Мағфират чалқанчасига сочи тўзғиб ётар, Фирдавс уни юлқилайвериб, йиғлайвериб, охири чарчаб, онасининг кўкрагига бошини қўйганча ухлаб ётарди. Қизи бўлса эшик кесақисига суянган кўйи пиқиллаб йиғларди.

Ширинкул шитоб билан бориб хотинининг юзини

ушлади: совуқ. Кўкрагига қулоғини тутди: юрак урма-  
япти. Кўзларини йириб очиб кўрди: бемаъно. Оёқ-қўли  
энди чинакамига ишламай қолди. Ўтирган кўйи хоти-  
нига тикилиб қолди. Бўйнида чойшаб. Бир учи кар-  
низга боғланган, карнизнинг бир томони юлиниб туш-  
ган. «Увв» деб юзини чангаллади. Сўнг туйқус «Э,  
Худо!» деб бақириб юборди. Қанча изиллагани билан  
кўзига ёш келмасди. Фирдавс уйғониб йиғлай бошла-  
ди. Унинг оёғи остида, Мағфиратнинг ўнг қўли ёнида  
бир қоғоз ётарди. Ширинқул қоғозга дарров қўл чўз-  
дию, уни ўқишга ботинмади. Кўз қири билан: «Нази-  
ра», «Фарида» деган исмларга қаради. Сўнғроғида:  
«Дунё шундоқ турурми?!» дейилган, бариси шундай  
аён ва тундай зулматли эди.

Беҳолгина қоғозни тўрт буклади ва беҳолгина кўкрак  
чўнтагига тикмоқчи бўлди. Ҳадеганда киравермади. Бу  
чўнтагида мулла берган тағин бир қоғоз бор эди: ик-  
кови бир жойга сифмади...

---

---

## ИНҚИЛОБ КЕЧАСИ

### *Йигирма йил кечикиб қилинган дийдиё*

Аввалига ўша кунлар, ўша жойларни эсладим у юрагим гупуриб кетди: оҳ, у кунлар! Жой эса... жой ўша осойишта, вақт имиллаб ўтувчи, бироқ севги, рашк, демакки, юракда тўполонга тўла кунларни беихтиёр ёдга туширувчи восита, холос.

Хўжалик марказига қарийб ўн чақирим масофадаги, овлоқ дейиш гарчанд ўнғайсиз туюлса-да, атроф-жавонибда доимий истиқомат қилувчи бирон одам ё оила учрамас, қип-қизил чўл ҳам эмас, аксинча, те-варагинг пахтазор, ғалладан бўшаган ангори ерлар, бедазору жўхоризор, квадрат тушган каттакон экин майдонлари атрофидаги лоток ёқаларида ёввойи тол, ўрис дарахтлари солланиб соя ташлаб турарди — жойимиз шу.

Дарвоқе, гоҳо пахтазор четларида туйқус полизларга дуч келиб қоламиз. Эси бор деҳқон, одатда, қовун-тарвузини биз каби очофат ҳашарчилар келгунча йиғиштириб олиб, аллақачон омборига юклаб қўяр ёки тезроқ пул бўлсин, дея бозорга опчиқарди. Аксинча бўлса, яъни ҳали қовун-тарвузи палагидан узилмаган бўлса ва биз каби офатилар назарига тушиб қолса борми, нақ ўлат тегди деяверинг, ўлат десак, қўполроқ эшитиларкан, мисол, чигиртка босди, шунга ўхшаш деб қўя қолайлик. Томоққа текин ширинлик тегиб турганда на кеча, на кундузни биламиз. Комиссар, командир ва бир неча домла чўпонлик қиладиган подага айланиб кетамиз.

Домлаю командирлар масаласида, мана, орадан бир

йили кам йигирма йил ўтиб ўпкалайдиган, гина сақлаб турган жойим йўғ-у, аммо ажаб таассуротлар қолди. Ўзи гап ҳам айланиб, шуларга тақалади.

Соат бешда азонги хўроздай самоварчи Шурик бутун баракни «подъём»лаб бошига кўтариб юборади. Соат олтида эгат бошида бўлишимиз даркор. Олтида-я, олтида. Аскарлардан қаеримиз кам?

Асли исмини эслаёлмаётибман, Қорин домла дердик, етилардан ўтиб уйқудан турарди, ўғил болалар ҳожатхонасини нақд қирқ минут банд қилиб тургач, ҳар гал домлаларга мўлжалланган қўл ювгичда сув тополмай, самоварчига бақира кетар, юз чайди-қўл чайди иримини қилгач, бизларни линейкага чорларди. Саҳармардондан линейкага жамланган болаларга кеча кечқурунги штабда деканзимизни роса тузлашганини ўзича тутоқиб уқтирар, тўрт-беш боланинг фамилиясини айтиб пўстагини қоққан бўлар, ундан ҳам қизиғи, атай оғиз жуфтлаб, тайёрланиб, ахир тушунсангларчи, пахтадан порох тайёрланади, дерди. Кейин гўё гапи мўлжалга етиб бормаган сингари бошқачароқ, дадил оҳангда: ҳей болаларим, фарзандларим деб айтайин, тушунинглар, бу пахтадан порох тайёрланади. Космик кемаларга ишлатиладиган жойлариям бор. Буни алоҳида тушунтириш керак. Неужели тушунмайсанлар! Тушунишинглар керак! Ўртоқ комиссар, сиз бунинг ҳар бирига якка, якка тушунтиринг ахир. Шунинг учун сизни комиссар қип қўйипмиз. Бўлмаса, қўлдан келмаса йиғиштиринг. Туёғингизни шиқиллатинг бу ердан, дерди.

Бу билан у гўё биринчи уринишда баландликка сакраёлмай, иккинчисида ёхуд ниҳоят, учинчи галда сакраб ўтган спортчининг мақомида бўларди. Менгзаса бўларди дейман-да: жиллақурса комиссарнинг мулзамлиги унга роҳат бахш этарди.

Кейин комиссаримиз худди эчкию улоқларни қувлаган сингари, баримизни улоқиб кетишимизнинг «олдини олиб», эгатнинг дам нарёғида, дам берёғида юрган куни эди.

Талабалар далага тарқалишгач, Қорин домла бир

товоққина гүштни ошпазга қовуртириб нонушта қилиб олиб, тагин пичагина пинакка кетиб олар, домла пинагини тамом қилганда Жалол нашаванд ҳам асл уйқусини баравар тамомлаб, на юз-қўлни ювиш бор, на бир пиёла чой ичиш бор, ёғли пахмоқ сочлари тиккайганча елкасига этакни ташлаб, судралиб эгат бошига жўнайди. Бу олифтага на Қорин домланинг, на бошқасининг гапи ўтади. Домлаларни шунчалик одам ўрнида кўриб атай пахтага келганига хурсанд бўлишимиз керак эмиш, комиссарнинг айтишича.

Нашавандни пахта бошида Ситора деган қиз кутади. Унга деб пахта теради, унга деб егулик кўтариб юради, унга деб елиб-югуради, у ҳақда кимдир ёмон сўз сўзласа тикка туриб олишади. Тузуккина, сутга чайгандеккина оқ-сарикдан келган бу шаддодроқ қиз нимасиниям яхши кўради нашаванднинг — ҳамма ҳайрон. Олифта, ювуқсиз, нашаванд, бирор марта ирмига бўлсин, китоб ўқимаган, бундан кейин ҳам ўқимайди, ўқиганларни оёғининг учида кўрсатади, шу туфайли у учун ҳамма нарса, шунингдек, Ситорадек туппа-тузук, момиқдай қиз ҳам ҳайф. Ситорани у оёғининг остидан чиққандек кўради, ошириб сўкади, шу ҳолида Ситора уни севади. Худди Александр Блок ароқхўр Россияни севгандек севади.

Буям айтса арзигулик бир гап-да, энди сирасини айтганда узумнинг сувидаккина, беданадай чулдираб турувчи қизларнинг кони эмасмиди бизнинг даргоҳ. Аммо сатта камбағалдан чиқаётган, қорни нонга тўяртўймас-у, тумшуғига шоти билан чиқиб бўлмас ўр, олифта бир бало эканмиз. Қадрига етмаганмиз у қизларнинг.

Орзуимиз ҳолимизга яраша эмасди. Чунки бори келажак олдинда чайқалиб, ялтираб ётарди, бугун-эрта ёки индинга албатта у бизники бўлишига зарра гумон йўқ эди дилларда.

Биздан бир поғона юқорида ва биздан бир поғона паст курсда ўқигувчи рус гуруҳлари ҳам бор, одатдагидек бу гал ҳам улар билан бир баракда, икки қават нараларда остма-уст, чойшабу одеялу фартуқлар би-

лан ўралган «кулбаларимиз»да кечаларни ўтказардик. Ҳа, узун ва қисқа кечаларни. Биздан бир ёш кичик руслар орасида Марина дегани бўларди. Аломат гўзал эди бу қиз. Сочи белига етақа, қўнғиртилла, кўзлари бирам чуқур, юзи каби бирам тиниқ эдики, бизнинг ҳар қандай ўжарлигимиз, ҳар қандай ғайирлигимиз иплари Маринанинг маҳлиё этувчи жозибаю ҳусни қошида титраб ечилиб кетаверарди.

Ҳамманинг сочи кир бўларди, ҳамманинг сочига хас, барг ёпишарди, бироқ ҳеч қачон Маринага гард юқмасди. Унинг кийимларига-да чанг ўтирмас, ҳатто куёш ҳам урмасди. Овози ҳам дилбар ва маъюс қизларга хос, шу боис у фақат эркалашга, эркаланишга, ўзини адл тутиб юришга муносиб, ҳа, муносиб эди. Энг ғаддор шоиримиз ҳам бу масалада лойга ботган машина сингари чунон чайналиб қоларди. Мароқ билан сўзлашга уни недир қўйиб юбормасди. Тақдирни қарангки, шоир кунларнинг бирида, ҳа, кунларнинг бирида тўсатдан ҳақ бўлиб чиқса ва бу исботини топса... Маринамиз ҳозирча гинч тура турсин.

Ҳамма завқ, ҳамма қизиққонлик еттинчи ноябрга довор бўлади. Еттинчи ноябрь. Ул замон шундай замон эди: еттинчи ноябргача деб кўп ваъдалар бериларди ва аксарият уддасидан чиқиларди. Уддасидан чиқилмаса, биз бахтиқаро талабалар каби саксон икки кунлаб Сирдарёнинг бир чеккасида кундузлариям қоронғулашиб кетган кунларида эгнию бутларини битларга, соч-соқолини сиркага тўлдириб олиб юрган кунлари эди.

Ҳўи, аввал еттинчи ноябрь келсин.

Байрам туфайли ҳамма табрикланади.

Қизлар-да атир, жуда бўлмаганда атирсовун билан сийланади. Бир-икки стакан шампань қуйилади. Ҳайтовур, биз каби бўз йигитлар ҳам томоқ хўллаш қиламиз. Кимларнингдир ортидан одам келиб сийлов тегса денг, Худо ана берди! Ана берди!

Комиссаримиз Маҳмуд ака афғон урушида бўлиб қайтган, чап қулоғининг ярмини ўша ёқда қолдириб келган, биздан уч-тўрт иштон аввал адо қилган ҳам-

тенгларининг ривоятча, белида, болдирида, бошида қиёмат ўқи ялаб ўтган жойлар бор.

Комиссарнинг ҳарбий дарслардаям соч олдирмай қулоғини кўмиб юришларининг маъносини энди тушунамиз. Бир ғазаби кўзғаса тўхтамай, яъниким жаҳли тушиши қийинлашиб қолишига-да маъно берамиз: афғон касаллиги — контузия. Биздан икки поғона қуйида ўқийдиган Гуля — ўзининг ҳамюртини яхши кўрармиш акам, буни биз унинг гап-сўзидан биламиз, ҳаракатидан сезамиз. Аммо ўзи доим ҳам ўралашавермайди у қизга, баъзида пахтасини кўтаришган бўлади, ўша кунлари иккови орасида жиққамушт уруш чиқади, талаба эли, биласиз, томошага ўч, ажаб кўрғазмали жанжалга гувоҳ бўламиз.

Бу шунчаки уруш эмас, иккови анча жойгача бориб қолади, кейин анча муддат гаплашмай тумшуқ қилиб, ҳар бир талабага бир-бирини обдан кўпиртириб ёмонлаб юради. Бироқ кунларнинг бирида қарасанг, комиссаримиз инқиллаб-синқиллаганча пахта уйилажак тележка томон парининг икки фартугини елкага осиб кетаётган бўлади. Ҳамма билади: ўша куни ёки эртасига тагин жанжал чиқади. Комиссар яна мулзам, яна домлалардан дакки эшитган, обрўйи тушган, партияга ўтиш умиди узилган ва ҳоказо.

Бу қизга қандай муомала қилишга ҳайрон, боши қотади. Гуруҳимизнинг энг босиқ, айтиш мумкинки, ягона мулоҳазакор қизи Дилоромдан сўрабди: ўзи Гуля мени яхши кўрармикан-а, Дилором, агар яхши кўрса, бунинг аломати қандай бўлади, айтинг, жон синглим, тоза қон бўлиб кетдим!

— Қон бўлиб нима қиласиз, Маҳмуд ака. Гуляни бир кучоқлаб ўпиб олинг, тамом, сизни яхши кўриб қолади.

— Ие, вой, Дилором, ўзингиз гапиряпсизми шу гапни, қандай, вей, уялмай-а, акангиз қатори кишига-я. Оббо Дилором-эй! Мен, аммо сизни ҳеч бунақа деб... йўқ, сиздан бунақа гап чиқади деб ўйламаган эдим. Балли-е...



— Қизларга ўхшаб қанақа, унақа, бунақа, нега деяверасиз. Сиз қаториларнинг икки-уч боласи бор. Севдим, ўламан, деяпсиз. Гуля шаддод қиз, уни ҳеч ким ўпмаган. Биринчи бўлиб сиз ўпсангиз сизни, бошқаси ўпса бошқасини севади-қолади. Қиз бола шундай мўрт нарса, ака. Ҳе, довдирашини...

— Йўғ-э, астопурулло, астопурулло! Шундай деб ўйлаяпсизми, а? Ростдан шунақами? Оббо...

Маҳмуд акамиз контузия бўлган бошини обдан қашилаб нари кетади. Кетади-ю, узоққа бормайди. Шўри чиқиб кетган шляпасини бостирганча тагин келади.

— Дилором, — дейди. — Мен бу ҳақда ҳеч ўйламаган эканман. Қаранг-а, вей. Сизга анақа... кўнглингизга олмайсизми, бир гап...

— Сўранг. «Бошингиздан ўтганми» демоқчисиз-да?

— Ҳа-ҳа, шунақа демоқчийдим, роса топдингизда, аммо.

— Бешинчи синфдалигимда бир бола кўчамизнинг бошида велосипедини тузатаётган экан. Бориб унга ёрдамлашвордим, танирдим уни — тўртинчи синфда ўқирди. Раҳмат демоқчи бўлдими, ишқилиб миннатдорчилик билдиргиси келди шекилли, чўлп этказиб ўпиб олди. Яхши кўриб қолдим, ака. Ҳеч хаёлимдан чиқмайди. Мана, Йўлдош укангиз ҳар куни бир қулоч хат ёзади. Маҳмуд ака, жуда таъсирланаман, Йўлдошга кўнгил қўйгим келади. Лекин... кўнгил у ёқда. Наҳотки йигирма олти ёшга кириб ҳалиям қиз боланинг кўнглига йўл тополмайсиз. Ҳаммага томоша бўлиб жанжал кўтарганингиз-чи. Тавба қиламан-да. Қотаман, Маҳмуд ака, шуям иш бўлдими?

Маҳмуд ака шундан сўнг ҳаммаси расво бўлди деб юрди. Шунақаям қип-яланғоч бўладими, қиз бола бўлатуриб, мендан олти ёш кичик бўлатуриб, қаранг, топиб айтган гапини. Мен энди... шу ёшга кириб... оббо, ҳеч беш кетмадим. Беш кетмадим бу ҳолатгаям, Дилоромигаям, ҳаммасига. Қойил аммо, қойил.

Бош чайқаб ҳайрон бўлганча Дилоромдан ҳам, худди ўпиб қойил қилиб қўйгандек, йўғ-э, уят иш қилиб

шармисор бўлгандек Гулядан ҳам қочиб, бошқа эгатларда бошқаларга ҳайқириб юрди.

Еттинчи ноябрь, яъни орзиқиб кутган кун эди ҳаммага. Эл қатори, гарчи дала шароити бўлса-да, байрам жиддий қабул қилинарди. Худо билсин, ўша 7-8 ноябрь кунларида терган пахтагга икки ҳисса ҳақ тўлашни ваъда қилишарди. Бу нарсанинг уволиям, савобиям биз каби ўртачалар учун татимаган, сабаби, энг кам терувчи шаҳарлик бир-икки нозик хонимқиз ҳамда баскетбол турнирларида мақтов эшитувчи, бироқ ҳарчанд уринса-да, эгилса қўли ердаги пахтага етмовчи Андрей, Славик, Тарас, Шмидтлардан ўн беш-йигирма кило ошириб терардикки, уларга теккан қалтакнинг учи мудом бизгача етиб келган эмас. Ўзимизча шумлик қилгандирмиз-да.

Лекин байрам кунини кам термоқ имтиёзи йўқ эди. Қорин домла одатича эрталаб пахтадан порох олинишини яна икки ё уч қайта таъкидлаб, сўнгра космик кеманинг ҳам, ҳатто шундай катта домла бўлса-да, аниқ билмайдиган бир жойига ишлатилиши, бинобарин бу жиддий иш, ҳазиллашиб бўлмаслигини уқтириб бўлгач, бугун кечқурун, ниҳоят, қирқ бешинчи кунини ош бўлишини баландроқ пардада айтардики, байрам учун айтилмаган ура-уралар ош учун қулоқни қоматга келтирар даражада янграб кетарди. Бир юзу ўн бир килолик Андрейимиз митти темир косачасини кўтариб ошпаз боланинг олдига уч-тўрт қайта келишини дарров кўз олдимга келтираман, бу дароз-гўдак билан доим овқат жанжали устидан чиқасан. Қорин акам бўлса эринмасдан уни шу масалада койийди, терган беш кило пахтаси икки пиёла чойгаям етмайди, деб кулгу қилади. Андрей аввал қизаради, ерга қарайди, ўлчами қирқ олти ёхуд қирқ саккиз кирза этиги билан ийманиб ер чизади, охири бўлмагач, СССР конституцияси ва меҳнат кодексларида балоғат ёшидагилар саккиз соатдан ишлашлари ёзилганини айтади. Қорин акамиз бўлса ўша заҳотиёқ тутаб кетади, саккиз соат тугул ўн олти соатда еган-ичганингни оқлаёлмайсан-у, сен яна қонун талашишингни қара,

дейди. Мен жўрттага юрибманми иссиқ жойимни со-  
витиб, шаҳарда юрган эдим вақтида ошимни еб, вақ-  
тида чўмилиб, шуям ҳаёт бўлдими менга, роса кет-  
гим келади маниям, мана, ҳозир наварам кўз олдимга  
кевотти, дейди ва филтиллаб кўзига ёш олади. Шими-  
нинг орқа чўнтагидан рўмолчасини чиқариб кўзини  
артаркан:

— Ничево, чидаймиз! — дейди мағрур. — Партия,  
шахсан Леонид анақаевич... анақа... Ильичмас, ҳа, Иль-  
ич Брежнеппинам Шароп акам Рашидуп бизга кўз ти-  
киб туришибдики, қачон шулар олти миллён қилар-  
кин, майли биламиз, ёмғир, қор тагида қоп кетвотти  
мани студентларим, жа қийналишвотти, аммо бир  
дона чигиттиям далада қолдирмиймиз дейишвотти.  
Мана, биза ўшанга анақа қивоимиз, тушундиларинг-  
ми?

(Брежнеп бува қазо қилган кейинги йилиям Қо-  
рин домла хабар бергич бўлган. Ўшандаям Сирдарё да-  
лаларида пахта териб тургандик. Йў-ўқ, ўша куни қор  
ёққан, баракка биқиниб, дийдираб ётгандик, мухта-  
рам Қорин домла ҳаммамизни ташқарига — мотам  
митингига олиб чиқиб, билмадим, ростдан эди шекил-  
ли, бурни шўрқиллаб эълон қилган, чинакамига оғаси  
ўлгандек йиғлаган эди, биз ҳам йиғласак бўларди,  
лекин шунақа одам ҳам ўлиши мумкин экан-да, дея  
танг қотиб тураверганмиз, аммо сукут сақлаб «дохий»-  
нинг ҳурматини қилганмиз. Домла бўлса бизнинг ҳам  
йиғлашимизни кутган, ватанпарварлик туйғумиз етиш-  
мади, шекилли, безрайиб тураверганмиз. Радио, те-  
левидение ҳам уч-тўрт кун мотам куйи чалиб роса эз-  
ган. Қорин домла магнитофон қўйдирмайди, қўшиқ  
айттирмайди, роса қон қилувди. Бу ёқда қор. Ташқа-  
ригаям чиқолмайсан. Тириклингингизга-ку ҳамма чи-  
даб турувчи, лекин ўлиб ўлигингизни бунча ташлаб  
олдингиз, Брежнеп бобо, дейишимизга сал қолган.)

— Домла, ахир, пахтадан порох олинади-ку, — дея  
чигирткадай чийиллаб қолади сурхондарёлик Муяс-  
сар деганимиз.

— Во, беш санга, қизим. Борганда сўрамасдан зачө-

тингни қўйиб бераман. Мана, кўрвотсанларми, бу қизимиз ўзи бургадай келади, лекин манави, ким эди, ҳа, Абдилаким тракторчининг тракторидан кўп теради. Ўрнак олларинг.

— Домла, ўтган йили манга зачёт қўювдийз, ака-ука Люммерлар бор-ку, анави французлар, ўшалар кино олишни бошлаб берганини айтиб берувдим.

— Ўзи ман пақат шуни сўрайман-да. Аслида шуни билмаган одам умрбод киношунослик фанини эплаёлмайди. Малик Қаюмов, масалан, шу нарсанинг тегига обдан етган. Оббо, бўлди, қуёш чиқиб кетвотти. Ҳамма далага! Ош бўлади бугун, шуни билларинг. Кўп терган болларга тагин сурприз бор, обедда эълон қиламиз.

Домлани на шаҳарда, на далада бўлсин, ҳеч ким ёмон кўрмайди, ахир теримдаям, дарсдаям ҳеч кимни қийнамайди, ўзиниям сира хафа қилмайди. Дарсда ака-ука Люммерлар кинони кашф этишганини, улар французлар эканини сўзлайди, альбомлар, расмлар кўрсатади, кинога тушамиз дейди, кейин биз кинога тушамиз, синов маҳали ака-ука Люммерлар асли французлиги, кинони кашф этишганини билган одам борки, тикка туриб ўтиб кетаверади.

Домланинг фан номзоди бўлиш жараёнида бўлак китоблар, жумладан, Ленин, Маркс, Энгельс кабинетларнинг асарларини-да титкилаганига шубҳаланмайман. Бироқ... ҳай-ҳай, қорни хунук — ичи тўла сув ёки ҳаво, шунчаки қорин эмас бу, эҳтимол, Люммерлардан бошқаси хаёлдан фаромуш бўлиб кетаверишигаям қорин анча-мунча монелик қилар-ов, сабабки, шу тахлит фикрларни Гюгоми, Бальзакми (ҳар қалай Люммерлар эмас) айтган. Балки Сталиндир. Камю бўлишиям мумкин. Ҳозиргина айтганимдай, асло Люммерлар эмас. Балки ака-ука ихтирочилар бундан-да доҳиёна фикрлар айтишга қурблари етарди, бунга-да гумон қилмаймиз, аммо Қорин аканинг ўзи у зотларни бизга шу қадар қашшоқ қилиб кўрсатиб қўйганки, гўё Люммерлар ҳам бутун умр «порох-порох» деявериш билан порох кашф этилгани каби «кино-кино» деяверишгач, кино ихти-

ро бўлиб қолгандек. Каллани совитиб ўйласа-ку, бундоқ эмас аслида, шунақа тасаввур ва фаразлар уйғонган-да одамда — шуни таъкидлаётирман.

Дарвоқе...

Ҳа, дарвоқе, байрам эди. Байрамнинг ҳам улкани эди. Акс ҳолда бу телба-тескари, бирор қолипга сиймайди, бинобарин бир-бирига сира қапишмайдиган (ўзи пировардидаям обдан елимласанг ҳам ёпишмайди) бир-бирига чунон урсанг-да, ишқаласанг-да, уйқаш овоз чиқармайдиган одамлар ҳақида сўзлашнинг ўзи бир малол келадиган юмуш.

Байрам эди, кун қуёшли эди, қуёшли кунда ҳаво жазирама иссиқ эди, ёмғир ёғарди — ёғса арқондек эшилиб, қирқ ўрим сочдек солланиб ёғиб ётарди, қор ҳам ёғарди — ёғса ростдан-да гупиллар эди, ерни кўрпадай қоплаб қоларди, чинакамига ариқлар, йўлақлар ва қулоқларни музлатиб кўярди.

Назаримда ҳавоюм домла, комиссар, командир, шоир, Марина каби рўй-рост сўзлар эди. Ҳа, худди шундоқ.

Пахта қарталари ҳаддан ташқари катта ва шу каби кўп, қара-аб турсанг, нарёғини кўз илиб-илмайди. Комиссар ҳарчанд у ёғу бу ёқдан улоққан талабаларни қайтариб эгатга солсин, бефойда — барибир эплаёлмайди. Боз устига жуда кўп қарталар одам тугул машина оёғиниям кўрмайди, қор босиб қолади, белинг оғриб фартуқ узра чўкиб осмонга қараб ётганинда ўзи эгаси кимакан бу жойларнинг, деб хаёл сурсанг ҳам бўлади. Яхшилаб суриштирсанг кимлиги дарров маълум бўлади-ю, шарт эмас — шундайи маъқул, бепоён, ястаниб ётсин дала дегани, пишиб, тўкилиб, оқиб ётсин ҳосили. Юракни кенгроқ қўяберган яхши деймиз-да.

Ҳадемай мезон оралайди. Мезонда қуёш еган мева шира бойлайди, қишга чидайди. Барак аҳолиси бу учун қайғурмайди албатта, аммо билган дуруст. Хуллас, ўша кунни эрталабдан ёмғир шивалади. Ёғибам ёлчитмади, ари-сари қилди, очилиб ҳам кетмади ҳаво: безрайган бир кун бўлди. Муяссаримиз шу ҳўлгарчиликдаям анъа-

насига тамом содиқ қолиб тушгача юз етмиш кило топширибди. Офарин! Бургадай бўлса-да ҳаққост рост — трактордан кўп теради. Мана, байрам куни тракторлар шпинделларини ювган кўйи қолаверади, эгатга оралашга иложлари йўқ, демак, трактордан Муяссар афзал. Ўзи бурга деб калака қиламиз-ку шу қизни, — баъзилар ҳатто у ўқишга эмас, пахта теришга кирган, бўлмаса Сурхонда обрў тополмай ўтиб кетарди дейди... Аслида биз каби яратмас-ёлчитмасларни шу қизга пишириб берган одам савобга қолади. Гапнинг индаллосиям шу.

Ҳа, бизга қолса, ҳаммаёқ бирпасда ивиб лой бўлиб кетсину баракка бориб ётиб олиб китоб ўқисак, шахмат, қарта ўйнасак, зерикканда ҳаммани безор қилиб, баракни бошга кўтариб, хўр ва жўр бўлиб ҳеч келишмаган кўшиқларни бўкириб қуйласак. Қўйиб берса, чўнтак кўтарса, тополсак қултамиссиндан ҳам урамиз-у... Кўрмайсизми, гайрат зўр, бироқ қўл калта.

Қорин аканинг кўнгилчанлигиям бор. Байрам куни кечқурун юз граммдан ичишга, ҳа, ичишга рухсат бериб юборди. Сирасини айтганда, буям бир мардлик. Тушда айтаман деган сюрпризи шу бўлиб чиқди. Биз пул йиғиб берадиган, ошпаз ёрдамчиси Мансурвой Абай совхозидан келтириб берадиган бўпти. Пул йигдик, пул бермаганлар ичмас бўлди.

Кейин эшитдик: домла ўша кўк «Жигули»сига бир фартуқ гўшт ортибди-да (ҳа, адашмадингиз — бизнинг ризқимиз) Абай совхозидан ўнта ароққа алмаштириб келибди. Йиғилган пул ёнига қопти. Бу, энди, эшитар кулоққа гап, ким келиб-келиб домла билан суришиб ётади дейсиз. Бизга не увол-савоби бор бунинг. Шахсан менга қўйса ўша одам «порох-порох» деб шу ерда юрганиям маъқул. Акс ҳолда...

Институтга кирган йилимиз бир заҳаролуд декан ўринбосаримиз бўларди, эсимдаки, нормага еткизолмаганларни ярим кечада тракторнинг чироғи ёғдусида пахтазорга оралатган. Бундай жарима каминанинг чекига ҳам талай марта тушган ва даргоҳдан неча маротаба ҳайдалмоқни бўйинга олишга тўғри келган эди,

айниқса ўрис гуруҳидаги ўн-ўн беш чоғли қизу йигитлар безиллаб йиғлай берганди, айтишардики, чет элнинг анча оғир колонияларида ҳаёт бундан юз карра енгилроқ деб. Тавба, нима қиласан тортишиб, мана, етмиш-саксон кунгина экан, замдеканга ёмон кўринганинг қолди. Билдинг, у на этагингга, на зарингга, на зўрингга эътибор беради. Худонинг боқиб қўйган бир балоси.

Аммо нечукдир ҳар иккиси-да шоирларни хуш кўрмайди. Сабоқдошимиз, шоири замон ҳам шеърларида рамз ва ишоралар ила домлаларга салбий муносабатини изҳор қилиб кўярди-да — асли ўзидан ўтарди, қўй, шулардан яхшиси йўқ-ку, ёзсанг, Есениннинг бобоси айтган янглиғ сулини ёз, бия ҳақида ёз, нима қилардинг буларга илакишиб. Сал оёгинг тойса, суяб қолгувчи шулар, суямай қўйса — кетдинг. Яхшиси севги ҳақида ёзақол — ҳеч кимга малол келмайди, ҳеч кимга тегиб кетмайди. Уфф, бунинг севги ҳақида ёзишиям бир галва. Ўзи-ку жамалаксоч, қирқ ўрим соч, қоши қийғоч, лаблари бодом, ёноқлари қирмизи олма қизни, — борми ўзи шу зот бу ҳаётда ё шеърга кириб қолган ҳавойи образми — Худо билсин, — яхши кўради, шунга монанд келмаган ҳамсабоқ қизларимизни жуда ёмон қилиб ясаб кетади-да. Кейин бечоралар ёзғириб юришгани-юришган: «Шоир бўмай кетсин, шунақаям кўпол бўладими? Вой, ел олсин-а, ел олсин!»

Мисол, ёши ўтинқираган қизларни эркаклаган сабзиларга қиёслаган жумласи бор эди. Хўш, у кимга тегишли: Рўзигул опа, Санам опа, Гавҳар опа, қолаверса, Дилором, Саида, Раҳима — ҳаммасига тегмайдими? Энди улар шу кунгача эрга чиқиб кетмаганига гуноҳқорми, масхара қилиш керакми? Тавба, «эркаклаган сабзилар» эмиш. Шоир деганиям шунақа хунук ўхшатиш қиладими? Боз устига, биласиз, «эркаклаган сабзи» дегани бултур полизда қолиб кетган, ичи ёғочга ўхшаб қотиб қолган сабзи, уни уч кун қайнатсанг-да на пишади, на таъми чиқади. Шу энди шеърга, шоирга ярашиқли гапмиди? Ҳай, майли, гап бундаяммас, шоирда.

Қорин домланинг шоирда пича тиши бор. Эсда бо-рида айтиб қўяверай. Бултур қайсидир бир байрамда нариги гуруҳдаги комиссарликка даъвогарлик қилиб юрвчи Собит институт комсоргининг машинасини миниб Тошкентга кетганди, уч-тўрт кун юриб қайтиб келди, кечаси эди, домлага хушомад учун бир пакет кўтариб келди. Иттифоқо, у шоир билан менга дуч келди. Пакетнинг ичида иккита ароғи бор экан. Ароқ-ни чиқариб негадир бизга тутқазди-да, ҳозир чиққу-нимча қараб турунлар, илтимос, деди. Аввалига эн-самиз қотди. Машинасининг капоти устига қўйиб гу-рунглашиб турувдик, Тошпўлат соқол келиб қолди, «ие» деди. Ҳой жонивор, қаердан чиқди? Собитники, дедим мен, ҳозир чиқиб опкетади, домлага опкелган экан. «Бу-ку майли, — деди Тош мени кўрсатиб Шо-ирга, — бўлган-тургани шу, сиз нега индамай туриб-сиз бутун дунёнинг лаззатини увол қилиб». Шоирга бу таклиф шунақа боп тушдики, дарҳол: — Олдик, кетдик! — деб юборди ҳаяжонланиб. Уч киши эгат ора-лаб қоронғуликка шўнғидик. Кўп ўтмай Собитнинг товуши эшитилди: — Йўлдош, ҳой, Йўлдош! Ҳазил-лашмаларинг, домла кутиб қолдилар.

Шундай бўлишини билардик ва вазиятни сурбет-ларча ўзимизнинг фойдамизга ҳал қила олдик. Яъни, қултамиссинни очиб, бемалол навбатма-навбат «сен ол, мен ол» қилиб қултилладиб ютавердик, газাগига кўсакни ёриб ҳидладик. Сўнг кимнингдир фуфайкаси чўнтагидан битта бош пиёз чиқди. Шоир қалампир егувчи эди, ўзи уни газакка олди. Охири Тошдан ғоя чиқдики, қўлтиққа икки бармоқни юбориб ҳидласа-ям бўлаверади, бизларнинг қирқ кун сув кўрмаган қўлтиғимиз жа-а боп тушади — кесади ароқни.

Ароқни кесиш-кесмаслигини билмадигу, бу айни жинниликдан бошқа нарса эмаслиги аён. Қизиги шун-да эдики, бу вазиятда Собит ҳамон умидвор овоз би-лан бизни чақирарди. Буям етмагандай Қорин домла-нинг ҳам бир неча марта овозини эшитдик. Уям ас-тойдил гоҳ у томонга, гоҳ бу томонга қараб:



— Қаттасанлар, ў, Шоир, ў, Йўлдош, бўйинларингни узиб олмасам агар...

Шундаям фикр этмадик.

Демак, сурлигимиз ўзимизга етарли экан.

Аммо барибир одамнинг виждони қийналиб тураркан. Бизни овунтириш учун Тош айтдики, домла касир Қадамбой билан бизнинг терган пахтамизга тўланадиган иш ҳақимизни туя қилади, Қадамбой уч сўм еса, бу беш сўм ейди, гўштдан, сарийёдан, гуручдан уради, сотади, уйига элтади...

Одамни сал ёмон кўрсанг, унга пича зуғум қилсанг-да унча юрагинг эзилмайди.

Эртаси кун Собитга айтдикки, сени кутавериб тоза қийналиб кетдик, охири ароқларни машинангнинг капоти устига қўйиб биз нариги баракка кетдик, нима, биз сенга чоракорми, эрталабгача арофингни кўриқлаб чиқсак!

Собит балки кечирса кечиргандир-у, аммо домла кечиролмади. Ёмон томоғи тушган экан. Шоирни, айнқса душманидай кўриб қолди. Нега деганда, шоиримиз теримда ёмон эмасди, балодай терарди, аммо домладан дакки эшитгани-эшитган эди, жуда бўлмаганда кийим-бошига, боринги, овқатни чапиллатиб чайнашигача масхара аралаш танбеҳ эшитиб юрарди. Шоирнинг ўзи бўлса бунга кўпам эътибор бериб эзилиб юрмасди, аксинча унга ўз муносабатини орқаваротдан билдириб, салбий бўёқларда таърифлаб шеърларига киргизиб юборар, ҳар оқшом ёки кун ора уюштирилувчи базмларда баъзи шеърларини тинглаб турган онгли инсонлар у ким ҳақида, қайси муносабат билан битилганини англаб, бошлабсан, деб қўйишар, баъзи ўзига тегиб кетадиган жиҳатларини билиб турганлар асарнинг анчайин бўшлигини изҳор этиб, шу боладан ҳам шоир чиқиши мумкинми ё йўқлиги хусусида мулоҳаза қилишиб, охирида ёғ босиб кетган бошини ва шунингдек, шохлаб кетган кир сочларини иссиқ сувда кир совун билан бўлсаям ювиб турса кони фойда, зора шоир бўлиб кетса, дейишарди астойдил. Лекин афкор талаба борки, чуқур тушунар эдики: бош-

ни илиқ сувда кўп-кўп ювишнинг даҳо шоир бўлиб етишмоққа нафи кам. Қаҳҳор домланинг ўғитига чунон амал қилиб хулоса қилсак, ўн фоиз истеъдодга тўқсон фоиз меҳнат зарур, оқибатда, яъни Қаҳҳор каби ишласалар маймун ҳам бинойидай ёзувчи бўлиб етишади.

Байрамнинг шодиёнаси бўлакча. Биздан бир ёш катталар ичида кечасиёқ уч юз килодан пахта дундирган икки ўғлон бор. Албатта, улар чиндан ҳам ухлашади, кечаси колхозчиларнингми ёхуд нариги факультет талабаларининг хирмонидан ташиб бир ерга тўплаб қўйгани кам деганда ҳар бирига уч юз килони ташкил этади. Улар кундуз куни далада кўпам ўралашишмайди, қайсидир қуюқ сояли бир чеккароқ жойни мўлжал қилиб жўнаб қолишади. Тушуниб турибсизки, ул теримчиларнинг ҳеч вақт қўллари қабармайди, жуда нари борса беланги бўлишади, холос. Аммо, очиқ гап, уларга ҳавас қилса бўлади: кун бўйи бекор юришади, уйқуни уришади, қартабозликнинг-да додини беришади, бироқ бундан-да жилла фойдали ишга зинҳор қўл уришмайди, албатта илмда ёхуд ижоддаям шу даражада уддабурон бўлишганида борми, шу ғайратларига яраша ўлдим деганда Маяковский каби шоир бўлишарди.

Аммо ноумид бўлмаслик лозим. Теримчилик ҳам ўта юксак мақом. Қолаверса, ҳаммаям Маяковский бўлиши шарт эмас. Мана, кунлар келиб яхши ва ёмон гоёлар шартта иккига ажралди. Маяковский бечоранинг қанча хизматлари бекор кетди. Зукко шоир балки бу фоний дунёда тамом адашганини охир-оқибат англаган чиқар — ва шу туфайли ўз кўксига тўппонча қадагандир. Бу ҳам ўзни кечирмасликка киради.

Майли, бу биз муҳокама этадиган масалага кирмайди. Биз учун муҳимроқ ҳангомалар ҳали олдинда.

Руслар сув парисини «Русалка» аташади. Ҳеч шубҳа қилмайман: Марина барагимизда етмиш нафар йигитнинг ҳар қайсисидан шу эркатой таърифни эшитишга муносиб эди. Аммо ҳаммаям ботинавермасди. Биз кибилар, боз устига рус тили бобида анчайин бадбахт

эдик. Шу боис ҳануз ўзимизни кечиролмаймиз. Биз қуйи курсдаги Ольга деган бир қизга мулойим илтифот кўрсатишга ярардик, сабаби, у кўпроқ жайдари халқ ичида ўсган: ё Хатирчи, ё Оқтош, ишқилиб ўша томондан, инқиллаброқ ўзбекчани гапира олар, биз каби ишқибозлар унинг сўз бойлигига икки-учта сўз киритиб қўйиб, гўё шу муносабат ила табассум совға олиб, бутун мурод-мақсадимизга етган каби юрт бузиб юрар эдик. Қишлоқилик ҳам қуриб кетсин!

Ичимизда Тоҳир ака деган ёши анчайин улуғроқ кишимиз бор эди. Папиросни сўраб чекса-да, кетини узмай чекадиган хилидан. Аммо шу қадар усталик билан сўрайдики, беихтиёр қайта-қайта сигарет бериб юбораверасиз, то қораси ўчиб кетгунча уни ёмон кўргингиз ҳам келмайди, шу қадар гапга уста, гипноз қилиб ташлар эди. Шу, уч фарзанднинг отаси, ўттиз бешни уриб қўйган одам, хотинининг ҳам аллатовур илмий даражасими, лавозимими, бор десангиз, Маҳмуд акага келиб:

— Маҳмуджон, сиз шу қадар тиниқ севмоқдасизки, беихтиёр менинг ҳам севгим келяпти, — дебди.

Ичи тўла армон, қиз болани ўзига бўйсундирмоқ учун инсон албатта ундан муччи олиши шартми, шарт эмасми, деган саволга «катта мутахассислардан» ҳам тузук-қуруқ жавоб ололмаётган бир киши, курсимиз оқсоқоли, комиссар ва бало-баттар унвонлар эгаси Маҳмуд аканинг бўлса тоза жаҳли чиқибди. Азбаройи келиб-келиб шу одам мени масхара қилаётир, деб ўйлабди. Масхара қилмаётганига Тоҳир ака илла-базўр ишонтирди, кўп нарсалар ваъда қилиб, ўзининг ўпка касал эканига, силдан одамлар кўп ўлаётганига, демакки, мен ҳам ичларингда омонатман дегандай қилиб, бир илож билан калтақдан қутулиб қолди. Бўлма-са «контужен»га ишониб бўлади дейсизми?

Мен ўйлар эдимки, бу офтобрўда ҳамма Маринани севади, аммо ўзларини чалғитиш учун бошқаларга севгичалар изҳор қилишади.

Маринанинг бори ҳамма нарсаси, ўзи гўзал, уни суймаган, жуда бўлмаганда бир термулмаган, маҳлиё

бўлмаган одамнинг ўзи йўқ. У ҳеч қачон қаримайди, хуснига доғ ҳам, ажин ҳам тушмайди, у адашиб биз каби бадбахтлар ичида юрибди, холос. У ҳеч кимдан даккиям эшитмайди, ўзиям ҳамма нарсани билади. Билмаган, англамаган илмиям қолмаган.

Факультет комсорги Дилшод — силлиққина, қора сулудан келган, сочи орасидан парқ очиб сипогина юрувчи, ясама маданиятли, аммо ҳеч бир нарсага аралашмагувчи йигитгина ботиниб унга пахта териб бера олади, фартугини уялмасдан тарозигача опкела олади. Уялмасдан дейишга сабаб — у катта бўлиши лозим бўлган йигит, аллақаяқдаги бир қизлар билан ўралашиш, кўнгил бериш, булар унга жудаям халал берувчи хатти-ҳаракатлар ҳисобланади. Жаноб партияга аъзоликка номзод бўлган, бу дегани омма орасида нуфузли универсиада ғолиби бўлган боксчидан кўра жиддийроқ таассурот қолдиради. Шунга яраша у босиқ бўлиши керак. Севги-певги деганлари ўткинчи, ножиддий бир нарса, унга боғланиб қолсанг, порлоқ келажак хароб бўлади. У ана шу харобликдан кўрқади, айна дамда бу дунёнинг англаб бўлмас Марина каби жозибаси ҳам борки, бундан ҳам кечиб юбориш учун жуда катта матонат талаб этилади фуқародан. Индаллосини айтганда, борингки, уни Дилшод чинакамига севди ҳам дейлик, нима қипти, ёмонми, партия низомларида шу тақиқланибдимми? Шундайликка шундайку-я, аммо эҳтиёт бўлган маъқул-да. Дилшодбек шу туфайли эҳтиётроқ бўлиб севмоқни афзал билади.

Байрам эса...

Байрам кўп нарсани издан чиқарди.

Байрам бўлгач, ичилади. Ахир студент ҳам одам. Қорин домла буни яхши англайди, бинойидай ақли етган, бир эркинлик берай, фақат ўзим ичгунча шу ота-онасидан, иссиқ ўрнидан узоқда юрган нотавонлар ҳам бирров чечилиб-яйрасин, деган.

Ана шу кўнгилбўшлиги ўз бошига кулфат бўлишини тасаввур қилмаган, албатта. Акс ҳолда...

Ўша кунлари денг, учта барак ўртасида кўчиб юрувчи кўчма қизил байроқ ҳам бизнинг баракка келган.

Худо билсин, анави Муяссар-трактор ва иккита пахта ташигич гигантларнинг хизмати бу, чунки шуларнинг тергани бир ёқ, қолган юз йигирма кишиники бир ёқ, қўйиб бераверсанг шу учови бошқалардан ҳам кўпроқ териши мумкин, анави ўғлонларники туҳмати эканини айтдик, лекин Муяссар-тракторимизники ҳақиқий, ҳеч алдам-қалдами йўқ. Яна айтиб қўяй: бургадан сал каттароқ гавдаси билан, балки Синчалак атаса бўлур эди, яхшиси биз бургага менгзаб қўяқолайлик, кўрганлар ҳазиллигини тушунар, маломат қилишмас. Ўша куни норма бажарганлар эртароқ келиб ювинишар, бизга ўхшаб кечроқ келганлар ҳам бош-мошимизни ювиб олардик.

Қизиги, фирт даштнинг ўртасида, нақ барагимизнинг тумшуғида бир шланга ётарди, шлангадан денг илмилик сув отилиб ётарди. Қаерга уланган бу, нега илмилик сув — буни биров изоҳлаб беролмайди, яхши томони шу эдики, эрталаб биз жирканмай юз-қўл ювамиз, кечда баъзан бош ювамиз, қизлар ҳам шу. Аммо унинг қадрига етмаймиз, шу сабаб унинг учини буклаб сим ила ўраб қўйишга эриниб шундоқ ташлаб қўямиз, оқибат шу бўлдики, шлангадан чиқиб ётган сув охири ҳовузга айланди ва биз ҳовуз оралаб сувга боролмай қолдик. Буғ кўтарилиб аллабало бўлиб ётар, унга бораман деган кимса балчиққа ботиб қолиши хавфи бор эди.

Хуллас, бор эди шунақа нарса, буни билдингиз, яна айтдикки, кўчма қизил байроқ барагимизнинг манглайида осиелик. Қип-қизил, бўрттириб айтамыз: алвондай ёниб ётипти.

Бир беҳининг остидан стол-стул ясаб олганмиз. Аммо бу жойга ўтирувчи даъвогарлар шу қадар кўпки, эртароқ келиб орқангни қўйиб олмасанг, тайинки, жойдан қуруқ қоласан. Қуриган хас-хашак устига чўнқайиб овқат ичишингга тўғри келади ўшанда. Байрам куни энди шундай қилиб ўтирсанг, жуда алам қилади-да.

Беҳига осиелик фартуқ ичидан коса-қошиқ, кружаларни даранглатиб оламыз. Қозон бошига бориб нав-

батда турамиз. Учта катта самовар ҳам шу ерда қайнаб ётади, чой қуйиб олишда тукилавериби, атрофи билчиллаган лойга айланган. Баъзиларимиз қўлларимизга икки-уч идиш олиб, егулик тегишимизни кўпроқ ундиришга интиламиз. Ҳолбуки, у косалар асли кетиб қолган биродарларга тааллуқли. Ошпаз ҳам анойи эмас, коса-товоқларни ранг-бошидан, сири учган жойларидан жуда таниб қолган. Холмуродга десангиз, Тоживойнинг косаси-ку, дейди кўзини лўқ қилиб, гап қайтариб бўлмайди, биласиз, бу биёбонларда ошпазлик ҳам ўзига яраша мансаб, у кимнингдир эркаси, ҳадеганда бетига сапчиб панд еб қолишинг мумкин, беихтиёр ён берасан, худди Холмурод марҳум бўлиб кетган-у, унинг ўрнига бир чўқим ош ейишга ҳаққинг йўқдек.

Шунақа изза қилишади-да булар.

Домла шу куни аввал юқори курс талабалари, сўнг биз билан шахсан ўзи «юз-юз» чўқиштириб чиқди, бу бизда улкан гурур ва ўша вақт таъбири билан айтганда, «зўр мамнуният туйғуларини уйғотди».

«Зўр мамнуният туйғулари уйғониши» баробарида йигитлардан баъзиларининг кайфи ошиб қолаверди. Одатдагича шу куни ҳам базм уюштирилди. Юқори курс йигитлари пишиқ чиқишди. Аччиққина совуқда турсичанг чиқиб олиб уч йигит беш-олти қўшиқ куйлашди, шунақа оҳангда куйлашдики, уларни лўлилар деб тасаввур қилдик. Лўличасига зап куйлашди. Кейин бири чиқиб олиб қанордай китобни ёйиб ўтириб олди, кимдир уни, «ичимиздаги буюк ёзувчи даражасига етган кўз илғамас гений», дея таништирди, у рўмондан боб ўқиши керак экан, китобнинг у ёғини титди, бу ёғини титди, ярим соат ўтгач, энг мазмундор жойидан ўқиди: «У энди барча аламларини меҳнатдан оларди». Кейин «диктир» эълон қилдики, ўзи рўмон бор-йўғи шу бир жумладан иборат, аҳамиятли жиҳати шунда эдики, бундоқ сермаъно асар ҳали дунёга келмаган.

Куба, Гавай оролларида хизмат кўрсатган артистларнинг кўргазмали чиқишлари. Конференс Асқарали телпакни бостириб олиб, пайтаваси судралиб юрувчи

резина этигини тиззасигача чиқариб, буям етмагандек, бўйнига ранги унниқиб кетган фуфайка орасидан зўрға кўриниб турган капалак нухса галстукни кўндириб олиб абжирлик билан эълон қияпти:

— Саҳнага трактордан тез терувчи теримчилар чақирилади. Муяссархон. Қадам оға, э, йўқ, у киши кассир, Курдош ака, яна Абсалом ака. Уларни табриклаш учун Абдуқорин, кечирасизлар, Абдуқажом, оббо, Абдуқажомов домла, кино фанлари номзоди — саҳнага, марҳамат, ура! Ура, ўртоқлар! Ура, ҳа, жон борича бўкирингиз! Акс ҳолда байрам байрамдек бўлмагай!

Қорин домлаям қизишиб турган экан, шу гал жаҳли чиқмади, аксинча жигар жигарга қаттиқ гапиргандек, конференсга:

— Ўй! — деди. Тамом. Шу билан ҳамма муносабатлар тушунарли бўлди ва вазият кулгига қараб оғиши осон кечди, умумий кайфиятга заха етмади. Трактордан баттар уч теримчига вимпель, ўн сўмдан пул мукофотлари топширилар экан, рубобда тантанали куй янграр, кўчма қизил байроқ каттакон баллоннинг олови ва қора қурумлари узра елпиниб турди. Уни чойчи Шурик елпирди.

— Шурик, — дея қичқирди Шоир, — байроқни ёқиб юбора қолайлик, энг катга байрам шу аслида. Давай, ташлавор оловга!

Шурикнинг ҳам баданида бир қамчи бор, оловга бир теккизиб олди байроқни. Байроқнинг учи куйди. Бу ёмон гап эди. Турган-битгани кам деганда жиноят, бу жиноят учун нафақат Қорин домла, бутун бошли факультет йўқ бўлиб кетиши мумкин эди.

Байроқ дарров ичкарига опкириб кетилди. Базмга якун ясалди.

— Ўлларинг, моллар! — деди Қорин ака. — Санларни одам ўрнида кўриб сийласанг, эшак бўлиб тепасанлар!

Умумий ҳолат талабига, эҳтиёжига кўра ҳануз байрам давом этиши керак. Комсорг аллақайга гум бўлган, комиссар Қорин домланинг ортидан оёғи чалишиб зўрға эргашиб юрибди. Қуйи курс қизлари ўзларича

сюрприз қилиб катталарни қутламоқчи, рубоб куйига ўйинга тушиб бермоқчи, кимлардир давра баҳона шеър, баҳру байт ила қалблари тўла муҳаббатни изҳор этиш тараддудиди. Оқ, оппоқ либослар кийиб олганлари, яна бир саҳна асарлар кўрсатишга ҳозирланаётгани қайси?

— Маҳмуд ака, айтинг домлага, — дейди қизлар, озгина байрам қилайлик, қанча кутдик бу байрамни, энди битта аҳмоқни деб ҳамма ўйин-кулгудан маҳрум бўлиши керакми?

Комиссар ҳамон домлага эргашади. Охири домлани тутиб олгач, секин чеккага опчиқиб сўрайди:

— Аммо узр-а, домла, мисол, бир қиз айтди, севган қизингни ўпиб олсанг, уям сени севади, ўша заҳоти севиб бошлайди, деб. Мен унча ишонқирамадим. Сиз... узр аммо, домла.

— Ўл, чучмал, гўсаламисан, ман сани бола-чақали деб юраман, ўпишдан гапирасан.

— Энди, домла, дардим бор-да.

— Манинг давримда ўпиш йўғийди. Энди чиқди бу иш. Наварали бўлдик. Кеннойингни ҳалигача ўпмаганимга пушаймонман.

— Йўғ-э, ростдан-а, оббо, домлажон-э, — дея хурсанд бўлди комиссар. — Яхши қигансиз ўпмай, аммо яхши қигансиз.

— Намунча тиршанглайсан, ў, комиссар, анави шоирингни тийиб қўйсанг бўларди, эртага, билиб қўй, ҳозирги қилиғи учун санам, манам бошимизминан жавоб берамиз. Аҳмоқ экан бунинг! Фирт аҳмоқ экан. Шонли коммунистик партиянинг анақасига тил теккизотти. Кўрдинг-ку. Ҳайдатгираман. Лично ўзим ҳайдаб, изини қуритиб юбораман.

— Яхши, домла, ҳайдаймиз, жа-а ҳаддидан ошди, ҳеч ким ҳайдамасаям икковимиз ҳайдаймиз. Жуда... қаранг, аммо сизга раҳмат, — деди комиссар орқага тисланиб узоқлашаркан.

Қайта-қайта раҳмат айтиб йўқ бўлди. Тўғри Дилоромнинг ёнига борди.

— Бекорчи гапни айтибсиз, Дилором, — деди. —



Сиз ўпишни биринчи ўринга қўясиз. Бу бўлмайди. Тўғри келмайди. Одамлар тарихда ўпишмай яшаган, билдингиз?

— Хўп, Маҳмуд ака, мен нотўғри гапирган бўлсам узр. Айтдим-қўйдим-да, ҳазил эди. Тавба қилдим, — дея юзини бурди Дилором.

— Сиз-ку, сиз ҳазил қилмадингиз, жиддий гап айтдингиз, бир балони биласиз. Аммо-чи, аммо, моҳият-эътибори билан олиб қараганда-чи, Дилором, мен шу нарсани нотўғри деб ҳисоблайман. Нега денг, нега? Чунки, қаранг, мисол, лично Қорин домляям...

— Уф-ф, бас қилсангиз-чи, Маҳмуд ака, ким сизга бировни ўп деб айтди. Бекорчи гапни айтибди ўша. Билганингиздан қолманг. Ҳеч кимни ўпманг. Тамом-вассалом. Жинними? Бирам ёпишиб олади-ей.

Дилором тўнини тескари кийишга тушди.

— Аммо-лекин қайтиб келаман, бу нарсани доказат қиберасиз, узр-а, узр, мастлик — ростлик, хўпми, келаман.

Жалол деганимиз, у — агрессор, қип-қизил безори. Маҳмуд-пахмудларни комиссарлигига қарамай бир чақага олмайди. Безрайиб тургани-турган. Қизиги шундаки, уни безрайтириб қўйиб Ситорадай тузуккина, бир уйнинг гули бўлгулик қиз кафтига қўйиб авайлайди, яхши кўргандан яхши кўрадики, комиссаримизга бир олам жумбоқ бу. Ўйлаб қўядики, баъзан Дилором айтгани каби бир марта оби-тобини келтириб туриб ўпиб олган чиқар. Бўлмаса бунчалик... Йўқ, Дилором билиб гапиради, билмаса бундай демас эди. Мен унга ёш боламидим, масхара қилса.

Ўзидан сўрасам-чи Жалолнинг. Акаси раҳматли билан бирга хизмат қилувдим. Акаси тилла йигит эди. Ўлганда ёнида эдим. Буни ўзиям билади. Ҳозир самоварчи Шурикнинг хонасида бўлса керак, ҳойнаҳой.

Чойчи Шурикни ташқарига чиқариб юбориб Жалол, завхоз Мадамин, Ситора ва қўқонгул Мадина ўтиришган экан. Комиссарларча бостириб кириб борди. Нега келдинг, дегандек безрайиб тураверишди. Ҳат-

то қизлар ҳам, келинг, Маҳмуд ака, деб қўйишмади йўлигаям.

— Ҳо, байрамми, — деди Маҳмуд ака. Лекин бошқа нарса демоқчи эди. Илтифот кўрмагач, ўзини камситилгандек ҳис қилди ва оғзидан ушбу сўз чиқди.

— Нима, байрам фақат сеникими? — деди Жалол.

— Жалол, ука, ҳозир уришиб қоламиз, таёқ ейсан!

— Манми? — деди Жалол.

— Худди сан, — деди унга монанд Маҳмуд ака. — Санга ўхшаган тагин ўнтасини мана шу нимжон қўлларим билан буклаб тиқиб юбораман, билдингми? Бу ёққа чиқ!

Қизлар чий-чийлашди. Мадамин уриш чиқмасин, деб ҳай-ҳайлашга тушди. Лекин комиссаримиз Жалолни наранинг биринчи қаватида ўтирган ўрнидан шундай енгиллик билан суғуриб олдики, Жалол вазнининг бу қадар енгиллигидан эҳтимол ўзиям ҳайрон қолгандир, ўртадаги овқат, ароғу газагу пиёлалар ҳар ёнга учди ва синди.

— Ташқарига чиқ, олипта, қизларнинг олдида жўжаўрозлик қилавермасдан, — деди унинг кўзларига тик қараб комиссар.

Жалол Худодан қайтган йигит. Столдан ерга учиб тушган ошпичоқни олишга уринди. Ситора пичоқни тез олиб матраснинг тагига тиқди, комиссарга ялина бошлади кетинг, деб. Бўлмаса сизни ўлдириб қўяди бу, деди.

— Мени-я! Шу-я! — деди Маҳмуд ака тамом хушёр тортиб. — Менинг кимлигимни биласан-а, Жалол? — деди бир оз юмшоқ оҳангда. — Аканг Азимжоннинг қўлимда жон берганини биласан. Кийимларини, альбомини уйингга обориб берганман. Тирранча эдинг унда, ҳозирам тирранчасан. Шун бил: сен худобезорисан, тамом, мени кўрқитолмайсан!

Жалол Мадаминга тутқич бермай ўшқирарди. «Ўлдираман! Ўлдираман!» — дерди пишқириб.

— Қўлингдан келмайди, — деди комиссар, ўзини хотиржам кўрсатиб, бироқ тамоман қони қайнаб.

Жалол Мадаминнинг қўлидан ситилиб чиқолмай

оёғини бир узатди. Комиссарнинг биқинига ўхшатиб тепди.

— Қўйвор! — деди Мадаминга комиссар.— Қўй, дедим! — Шу даражада важоҳат билан ўшқирдики, Мадамин беихтиёр қўйиб юборганини билмай қолди тутқунни. Қўйган захоти Жалол ҳам ипидан узилган итдай тирмашмоқчи бўлган эди, комиссар унинг қўлини десантчиларга хос эпчиллик билан қайириб ерга ётқизиб олди ва ташланиб унинг кўкрагига тизза қўйди. Эзиб, ўзи чамаладики, камида бир ҳўкизнинг оғирлиги билан босди. Қўйиб юборгандан сўнг ҳам Жалол ўрнидан туравермади. Қўлини ҳам қаттиқ қайиргани ҳолда, қовурғасини синдириб юбордим деб ўйлади. Аммо жаҳл устида тишини-тишига шундоқ қаттиқ босиб турибдики, беихтиёр олд тиши синиб кетганини сизди.

Жалолнинг бошида ҳамшира билан Ситора ўтириб чиқди. «Ўламан!» деди у. Ситора баттар бағрига босди. Маҳмуд акамиз бўлса баракка кириб ўз ўрнида кийим-бошини ҳар ёнга итқитар экан, ўкраб йиғлаб юборди. На бўлғай, ёнига энг кўнгилсоз одами — командирниям йўлатмади.

— Вой хунаса! — дея полни гурсиллатиб муштлар эди у. Кейин тура-тура уфф тортиб юбориб, бесабрлик билан Жалолни сўяман деб нарадан ирғиб тушарди.

Жалолнинг олдига бориб, унинг ўзига келмай ётганини кўриб: «Тфу, сволоч!» — дея тағин қайтиб келарди. Алами қонмаганидан на ётишини, на туришини биларди, чамаси Жалолни бурда-бурда гўшт қилиб ташламагунча тинчимоқчи эмасди.

Комсорг қай гўргадир йўқолган, штабга кириб Шоирнинг устидан рапорт ёзишга чоғланган Қорин домляям шошиб чиқиб комиссарни босишга уринди. Аммо комиссар унияж жеркиб итариб ташлади.

Домла ўйлаб қолди: бу масалажм жиддийга ўхшайди. Тавба, контужен деганлари шунақа — босар-тусарини билмай қоларкан-да. Шоирникидан буники ошиб тушди-ку.

Ташқарида, ўламан деб липиллаб турган гулхан атрофида беш-олти йигит-қиз дунё билан ишлари йўқ, шеър ўқибми, гурунг қилибми ўтиришибди. На бировнинг кўзига тик боқади, на шовқин кўтаради, на бир нарса даъво қилади булар...

Бироқ сал нарида, қоронғуда оғир этикнинг дурсиллашига монанд «хув-хув!» дея шоир ёки шоирбаччалардан бири шеър ўқийтир. Бора-бора унинг овози сўнади.

Яна лоток бўйида бевош йигитларнинг дам-бадам қарсиллаб кулганлари қулоққа чалинадики, бу байрам ҳар кимга ҳар йўсин кайфият улашганидан дарак беради.

Тун алламаҳал бўлди. Движок ўчди. Ёввойи товушлар ҳам эшитилмай қолди. Ташқарида командир гўнғирлаб ивирсийди. Шу кеч анави камгап мелисага-да тиним бўлмади. Фонарини ёққан кўйи у бурчакка борди, бу бурчакка борди, охири ҳафсаласи пир бўлди чоғи, қизлар ила давра қурмиш, эҳтимол аллақачон тун алласига берилиб уйқуга чўммиш ҳамширани қидирмоққа тутинди...

Номозшом кўнгилга кўтир жомашов. Тун эса... Ҳа, бу узун тунни узоқ вақт эслайдилар. Бу тун Шоирнинг, Маҳмуд аканинг, малаксиймо Маринанинг кўнгилларига-да инқилоб ясаган тун бўлди. Ва ғалат таассуротлар, ғалат битиклар ила қалбларга муҳр босди. Ўз муддаосига етишгач, пардалари йиртила-йиртила саккизинчи ноябрга қараб оға тушди.

Шоир ҳамон ухламаган эди. Уйқуси келмагани ёхуд шеър ахтаргани учунмас. Алвон тусли байроқни гулханга ташламоқ каби бир қалтис даъват эгаси бўлиб қолгани ваҳмидан ҳам эмас. Шундоқ, тун қўйнида домлага тушунтирмоқчи бўлган гапларини роса эзиб ўйлай-ўйлай чарчади. Домла, ўзингиз тушунарсиз, камина шоирликни ҳавас қиламан. Масраб бўламан девдим, ўлишимга бир баҳя қолди. Шуриikka айтмоқчийдимки, жўра, «ука, байроқ ҳам олов рангида, олов байроқ тусида, икковининг ранги оталаримиз, аждодларимиз қони сингари қип-қизил, келинг, энди шу улуғ кунда

ўлик ва тирик қонлар бир-бирига қоришиб кетсин», — шундай демоқчийдим. Буёғи, ўзингиз рухсат этдингиз, ичимизда пича градус бор, ҳар нарсани гапиртиradi, соғ бўлсак индамас эдик, домлажон. Хўп деяқолинг, ўлиб қопмиз. Ёмон ўлиб қопмиз.

Шоир ўлақолса бундай демайди. Домланинг нима-сигаям хушомад қилсин. Билим, билим у ёқда турсин, тузук саводнинг ўзи борми? Қорнидан бўлак ҳеч вақоси йўқ. Шу туфайли таъзим қилсинми. Эви биланда ҳар нарса.

Бироқ... ҳайдаттираман, деди домла. Ундаям гурур бор. Жуда гурур бўлмагандаям, сиёсий томонини айтинг. Энди бу куйган байроқни нима деб изоҳласин, яхшиси менга ё Шурикка тўнкаб қўяқолади. Шуриқдан кўра менга хавф кўпроқ.

Камбағалнинг боласи экани, ана-мана буюк шоирларга етақа асарлар ёза бошлагани, ҳадемай ўқиш ҳам тугайди, қаергадир, балки Тошкентда бирор жойга кириб ишлаш иштиёқи, китоб чоп эттириш, турли мақтовлар, унвонлар... булар бир-бир кўз ўнгидан ўтаверди, ўтаверди ва тавба, деди. Юрагига сигдира олмади. Бора сола кўрпага буркангиси келди. Барибир уйқуси келмайди. Уйқуси келмасаям кўрпа билан ваҳмни, хаёлни жиловлашга интилади.

Баракнинг сўнгроғи, кўримсизроқ, яъни кўзга ташланмайроқ тургувчи каравотига гугурт чақа-чақа кирза этикларга туртила-туртила етишди. Етиб «эшиги» — одеялни кўтариши ҳамон қизнинг чўчиб ҳаяжонлангани эшитилди. Шоир қотди-қолди. Бу шаршарадек эҳтиросли товушнинг эгаси ким бўлди экан, тавба. Нега энди, шундан ҳам кўрқиб керакми? У аввал гугурт чақди, сўнг дарров пардани кўтарди: Маринанинг чақноқ, мовий кўзлари ялтираб, эҳтимол, товланиб кетди. Сочлари, ҳа, ўша, талаба элининг жон бўғинларигача бўшаштириб юборгувчи, эҳтиросларга кўмиб юборгувчи оламжаҳон тилласочлар — улар-да товлана кетди. Ҳайкалдай қотганидан унинг қошида яна кимдир борлигини, бу кеча чиндан-да инқилоб кечаси эканига ишонулмай бармоқларини гугурт оло-

ви куйдириб юборгунча англаёлмай турди. Кейин дар-хол иккинчи чўпни чақди.

— Шоир девомман, — дея ижирганиб, товушсиз, бақириксиз ўшқирди Дилшод. — Бирпас кутиб тургин, биза ҳозир... жон дўстим. Хўп де, шарманда қилма!..

Шоир шарманда қилиш ҳақидамас, дунё латофатининг асл тимсоли бу даражадаги хароб гўшага кириб хароб бўлиб ётгани ростми ё тушими — шу ҳақида ўйларди.

Ташқарига чиқиб ўзини тутди. Мелисага айтсамми, деб ўйлади. Хоҳламади. Сўкинди. Айланиб келиб тагин баракка кирди. Нега энди менинг каравотимда... Нега? Бораётиб бошқа ёққа бурилди. Тошпўлатни топди. Ёнингдан жой бер демоқчи эди. Аммо у кайф экан. Ётибди — бошда телнак, жун шарфни ўраб, кенг фуфайкага ўралиб, этикниям ечмай. Бироқ, негадир тур-сикчанг...

Бугун ҳаммани Худо урибди ўзи, деди ўзича. Тепада қизларнинг бири қўйиб, бири олиб кимнидир гийбат қилаётгани, сўнгра тинимсиз кулишлари эшитилиб турибди.

Эшик тарафда ҳамон комиссарнинг сўйиш, ўлдириш иштиёқидаги оташин қичқириви, баралла сўкиши худди касал одамнинг доимий инграшидай ҳаммага кўникиш туйғусини туғдириб бўлган, қичқирик ортидан бир талай хурраклар ҳам баравар симфоник куй мақомида янграб ётибди.

Кўп ўтмади. Дилшод ташқарига чиқди. Шоирни чақирди. Илтифотсизгина кечирим сўради.

— Ничево, — деди. — Эртага ўзим сани ҳимоя қиламан. Келишдиг-а, фақат биза ҳақимизда, тсс... Хўпми, оғайнижон?

Шоир тўла англаб бўлмайдиган бир оҳангда:

— Нимага... — деганича қолаверди. Дилшод тез-тез юрганча лоток томонга қайрилиб кўздан гойиб бўлди.

Эртаси баракни ҳеч ким уйғотмади. Уйғотадиган зотлар-да чошгоҳ қадар сасиб ухлади.

Бир замонлар чой ичмоққа команда бўлди. Чой ичи-

либ бирин-сирин темир идишлар шақир-шуқур йиғиштириларкан, кузнинг тафтсиз қуёши пешонадан уриб турар, домла чиқиб уйқуга тўймаган, бироқ шишиб кетган кўзларини лўқ қилиб, бугун линейка бўлмаслигини, ҳамма далага жўнайвериши кераклигини айтди, командир қадимги мубоширлар сингари буни оммага қичқириб рус ва ўзбек тилларида етказди.

Гужумлардай бўлиқ ва думалоқ шакл олиб ўсиб ётган тутзорлар аро йўналган оқим ортидан командир югургилаб етиб олди ва Шоирни чақирди.

— Комиссар икковингни штабга чақиряпти домла! Шоирнинг юраги шиф этди.

Одам ўлдиришдан ҳам ортиқроқ жиноятни ҳамма билиб қўйганидан уялган каби «секинроқ гапирсанг ўласанми?» — дегандек, секин, зўрға, боз устига тепадан туриб қайрилди. Бу қайрилиш, «нима гап ўзи?» — деган маънони англатиши лозим эди Шоирнинг наздида. Ўзиям қаторнинг бошида пода олдига тушган серкадек шитоб ила кетаётган экан. Обдан ўсал бўлди. Ичидан буткул эзилиб тушди.

Командирнинг чуқур ботган кўзларидан бирор нима англаш маҳол. Аммо унинг иршайиши яхшилиқ аломати эмасди. Бу истеҳзо аллақачон комфирқа аъзолигига қабул қилинган, лекин шу туфайли ҳам Шоир ва унинг бир талай шериклари томонидан масхарага дучор бўлган командирнинг пайтини топиб, айнан нишонга олиб берган жавоби эди. Бироқ Шоир бу ҳақда ўйлагани йўқ, қандоқ бўлмасин вазиятдан қутулиш талвасасига тушди. Командир агар уни қутқараман деса, уни чўлп этиб ўпиб олишга, буюм гапми, энди хизматкори бўлишга тайёр эди.

Шоир секин сафдан чиқди. Командир сафни ёнлаб келаверди. Шоир тураверди.

— Раҳмон ака, Дилшод ҳеч гап бўлмайди, деб эдик, — деди командир то унинг қошига довур келгач.

— Пожалиста, гаплашинглар. Шахсан деканнинг ўзи бўлади. Университет парткомига етибди бу гап. Уям келади ё бўлмасам жавобини кутади бу ишнинг.

Оёқларида жон қолмади Шоирнинг.

Жонсиз оёқлар ила баракка қараб судралди. Командирдан нажот сўрагиси келди. Лекин командир уни очик тусда истеҳзо билан кузатар экан:

— Ҳайдаймиз деса, қаршилиқ қилманг, — деди.

Шоир ялт этиб ўгирилди.

— Бундан баттаридан Худо сақласин, — деди тагин командир қув кўзларини тик қадаб. — Хўп, омад сизга, Шоир.

Шоирнинг ичида қаршилиқ пайдо бўлди. Булар бариси майда одамлар, жудаям майда, бинобарин буюк орзулар қилишга, буюк истиқболни қарши олишга ярамайди. Шоир яна ўйладики, ўша кунлар барибир келади, келмай иложи йўқ, буни бировга айтиб ҳам бўлмайди, аммо мана бунақа одамлар ўшанда яшашга ҳақли бўлмасликлари керак. Лекин, ўшандаям шулар эгалик қилса керак ҳаммаёққа, ўшандаям менга ўхшаганлар масхара бўламиз.

Ҳайт! Аммо келади у кунлар!

Баракка етгунча ўзининг кўнглини ўзи кўтариб, гўнғирлаб шеърлар ўқиб борди. Барак қошига боргач, ҳар куни кўзи тушавериб пишиб кетган байроқнинг ўрни бўшлигини кўриб бўшашди. Сабил қолиб кетмасмиди шу матоҳ! Негаям аралашдим! Тилим кесилса рози эдим!

Чинданам тили кесилмоқлиғига рози эди.

Штабга киргач, куйган байроқни ёзиб қўйиб шумшайиб ўтирганларни кўриб яна бўшашди.

Унинг саломига алик ҳам олмади домла.

— Саниям, саниям, саниям анави трактор қизимга қовуриб едирса, а, едирса, ўшанда савоб бўлади. — Домла самоварчини, Шоирни ва комиссарни нуқиб кўрсатди.

Шоир комиссарнинг ҳам шу ерда бош эгиб турганини кўриб лол бўлди. Балки уям қилмиши учун жавоб бераётгандир. Расво бўлди ҳаммаси. Тинчгина кетаётувди-я ишимиз.

Комсорг бирдан бошини тик кўтариб домлага қаради.



— Ман буни кафилликка олдим, жавоб бераман ҳаммасига, комсорг оталиққа олди. Кейин бундан иш чиқмаса, бошқача чора кўришингизга розиман.

Шундай дея у Шоирни кўрсатди.

Шоирнинг ҳам юриши тўхтаб қолаётган томирларига жон ингандек бўлди. Бирданига тетикланди. Минг гапни ўйлаб, қулайини тополмай, ич-этини еб ўтирган эди.

Домла кутилмаганда комиссарга амнистия эълон қилди. Лекин шарт қўйди:

— Обедда декан билан партком келади, ўшангача байроқ чиройли бўлиб жойида турсин. Анақа, ўртоқ политбюро аъзоларидан бири тагин анақа бўпти, деб эшитдик. Агар траур қилишга тўғри келса, байроқни уч кунгачайин анақа қилишга тўғри келади. Тўғри тушунларинг, бу обшем серёзний масала. Ўшанга... тушундиларинг-а, гап нимада?

Ҳамма бараварига «тушундик» деди.

Кейин комиссарга тикилиб ўтирди: — Жалол санга даъво қилмади. Эркакчасига гаплашиб олдук, силаям индамаларинг, деди манга. Буни инобатга оламиз. Бўлмаса нақд... кетган эдинг.

— Байроқни-ку бир илож қилармиз, — деди комиссар ҳам мағлуб оҳангда. — Жалолнинг ўзиям тинч юрсин. Тирик қолганига хурсанд бўлсин.

— Уни ўлдириб сиз тирик юрармидингиз? — деди домла зардаси қайнаб.

— Айтдим-да, ўзи тинч юрса бўлгани. Мен ундан бошқа нарсани сўрамоқчийдим. У бўлса, сапсем... бошқача тушунди.

— Ўпсам майлими, қизларни қанақа ўпади, сўнг нима бўлади, демоқчи бўгансан-да?

Комиссар бирдан сесканди ва домлага жиддий тикилди. Домла комиссарнинг ўқрайганини кўриб суюқ гап қилганига иқроор бўлди чамаси, тўпланганларга олазарақ қараб чиқди-да:

— Қани, марш далага! — деб юборди.

Ташқарида мелисага булар авф этилганини тушунтирди.

Кеча гуноҳга ботганларнинг ҳаммаси эгатлар ора-  
лаб пилладек шитирлашиб, гап-сўзсиз, бир алпозда  
термоқ ва шунга овунмоқ илинжида, тезроқ кечаги  
гаплар туш каби эсдан чиқиб кетишини хоҳлар эди-  
лар.

Ўзи баъзан ҳайрон бўласан: тунда бошқача, кунду-  
зи бошқачароқ бўладими, дейсан одам. Ҳозир буларга  
термулиб кечаги, оқшомдаги завқ-шавққа тўла, жин-  
нилик қилишни ҳамма нарсадан устун кўювчи йигит-  
қизлар ўшалар эканига бир зум ишонмай қоласан.

Сулувлар сарвари Марина-чи?

Уям бир чеккада гимирсиб юрибди. Ҳамон сочи  
товланади. Баданига хиппа ёпишган оппоқ водолазка-  
си, қип-қизил шими ҳамон ярашиб, ҳамон гўзал  
кўрсатиб турибди. Ҳамон у бегуноҳдай, безаволдай.

Эҳ, шоирларнинг зўри уни қайта-қайта шеърга сол-  
ган эди-я. Бу шеърый сатрларни биз фақирлар ҳам так-  
рорлаб, ёнимиздаги фариштани таърифлаб турар эдик.  
Дунёйи дунимизни парчаладинг, Марина!

Эҳтимол, фаришта бошқа шоирнинг ақидасига  
омин қилган чиқар!

*Қисмат майин ичдим: аччиқ ва тахир.*

*Туйдим эҳтироснинг самовий кучин.*

*Одамзод дунёда яшамас ахир,*

*Фақат иродасин синамоқ учун!*

Балки тасаввуримиздагича чидам, саботнинг ўзи  
йўқдир унда. Балки...

Командир комиссарни кутиб турган экан. Эски  
дўстлар дарров четга ўтиб гаплашиб олдилар. Коман-  
дир эгат ичра қизлар тарафга кетди. Комиссар Шоир-  
нинг ёнига келди.

— Мен аҳмоқми, десам, сиз мендан баттар экан-  
сиз-ку, ўртоқ, — деди.

— Э, бир бўлиб қолди-да, ака. Мен куйдирганим  
йўқ-ку ўша нарсани. Анави маҳмадона қилди-ку. Га-  
пирган мен, тўғри. Лекин куйдирган у-ку.

— Гапирганингизни ҳамма эшитди-да. Шурик бўлса

бехосдан оловга тегиб кетди, мен ҳукуматни олқишлаётган эдим деб тураверди. Лекин, ўртоқ, яхши ишлар бўлмади, тўғрими? Аммо, буёғига манавиндай қилиб юриш керак, — деди у муштини сиқиб кўрсатаркан.

Шу пайт комиссарни командир чақириб қолди. Комиссар у билан учрашдию яна Шоирнинг олдига келди.

— Тавба, қизиқ ишлар бўляпти-да, Шоир, — деди. У хурсанд эди. — Байроқни буям тузатмоқчи эмиш. Орқасидан борсаммикан, бормасаммикан?

— Нима қиласиз бориб?

Комиссар унга: «Тушунмадингизми, у менгаям, сизгаям яхшилик қилмоқчи-ку?» — дегандай қаради. Бироқ шоир бепарқ эди. Комиссар тушунтиргиси келмади ё бундан сирдош чиқмас экан, деб ҳафсаласи пир бўлди шекилли:

— Энди-да, — деб қўяқолди.

Кимгадир ёрилгиси келди барибир.

Эгатларни кўндалангига кесиб одам излади. Бирор кўнгилга яқин олса бўладиган одамни. Ўтириб шеригим Кенжанинг бир дона «Астра»сини алмашиб чекишиб ётсак, бизга рўбарў бўлди. Ердан олиб, ерга солиб тоза масхара қилдик ўзиниям. Сизлардан одамгарчилик чиқмайди, биламан, деди. Одамгарчилик нима, эсон-омон қутулсангиз шунга хурсанд бўлинг, одамгарчиликни одамга қилади-да, сизга қиладими?

Ўзиям кулади. Одамгарчилик чиқмасаям ёмонлик чиқмаслигига кўзи етади. Кўрқмаса бўлади биздан. Кечаги синовли тундан ҳам оқ чиққанмиз. Юртдошлар кечаси даладаги бир чайлада ўзимиз ош уюштирганмиз. Не гап бўлса ўша ерда гаплашиб, не улфатчилик бўлса ўша ерда қилганмиз.

Гуля деган пари хусусида ҳам бир-икки оғиз тўхталмасак бўлмас. Пари зоти таги бирла Маҳмуд аканинг туманидандир. Сочини ёш қизлар каби икки шох қилиб юришни хуш кўрса керак, аксар ҳолларда шу алфоз кўрганмиз. Шунда у чинданам ёш қизлар мақомида бўладики, ажабланмай ва бўй етган, балки ўтиброқ

бораётган қизнинг бу қадар яшариб кетганига ҳайратланасиз. Яна шуниси бор эдики, пари не кийим кийса ярашар эди. Аммо тор жинсида юрардики, бу уни тагинда чаққон кўрсатарди. Чуст дегани асли ўзи чаққон маъносида эмиш. Маҳмуд акамиз ҳам тоза чустийлигини ҳисобга олсак, булар обдан мос тушганлигига иқрор бўлар эдим.

Лекин...

Майли, «лекин» тўғрисида кейинроқ тушунтиришни ваъда қилиб парининг таърифида яна озроқ тўхталсак.

Тезоброқ. Лаҳза ичида тўрт-беш бўлмаса-да, икки хил кайфиятда кўрасиз. Жуда таъсирланувчан. Оғзингиздан чиқаётган гапда жузъий хатолик бўлса, майли-да, деб қўяқолмайди, дарров тўғрилаб қўяди, хоҳ хафа бўлинг, хоҳ хафа бўлманг — фарқи йўқ. Ўзига-да сира сув юқтирмайди. Тагин спортчи. Уқувлигина спортчи. Институт қўл тўпи командасининг сардори. Жуда тез югуради. Оққувадан келган, сочлари бир хил сариқ, аниқроғи, гунгуртрангга мойил. Бизга ўхшаган оғиркарвонроқ зотлар билан, табиийки, мижози батамом тескари. Йўлимиз кесишмаганиям маъқул дейман бундайлар билан, акс ҳолда бир эснаганинг учун ҳам кўп замонлар маломат эшитиб юрасан.

Майли энди, бу ёғи ортиқча гаплар.

Сиртдан қараганда тезоб, чаққон. Аммо шундайки, бир жозибаси борки, эркалагиси келади одамнинг. Туйқус қўлингизни тишлаб олишидан эҳтиёт бўлганингиз маъқул.

Маҳмуд ака бир ғаройиб зот, шунга етишмаса жони чиқиб кетади. Аммо ҳеч кашф этолмайди қизнинг феълени. Кейинги вақтларда худди қиз томонга калит топилгандай ўпмоқ чорасини ахтаради. Бундан ўзга йўл йўқ. Ўпсагина пари таслим бўлади. Хоҳлаган мақомига йўрғалатади.

Лекин негадир, пари раъй қилиб денг, тагин Маҳмуд акага юклатилган юмушни бажаришга чоғланиб, ҳеч иккиланмай баракка кетибди.

Бориб байроққа чора топибди десангиз. Учидан бир

қисмини қайчида кесиб, қорайган жойини билинтирмай опташлабди. Қирқилган жойини бир энлик қайриб тикиб қўйибди. Яна баъзи чўғ теккан, қорайган жойларига қизил лак сурибди.

Буни қандоқ тушунмоқ керак энди?

Маҳмуд акамнинг юраги орзиқди. Энтикиб кетди. Оёғи ерга тегиб-тегмай учиб юрди. Ниҳоят, мана, Жомолунгма чўққисини забт этишдек машаққатли юмушни адо этгандек голибона ҳаракатлар қиларди. Бефарқлар буни билмайдилар. Кўролмаслар куядилар. Улар орасини бузишга ҳаракат қиладилар.

Акамиз учиб-қўнди, учиб-қўнди. Тиллари бийронлашди. Парига бир муддат яқинлашиб букчайган кўйи унинг пахталарини тарозига элтди! У-ку майли, дугоналарининг ҳам ҳосили хирмонга белоғриқсиз етадиган бўлиб қолди. Парининг ўн килоси ўн беш кило, ўн беш кило пахтаси йигирма беш кило бўлиб ҳисобга ёзилаверди. Ҳар қалай, комиссар ҳам бир кичкинароқ ҳукумат денг, чоғлана берса бир хил ишлар қўлидан келади.

Аммо шу кунларниям Худо «ҳукумат»га кўп кўрди. Иккови, илгариям кўп гувоҳи бўлганимиздек, ошкора жиқиллашишди. Бу сафар Маҳмуд акаям бақира берди. Пари бўлса комиссарнинг нақ сочини юлиб ташлаёзди, важоҳати кучлик эди.

— Шуни билиб қўйинг, — деди пари. — Ҳар хил физқ гапларни ишлатишдан кўра ўзингизни ўйланг. Лақмалигингиз учун, ҳа, лақма комиссар бўлганингиз учун охир замондаям Гуляни ўполмайсиз. Тошингизни теринг.

Шундан кейингина акамиз мутлақ таслим бўлди. Таслим бўлиш ҳам гапми, тоза шалвираб қолди.

Барбод бўлди ҳаммаси.

Тил курсин, тил.

«Севиб хато қилдим, севгилим.

Ўлиб хато қилмасман», деб юборди.

Қизлардан бири етказган. Бу аниқ. Дилоромдан кўрди. Сўнг туриб-туриб унинг айтганига ишонгиси

келмади. Ахир ўзи ақл ўргатди-ку, деди. Бунинг тагига етаман, деб ўйлади.

Лекин билганнинг фойдаси йўқ энди.

Шаҳарда дарсхоналарга кириб, лексия тинглаб чиқиб, кутубхона, ётоқхоналарга шошиб юриб одам бир-бирини тузук синай олмайди, вақтнинг тифизлиги бир-бировини чуқурроқ тушунишга мудом халал бераверади. Пахтада эса истасанг-истамасанг атроф-теваракдагилар ва сен бир хил одамга айланасан, аниқроғи, вақгинча ҳамманинг қисмати бир хил бўлиб туради, фазилатингу қусурларингни ўзинг билиб-билмай намоён этаверасан. Севсанг чинакамига севасан, севилсанг ҳам ростакамига севиласан. Боз устига, бошқаларни билмадим-у, бизнинг ҳамсабоқлар ҳарчанд тоза йигит-қизларлигича қолишди. Буни камина овозни бир парда кўтарибон айтсам-да ярашади. Бошқаларда учраб тургувчи ахлоқий бузғунчиликлар биздаги қирқ уч нафар йигит-қиз ўртасида учрамади. Бўлиши мумкин эди, лекин Маҳмуд акага ўхшаган бир хил «ненормалний»лар бор эдики, чаёндай тирмашиб сўроққа, терговга тутавериб, ёпишавериб гаранг қилиб юборарди.

Ўзи бўлса йиллар давомида бир қизнинг лабидан муччи ололмай армонда ўтди.

Йиллар бизнинг тасаввуримиз ва ҳайратимизни писанд қилмай, яъни биз илғашимиз мумкин бўлган нарсаларни илғаб олишга улгурмай, шамолдай тез ўтдилар. Йиллар шунингдек, гўрликларимизни синдирди, тарашлади, қарорларимиз, аҳдларимизни-да ўзгартирди. Ўзимиз кутган ва кутилмаган ёқларга сочилиб, лекин аксарият ўзимиз кутмаган қизларга уйландик. Қизларники сал бошқачароқ. Масалан, Маҳмуд акани кўпинча қармоғига илдираман деб юрган Муҳаббат деган опамиз ўттиз уч ёшида, яъни ўқиш тугагач салкам олти йилдан кейин эрга чиқибди, аммо дарров ўғил кўрибди. Дилором бўлса, чинданам велосипед тузатаётиб муччи олган, ўзидан икки ёш кичик йигитга турмушга чиқди. Бир этак бола туғди.

Гуля паримиз бўлса Шимолга, банкда ишлайдиган қорақалпоғистонлик бир йигитга хотин бўлди. Бир та-

лай қиз туққанини эшитдик. Ҳайтовур бахтлидир-да, десак, ажрашибди деган гап чиқди. Бу Маҳмуд аканинг дуойи бадидандир, деб ўйладик. Балки.

Йигитнинг гулини увол қилди-да, ахир.

Дарвоқе, «йигитнинг гули» ҳам, исмини эслаёлмайман, кўшнисининг қизини олди. Тўрт ўғил кўрди. Аммо ўша шашти, ўша ғайрати сўнмади. Янаям қизиги, Гуляни хануз яхши кўради. Гап салтини у ёққа бурсанг энтикаберади, ўртана беради.

Қиссани ушбу нуқтада тугатиб қўяверсак ҳам ноинсофлик бўлмасди. Лекин баъзи жиҳатлар борки, уларни ақлдан фаромуш қилсак, кўнгилда хижиллик қолади.

Гарчанд ҳар куни кун бўйи белинг оғриб, қўлинг қавариб пахта термаган бўлсанг-да, қарийб уч ой далада сарғайиб юришинг ҳар қандай бардошли инсониям безиллатиб қўяди, унча-мунча нарсага, жумладан, эгат оралашга ҳечам юрагинг бетламай қолади. Узлуксиз қорли, ёмғирли кунлар такрорланадики, дунё кўзингга рутубатли кўринади. Фақат еб-ичиб, валақлашиб, кун бўйи китоб ўқиб ётганингда ҳам ўзгаришсиз қолаётган бу ҳаёт қалбингга узлуксиз норозилик уйғотиб боради. У ҳаётни одилона янгилаш чораси йўқ эди. Биз учун ҳам, бошқалар учун ҳам. Тобелик, иқрорликни ёқтирарди дунё.

Уч-тўрт кунга рухсат сўраб кетганларнинг бирортаси уйдан қайтиб келмасди. Улар бориб оғирроқ «касал»га чалинишарди. Ишонмасангиз, шапалоқдек қоғозига термулиб иқрор бўлардингиз. Чин касаллар ва сохта касаллар учинчи ойга бориб буткул теримчиталабаларнинг баракасини учирди. Бирин-сирин баракдан кириб чиқувчилар сони нари борса ўн бештани ташкил этарди. Домлалар ҳам, тарозибон, кассир, ошпаз, командир, комиссар — барчаси суст, аксар хомуш юришарди.

Республика пахта режасини бажармаган эди.

Республикани ўйлаганлари учунмас, азбаройи бу бемаъни юришлар жонларига тегиб бўлгани учун шундоқ эдилар.

Марина, Гуля, бошқа шақилдоқ қизлар ҳам йўқ. На кулба, на далага файз киритиб турадиган бирор жон йўқ. Ҳамма кетмоқни истарди, холос.

Менинг сал-пал юрагимни илтиб турадиган биргина куч бор. Бу — Дилором. У жудаям иродали қиз. Эркак билан гаплашгандек ҳаётнинг кўп икир-чикирларини батафсил сўзлашсанг бўлади. Кўзларида ҳам нимадир чуқурроқ маънолар яширин, менда шу сирларни аёнлаштиришга қизиқиш бор эди. Аммо уни яхши кўриш мумкинмас. У эгали. У «ўпилган». Демак, кўнгли боғлиқ. Бировга таслим. Мен учун уни оғдиришга интилиш бефойда, мутлақо маънисиз иш.

Ўзи, Маҳмуд аканиям йўлидан адаштирган шу қизку. Маҳмуд ака тимсолида биз ҳаммамиз журъатсиз эдик. Энг журъатли инсон Жалол эди. Жалол учун икки дунё бир қадам, худди шу туфайли унга ҳавас қилолмасдик. Боз устига мана шу журъатсизларнинг ҳаммаси ота-онасининг муштипар, йўталса қўлтиғига йўталадиган фарзандлари эди.

Марина кетди. Гуля кетди. Дилором кетди-ю, қайтиб келди.

— Аслида ҳаммаларингиз Маринани сеvasизлар, лекин бирортангиз унга тегишишга журъат қилолмайсизлар.

Бу Дилоромнинг тўғри гапи. Бироқ ҳамма тўғри гапни тўғри деб бўлармиди, мисол, Марина Маҳмуд ака ё менга хотин бўлармиди? Асло.

У ўзига ўхшаган чиройли, йўли, қўли очиқ бир йигитга мос. Ўшандаям унинг чин содиқ яшашига умид йўқ. Гапнинг индаллоси шу.

Лекин тагин бир ҳақиқат ҳам борки, Марина бирор шарт қўйиб, ўша шартда ғолиб чиққанга муччи бераман деса, кўпчилигимиз ўзимизни томдан ташлаб юборишга тайёр эдик. Қурмағурнинг бошқача латофати бор-да. Дилором бўлса, атайин одамнинг ичини куйдиргиси келади. Бир хаёл мен ҳам ўйлайман: Марина билан шунақа апоқ-чапоқ бўлиб кетсамки, Дилором ичини уриб ётса. Марина бўлса қўярда-қўймай менинг кир-чирларимни ювиб ётса, кўчага отланар



бўлсам қабатимга кириб билагимдан ушлаб эркаланиб юрса. Оҳ! Бунга Дилором ўлақолса ишонади. Ўзим ҳам ишонмайман.

Бироқ Николай Гоголь узоқ замонлар: «Ёшлик шунинг учун ҳам жозибалики, унинг келажаги бор», деб ёзган эди. Марина ва Дилором қарамади, деб ўзимизни жувонмарг қилишимиз керакми? Ана, олдимизда гулдай келажак ястаниб ётибди. Биз ҳали бир инсон бўламиз, бир инсон бўламиз, кўролмайд куядилар, кўролмаганларнинг кўзини ўямиз.

Нима дедингиз, Маҳмуд ака?

Маҳмуд ака мени ва шеригим Кенжани ўзига яқин олади. Пахтадан кейин сизлар икковларингникига бораман, дейди. Борса борар, пахта қачон тугайди, ҳай, деб юборсак, акам астойдил, опкетмасак бўлмайди. Ҳар ким ўзича шипиллаб уйига жўнаб қолгиси келади ўша кез. Кўнглиннга сира меҳмон ботмайди. Буям энди уйига кета қолмайдими? Кенжа иккалаамизга шу гап огир тушди.

Шаҳарнинг чеккароғида бир инжиқроқ ўрис чолникида ижарада турамиз. Борамиз, автобусдан тушамиз ва квартирага қараб гумдон бўламиз, комиссар уйимизни билмайди, табиий, қолиб кетади. Кетишдан анча бурун Кенжа билан шундай эзгу режа туздик.

Сирасини айтганда, ўн беш-йигирма чоғли кетган талабаларнинг — сонда бору, санокда йўқларнинг юклариниям автобусга ортиб боришга мажбурмиз, кўпчилиги қишлоқларига жуфтакни ростлашганки, шаҳарга етгач, уларнинг юкларини-да ётоқхонага ташиб тайин қилиб қўймоқ зарур.

Бу муаммо ҳам Маҳмуд акадан қочиб қутулиш муаммосидан кам эмас. Ўша орзиқиб кутилган кунлар ҳам келди. Режадаги ишларни амалга оширдик ҳам, бироқ комиссардан қочиб қутулиб бўлмади. Табиийки, нафақат кўрпа-ёстиқлар, ўзимиз ҳам бир энлик кирга бурканганмиз. Сочларимиз ҳам ниҳоятда ўсганидан шох ва бутоқлар чиқарган, фақат баргламаган, холос. Шуларни саранжом қилиб эртага бирор авто-

бус ё поездга осилиб кетармиз, дея кечаси тўшакка чўзилаётсак, комиссар бизни қочоқликда айблай-айблай эшикдан кириб келиб турибди, десангиз.

Худо ураман деса, шунақа усуллар билан ҳам уради одамни. Энди уч-тўрт кунлик таътил ҳам татимайдиган бўлди. Қоронғи қишда олис тоғ йўлида меҳмон еталаб мошин кутиб умримиз ўтади энди.

Ва шундай бўлди ҳам.

Кенжа Нуротанинг Қоратов буржида, мен Оқтов буржида яшаймиз. Орамиз тикка кесиб чиқса етмиш-саксон чақирим чиқар. Катта йўл билан бир-биримизникига бориш шу қадар ўнғайсизки, эрталаб чиқсангиз тушдан сўнг Тошкентга етиб оласиз, бироқ Оқтовдан Қоратов буржига кечга довур етишингиз амри-маҳол. Бунинг устига Тошкентдаги калиш бўйи қор бу ёқларда тиззадан ошар бўлиб ётибди.

Тагин гупиллаб уриб турибди. Шаҳардан поездда Самарқандгача бир оёқда қандоқ тик туриб кетган бўлсак, Самарқанддан туман марказигача ундан-да баттар аҳволда етдик. Нарёғи осонроқ кечди, яъни бизникигача йигирма икки чақирим йўлни пойи пиёда, қўнжли ва қўнжсиз туфлиларда дилдираб босиб етиб олдик. Бизникида икки кеча тунадик. Меҳмон бизниям, ўзиниям қийин аҳволга солган эдики, шу аҳволда унинг қош-қовоғига қараб ўтириш обдан нашъа қиларди одамга. Учинчи куни кўзғалиб, қайдасан Қоратов, қайдасан Қўрғон, қайдасан Совуқбулоқ, дея Кенжаникига йўналдик. Бизнинг совхоздан унинг совхозигача эллик чақирим келар, дам пиёда, дам йўл-йўлакай сал нарироқда юк машиналарига тирмашиб ола-ола совхоз марказига етибмиз. Нарёғи яна қирқ беш чақирим йўл босмоқ керак. Кенжа бемалол сигарет тутата туриб айтдики, бу ёғига ўзи кўпинча яёв кетамиз. Кун иссиғида бўлимнинг юк мошини қатнаб тургич эди. Худо билсин, бу қорда юрмаётган бўлса керак. Секин ҳайдайберамиз энди.

Меҳмон бизникида ёнбошлаб ётиб, «тавба қилдим-ей, шу ерларда юриб Тошкентни қандай топиб олгансилар-ей, на йўл, на свет бор, қанақа ҳаёт бу?» — дея

ёзғирган эди. Мана, бизниқидан кўра чандон хуш манзилларни-да томоша қилаётир.

Ўттиз чақиримча йўл юрганимизда нақ дод солаёзди комиссар. Тун оғиб қолган эса-да, атроф ёп-ёруғ – кетаяпмиз меҳмонжонни етаклаб, қоши-қовоғига қараб. Йирик бир қир бор эдики, шундан ошсак, нарёғи яқин қолади, аммо ундан ошиб ўтмоқлик ҳам ғирт машаққатнинг ўзгинаси. Симиллаб кечки аёз қулоқларни қотириб, бурунларни чимчилаётир.

Орқадан бир мошиннинг чироғи, сўнг гуриллаб ўзи кўринди. Биз чопис орқага, сой бўйи – текисликка тушдик. Акс ҳолда олди ўрда машина тўхтаёлмайди, биз ҳам унга илашолмаймиз. Олти оёқли «Зил» мошин, барака топгур тўхтаё қолди, чиқиб кўп юрмадик, ер қақшаб музлаб кетган экан, тиқилди-қолди. Бу шўринг қурғурлар шу қоронғи изғирин қишда Жонбулоққа тўйга кетишаётган экан, ҳе бор бўлинглар, азаматлар, ана, зўр тўйнинг устидан чиқамиз, бориб тезакларда қизиб турган печлар атрофида би-ир меҳмон бўлишсин. Бизниям таклиф қилишяпти.

«Зил»ни қарийб қирнинг устигача итариб чиқдик, хайриятки, нарёғига, яъни энишга қараб итармасаям ўзи кетди. Шунда комиссар зўр фиғон билан айтдики, афғон тупроғидаям бу азобни кўрмаган эдим, қалай гап, яшашми шуям? Яшаш-да. Яшаш бўлгандаям яшаш, ака. Мана, минглаб одамлар минглаб гектар ерларда, яйловларда тоза маишатни қилиб яшаётир.

Кенжанинг уйи тўйхонадан икки чақирим нарида. Кирмаймиз деб турдик, қарасак бўлмайди, қорин ҳам пиёзнинг пўсти бўлиб кетган, тагин ичимизга сал иссиқ кирар шўрва-пўрва ичиб олсак.

Кенжаникига етдик, донг қотиб ухлаб ётган экан бариси, икки қават кўрпани ёпиниб ечинмай ётдик, тушга довур ухлабмизки, туриб қарасак, новчароқ одамнинг белига келар қор ёғибди. Деразанинг ярмигача кўмиб келган.

Учинчи кун деганда Кенжанинг ён қўшнисиникига меҳмонга чиқа олдик, холос. Валломат киши экан, бир така сўйди, гўштни гоҳ шўрва, гоҳ кулчатой, гоҳ

қовурма қилиб бераверди, биз уриб туравердик. Орасира вино-пино деган нарсалардан ҳам татинган бўлдик. Аммо ул матоҳнинг захираси кўп эмас чоғи, тамшаниб қолавердик.

Қолган икки кунда ҳаво илиб берди. Қор гуртуқлари анча пасая тушди. Бироқ совхоз томонга юрадиган, ярайдиган транспорт йўқ. Қуёш ялтираб чиққан кейинги олтинчи куни Нурота совхозига – тескари томонга ошиб тушдик. Соядаги қорлар усти қотиб музлаб кетган, тойиниб, сирпаниб юрсанг бўлади, бироқ пишиқ гуртуқлар ҳам борки, бир қадам силжишинг учун бир пуд қорни оддинга суришинг лозим. Неча қир, неча сойлардан ўтгач айтишдики, шу сойнинг адоғи Нурота совхози. Соининг адоғига келсак, ортимиздан иккита, уч-тўртта бўлиб одамлар келишаётир. Кенжа улар ҳам Тошкентга кетадиган талабалар деб тушунтирди. Маҳмуд ака танг қотди. Мен тушунтирдим: қанча олимимиз, профессоримиз, ҳатто бир академигимиз ҳам бор, булар ўқийди, ишлайди, ҳамма сизга ўхшаб Гулянинг кетидан юрибдими бу дунёда?

Олиша кетамиз.

У айтди: оёғимнинг қон томирлари шишди. Бир операция бўлганман. Ўлай агар, яна операция бўлман шекилли.

Мен айтдим: операция бўлсангиз бўларсиз, лекин ўлмайсиз. Ўлгиси келган одам аффонда тинчгина ўлиб кетарди буйтиб ҳаммани овора қилмай.

Соининг адоғи Нурота совхози эканлиги чин экан. Ҳамма жонзот ғимирлаётир, товуқлар қақақлаётир, сигир кавш қайтаряпти, бузоқ шаталоқ отяпти, улоқ-қўзилар бир-бирини қувишяпти. Одамлар молларнинг тагини тозалаб, гўнгларини молхоналарнинг махсус тешикларидан ташқарига итқитишяпти. Ҳаммаёқдан ёқимли ҳовур кўтарилмоқда. Болалар бўлса, аллақачон ҳовури кўтарилган лойсувоқ деворларни миниб ўйнайди. Кимдир молини сувга ҳайдайди. Тип-тиниқ сой сувларидан-да ҳовур кўтарилаётир.

Бутимизгача жиққа ҳўл бўлгач, ниҳоят қишлоқ

бошланишидаги тош йўлга чиқиб шимларимизнинг бо-  
лоқлари, пайпоқларимизнинг сувларини тўқдик.

Деворга миниб олган болачалардан бири биз то-  
монга қараб:

— Эй бола, кетинг чала, — деди. Мен ўқрайиб қара-  
дим ҳалиги болага.

— Кимга айтяпсан?

— Анави, — деди Маҳмуд акани кўрсатиб.

— Менгами? — деди ўзининг кўкрагига нуқиб Маҳ-  
муд ака.

— Ҳа, сенга, — деди болакай киприк қоқмай. Маҳ-  
муд ака пўписа билан унинг қошига борди.

— Нима дединг мени? — деди қарийб ўшқириб.

— Эй бола, кетинг чала дедим, — деди ҳалиги бола  
ва тепа лабидан пастки лабигача ялтираб оқиб келган  
мишириғини энги билан чўзма лағмон каби чўзиб ар-  
тиб олди.

— Ана, холос, — деди комиссар тисланаркан. —  
Оббо, ярамас. Ўлганнинг устига тепган, дегани шу-да.  
Ўзи мишириғини йиғиштириб ололмайд-ю, шуюм  
менинг устимдан кулади-я. Ярамассан сан, билиб қўй,  
даданга шунақа де, хўпми? — дея у хохолаб кулиб  
юборди.

Болаям қиқир-қиқир кулди.

— Ҳазиллашдим, — деди қичқириб.

— Сизни фақат Гуля масхара қиладими десам, шу-  
ларам биларкан кимлигингизни, — дедим комиссар-  
га.

У келиб менинг бўйнимдан қайириб сиқа кетди.

— Бўпти, бўпти, — дедим. — Бу болага ҳозир чака-  
на одаммас, комиссар эканлигингизни тушунтириб  
қўяман. Кейин чала жойларингизни бетингизга сол-  
майди.

Тоғликлар иссиқниям, совуқниям кўтараберадиган  
чидамли халқ. Манови болалар шу совуқдаки, бурни-  
ни тортиб қўйиб қўйлакчан юравераркан, ёзнинг жа-  
зирамасида ҳам кетига яримта турсикни илиб олиб  
сой бўйларида олма, дўлана, зардоли, шафтоли, олча,

беҳи еб қоп-қорайиб, ҳеч бир парвариш кўрмай чи-  
ниқиб ўсаверади. Уста Худойимнинг ҳикматини қаранг:  
шаҳарда обдан қишки кийимга ўралган болаларнинг  
боши тумовдан чиқмайди. Мана шу болалардан бирор  
ишни қийналмай уддалайдиган иродали, олийжаноб  
одамлар чиқади, деса шубҳаланиб ўтирманг. Фаннинг  
қўп заҳматкашлари-да шулар орасида қийқириб юрибди  
ҳозир.

Маҳмуд акам совуғу иссиққа, шароитнинг обдан  
нобоплигига беписанд одамларга, унданам қизиғи,  
Тошкенту азимнинг қайдалигини қўли билан ҳам кўр-  
сатиб беролмайдиган қарийб ёввойи инсонлар эртага  
шаҳарга боргач, бемалол одамларга қўшилиб бино-  
йидек тирикчилик қилиб кетаверишига ҳайрон. Ҳай-  
ратланди. Йўл-йўлакай шуларни лақиллаб кетди. Аммо  
бу йўллар шу қадар нобопки, қиш-ку қиш экан, ёзда  
ҳам бирор транспортга илашолмай ё бўлмаса транс-  
портни кутганинг кўйи сарғайиб қолиб кетаверасан.  
Ўшанда ҳам худди шундай бўлди. Кутавердик. Қара-  
сак, кечки салқин тушиб ер музлаётир. Не қилари-  
мизни билмадик. Маҳмуд акаям тоза безор бўлган экан,  
пиёда бўлсаям кетамиз Тошкентга деб туриб олди. Қай-  
дасан Нурота, дея узун-қисқа бўлиб йўлга пиёда от-  
ландик. Совуқ изиллаб ўтиб бораётир.

Қизилчанинг ярим йўлини шу тахлит босиб ўтиб-  
миз. Шом тушганда ортимиздан бир самосвалбашара  
«Зил» мошина етиб олди. Ҳай-ҳайлаб тўхтатиб олдик.  
Нуротагача етказиб қўйишга ҳарчанд ялиниб кўндир-  
дик. Ҳаво очиқ. Осмон тиниқ. Юлдузлар чарақлайди,  
жимирлайди.

Ҳўл болоқларимиз, туфлилар, пайпоқлар тараша  
сингари қотиб қолди. Оёқларимиз, қўлларимиз усти  
очиқ машинада жонсиз, сезимсиз бир аҳволга келди.  
Маҳмуд ака, мен ўламан деб, бўзлаб юборди. Машинани  
тўхтатиб, уни бир амаллаб кабинага тикдик. Аммо у  
Нуротага етганда ҳам оёғим бировникига ўхшаяпти  
деди. Кенжанинг олисроқ қариндоши бор экан, ўн  
беш-йигирма чоғли талаба урсаям-сўксаям майли, дея  
уриб кириб бордик. Хайрият, қовоқ уймади. Иссиқ

чайни ичиб музларимиз эригач, лоҳас бўлиб ухладик. Тарракдай қотибмиз.

Эртаси куни Навоийга қараб йўлга чиқишди улар. Мен Қўшработга қараб йўлга чиқдим. Аммо уч кун қолиб кетдим. Йўл очилмаган, мошина юрмаётган экан. Чашма ёнидаги кўримсиз меҳмонхонадан жой олиб кутиб ётавердим. Учинчи куни аллақадан бир адашган автобусча келиб қолди. Машина эгалари ароқ ичаётиб гаплашиб ўтирганида эшитиб билдимки, биз томонга кетмоқчи. Кетсанглар каминаниям ола кетинглар, дея илтимос қилдим. Ишимиз битса опкетамиз, кутиб ўтир, дейишди. Ҳайтовур, эртаси куни шулар билан Қўшработгача етиб олдим.

Келишганимиз бўйича ўн кун дарсдан прогул қилишимиз керак. Меники нақ ўн беш кунга чўзилди. Пахтадан кетиб қолганлар уч кундан сўнг дарсга қатнай бошлаган, демак, улар оппоқ одамлар, биз ўн беш нафар киши ҳайдалишимизга бир баҳя қолди. Кўпчилик эканимиз фойда берди чоғи, бир қошиқ қонимиздан кечиб, шахсий варақага ёзиб қўйиладиган энг қаттиқ ҳайфсан эълон қилинди ва рўйхатимиз факультетнинг энг қўринарлик доскасига осиб қўйилди.

Марина яйраб-яшнаб юрибди.

Гулпари эгалик бўлибди. Бир хипчадан келган йигит келиб ҳар куни танаффусда уни бурчакка қисиб гаплашади. Маҳмуд ака пешонаси шўр эканига иқрор бўлди. Аммо ҳар куни кўз-кўзга тушаверганиданми, унутолмади шекилли, туриб-туриб тентакларча ҳайқириб қолардики, бунга чора йўқ эди.

У ҳамон ўзини айбдор деб билади. Қизнинг нозик жиҳатларини билмас эканман, дея пешонасига уради. Балки тағин ўпич олмоқ масаласи уни қийнаётгандир.

Журъатсизлик курсин.

Дилором барибир тўғри айтган экан ўшанда.

Нечови қиз, нечови ўғил эканини билмадим-у, бироқ тўрт фарзанд кўрганини эшитдим Гулянинг. Дилором бўлса тўрт ўғил кўрибди. Бирор беш йилдан бери сира хабарини эшитмадим. Эҳтимол, қишлоғида

бир этак бола билан овораси чиқиб юргандир. Энди у мени айбламасаям керак. Чунки Худо бахтдан қисмади каминаниям. Ўз навбатида, камина ҳам ўринсиз ўкинишдан ўзимни тияман. Демак, бизнинг тарихимиз оғир кечмапти.

Маҳмуд ака бўлса...

Уят ҳам яхши гап баъзан.

Ўгли шифт бўйи бўлган. Ҳовлиқиб келиб қоладида, йигирма йиллик тарихни қайта кўзгайди. Аммо ҳеч унутолмаяпман, дейди. Ўша ёқларга хизмат сафарига жўнатсайди, деб ер муштлаб юборади. Тайёр баҳона бўларди. Есенин айтганидек, «ўта туриб боққим келди дарчангдан, холос», дея уйига мўралардим.

Ҳа, ажойиб шеър.

«Зор эмасман сенга, фақат бу оқшом бехос,  
Ўтатуриб боққим келди, дарчангдан, холос».

«Зор эмас»-у, ошиқ-да шоир. Шунини ўзи айтиб қўяётир.

Маҳмуд ака бир куни чунонам тўс-тўполон кўтариб келди. Гуля ажраб кепти эридан, дея эшитибди. Дўстлари билан чойхонада улфатчилик қилаётган экан, маст-аласт ҳолатда дўстларининг қуршовидан ситилиб чиқиб кўчадан такси тутибди, парининг қишлоғига, уйига борибди. Дарвозани бўкирганча тақиллатаверибди, тепибди, муштлабди. Бахтига ҳеч ким чиқмабди. Ярим тунда балки қўрқибгандир. Мен аҳмоқ, мен тентак, дея бошини чангаллайди «комиссар», чиқиб қолса нима дер эдим. Бу ишим нотўғри-да, тўғрими?

— Тўғри-нотўғрилигини ўйлаяпсизми? — дедим. — Эстафетани ўглингизга беринг энди.

— Оббо ярамас, аммо Гуляга уйлансам керак энди. Кўнглим сезиб турибди аммо. Ишонмасангиз ишонманг, лекин, мана кўрасиз.

Эҳтимол, уни ҳануз шаштидан қайтариб бўлмас. Балки кўп ғавғоларни ўзига сотиб олар-да, бошқача ҳаёт бошлар, масалан, Гуляга тўрт боласи билан уйланиб олар.



Сочининг қулоқ атрофи ҳудуди аллақачон оқара бошлаган. Маҳмуд Петрович деганимиз шунақа одам. Ҳамон унинг ҳис-ҳаяжони ўлмаган, демак, болалиги уни ташлаб кетмаганига ишониб қоламан шундай кезларда. Баъзан эса бесабр, тормози ишламайди, дея ўйлайман.

Кўз олдимдан Сирдарё чўллари ўтаверади, баъзи нарсалар жонланаверади, ҳамма тинчиб кетди. Ҳеч кимнинг, ҳеч қайсисининг уни ҳам чиқмайди.

Ўша шабадаларни кўзғатиб Маҳмуд ака юрибди. Ҳануз комиссар. Ҳануз бизни йўлга солмоқ бўлади. Бироқ ўзи... хол кўяди.

Яқин орада курсдошларни ўзининг тўйига айтиб қолмаса-ку, деб ҳам қўяман.

Ўшанда мен Шоирни, яна талай серзавқ дўстларни кўргим келади. Ва албатта, чечилиб ўтирганда ёруғ дунёнинг яккаш сулуви — Марина ҳақида гап очилади.

Тонг отиб кетади ўшанда.

...Болаликнинг, талабаликнинг бир шамчироғини ёқиб қўйгим келган эди, зериктириб юборган бўлсам маъзур тутинг, азиз ўқувчим. Аммо кўнгилда ҳали анчамунча қизиқ гаплар қолди. Худо кўриштира... қолгани кейинги сафар...

## ЧАМБИЛБЕЛНИНГ ОЙДАЛАСИ

*Чамбилбелнинг ойдаласи даладир,  
Ойдалада қўйлар ётиб қоладир.  
Ул қўйларни Собир билан  
Ўткир ҳайдаб келадур-ей...*

Отамнинг қўшиғи.

Отакул Қирғий бу сафар ҳам ҳар галгидек эрта турган, аммо ётоғидаги тўшаги алламбало буралиб ётарди. Бу унинг безовта ухлаганидан дарак берса-да, кичик кампиридан бошқа ҳеч ким тўшакка эътибор қилмади. Катта кампири, одатда, эрта азонда печкага ўт ёқиш учун кирарди, кеча у, чамаси умрида биринчи марта чолидан илиқ гап эшитганидан меҳри ийибми, ҳар кунгидан эртароқ туриб ўт қалашга тутинди, ахир кунига камида икки маҳал қамчи еб умр кечираётган кампир бундай ширин муомалага қариганда ҳам зор эди-да.

Тезакка солярка қўйиб тутантирди-да, устидан қуруқ ўтин ташлади. Чоли ариқ лабидаги аччиқ данак ўрикни қирқиб ётоғига — ўзи айтмоқчи нашахонасига бел бўйи қилиб яхшилаб қалаб чиққан эди ўтинни. Жонининг ҳузурини обдан билар эди бу чоли тушмагур. Акс ҳолда саратон чилласида зардолини кулатиб кунгайга тарвақайлатиб ётқизиб, то кеч кузгача заранг бўлишини кутиб ўтирмасди: қуруқ дарахт, айниқса, ўрик тутамай ёнади, узоқ олов беради, кўк чойга бир кафт кўкнорини биқтириб, бир оз дам едириб, сўнгра бир сипқориб ташлаб устидан қайноқ чойни хўриллатиб, маҳсини ечиб, печка тоблаб, кейин пўстакка ўрали-иб терга тушиб ётмоққа не етсин!

Қирғий барибир бу одатини эрта-мертан бошламас эди, то қишлоқни бир қур айланиб, одамларнинг қий-чуви, гийбати, қолаверса, тўйи, азаси чиқадими — ўз кўзи билан кўриб, жўяли насиҳати бўлса

бериб, сўнгра сой бўйлаб кетган тоғ йўлидан тонг қоронғусида қулунини йўрттириб кетар эди. Тоғнинг ён беткайларида кечаси уюр-уюр бўлиб олган йилқи подаларини ўтлашга ёйилмай бирров кўздан кечириб, ўзининг шахсий отларини ҳам кўриб, кўнгли таскин топгачгина, Фориш томондан кун парпириб кўтарилгач, секи-ин, отнинг юганини салт кўйганча Гўрўғлининг қўшиғини хиргойи қилиб келгувчи эди. Феълининг акслигини кўрган одам уни қўшиқ айтади деб ўйламас эди. Жудаям жиддий киши эди. Гўё ўзининг чарслигини таъкидлаётгандай муртининг учини ҳам қайириб ёноғига қараб кўтариб қўйгувчи эди.

Бу тонг ҳам одатдагидай бошланган, тўшакнинг буралиб ётиши галат эди, холос. То кичик кампир келиб мазкурни кўргачгина бир оз паришон қолди. Бориб тўшакни йиғди, тахмонга тахлади, қайтаётиб печ деворининг ортида чала ейилган тарвузни кўрди. Феълига яраша Қирғий тарвузни ҳам кампирларидан бирига келтиртирар эди. Демак, оқшом ўзи сомонхонадан эринмай опкелган, чопқиси билан сўйиб, тухумларини ҳам шу атрофга туфлаб юбораверибди. Ва яна Қирғий ҳеч маҳал кўзойнагини қолдириб кетмасди, уйдан чиқса бўлди, ич камзулининг кўкрак киссасига бир балдоғини тагида қолдириб солиб қўяр эди, хат-саводи бинойи эди, калхўз бошлангандан бери дўм, биргат бўлиб ишлаган кезлардан шу ойнақдан фойдаланарди, газетларни ҳам тинмай ўқирди, бирор қизиқ, дostonнамо китоб қўлига тушса ҳам дераза ёруғига тутиб ойнагини кўзига кўндирганча икки кун демай шариллатиб ўқиб чиқарди. Бу гал нечундир ойнаги ҳам ўқиган буклоғлик газета устида турибди. Кичик кампир туфдонга ҳам назар солди, Қирғий азонда туриб туфдонни таҳорат маҳалда офтобадаги сувга чайқаб келадиган одати бор эди, кампирлари жирканишини хоҳламасди, шекилли. Бу гал...

Бу ҳам майли, даҳлизда катта миҳда чийдом илиғлиқ. Чийдом деганимиз, бу — жундан чатиб тўқиладиган, сирти қаттиқ, ичи жуни бўртиб тургувчи, чакмон келбат бир юклигина иссиқ кийим, ҳойнаҳой,

Фориш билан Нуротада кийса керак буни, валлоҳи аьлам. Қирғийнинг ўзи ҳам шундоқ дер эди. Ҳар нечук эл кезган одам, билмаса гапирмайди.

Хулласи, бобомизнинг чийдоми-да ўз ўрнида турибди. Кампир чолининг кечаси анчагина безовта бўлганини тагин фонусга қараб билди. Тунда чироқ ўчиб қолгач, Қирғий фонусни ёқибди, ёруғида газет ўқиганми, нима бало.

Кампир шошиб оғилхонага борди. Охурга емиш ҳам ташланмаган. Қорамоллар секингина «бў-ў» деб қўйишяпти. Хашак мудгор бўлишаётгани-да бу. Ушбу ҳолат ҳам Қирғий бобомиз учун бир тарки одат. Шундан сўнг кичик кампир сермасланиб қолди. Оғилнинг оғзини ёпмай меровланиб келаётиб оёғини чиқаверишдаги тоғорага уриб олди. Тоғорага арпа ивитиб қўйиларди. Эрталаб хашакнинг устига бир оз тўкиб чиқиларди. Қишда туғадиган ғунажин билан икки сигир то сундан қолмасин деб арпа ивитиб беришарди. Бу юмушни ҳам, табиийки, Қирғий амалга оширарди.

Ажаб ҳолат эди. Кичик кампир меровсирайверди. Ўзича ўйлади: қўйлак-иштон, юпқа камзул, бошда салланинг дўпписи, оёқда маҳси — тоққа ҳеч бундай энгил кийимда кетмас эди-ку!

Ҳовлидаги яккамихда қулун турибди. Ё, Худо! От минмай бир ёққа чиқмас эди. Ўтинхонанинг деворида емхалта осифлиқ. Кампиршо бориб емхалтани ушлади: отгаям ем бермаган. Сўлаги, ҳўли йўқ.

Ажаб! Тинчлик бўлсин-да ишқилиб.

Кичик кампир гаранг ҳолда бориб кундошига ушбуни айтаверди, кўнглидаги алағдаликни тушунтира берди. Тили чучуқроқ, оққўнгил эди-да бечора.

— Чолнинг бу кетиши бежо кетиш, опа. Ҳеч балони тушунмайсан одам. Молларга емиш ташламабди, ем жойида қақшаб ётибди. Ич кийимида кетаверибди. Одамлардан қайтиб уялмайди. Бундай қилмагич эди. Алағдаман, опа, алағдаман. Оқшом қўйингинасига кириб ётмайманма, «не бўлди чол» деб.

Катта кампир совуқроқ акс садо берди:

— Бало урмас бу чолга, бўри ермиди. Қамчисидан

захри томиб гўристонда бўлса етиб келади. Ҳовлини зир айлантириб мени қамчилаб урмагунча, ҳовиридан тушмайди бу. Ерам ютмайди, қалчиллай берма.

Кичик кампир бундан яхшироқ жавоб ололмас эди. Руҳи чўкди, ёлғизлангандай бир ичикди, бир ичикди.

— Менгина ўлайин-эй, — деб изиллади.

Кичик кампирнинг зорланишида маъни бор эди. Қирғий уни суйиб хотинликка олди. Бироқ бу сулув хотин туғмасак чиқди. Аввал эр қилиб ажрашган экан, боиси фарзандсизлик бўлган, шу сабаб Қирғий уни кўпда аяр эди, кўнгли юмшаб, раъйини қайтаргиси келмай қоларди. Исмат чавандоз мингувчи қора ғунан кўпкаридан соврин олса биринчи бўлиб шу сулувига беради, ортса каттаси, ундан сўнг қиз ва келинларига илинади. Сулув бир ҳисобдан бу ҳовлида чолининг захрини қирқувчи, кундошига келажак таёқдан қутқарувчи бўлса, бошқа ҳисобдан ўзи ҳам чолига бирам орқайин бўлиб қолган эдики, ҳеч нарёғи йўқ. Эҳтимол, тирноққа зорлиги туфайлидир... Суянсам, тоғим бор, деб кўп куявермади, куйганда Худо берарини бериб бўлди, бермасини бермас бўлди, бу ёғига «ё Раззоқ!» демай иложиям йўқ.

Каттаси чолини «гўрсўхта» деб жеркийверар эди, кичигига ҳечам ёқмас эди бу. Бироқ, барибир чолига ўшак қилмагич эди, шу сабабдандир катта кичикка кўп ҳам қаҳр қилишга ўрин қолмас эди. Аммо, ҳарна бўлганда ҳам, ҳар қанча кенг уйга бир келин сиғади, иккиси бир эрнинг қўйнига сиғмайди. Яна денг, аёл зоти ўзининг кўнгли билан эмас, элнинг оғзи билан оёқ олади: униси ундай деса бир куяди, буниси бундоқ деса яна бир товланади, тўнини тескари кияди, гапни кўпайтиради ва ҳоказо. Қирғий учун эса кўп гап эшакка юк. Биратўла даҳлиздан қамчини опчиқадида, каттанинг елкасига икки-уч марта аямай тушириб юборади. Катта кирпи янглиғ гужанак бўлганча вой ҳам демай елкасини тутиб беради, кичкина ўйлайдики, елкалари ҳойнаҳой бир энлик қўтир бўлиб кетган

чиқар, жонига тўзим берсин. Бурноғи йиллари Қирғий гоҳи тўй-пўйдан ичиб келса, дарҳол хотинини чорлар экан, келса савалашидан қўрқиб у ҳовлидаги қайрағочнинг бошига чиқиб кетаркан. Эри туш деб жаврайвераркан, тушмаса ерда қолган калиш борми, тош, кесак борми, унга қарата улоқтира-улоқтира охири чорпояга бориб чўзилганча ухлаб қоларкан.

Энди ҳовли тўла невара, ўртанча ўғли ўзи билан, катта невараси ҳам мактабни битиради, бўйи шипдай, лекин катта кампирини тирақайлатиб ҳамон қувиб ургани-урган.

Элнинг оқсоқоли, бировга гапини бермайди, гапирган гапини ерда қолдирмайди, хуллас, кампирлар масаласида у сиз ўйлаганчалик хижолат ҳам чекмайди. Гўрўғли Мисқол ва Юнус парилар билан баравар яшайвергани мисол ҳеч бўйин эгиб хижолат чекмайди, яъни овул ичида, ундан нари-берисида ҳам хиёл бўлсин обрўсига путур етмаган. Кампирини уриши ҳам гўё унинг фазилатига ўхшаб қолган. Кампири ҳам худди чолининг таёғи учун яратилгандек калтак ейиши на овоза бўлади, на ичида қолиб кетади — сарсон бир дунё у учун.

Кўниккан шунга. Қариганда ҳам шу ғурбат қурма-гурларга ярашади. Бошқаларга ярашмайди. Ўзи бошқачароқ яшаш ҳам мумкинлиги ҳар иккисининг эсидан чиқиб ҳам кетгандир.

Ҳовлининг аҳволини ҳаминқадар чиздик. Балки чечан сўзлаб беролмагандирмиз, аммо бизни ҳам Сиз каби Қирғийнинг айни тонг палласи кичик кампири алағда бўлганига яраша қаёққа ғойиб бўлгани қизиқтиради.

Рост-да, қаёққа кетган бўлиши мумкин?

Сиз ўйлайсизки, тоққа кетгандир-да, деб.

Ё бўлмаса, шу атрофда бирор бўйинсасиникига киргандир, одатига хилоф равишда бир овул наридаги Хўжамачитга бомдод ўқишга кетгандир-ов, деб. Тоққа кетмаган. Кетса чийдомини кияр эди, пахталик шимини илиб олар ёхуд дўмлигида кийган анови солдатнусха шимини кийиши лозим эди. Яланг қават иш-

тон билан қишлоқ оралашни у ўзига эп кўрмайди. Боз устига яхши кўриб минадиган қулуниям шу ерда. Ҳартугул эси пасайиб қолган чол эмас, ахир. Ундай-мундайини отдан уриб ағдараман, деган важоҳати бор. Боз устига кеч кузнинг қор ҳам ёғаверса бировга малол келмайдиган заҳардай ҳавоси уфураётган бўлса.

Бўлмаса қасққа кетди?

Ҳамма гап шунда, биродари азиз!

Кеп қолар-кеп қолар билан кеч ҳам тушди. Ҳовли алланечук ҳувиллаб қолди. Ўғли беҳавотир калҳўзга тушиб ҳам келди. Заррача отам келмай қолса-я, деган ўй ўтмади миясидан. Унинг учун ҳам ота минг йил яшайдигандек, шу ҳовлига устун бўлиб тураверадигандек эди. То янги тонг отиб, қўни-қўшнилар ҳам «бундайчикан феъли йўқ эди-ку», деган хавотир уйғонмагунча бошқалар ҳам билмадилар. Зеро, оқсоқолнинг ҳар куни бўлмаса-да, кун ора ўзи кўринмаса ҳам узун шарпаси қишлоқни бир карра кезиб чиққувчи эди. Бундай хабарни бировларга, айниқса, ёт кишиларга айтиш яна ҳам ўнғайсиз. Қариб бедармон бўлиб қолган бўлса, бошқа гап эди, саксоннинг тагига етганига қарамай қомати белкуракнинг сопидай, қарашлари қарчиғайдай, шундай бўлгач ўғил умрида биринчи марта отасидан алағда аҳволда амакиларига хабар етказди. Кун ёйилмай кенг ҳовли қариндош-уруғга тўлиб кетди. Амакилардан улугроқ саналган бири қир-адир, жару ариқларни қараб чиқайлик, дея таклиф қилди. Табиийки, бу фарзанд ва кампирларнинг юрагини кемириб юборди: Худо кўрсатмасин-эй, бундай деманг! Лекин осмонга қараб тавалло килиб ўтиришдан ҳам фойда йўқ, нимадир қилиш керак. Қирғийни кўрган борми, деб ён-атрофга чопар жўнатишни-да фарзанди эп кўрмади: жуда хунук-да бу иш — тик оёқда юрган, қишлоқнинг кўкрак керган оқсоқолини мол қидирган янглиғ қидирсанг. Ранги палондай, кийими пистондай, мурти унақа, кўзи бунақа, деб. Ҳамма Қирғийнинг ҳовлига дупирлаб, шовқин билан: «Тирик жон борми бу уйда!» дея ҳайқириб кириб келиб қолишини кутарди.

«Гүристонда бўсаям қайтиб келар», деб ўтирган катта кампир ҳам алланечук кўнгли орзиқа бошлади. У бугун чоли тушмагурнинг қамчисидан икки-уч зарба кўпроқ тотишга ҳам рози бир аҳволга тушди. Ҳаммадан ҳам кичик кампир кўпроқ куярди. Чоли бўлмаса у бу ҳовлида эрсиз келинчак ёхуд ортиқча меҳмондай бўлиб қоларди. Ёшлигида сулувлиги, олтмишни қоралаган бўлса-да, шундоқ билиниб турадиган кичик кампир, деярли бир кунда кўзлари киртайиб, ўзи қартайиб қолди.

У кечаси билан мижжа қоқмай чиққанди.

Иккинчи, учинчи ва кейинги кунлар ҳам одам оёғи узилмади. Қизиғи, ҳеч ким Қирғийни кўрдим демасди. Кейинги кунларда нариги, ундан нариги овулларда палон, пистон жойда биров кўрибди, Нуротага, Форишга, Жиззахга кетаётганини кўрган эмиш, автобусда кўрибди, отда кетаётганини орқасидан кўриб қолишибди, фалончининг маъракасида кўрган эмиш-ку, каби гаплар гивирлаб юрар, аммо чинакам суриштирилганда ҳаммаси хом гап чиқарди: аслида ҳеч ким кўрмаган бўларди. Тавба, тик оёқда юрган одам-а, нарса ё мол бўлсаям ҳай, майли, дейсан. Кунлар ўтган сайин кўрибди, кўрган эмиш каби миш-мишлар шу даражада тахминий тус олиб пучга чиқа бошладики, ўғил ҳечқурса отанинг мурдаси топилишига-да рози бўлди. Жиззахда турадиган кенжаси ҳам келиб уч кун юриб кетди, Девтепадаги катта ўғли кунда-шунда. Қайтанга уй эгаси бўлмиш ўртанча келувчилардан безор бўлиб ҳам кетди. Улардан нажот йўқлиги бир ёғу, келиб-кетувчиларга ҳеч бўлмаса чой-нон қўявериш ҳам малол келаверди. Кўрадаги икки эчки, бир така сўйилиб кетди: қариндош-уруғлар келиб ётиб олишади ахир. Уларни тўйғазиш ҳам керак-ку. Аммо улар ҳам қорин тўйғазиш учун келишгани йўқ. Зора, бир яхши гап, яхши хабар бордир, деб тикка шу ҳовлига келишади. Уйи олисроқ бўлса, ўзини яқин тутиб ётиб қолаверишади.

Тоғ қишлоғи, унинг шарт-шароити шу-да: шаҳарда



туриб яшашнинг кўп қонунларини ишлаб чиққанинг билан табиий ҳаёт барибир ўз ҳукмини ўтказди.

Кичик кампир, боя айтганимиздек, тоза ўзини олдириб қўйди. Қўл-оёқларида дармон қуриб, иштаҳаси қочиб, бир аҳволга келди. Келим-кетимга ҳам унча аралашмади. Қўлини тиззасига олиб иягига тираганча узоқ ўй сурадиган одат чиқарди. Орадан ойлар ҳам ўтавергач, адои тамом бўлди. Чоли борида кундошининг фарзандларига оналикни баҳам кўргандек бўлар, кўпам эзилмасди. Энди... шу ердан бошқа сиғадиган жойи йўқ муштипарнинг. Кампир тонг отди дегунча адоқдаги Нозик қушночнинг уйига равона бўлади: қушноч қандай туш кўрди экан бугун? Нозик момо бир пайтлар ҳайбати зўр қушноч эди, чилдирмасини чалаверар, одамларим мундай деётир, деб жинлар нима оғзига солса айтаверарди. Не бир ўгриларнинг номи ни тутиб кўп панд ҳам еган, аёл жонига қасд қилгучилар-да топилган. Сўнг фол кўришни бас қилган эди. Аммо у Қирғийнинг кампиридан нимаики кучи бўлса аямади. Шуниси кампирга ёмон таъсир қилар эдики, Қирғий кўпинча қушночнинг фолида қоронғуликда кўриниш берарди. Қушноч суяброқ қоронғуброқ жойда кўринди, лекин чиройи очик, деб айтарди. Бу гапларни кампирнинг кўнгли учун айтармиди ё бор кўрган-билгани шу эдими, кичик кампир буни англолмасди. Туш кўрган бўлсангиз, тушингизни айтинг ҳеч бўлмаса, деб туриб оларди.

— Қаридимми, айнидимми, тушларимам равон эмас, — дейди Нозик қушноч кичик кампирга.

У зўр-базўр туриб бўлса ҳам кампирнинг елкасига қўл узатиб кўришар эди, охириги пайтлар «келдингми» дея бир кўзғолганча нурсиз кўзлари билан қотиб қараб тураверадиган одат чиқарди.

Кичик кампир бундан: «Ҳалиям умид қиялпсанми Қирғийдан?» — деганга ўхшаш маъно топиб, баттар зил кетарди.

— Хабар-пабар йўқми, тушам кўрмайман-а, сабил, — деб қўяверадиган бўлди қушноч.

Анов йиллар фолбин дегани кўзиқориндай бодраб

чиққан эди, уч-тўрт йил бўлди, бари бирдай зим-зиё бўлди-қолди. Буларнинг тухуми ҳам бир кўпайгич, бир озайгич эканми, деб ўйлайди кампир.

Бир неча марта участкавой милиса келиб у-бу нарса суриштирган бўлди, қоғоз тўлдирди, ариза беринглар деди, лекин ўғил унамади, уялди: нима деб ёзаман аризага — отамни топиб беринглар дейманми, уруш замони бўлмаса, шундоқ уйдан ўзи қадам олиб чиққан бўлса?

— Ҳеч ким билан уришмаганмиди? — дея ўсмоқчилайди милиса тагин.

Милиса ҳам нариги ошувдаги қишлоқдан, бу ерни, бу одамларни беш қўлдай биледи. Хуллас, шу ернинг жайдариси, илинган қирда, сойда чўпонми, тракторчими — улфатчилик қилиб юраверади. Лекин барибир келган заҳоти дарҳол расмий тус олиб:

— Ҳеч ким билан уришмаганмиди? — деб сўрайди.

— Қўйсанг-чи, — дейди ўғил. — Уришган-уришмаганининг нима қизиғи бор, ўзинг биласан-ку.

— Гўргаям кетмайди отанг, — дейди милиса бир оздан сўнг. — Бор, бирор ниманг бўлса опчиқ, бош гаранг бўлиб кетди ишлайвериб.

Ўғил ғаллахонадан битта вино, битта пиёла, битта пиёз кўтариб чиқиб чорпоянинг устига қўяди. Милиса шишанинг қопқоғини тиши билан «пақ» эткизиб очади-да, қуйиб ўғилга узатади. Ўғил ўзинг ютавер дегандай қўл силтайди.

— Отанг тезроқ келсин, — дейди миршаб ва бир томчиям қолдирмай сипқоради. У уч пиёлани шундай, бир хил ният билан ичади-да, шиша тагида озроқ қолдириб, «бу келгунимча ризқ» дея пиёлани тўнкаради-да, аравачаси ечилган «Урал» мотоциклини қирдан пастга шўнғитганча йўл-йўлакай ёндириб даф бўлади.

Қатновчилар худди касал кўргани келганга ўхшардилар: ботиниб-ботинмайгина сўрашиб бўлгач, бир хил саволга тутаверишарди:

— Бирон хабар борми?

Гарчи саволнинг жавоби аниқ бўлса-да, сўрашдан эри-

нишмасди. Тўғри, қўлларидан келса-ку, ёрдам қилишади, аммо ҳеч бир дарак бўлмагач, нима қилсин улар ҳам.

— Бундан кўра сулайибгина жойида ўлсаям майли эди-я, — дейди катта кампир. — Шугина уйдан опчиқиб кўмиб, тинчимаймизми, бу нима сарсонгарчилик энди?!

Бу, албатта, ният эмас. Кампир ҳам зориқиб кутарди чолини, юқорида айтганимиздек, еган қамчилари гарчи тагин хумор қилмаётгандир-у, лекин шу уйнинг қораси эди-да. Агар бугун ё эрта чол гўё ҳазиллашиб ғойиб бўлгандек уйга кириб келса, бағриям, кўнглиям тўлиб қоларди кампирнинг. Ҳаммани гаранг қилиб қўйди бу ҳолат.

Эртаси кун милис тагин келди. Кампирлар бирови у уйдан, бирови бу уйдан кўриниш бериб баравар чиқишди. Миршаб куртқасининг киссасидан буклоғлик қоғоз чиқариб, мотоциклининг бакига қўйиб текислади-да, катта кампирни сўроққа тутди:

— Мабодо чолингиз билан ораларингизда уруш чиқмаганми ўша кун?

— Уришсак, менинг товушим уйингга эшитилса кераг-ов, болам?

Бир иддао, бир писандсизлик бор эди кампирнинг овозида. Чунки кампир бечоралар кунда-кун ора келувчи бу миписа боладан ҳам нажот кутишарди-да. Нажот бўлмагач... мана бундай чимчиловчи гап қилиш ҳам уларнинг аламини кўзитса керак эди.

— Аммо, биламиз-биламиз, лекин ишимиз шу-да, бутун бошли бир одам бўлса, бизданам сўрайди бошлиқлар, нега йўқ дейди, ишламайсан, дейди.

— Энди келсанг, бир маънилироқ гап топиб келчи ҳечқурмаса, — дейди кампир.

— Сизларнинг аҳволингизни тушунаман.

Миписа икковигаям қараб жовдираганча қоғозни олиб чўнтагига солди, негадир тагин олиб бакнинг устига қўйди.

— Ўглингиз уйдами? — деб сўради.

— Накуртга кетди — кўпқарига, — деди катта кампир.

— Кўпқарида пишириб қўйибдимми, — деди мили-са ва ҳафсаласи пир бўлиб кечаги қолган шишага қара-ди, ҳали ўша ҳолича турарди шиша. — Отанг бу ёқда бийтиб... ҳалиги қип ётган бўлса... Ўл-а одам бўлмай! — Шишадан кўзини зўрға узди. Қоғозни тагин буклаб чўнтакка урди. Қиядан ярим йўлгача ёндирмай туш-ди-да, кейин мотоциклини патирлатганча сойга қараб кетди.

Накўртнинг кўпқарисида жаловга ўн бир тана, уч той қўйилди. Одатан, бундай катта кўпқарининг бо-шида Қирғий тургич эди. Гарчи ўзга овулдан бўлсаям, шу офтобрўнинг оти чиққан кайвониси эди: одамлар ўзлари маррага раис қилиб қўйишарди. Ҳалолини, ҳаро-мини ажратишда сира фирромлиги йўқ эди, оға-ини-парастлик қилмасди. Ётиб олиб олишса, олишаверар-дики, ҳалол ташлаганни ноумид қилиб қўймас эди.

Ўғил бу ерга отасининг ўрнини босиш учун эмас, аксинча, уни... отасини дараклаб келди. Бир қанча тенг-тўшларини учратди. Сўрашга ийманган бўлса-да, умид билан бирор хабар эшитарман, деб ўйлади.

— Отангнинг бир Маҳкам дегич қалин ошнаси бўлгич эди, Нуротада. Ўзи унча-мунча ўзбекни хушла-майдиган тожик. Лекин отанг билан ҳеч нарёғи йўқ қалин эди. Тоза мучали туври келганиди-да бачча-ғарнинг. Кўлда отбоқарлари бор: қозоқ, ўзбек, тожик — ҳар хил; икки юз, уч юз йилқиси бор деб эшитаман. Замон бундай бўлиб у ёқларга қўлимиз етиши қийин бўлди, ё қарияппизми, билмайман. Отанг тов ошиб, қироқлаб, Парандоз чўққиминан айланиб, Чангатдан тушиб Жўшнинг нарёғи, Чамбилбел дегич жой бор, ҳеч ким зиёрат қилмайдиган жой, отанг қайсар одам, бориб зиёрат қилади, Фирқўкнинг изини ўпади, ёз-нинг чилласида бир оқшом-икки оқшом ётибам қола-ди, ҳозир ётмаса керагу, лекин шундай айланиб Нур-отага тушган бўлса ажабмас. Юргандир-да икки мўйлов йилқи санаши-иб, сеники кўпми, меники кўп деб.

Уста Тиркаш отасининг бўйинсаларидан, Муҳам-

мад оқсоқол ўлгач, шунга кўп суяниб қолган эди Қир-  
гий.

Устанинг гапи ўғилга обдан боп тушди. Кўзининг олдига келтирди-қўйди отасини: кўлнинг бўйида, қамишзор ёқасига икки чол ўтириб олиб, қозонга сазан балиқни ташлаб билқиллатиб қайнатиб, Гўрўглининг достонидан айтишма-айтиш ўйнаб, нашавандлик қилиб ўтирибди. Йилқибоқарлар қўй сўяйликми ё бирор юмшоқроқ улоқни тандирга босайликми, деб қўл қовуштириб туришибди.

— Маккам тажик ўлди, — деди бир жиккаккина, соқоли сийрак сариқ чол. — Аллазамонлар бўпкетди бунга.

Ўғил зўрға отасини тирилтирган эди-ю, шу чол қайтадан бўғиб тинчитгандек бирдан ёмон кўриб кетди уни. Зингил солиб қаради, бироқ танимади, ҳарҳолда отасига яқин юрганлардан эмас эди.

У бўлди, бу бўлди — сариқ чол Маҳкам тожикни билмас чиқди: ўғилнинг ичида чироқ ёнди. Қайдасан Нурота деб йўлга отланар бўлди. Биров Парандоз, Ҳаётбошидан айланиб тоғнинг орқасидан, Можрим билан ўт, деди. От билан айлан, деди. Биров Жиззахга тушиб автобусга ўтириб бор, деди. Биров от билан тўғри Қўшработга кесиб чиқ, деди: у ердан Нуротага автобус бор.

Шу таклиф маъқул келди, тузук-қуруқ манзилни ҳам ҳеч ким тайин айтолмади. Онаси Фозгонни кўп тилга олгич эди, нарёғида кўл бўлаймиш, кўлда ҳар бало бўлаймиш, ичида бир қуруқлик қамишзор бўлаймиш, тожикнинг отлари у ерда қишлайдикан, деди. Лекин тожик ўн йил бўлди қадам узганигайм, ўлмаган бўлса, бориб кўр, ўша ёқда бурундан қогон эшонлар кўп, шуларгайм бир учраб ром очир, ўзингга дам солдир, деди. Оқ йўл деб фотиҳа ўқиб дуо қилди.

Кичик кампир:

— Опкегин-да болам, отангди, — деб ёлворди.

Ўғил ўгай онага термулди. Кўзларига туйқус ёш инди.

— Майли, опкеламан, — деб отини шартта бурдида, ҳўнг-ҳўнг йиғлаганча кетаверди.

Кампирлар бунда умид-ла ўғилга ишониб туриш-син-да, гапни Нуротадан эшитинг.

Ўғил йўл юрди, йўл юрсаям мўл юрди, отни Қўш-работга бойлаб, бир кеча ётди. Иккинчи кун кечино-ла автобусда Ғозғонга тушди, пиёда юрди, сўради-суриштирди, бошини эгди, гадой бўлди, жой сўра-ди, чой сўради, Маҳкам тожикни топмай тоза сарсони чиқди. Бир раҳмдил чиқди, ўзи чавандозман, деди, отангни эшитганим бор, кўлигинг бўлмаса, танкамда кўлга обораман, тожигингни топамиз, деди. Танкаси «УАЗ» машина экан, бир шилғирт экан, лекин кўлга-ча юриб борди.

Кўл бўйи, қамишзор, қоровуллар, гоҳида чўпон-лар. Маҳкам дегани бор экан, лекин ўзбек экан, ўзбек-нингам тоза туркманидан экан. У тожикни танийман деди. Бошқа тарафдан кепсан, Сентобдан ошиб кел-санг йилқи уюрини кўрар эдинг. Жуда бўлмаса чўпон-лари кўрсатар эди, деб ўкситди.

Ўғил ичидан эмранди. Не бўлди буёғи, деб гаранг-сиди, Маҳкам ўзбек чойдишда чой қайнатди, чайла-томда бир қур гапхона қилди, йигит бечоранинг дар-дини англаб раҳми келди, чўбирини бериб турмоқчи бўлди, лақмароқми ё тирриқроқми, орада бир айниб олди, кейин берар бўлди, опкелиб берасан, берма-санг сир кўрасан, палондай бўлиб ўласан, бурнинг қийшаяди, кўзинг оқиб тушади, деб ваҳима қилди, нонни ушлатиб юз марта қасам ичириб жўнатди.

Йигит Сентобни айланиб келаман, деб сарсони чиқди. Тоғ орасидаги тожиклар ўзбекчани деярли би-лишмас экан. Ағрайиб тураверади. Яна битта Маҳкам учради. Буниси тожик экану, бироқ бошқа экан, бир байталиб бор, бошқа отим йўқ менинг, деди. Лекин бойни танир экан. Ўзбекчаниям биларкан, уюрига бо-рар йўлни қайта-қайта тушунтирди, адашсанг тикка шу ерга кел, деди.

Ўғил топди бойни. Бойни эмас, подасини топди. Отбоқарлар «бой шаҳарда, чоршанбагача кут, кела-ди», дейишди. Чиндан чоршанбада келди бой. Бунгача ич-этини еб ўтирди, оз-моз чўпонлар билан гурунг

қилиб овунди. Балиқ, қирғовул овлади, ёввойи ғоз қувди, ишқилиб, икки кечани ўтказди.

Маҳкам тожиги қариброқ қолган чол экан, соқоли худди китобда ёзилганидай, кўксини ёпиб туради. Кўзи тийран, овози ўткир экан, қарилигини шу ёпиб тураркан.

— Отанг билан ўттиз йиллик биродар эдик. Гум бўлди, деб эшитган эдим. Охирги ўн йил тоғда, кўпинча кўпкарида кўришдик. Сабаби, иккинчи онангга мен сабабчи бўлган эдим. Охирги пайтлар сенинг онанг сезиб қолувди, боришдан торганиб юрдим. Ҳа, энди, Қирғийга керак эди-да яна бир хотин: ғайратли эди-да, жувормак... Ори қаттиқ эди, бировминан ёвлашса ўчини олмай қўймасди. Бу офтобрўйда ундай синчи кишиям йўқ. Отга қараб нафас олишиданоқ сезарди зотини. Ҳозир миниб юрган қулуни ғунан бўлиб қолгандир, бизди уюрдан ушлаб опкетди. Ёввойи тойни миниб, тоғдан ошиб ўзининг отини еталаб кетди. Бир минишда ўргатгич эди ҳар қандай отни. Тилини билармиди, бир бало. Биларсан, йигирма-ўттиз йилқиси бор тоғда, шуларнинг беш-олтитаси жайдари чиқар, қолгани бари зот, болам, бари зот.

Ўғил отасининг феълини билмасмиди, бу таъриф-тавсифларни биринчи марта эшитаётгани йўқ. Маҳкамбойнинг гап авзойидан гўё у отасининг қаерда эканини биледи-ю, атайлаб гапни айлантираётгандек эди. Охири айтса керак, деб ўтираверди. Ийиғи чиқиб кир бўлган дастурхонга тожик қушхалтадан икки косача туршак тўқди. Хуржуннинг бир кўзидан юпқадек букланган иккита патир чиқарди. Патирнинг катталиги ўзиям бир қулоч келса ажабмасди.

Қулочкашлаб қайишқоқ пишган патирни зўрға синдираркан:

— Биз тўқ, бола, сен ол, бу чўпонларди сухарисига шерик бўл, тоза тобинг қочибди-ку, — деди.

Ўғил туршакларнинг сап-сариқлиги, тозалигини кўриб ҳайрон бўлди. Ўзиям ёнғоқдай семиз-семиз.

— Ол-ол, — деди Маҳкамбой ва ён киссасидан чиройли безалган носкодисини чиқараркан: — Сен ўзбек-

лар туршакни қуртлатиб, томга тўкиб, лойга, тупроққа буркаб ҳеч яратмайсанлар, мана, буларни кўр, қандай, еб кўр, мазасини кейин айт, — деди.

Ростданам туршак бир мазали экан, бир мазали, ўғил очлигини сездириб дастурхондаги бор туршакни тушириб, данагини бир уйим қип ташлади. Устидан қайишқоқ патирни чойга бўктириб урди. Қорни тирсиллаб дамлади. Дам-бадам қамиш панасига бориб келаверди. Мезбон кулди.

— Ўзбек туршакни ейишниям билмайди-да, — деди.  
— Овқат эмас-ку бу, жўра.

Маҳкам тожик оғзига бир қултум совуқ чой олди-да дарчани очиб носини туфлади.

— Қирғий, баччағар қиёмат дostonчи, биласан-а?  
— деди қайтиб ўтираётиб.

— Дostonни кўп ўқигич эди, эшон бобомнинг китоблари, деб беш-ўнта китобни халтага солиб илиб қўйгич эди. Авлиёларнинг китоби бўлса керак, деб қарамаганман.

— Эшон бобонгники бўлса, Жуманбулбулники-да. Бир ўқиганини кўз юммай қайтиб айтиб бергич эди. Бир йили, унда ёшроқ эканмиз, Нурогадан, бизнинг уйдан чиқиб қизиқ-қизиқ билан Қоракиссадаги Раҳматулла бахшиникига борганмиз дoston эшитгали. Ўзимизга ўхшаган майдагина чол экан, Қирғий ҳеч қўймади Гўрўғлини айтинг, деб. Қурмағур бахши ўзиям ўттизлар дoston биларкан Гўрўғли ҳақида. Қирғий тамом сел бўлиб эшитди. Бир йиғлайди десанг, «ай, жўра, бу бир эртақ, турқингга ярашадиган ишни қил», десам, яна сел бўлади. Раҳматулла бахши яна ийиб кетиб, «Рустам»ни, «Алпомиш»ни, ҳалиги Зулфизар пари ҳақидагини, Авазхон, Ҳасанхон — барини бир қатор айтаберди десанг. Уч кеча ётиппис, отанг икковимиз нашани қип ётиппис, икки тандир нон едик ўзиям, нашадан кейин қорин мой билан янчмич ай кетади-да. Қирғийнинг ўзиям тўрт-беш дostonни ёддан биларкан. Эшон бобомнинг китобида ёдлаганман деб, Раҳматуллага айтиб берди. Бир эмраниб айтди энди, бахшиям қойил бўлди: қумқулоқ экан ош-



нангиз, офарин, деди. Келатуриб йўлда хиргойи қияпти. Раҳматулла бахшиданам бир-икки дostonни ўзлаштирибди. Шунақа бир аломат-да отанг. Бундай одамлар камдан-кам туғилади. Элга оқсоқол бўлиш ҳазил гап эмас. Сен, мисол, ўзингнинг болангга мана бу фалончининг қизига уйлан, ё бўлмаса уришган одамнинг бўлса, яраш ҳозир, деб айтолмайсан. Ҳаққинг йўқ одамдай ийманасан. Отанг айтганини қилдиради, қилдирмаса қўймайди. Одамгарчилигим зўр, фирромлиги йўқ, нафс учун бадном бўлганини ҳеч эшитмаганман. Уста, уддабурон.

Ўғил отаси ҳақида кўп таъриф эшитган, аммо бу кишичалик ихлос билан тавсиф берганини бировдан эшитган эмас. Эшита туриб юраги орзиқди, отасини соғинди. Тўрт-беш кундан бери олинмай тиканак бўлиб кетган соқолини тирнай туриб ўйчан қотди. Йиғлагиси келди. Туйқусдан Маҳкамбойга, «отамни топиб берсангиз-чи!» — дея зорлангиси келди. Шунча гапни билган одам жўрасининг қайдалигини ҳам биладигандек туюлди.

— Отамнинг жўрасисиз, отам десам бўлади сизни, — деди беихтиёр. Кейин нима дейишни билмай ўйланиб қолди. Бу одам билан биринчи бор ички сир бўлаётган бўлса. Барибир: — Энди нима қилсак экан, ота? — деб сўради ағрайиб.

Маҳкамбой ўғилнинг нажот истаб турган ташвишли кўзларига қараб қолди.

— Оромижон дўстим бор эди-я, аттанг, — деб бул-киллаб йиғлаб қўя берди.

Ўғил учун энди нажот қолмади. Ўзиям йиғлади. Қирқ кундан ошди воқеага, аммо йиғламаганди, йиғласа уйидаги аёлларга суянч бўлолмас эди. Энди бу оламда бир ўзи, ҳеч бир ҳимоясиз қолгандек хўнграб юборди.

— Сен бундай қилма, бачам. Мен-ку, бирор жўяли насиҳат айтолмаганимдан тўлиб турибман. Ўзи кейинги кезларда тоза кўргим келиб интиқ бўлган эдим. Худойим кўнглимга солдими, бир-икки туш ҳам кўрдим, ҳайрон бўлдим, Қизилчада бир чавандознинг тўйида

шундай бўпти, деб эшитдим. Оллоҳ раҳм қилсин, бошқа нажот йўқ, бола. Сен менга ўкиндинг, бошқаларга бундай қилма. Айниқса, оналарингга. Сен энди ўша уйнинг устунисан. Худо раҳм қилган бўлса, омон бўлса, келиб қолар, агар келмас бўлсаям бундай гариб юрма, отангнинг боласи бўл. Эл ичида ҳар хил одам бор: биров чиндан куяди, биров ичидан хурсанд бўлади, сен бундай бошингни эгаверсанг, яқин одаминг ҳам сендан қочади. Мундай қил: Форишнинг тоғида Давир чўпонда ўн олтига йилқинг бор, Накуртда Сирлибек чўпонда ё олтига, ё саккизга йилқиларинг бор, чўпонлар билан бориб муомала қилиб қўй. Ўзи йўқнинг кўзи йўқ деб, яна хомталаш бўп кетмасин. Тушундинг-а? Шундай қил. Элга аралаш. Отангнинг тутумини қил, кўрганлар отасининг ўғли, десин.

Ўғил бирров сергак тортди. Турмушда ота ўрнини босиш масъуллигини ҳис қилгандай бўлди. Аммо айни пайтда отаси уйининг соябони, суянган тоғи эканини ҳам кўнгилдан туйди, хароб бўламиз агар омон келмаса, деб ўйлади.

Кечкурун Маҳкамбой «ўғли»ни тўйдириб меҳмон қилди: чайла-томнинг шифтига осилган анча-мунча қоқ гўштнинг барини қозонга бостириб қовурди. Бир шиша «Ройал» деган спирти бор экан, қуйиб бермоқчи бўлди, «ўғли» ичмади. Бошқа ёқлардан гаплашиб чақчақлашишди. Ётар маҳали ўғил ноумид бўлмай деб тортиниб сўради:

— Шу, Нурота томонларда эшон кўп дейди, ота, бирор яхши ром кўрадиганиям борми?

— Ром ҳаром нарса, болам. Бу бир. Иккинчидан, эшонлар фол кўрмайди. Ўқиб кўяди, дуо қилади, дам солади. Касал тузатадиганлариям бор. Иккита мўлтонни бор, номи чиққан. Қирғийни икковиданам сўраб кўрганман. Узоқда, қоронғуда, дейди.

— Ишқилиб тирик дейдими?

— Тирик дейди. Лекин ҳеч эшитганинг борми фолбин бирор йўқолганни мана деб топиб берганини. Жин-ажиналарнинг васвасасига ўйнайди бари. Қуръонда, ҳадисда қораланган бу нарса. Агар фол очирма-

сам бўлмайди десанг, мўлтониларгаям, бошқаларгаям обораман, лекин фойдаси йўқ. Тавба, қандоқ қилиб типпа-тик юрган одам изсиз гум бўлса, шунақасиям бўларканми?

Маҳкамбой бир оз жим ётди. Кейин ўгирилиб «ўгли»га:

— Отанг бировга қаттиқ гапирса, гапирар эди, лекин қасдлашмас эди, чунки манфаат юзасидан кек сақлайдиган одати йўқ эди-да.

— Деви бор эди, дейишади, гапиришга гапирар эди, лекин ёқасидан олмас эди, айтганингиздай хусумат қилмайди-да.

У «хусумат қилмас эди» деса, йўқ одамни гапиргандай чиқмасин деб шундоқ, ҳозирги-келаси замон феълига мослаб яқунлади. Сўнг хўрсиниб ўйга чўмди: йў-ўқ, душманликдан бўлмагандир, ишонгинг келмайди, одамнинг бирор ишгаям қўли бормай қоларкан, ҳозир шу ерга келиб қолса борми?

— Хўш, тожик, бормисан, деб кириб кеп қолса-я, — деди Маҳкамбой худди «ўгли»нинг хаёлини ўқиб ўтиргандай. — Суюнчига шу чўбирингни опқолар эдим.

— Бу омонат, — деди ўғил. Кимники эканини айтгиси келмади.

Маҳкамбой йўлда чарчаган экан, туриб чироқнинг пилигини пасайтирди.

— Ўчирсам нима дейсан, ҳеч ёруғда ухлаёлмайманда.

— Ўчиринг, ўчираверинг, — деди ўғил ҳам ва тескари қараб ётиб олди. Лекин ухлаёлмади, тонгга яқин қотиб ухлабди.

У Маҳкамбойнинг азон чақирганини ҳам эшитмади, пинак қоқмай мушукдек ётаверди.

Бой чўпонлар билан айвончада чойдиш қайнатди, емхалтага беш ҳовуч арпа солиб йилқисининг бошига илиб келди. Охири меҳмонни туртиб уйғотди.

— Туринг энди, чошгоҳ бўпкетди, меҳмон.

Меҳмон бошини бир кўтариб, керишганча тагин чўзилди. Устига ташланган яланг кўрпа тагида тиришиб ухлабди. Эснаб керишди, тагин бошини ёстиққа

кўйди, кўзлари секин юмила бошлади. Чўпонлардан бири кирди-да:

— Хў, меҳмон, чой қайнади, туринг, — деб уйғотди.

Уйда бўлганда ё хотини, ё онаси уйғотган бўларди. Отаси ўзи уйғотмасди, агар туравермаса, онаси оладиганини оларди Қирғийдан. Бу ер мусофирхона. Ота уй эмас. Иззатини билиши керак одам.

У йўл жабрининг бу қадар оғирлигини шунгача деярли ҳис қилмаган экан. Чўбирни қайтиб эгасига опкелгунча бўлари бўлди: чоти яғир бўлиб кетибди. Тагига қалинроқ жабдуқ тўшаб олмабди.

Ҳалиги чўпон ўзида йўқ хурсанд кутиб олди. Икки кун кечикканига отдан айрилдим, деб пушаймон бўлиб ўтирган экан.

Ўғил энди Қизилчага пиёда йўл юриб қайтди. Ундан бир юк машинасига илашиб Нуротанинг йўлига, сўнг қийналмай Қўшработга етди. Бу ерда тонг оттириб уйига жўнади. Пешин намоздигарга оққанида уйининг устидаги тикка қиядан ошиб тушарди. Айбдордай эди: ҳамма кутаётган отани «опкелмаётган»ди. Аскар қайтгандек бўлди ўзиям. У ҳамманинг олдида қарздор эди гўё.

Ўғил қарзни узолмади — жўяли бир гап ҳам айтмади, «тақдирга тан бериш керакми дейман», — деди онасига. Она хўрсинди. Узоқ тек қотди. «Халққа нима дейсан?» Ўғил ҳам узоқ ўйланди. Аросат азобида қолди. Эрталаб тоққа равона бўлишни ўйлади. Маҳкамбойнинг айтганларини қилсам, тўғри бўларкан, деган қарорга келди. Боз устига мана бу тангликдан бирикки кун тагин қутулгандек бўлади. Кейин Худо пошшо.

Эрталаб чой ичар маҳали участкавой келди.

Уйга кирмади. Анови кундаги қоғозини чўнтагидан чиқариб ёза бошлади.

— Жўра, амаким бирор киши билан хусуматлашмаганмиди?

— Эшитмаганман.

— Ўша кунни биров билан уришмаганмиди?

Ўғилнинг ҳам ори келди, ҳам ғазаби кўзиди:

— Шундан бошқа нарсагаям ақлинг етадими ўзи ё миянг шунга келиб тормозланиб қолганми?

— Мендаям началство бор, оғайни, билдинг, сўрайди улар нима бўлди деб. Сообшения бўйича дело қўзғалган. Сен бўлсанг на ариза берасан, на тузук гапирасан одамга. Мана, эртага жиноят қидирувнинг бошлиғиям келади, уям шуни сўрайди биринчи, жуда бўлмаса психический касаллиги бормиди, деб сўрайди.

— Уйда вино тугаган, командир. Энди биратўла отам топилганда келасизлар, узоқ йўлга терговчиям келиб ўтирмасин, илтимос сизлардан.

— Сенинг винонгга зор бўлиб келармиди келса. Берганинг билан ичмайдиам, ана кўрасан. Майна қиласан одамни! Миннат қилаётган бўлсанг, пулини тўлайман.

— Миннатам қилмайман, виноям бермайман, бўлдими, каллани қотирмасанглар бўлди. Етадими?

— Яхшилиқниям билмайди бу гўрсўхта.

Милиса жаҳли чиқди шекилли, бу гал мотоциклини жойида ўт олдириб патирлатганча сойга қараб ғойиб бўлди.

Шу билан Қирғий қиссамизни тўхтатиб турайликда, гапни бошқа ёқдан, аниқроғи, Тошкент деган шаҳри азимдан эшитинг.

\* \* \*

Мен, пойтахт биқинидаги кўп тилга ҳам тушавермайдиган илмий текшириш институтининг оддий бир ходими — ўзим биладиган сабабларга кўра, лекин ҳеч кутилмаганда, туйқус, биров билан қасдлашмай, бу ҳақда тасаввур ҳам қилмай, демакким, видолашув ҳақида бот-бот ўйласам-да, ўлим деган нарсани аниқ кўз ўнгимга келтира олмайдиган одам, барча ишларим ўлда-жўлда, орзу-армонлар, бир ўғил ва бир қиз гўдагим, келинчак орзулари кўнглини ҳам, афт-ангорини ҳам ҳануз тарк этмаган жондай жуфти ҳалолим ортимда, яна уйда эмас, кўчада, фарзандлар оғушига шошиб келаётганимда, дўстим, ҳа, азизу қадрдон

дўстим ҳам қариндошим Абдумаликнинг ҳамроҳлигида, гувоҳлигида, ёрдамида ўлим отлиғ махлуқ билан кучоқ очиб кўришмоққа сазовор бўлдим, ҳа, сиз ўйламанг тагин беоқибат экан деб, Қирғий асли қариндоши бўлса ҳам хабар олмапти деб, йўл олис бўлса-да, икки ой бадалида икки қарра уйдан хабар олганман, — биринчисида хотиним билан, иккинчи сафар ўзим, — борганда менга танишу ошно бўлиб қолган ҳовлиси адоғидаги эгик толлару адл тераклар, мевалари сапсарик, шамолда тўп-тўп тўкилиб сой кўлмақларига тўлқин бераётган қатор беҳилар остида хўп хаёл сурганман, бу ҳодисанинг қандоқ юз берганини ўзимча мушоҳада қилиб, тагига етолмай, ҳайрону лол, оқибат Киччи энамга сабру бардош тилаб қайтганларим эсимда, қарзимдан жиндак бўлсин, узилганман, ҳатто амакимнинг ўғлига девордаги портретидан нусха кўчиртириб Тошкентдаги газеталарда бостираман деганимда, ўзига ўхшамайди, ҳозирги кўриниши бошқача, деб унамагани ҳам бўлган нарса, боз устига Қирғий амакимни чиндан-да Худойим қатордан олган бўлса, мен энди рўпарамда турган Ажали мутлоқдан ҳам сўраб кўришим мумкин, бироқ бунинг хабарини бировга айтиш имконим бормикан, ҳар нечук мен икки олам оввораси бўлиб нима биландир олишаётганимни, чиранаётганимни аниқ-тиниқ биламан, бироқ имкон тополмайман — мажол йўқ, кўлимда ҳам, оёғимда ҳам, чорлайман — дўстимни, ўғлимни, ҳали норасида ўғлимни: лоп этиб пайдо бўлади, юзи сутдай оппоқ, отасини ғаним кўлидан қутқармоқ бўлади, иложсиз, имконсиз, гўдак, эси кириб-кирмаган, хомсиқиб йиғлайди, хотиним қичқиради, шу қадар қаттиқ бўзлайдики, жоним оғриётгани, ўзи қаерим оғриётганини ҳам сезмай қоламан, гўё хушим ўзимда йўқ, уларнинг олдига қайтаман, дейман-у, яқинлашолмайман, тавба, дейман, бу қанақа ҳолат ўзи, мен зиммамдаги барча қарзларимни, булар олдидаги масъулиятимни яхши ҳис қилиб турибман, бироқ бояги чираниб олишувимдан сўнг бирдан чор-атроф қоронғилашиб кетди, хушимдан кетдим шекилли, деб ўйладим, бироқ

шундай деб мулоҳаза қилаётир эдим: тушуниксиз, қандайдир енгиллик, оёғим ердан узилиб шифтга чиқдим, устимга энгашган дўхтирни томоша қилдим, хотиним, қизим, ўғлим, Абдумалик, бариси ташқарида қолди, қизиқ, мен уларнинг ташқарида қолганини ҳам мулоҳаза қилмаяпман, туйқусдан бир кайфу сафо гўшасига тушиб қолдим, тушиб қолдимми, чиқиб олдим шекилли, қандоқ тушунтирсам: булутларга миниб сайр қиласиз-ку, ҳеч бўлмаса шуни тасаввур қиларсиз, орзулар оғушида қолганда, тахминан, тахминанмикан, қисман, ҳа, қисман шунга яқинроқ, аммо буни сиз ҳис қилолмайсиз, вазнсиз учувчиларни кўргансиз, улар ҳам деворга урилса, бирор аъзоси азоб еса керак, меники эса, ҳеч қаерим оғримайди ҳам, масалан, бугга ўхшаб учиб юрибман — булут ҳам мендан оғирроқ, ҳатто туман ҳам, дўхтирнинг стерилланган пахта буюрганини, бир ҳамшира дарҳол чопқиллаб чиқиб кетганини, сўнг пахтани келтиргач, спирт аралаштириб пешонам, юзларимдаги қонларни артганини, кўйлагимни тортқилаб шошилишда йиртиб юборгудек бўлиб ечиб ташлаганини, уч жойдан яраланганимни, энг катта ярам тиззамнинг пастида, болдирим ёнида эканини ҳам кўрдим, пешонамдаги ёриқ жуда ваҳимали эмаслиги ҳам кўриниб турибди, қон кўпроқ оққан эди, холос, аммо оёғим қаттиқ лат еган бўлса керак, дўхтир шошиб қайси бир ярамга биринчи бўлиб малҳам кўйишга гаранг бўларди, ҳушимдан кетганимдан бўлса керак, дастлаб пешонамнинг ёрилган этини тишлагич асбоблар билан икки тарафга йириб қаради, тиниқ, спиртмикан — у билан ювиб тагин қаради, суяк ичкарига ўйиб кирмаганмикан, деб кўрди, шекилли, аммо қизиғи шундаки, мени бу ҳолатлар унча безовтаям қилмасди, энг оғир ярам оёғимда эканини билиб турардим — суягим синганиниям ҳис қилардим, бироқ буям мен учун аҳамиятсиз эди, тавба, нега аҳамиятсиз экан-а, деб кўярдим, қимир этмай ётган ўзимга қарадим: оппоқ, жудаям оппоқ, қонсиз эди юзим, ойнага қараганимга нисбатан чиройлироқ эдим, ўзимни билмас эканман-да, яланғоч гавдам

хунук кўринарди, холос, қандайдир бесўнақай, оғирлиги билан операция столини босиб турибди, ие, менманми ўзи мен, нега унда шифтда сузиб юрибман, бориб ўзимга ёрдам бермайманми, — авратимни ёпиб кўйгим келди, — кучим етмади, бориб ўзимнинг қўлимни қимирлатишим керак эди, ўша қўл билан ёнда ётган кўйлакни олишим, бутимни бекитишим керак эди, бироқ қўлимга кучим етмади, у ёққа қараш учун кўзимни очишим ва бошимни кўтаришим керак эди — бунгаям кучим етмади, қийналиб кетдим, нима бало, иккитаманми мен деган хаёл ҳам пайдо бўлди, бироқ мен фақат шу нарсалар ҳақида эмас, бирваракайига ҳамма нарса ҳақида ўйлардим ва айни пайтда лаззатланар ҳам эдим: бундай маишат асло йўқ, тополмайсиз, очқайдиган қорним, ейдиган оғзим, ўпадиган лабим пастда ётибди бари, уларга эҳтиёж ҳам йўқ, зил-замбилдай қилиб нима қиламан уни, бирам оғир кўринадики у гавда, тагин ароқ ҳам ичволган: сассиқ, йўқ, у мен-ку ахир, ёрдам беришим керак, — ўзимга ўзим шундоқ масъулият юкламоқчи бўламан, кучим етмайди, қандайдир ўхшаши йўқ бир бўшлиқ, бориб қўлимдан ушласам орасидан сингиб ўтиб кетаманми-ей, дўхтирларни ташвишлантирмай бирор марта нафас олиб кўяй дейман, — бу ҳам келмайди қўлимдан, уят бўлди-да деб кўяман авратимга қараб, ҳамширага айттай-чи, зора ёпиб кўйса, бор овозда қичқираман, гўё ҳамшира эшитгандек дока йиртиб буклади-да, бир суюқликка ҳўллаб, — ким билсин, буям спиртми, — ўша жойга ёпиштириб кўйди, дўхтир бўлса дам-бадам кўкрагимга темир асбоб кўяди, ташвишланади, унинг ҳаракати сусайиб қолди, ташқарига бир неча марта чиқиб келди, кимнидир чақирди, уларнинг овозлари, сўзлашишлари гўнғир-гўнғир бўлиб эшитиларди, яна бир ўрис дўхтир кирди, ўз тилида:

— Тамом, ўлибди, — деганини эшитдим.

Шундан сўнг ҳаракатлар тагин сусайди, ўзбек дўхтир қаттиқроқ ташвишланди.

Булар ҳаммаси мен учун аҳамият беришга сазовор ишлар бўлиб туюлмади.



Мўргдаги мурдашўйларни чақириб мени олиб кетишларини айтганда, бирдан дўхтирга эътибор бердим, ўлибман-да, деб ўйладим ва ўзим учун қайгургим, йиғлагим келди, бироқ бу шунчаки ўзим учун бир мажбурийят экан шекилли, хоҳламай қолдим, ахир хоҳласам ҳам қилолмаяпман-ку, туйқус онамни ўйладим, жуда қийин бўлди-ку унга, дедим, шу ҳолатим алланечук эди, бор кучим билан ўлмасликка тиришдим, назаримда онам ҳаммадан кўпроқ қайгурадигандек эди, шуни негадир ҳеч истамадим, ҳозирнинг ўзидаёқ уни кўргим келди, кўргим келган заҳоти кўрдим уни, ёнида синглимнинг ўғли сақич чайнаб томоша қиляпти, қиқирлаб куляпти, чорсисига тақилган туморни саждага бош қўйганда олиб ўйнаяпти, қаъдага турганда йиғлаб қоляпти, — шомни ўқиётир онам, — юзига, кўзларига қарадим, хавотир, алағдалик бор, хўрсиниб қўяётир негадир, намозни тугатиб узоқ дуо ўқиди, мени ҳам қўшиб дуо қилди, мартаба тилади, соғлик, хотиржамлик тилади, сўнг ўрнидан турмай ўйланиб ўтираверди: мени кеча туш кўрган эди, бағри ҳилвираб юрди кун бўйи, бир тилипон урсанг-чи, деб ҳеч қўймади укамни, укам акам ўзи яқинда келиб кетди-ку, деб эринди, боргиси келмади, айна пайтда онам баттар орзиқди, мендан хавотир олди, юраги тўлиб кетаверди, укамни ташқаридан чақириб олиб калхўзди идорасига бориб бир гаплашиб кел аканг билан, агар майиб бўлиб қолмасанг қил шу ишни, деди. Зарда билан тайинлади. Укам онамнинг кўзлари чўкиб қолганига эътибор берди: она ич-этини еётган эди. Бораман, бораман ҳозир, деди. Елкасига фуфайкасини илди-да, тўрт чақиримга пиёда кетди. Онамга жудаям ачиндим. Қайгурманг, мен яхшиман, дедим, оқи кўпайиб кўкиш сурат олган сочларини силадим, гўё бағримга босдим, бироқ тасаввуримдаги сингари эмасди, тушдан кўра ҳақиқат, ҳақиқатга қиёслаганда тағин бўлакча эди бариси, ўзим ҳам ҳайрон қолиб, қайғуриб йиғлаб ё кулиб, ниманидир қаттиқ хоҳлаб, интилиб турганим йўқ эди, ҳолатимдан қатъи назар, ахир бу онам-ку, мени деб безовта бўлаётир-ку, деган хавотир айна пайтда

мени тарк этиб-тарк этмай ётди, айна пайтда барчаси табиий, бўлиши мумкин ва, балки зарур ҳодисалар эди гуё. Ақл ўлчамларига тўғри келмас эди ва шу билан бирга ақллилардек ўйлар эдим ҳам: ахир, «бу онам-ку, онам-а» дея тергай олардим ўзимни, муштипаргина бўлиб, дарду дунёси, хавотири миясида минг айланиб ётган онамни ташлаб кетмаслигим лозимлигини андоқ ҳис қилиб, ақлим етиб турарди, лекин мен бу сергап дунёдан оғир, зил-замбил оёғимни узиб олган, эркин, шамолдай энгил бир нарса, балки руҳ эдим, тез кечган воқеалар, кузатиш, ҳис, ўйлар жараёнида «мен энди руҳ бўлсам кераг-а...» деган хаёл ҳам кечарди, ҳойна-ҳой руҳлар олами ҳақида унча-мунча ўқиганларим-да кўз ўнгимдан кечган чиқар, ҳаракат ва эришиш мен учун муаммо эмасди, ҳозирги аҳволим нотабиий туюл-маса-да, онам, хотиним, фарзандларимга чандон қайишиб, ёрдам бергим келгани, уларга фойдам тегма-ётгани ҳам у қадар алам қилмаётган, бу қандайдир қўшимча масъулият, мажбуриятдай бир ҳис эди, чамаси, бу масъулиятдан фориғ бўлгим келарди, бироқ бир аллақандай куч мени шу атрофда етаклаб юрганмикан, деб ўйладим, ҳартугул жуда узоқлашиб ҳам кетолмаётган, балки бунга хоҳиш йўқ эди, қизиғи, бирор жойим оғримас, қорним очқамас, қулоғим эшитар, кўзим кўрар, энг муҳими, зил-замбилдай гавдани кўтариб юриш, унинг нафсига, манфаатига хизмат қилишдан тамоман қутулган эдим. Ажабо, дердим ва сархуш бўлардим.

Менга тегишли бўлган гавда атрофида ҳамон ғивирлаб юрган дўхтирлар мен жисмимни ташлаб чиққанимга эндигина бутунлай иқрор бўлишган чоғи, ҳафсалалари пир бўлди, танада юрак урмас, қон айланмас, тобора совиб бораётганди. Юраги кўтаролмади, деб ўйлашди, яраларимни тикиб бўлишганди, бошқа нажот йўқ эди, бу ҳақда касалхона бош шифокорига ҳам ахборот беришди. Бош шифокор ҳам бош чайқади. Касалхонасидан ўлик чиқиши унгаям яхши эмас-да. Чамаси, улар гавдани ёришга қарор қилишди, аммо ўлик эгаларидан розилик олиш лозим, деди бош шифокор.

Менинг тепамда туриб жарроҳлик қилган ҳаким реанимация бўлими эшигига қапишиб турган Абдумаликни ичкарига чақириб олди.

— Оғир бўлинг, биз ҳаракат қилдик, бўлмади, — деди.

— Ўлдими? — деди Абдумалик.

— Акангиз эдими? — деди тагин дўхтир.

— Йўқ, жўрам, — деди Абдумалик. — Бўмапти-да барибир?

— Иложини қилолмадик. Юрак кетган шекилли.

— Пороги бор эди, — деди Абдумалик.

— Ростдан-а, шунақа экан-да, бундай касалларни турғазиб юборардик бўлмасам, — деди дўхтир ва бош чайқади. — Энди ўзингиз кўмак берасиз ювғичларга.

— Майли, — деди дарров Абдумалик.

Дўхтир ичкарига кириб кетди ва кўп ўтмай чиқди.

— Ичини ёрамиз, розимисиз?

— Ёриш керакми?

— Каттамиз шундай деяпти.

— Бўлмаса тезроқ ёриш керак-да.

— Ташқаридаги хотиними?

— Ҳа, хотини.

— Уям рози бўлармиқан?

— Сўраса рози бўлмайди-да.

— Сиз-чи, розимисиз?

— Керак бўлгандан кейин ёриш керак, — деди Абдумалик. Дўхтир унга ҳайрон бўлиб қараб қолди.

— Қариндоши эмас экансиз, хотинидан сўраймиз, ёзма равишда рози бўлса, ёрамиз.

— Хотини ҳали эшитгани йўқ, ўзини ташлаб юборади. Қоғозингиз бўлса ўзим ёзиб бериб қўл қўйдирардим.

Абдумалик бир кичик қоғозга хотинимнинг рози экани ҳақида тилхат ёзди.

— Мен ҳам ёзсам-чи? — деди Абдумалик.

— Хотини рози бўлмаса агар, сизнинг розилигингиз ўтмайди, — деди дўхтир.

Абдумалик ташқарига чиқди. Хотинимга қараб:

— Операция қилсак розимисизлар, деб сўраяпти, мен тилхат ёзиб бердим, сизам қўл қўйинг, — деди.

Хотиним аввалига ҳартугул дегандай енгил хўрсинди ва қоғозга ёзмоқчи бўлди шекилли, тайёр ёзувни кўриб, ўқий бошлади, Абдумалик ўқиманг, деб қўл чўзган эди, важоҳат билан юлқиб тортиб олдида, тагин ўқиди, тушунмагандай яна кўз олдига олиб борди.

— Ўлдим, қандоқ қиламан, — деб қоғозни ғижимлади, Абдумаликнинг юзига икки бўлиб отиб юборди.

Қиёмат қойим бўлди хотиним учун. Мен унинг тепасига келиб юпатишга ҳарчанд уриндим, бефойда бўлди — ўзини қўйиб юбориб, зинада ўтириб бўзлайверди, ҳар замон аянчли чинқирди, қалтиради, ўғлимни кучоқлади, ўғлим ҳам йиғлади.

Мендаги туйғу ғалати эди: барибир сармаст эдим. Аввалига қувурга ўхшаган жойга кириб қолдим, шамол учиргани янглиғ қувурдан ичкарига ихтиёрсиз шўнғидим, қоронғуликдан ёруққа — бир водийга ўхшаш жойга чиқиб қолдим. Менга халақит берадиган, қийнайдиган нарсанинг ўзи йўқ эди, барча қийинчилик, ташвиш, ғурбатлардан бутунлай фориг эдим: на кийим, на қорин, на пул, на мансаб, на йўл юриш ташвиши бор эди, гўё кийимимни ечган каби гавдамни ташлаб мусичанинг юмшоқ юнги сингари, йўқ, ундан ҳам енгил равишда учиб юрардим.

Кеч тушиб уйимизда қиёмат қўпиб ётганда, укам телефон қилиб ололмаган. Жиринглаган-у, хотинимнинг, қўшни аёлларнинг зўр йиғилари, шовқин-сурондан ҳеч ким эшитмаган чоғи, укам уйига телефон қилдим, ҳеч ким олмади, деб келди, онам бораман Тошканга, деб туриб олди. Кеч тушган, бефойда эди. Қишлоқда юриб турган машина бор-йўғи иккита, улар ҳам узоқ йўлга ярамайди. Укам ҳам бесаранжом бўлиб қолди, негаки, онам кўнглидан зил кетиб, неларнидир сезгандек, авзойидан менга бир гап бўлганини

биларди. «Ҳай, эрталаб жўнаймиз бўлмасам», деди укам. Онам ухламади. Саҳарлаб йўлга тушишди. Калхўз идорасига Тошкентдан сим қоқишганда, у ёқда ҳам ҳеч ким олмади. Азонлаб хабар етказиш учун шаҳардан ҳам одам йўлга тушди.

Икки хоналик кулбам азахонага айланди.

Тўрт ёшдан ошган ўғлим, ишдан келганимда чунон қийқириқ отиб кучоғимга талпинувчи икки яшар қизим ҳам дам у одамга, дам бу одамга термулиб ҳайрон бўлишар, ўғлим ойисининг ёш боладан ҳам баттар бўзлашидан ваҳимага тушиб йиғлаб юборарди. Чамаси у ҳам айрилиқ нима эканини энди англаб етаётгандай, дадасиз яшаш оғирлиги ҳақида бот-бот ўйлаётгандай, эҳтимол, кун бўйи бирга болалик ўйинқароқликларини бирга баҳам кўргувчи кўшни болалар олдида тортинаётгандай, уларнинг уйларида ҳеч ким йиғламаяпти, дадалари тирик, меники эса... дея руҳи тушаётгандай, тақдирнинг камситаётган буюк кучини ҳис этаётгандай чўнқайиб икки тиззасининг устига бошини қўйганча мунғаяр эди. Ўлим кўрган одам тез улғаяди, дейишади мўйсафидлар. Ўғлим, ҳали дарахтнинг япроғидек тез ўзгариб турувчи қалбига қисматнинг зил-замбил тоши аёвсиз текканидан безовталаётган, жим сабр қилишга ақли бардош бера олмай гоҳ йиғлар, гоҳ юпанар, қорни очса чувиллашиб йиғлаётган аёллар орасидан ўтиб ошхонадан нон олиб ея бошлар, бу ердан тезроқ ўртоқлари олдига кетиб, улар билан ҳар кунгидай, ҳеч нарса бўлмаган каби ўйинга берилгиси, копток орқасидан тинимсиз чопишни, ўйинчоқ автоматда тариллатиб ўртоқларини «отиб» завқланишни кўмсарди. Бироқ ўртоқларининг: «Жамшид, даданг ўлиб қопти-я!» — дея болаларча ҳамдардликларини ҳам эшитгиси келмай безилларди. У дадасининг кучига ишонарди, дадасидан каратэ, у-шунинг баъзи усулларини ўрганиб, яхшигина ўзлаштирганди, эрта-индин улгайгач, дадам мени Испанияга жаҳон чемпионатига олиб боради, у ердан чемпион бўлиб келаман, самолётдан тушаётганимда ойим, синглим

гул билан кутиб олади, деб ишонарди. Буларнинг ҳаммаси дадасининг ҳикоялари, уни қизиқтиришдан туғилган мурғак, аммо завқли тасаввурлар эди.

Ойиси, бувиси, яна аллакимлар, дадасининг шаҳардаги ҳамқишлоқлари, қўшни, нотаниш аёллар гоҳ изиллаб, гоҳ пиқ-пиқ йиғлашар, бувиси гоҳида инқиллаганча йиғлаёлмай қолар, орқага ўзини ташлаб юборарди, ўзининг ойиси бўлса анчагача унинг устига ўзини ташлаб дардини баҳам кўраётгандай букилиб, тўхтовсиз йиғларди. Бошқа аёллар тезда икковиниям турғазиб доғ сув ичиришга уннашарди.

Бола шўрлик бу манзара ниҳоятда аянчли эканини тушунар, ҳозир ҳаммаси ёлғонга чиқишини, дадаси, нариги уйда кўрпага буркаб қўйилган дадажониси, «мен тирикма-ан!» дея туриб келишини, яъни ҳазиллашган бўлиб чиқишини чунонам истарди. Ростданам ҳозир дадам йиғламанглар, мен ҳазиллашган эдим, деб туриб чиқиб қолса-я, деб қўмсарди. Бола шу тариқа ўз ўйига ўзи ишонгандай аста мен ётган хонанинг эшигини қиялатиб очди. Оғзидаги нонини ҳам чайнашдан тўхтаб бир алпозда тўзғиб ётган сочларимга эътибор берди, таралмаса хунук кўринаркан деб ўйлади, шекилли, чунки юзим, танам кўрпа билан ўраб қўйилганди. У ўзига кўринган нарсанигина тасаввур қиларди, тагин у дадамнинг бўйи бу қадар чўзилиб ҳам кетибди, деб қўйди, балки машинаси урилганда бўйи чўзилиб кетгандир, деб ҳам ўйлади. Лекин шу ётган гавданинг мурда эканига ишонгиси келмади, бориб гўё ухлаб ётган отасини уйготиб юборгиси келди.

Бу орада икки-уч хотин келиб уни суриб ичкарига киритиб юборишди, у тентираб йиқилаёзди, сўнг қараса уларнинг бири ўзининг бувиси экан, у ўғлининг юзини очди, бетига бетини қўйиб кўп изиллади. Айтиб-айтиб йиғлади, «султон эдинг, бек эдинг», деганларини бола эслаб қолди, «сен ўлганча онанг ўлса бўлмасмиди, болам-ей, бола-ам!» дея бўзлади. Бир хотин болани тортиб менинг юзимни кўрсатди, ярим

юмуқ кўзларимга, шилинган бурним, пешонамдаги қон изи, қорайган чап юзимни кўрган заҳоти у бирданига «дадам ўлган экан-да», деган хулосага келди ва бўкириб йиғлаб юборди, кўзларидан ёш тинмасдан оқди, ўзи энги билан артиб ҳам улгурмасди, уни бувиси бағрига олди, иккаласи бир-бирига маҳкам бағир босишди, анчадан кейин ҳам бола хомсиқиб-хомсиқиб йиғларди. Энди унинг умиди буткул узилганди.

Эркин ва озод учиб юрсам-да, бу ҳолат мени безовта қилар, шундоқ йиғлашларини сира истамасдим, кечқурун отам, амакиларим, Тумановулдаги опам ва саккизинчи синфда ўқиётган кичик сингилларим келишганда уйим даҳшат ва аянч қамалиб олган зиндонга айланди. Ҳатто ўзим ҳам безор бўлдим. Ҳўв ўша мени операция қилишаётган чоғдаги водий томонга учиб кетдим, парқув булутлар сингари суздим, бу шу қадар бир ошуфта ҳолат эдики, на бирор юкинг, на масъулиятинг, на жавобгарлигинг бор, биров сенга бундоқ қилиш шарт, дея зуғум ҳам ўтказмайди, на бировдан чўчийсан, на биров билан жанжаллашасан, хуллас, маза қилиб дам олаётганга ўшардим, яна ғалати бир манзаралар, тушунтириб бўлмас туйғулар бор эди, шеърлардаги каби эҳтиросларни от мингандай миниб юрармидим, ушлаб бўлмас севгининг толаларига тирмашиб юрармидим, хуллас, шунга ўшаш, йўқ, ҳеч нарсага қиёс этиб бўлмайдиган ҳолат эди, на қорнинг очқайди, на зориқасан, на орзиқасан, на жаҳлинг чиқади, агар шу жойда сиз ҳам бўлатуриб мени кузата олсангиз эди, ҳавасу ҳасаддан юрагингиз пақ этиб ёрилиб кетарди.

Эҳ, шу сафоли кайфият тугамаса эди. Бироқ қандайдир шамолгами, ҳавогами ўхшаган бир қатлам ёхуд мувозанатни бузиб турувчи бир камалак мисол, — шундоқ десам ҳар нечук тасаввур ҳосил бўлар сизда, — бир чегара борга ўшар, гўё у мени таъқиб этаётгандай бўлаверарди.

Боя онам менинг юзимни очганда, йиғи-сиғилар чунонам авжига чиққанда, ўғлим ўпкаси тўлиб йиғлай-йиғлай чарчаб қолганида, отамнинг, синглим, опам, хотинимнинг, укамнинг бўзлашларини кузата-

ётганимда, қандайдир зил-замбил бир куч, бояги куч мени ачинишга мажбур этди, ўзимга ҳам, қавму қариндошларимга ҳам ичим ачиди, шу кулфату қазо учун мен жавобгарман-у, лекин дахлим йўқ кишидай саҳролардами-ей, водийми, ҳавода ўз кўнглимни чоғ этиб вақтихушликда кун ўтказяпман. Ўша танага кириб олиб одамларни юпатгин деганга ўхшаш бир уҳдаш бор эди ўша кучда.

Туйқусдан берилган бу хўрлик мен қизганишим лозим бўлган ягона бойлик эди, ундан айрилсам ҳамма нарсадан айриламан — шуни ҳис этардим. Шу боис сира хоҳламадим, қуюндан қочган капалак сингари бошқа ёққа учдим, суздим, оқдим, ва ҳоказо, ўзингиз тушунинг-да энди бу ёғини. Хуллас, қутулдим, қутулиб яхши қилдим.

Чошгоҳга чиқаришар бўлди мени. Аввал уйдагилар қишлоққа опкетамиз дейишди, кейин бу учун ўзлари қийналишлари, хотиним ва болаларимни ҳам кўчириб кетишсагина бу иш тўғри бўлишини ўйлаб шу ерга кўйишга иқрор бўлишди.

Ишхонамдагилар, директорнинг ўзи ҳам келди. Маросим кичкина бўлмади. Абдумалик уларга югурдаклик қилгиси келди. Қайта-қайта келганликларидан хурсанд эканини уқтирди. Қизиқ, институтимизнинг директори менинг ўлимимни тан олиб, ҳамдардлик билдириш учун келгани ҳам Абдумалик учун катта сийловдай эди. Ўлганимда келмасаям нима қилардинг, дея ўйлайди у, бу одамлар учун ўлиш (ёки бировни қурбонлик қилиб юбориш) ҳам шараф. Агар, мабодо палакат босиб мен ўлмай қолган бўлсам, Абдумалик директорнинг ҳурмати учун бўғзимга пичоқ тортиб юбориб қайтадан ўлдириб юбориш шаштиям бор. Шундай одамнинг ҳурматини билмадинг, тинчгина ўлиб ётсанг ўлармидинг, дерди у пичоқни жаҳл ила торта туриб.

Директоримиз ҳам ажаб инсон-да. Шунинг учун яхши кўради Абдумаликни. Ўлмай юрганам учун ёмон кўрарди мени. Мана, ўлганим — унинг хоҳиш-ирода-



сини амалга оширгани учун бор экансан-ку, огайни, аввалдан шунақа қилсанг, ўлишингга ҳам ҳожат йўқ эди... деб кепти.

Дарвоқе, Абдумалик нима юмушлар билан банд бўлганига эътибор бермабман. Директор қандоқ одам эканини аксарият билиб қолдимку-я, Абдумаликнинг қандай инсонлигини тўлиқ тушуниш учун фоний дунёни тарк этишга тўғри келди. Мана энди аниқ билдим.

Раҳмат сенга, дўстим Абдумалик!

Бироқ, тан олиш керак, мени «жойлаб келиш» юмушига Абдумалик катта ҳисса қўшди. Қишлоқда бўлсаку, ўлганингни бирор ташкилотга бориб, чиндан ҳам ўлди, дея тасдиқлатиб, сўнгра кўмишга рухсат олишингга ҳожат йўқ. Ҳамма кўриб турибди: ўлди, энди кўмиш керак, вассалом. Ва қабр қазиш учун ҳам фалон сўмга келишиб ё тортишиб ўтирмайдилар, талаб қилгани савоб, жуда нари борса, кунлардан бир кун, гали келганда фалончининг жойини ўзим қазигандим, бошқаларникидан катта, икки уйлик, тик турса боши тегмайдиган қилувдим, туриб руҳлар билан нонушта қилсин деб егулик, ичишга, таҳоратига сув ҳам опкириб берганман, жойинг беҳишт бўлгур, гўринг нурга тўлгур ишқилиб, ер бориб айтмасин, миннат қилди деб ўпкаламасин, дея кетаверишади.

Бизнинг қариндошлар шаҳарда яшамаган, расм-қоидаларнинг югур-югурдан иборат эканини тушунмайди, шу боис Абдумалик ўлигимга яради. Эҳтимол, барча ундан миннатдор бўлди, пачоқ бўлиб кетган «Запорож»имни ҳам у ё милисахонага, ё устахонага ташлаб келди, у машина энди қайтиб машина бўлма-са керак, деб афсус чекди.

Шоир айтганидек, «Ўлган ўлди-кетди». Бунга кўникмай илож йўқ. Энди олдидан берсин. Қолганлар омон бўлсин. Бироқ болалари ёш, хотиниям ёш бева бўлиб қолди. Бирорта раҳмдил қарамоғига олар. Хоҳламаса, ким билсин, ёш нарса... Ҳали куйикнинг иси кетгани йўқ, Худо йўл кўрсатар.

Институтимиз шаҳарнинг бир чеккасида, архив ишлари билан шуғулланадиган илм даргоҳи. Архивнинг ўзи ҳам шу институтга қарайди. Бир яҳудий киши архивга бошлиқ бўлгач, уни институтдан ажратиб олиб мустақил иш юритган. Аммо бизнинг ҳозирги директоримизнинг қўли узун, узатган жойига етади, етмаса, бошқа чоралар кўради. Ҳолбуки, у тепада, жуда йирик лавозимда ишларди, нимадир бўлдию у ишдан кетди, уни аламзада бўлмасин, дея институтга директор қилиб қўйишибди, бироқ у архивниям бизга қўшиб берасизлар, деб роса оёқ тираб туриб олгандан кейин марказда махсус қарор ишлаб чиқилган экан, архивнинг хўжайини эса бунинг ҳидини билиб, қарор чиқмасдан бурун унинг асоссиз эканини, бундай ҳолда архив ҳужжатлари талон-торож бўлиб кетаверишини исботлаб, қарор чиқиб кетишининг олдини олган, директоримиз ҳам боя айтилганидек, ушлаган жойини қўйиб юборадиганлардан эмас, икки ярим йил сурункасига тортишиб юрди. Узлуксиз бизнинг номимиздан тепага, ҳар бир раҳбарнинг номига ариза ёздираверди. Раҳбарлар келганида эса, архив бизда бўлмаса сира ишлаб бўлмаслигини, ҳозир кечаги ва бугунги тарихимизни холис яратиш сиёсатини амалга оширишимизга архивнинг алоҳида ажралиб чиқиб кетгани қаттиқ тўсқинлик қилаётганини қаттиқ туриб «далиллашга» ҳаракат қилардик.

Ҳолбуки, гапнинг очиги, бусиз ҳам доим архив эшиклари биз учун очиқ эди, институтдан келди, дейишса, биз ҳеч сарсон бўлмасдик. Бояги архив бошлиғи Бениамин Самсонович деган киши шахсан аралашиб, керакли ҳужжат ва материалларни топтириб берарди. Айтишларича, у жуда тажрибали, жуда билимдон киши эди, ҳақиқатан ҳам илмий салоҳияти кенглигига ўзим иқрор бўлганман. Масалан, мен илмий ишимга керакли бўлган материалларни топишда ёрдам беришини сўраб ҳузурига кирганимда, у киши иш режам билан қизиққан, уни кўриб ишимнинг бошқа эътибор берилмаган жиҳатларини тушунтира кетган, мен тасаввур қилмаган материалларни тавсия этган,

шундан сўнг иш режам деярли бутунлай ўзгариб кетганди.

Уни бир маҳаллар Америкада совет жосуси бўлиб хизмат қилган дейишади. Мен қойил қолганим — бу ерда иш интизомининг юксаклиги ва раҳбарнинг чин зиёли олим, муомаласидан «қорин тўядиган» одам эканлигида эди. Менга бу одам нафақат фан жонкуяри, балки ҳар бир шахс тарихидан хабардор киши бўлиб туюлганди ва бир меҳр, ихлос уйғонганди. У Шерали Ваққосович билан икки йил бадалида арқон тортишиб юрди, ниҳоят, тан берди, қийналиб кетди шекилли. Пенсияга ҳам чиқмади, оддий ходим бўлиб юраверди. Менинг илмий ишим йигирманчи аср бошларида ўзбек халқининг руҳий аҳволини тадқиқ этиш билан боғлиқ тарихга оид бир нарса эди. Ўзимнинг институтда ўқитган домлам гарчанд билими, савияси баланд, одамгарчилиги ҳам қойилмақом бўлса-да, фикрлари кўпинча кечаги кун билан боғлиқ, бугун ҳам кечагидай шароит бўлишини ич-ичидан истайдиган, шунинг натижасида бўлса керак, шогирдлари ҳам худди ўзи сингари домлаларнинг эшигини бўйлаб елиб-югуришини, роса таъзирини еб, сўнг бирор илмий даражага эришишини хоҳларди. Авваллари домланинг деганларига оғишмай амал қилдим, Бениамин Самсонович билан учрашиб, танишгач эса кўп нарсаларни асли ҳолича ўрганишга мушарраф бўлдим, фикрларим ўзгарди. Самсонович нуқтаи назарни тўғри англаб, шунга яраша йўналиш бера бошлади ва оз муддатда кўп нарса тўпладим, энди уларни саралаб, режага қараб қоғозга туширишгина қолди, сўнг, қараб-сизки, иш тамом-вассалом.

Мен домламдан воз кечмоқчи эмасдим, ҳар ҳолда ишга раҳбар, ўзи охиригача ҳимоя қилади, бироқ архивга яқинлашганимдан сўнг аввалги ўзим берган ишим қайтадан кўзимга чўғ-оловдай кўринаверди, энди мен ишга доир материалларнинг таъриф-тавсифи, Маркс, Энгельс, Лениндан келтирилаверган, ҳар қадамда гуручдаги тошдек тишга қадалаверувчи кўчирмаларини эмас, ўша даврнинг ҳақиқий ҳаётини, халқнинг турфа табақадаги вакилларининг кайфияти, маишати ва

зор-нолон юришларини кўзим билан кўриб, қулогим билан эшитгандек бўлдим.

Мен режани ўзгартиравергач, кутилмаган янги нар-салар топиб келаверишим, турган гапки, домламнинг гашини келтираверарди. Ёмон кўриб қолмасмикан, деган хавотирда унга хушомад қилардим. Барибир у кимдир менга оқил бўлганини сезиб турарди, ҳайтовур шу ҳам сабаб бўлдими, иш ҳадеганда юришиб кетавермади.

Бениамин Самсонович ўзининг ҳар балога ақли, илми етишини яширар, содда кўрсатарди ўзини, мен ҳам бундан илҳомланиб, тўғрироги, ўзимга яқин олиб «Самсонич» деб мурожаат қилишга ўтдим. Бу унга оғир ботмади.

Кунлар келдики, Самсонич билан дўстона муносабатимиз ҳам менинг бошимга битган бало бўлди.

Бу бир ғалати ишхона эди. Олимлар ҳам, олимдан кўпроқ турли одамларнинг ҳам қадами сира узилмасди. Кейинчалик ходимлардан билиб қолдимки, бу кўчакўйдан келган одамлар кўпинча ўзларининг қариндоштукқанлари ҳақида маълумот опкетишаркан, баъзан эса ўтмишда аждодларига тааллуқли салбий маълумотларни йўққа чиқаришни, жуда бўлмаса сўралганда ёлғон маълумот беришни илтимос қилишаркан. Бир куни бу ҳақда Самсоничдан қизиқиб сўрадим. У ҳар бир маълумот даражасига қараб пул туришини, баъзилари фалон минг долларгача сотилишини очиқ айтди. Ҳайрон бўлдим, ихлосим қайтди домладан. Бу ишнинг бошида турган икки киши бор, Шерали Ваққосовичнинг мияси, аввал менинг муовиним эди, ўша, тагин бир холаваччаси — махфий ҳужжатлар бўлимининг бошлиғи. Улар Ваққосовичга ҳаддан ортиқ кўп суянишади.

Ҳолбуки, асл нусхани йўқотдик, деб хурсанд бўлишлари беҳуда. У ким томонидан қаерга берилгани ҳақида тегишли одамлар хабардор бўлиб туришади ва асл нусха ҳужжатлар ҳам бу ерда эмас, бошқа жойда. Бу ерда эскириб, тўзиб кетган, холос. Улар бўлса асл нусхани йўқотганидан хурсанд, шаталоқ отишгани-

отишган. «Мерседес»ини миниб бошқаларнинг аламини қўзитиб юришади. Мабодо менинг ҳам бирор марта шундоқ номаъқулчилик қилганимни кўришганида-чи, нақ жаҳаннам ўтига тиқиб юборишарди ўша заҳоти. Чунки Шерали Ваққосович дегани ёмон кўрган одамидан ҳар лаҳза ўч олишни пойлайдиган курашгир одам. Ҳеч гайратини аямайди бу йўлда. Идорада менинг дўстим киму душманим ким — бу ҳаммага аён, бўлмаса у одам бир кун соғ қўймас эди, қўлга туширишга дастак тополмайди, холос. Жуда бўлмаса ноинсоний йўллар билан ўч олишгаям қурби етади. Аломат раҳбар-да бу. Лекин, ўлай агар, шу одамда заррача олимлик фазилагини кўрмаганман. Бу институтда тарихни биладиган одам раҳбар бўлиши керак, чамаси, унинг ўзи шу ерни сўраган. Сиртдан қараганда жуда тинч, аммо жиноятнинг ҳаммаси шу ерда.

Домла нега бу гапларни сир тутмай очиқ-ошкор айтганига таажжубландим. Ўзим ҳам шунга ўхшаган гапларни сиртдан билар эдим, — барибир миш-миш кўпку, тўхтатолмайсан, — аёллардан кўпроқ гап чиқади. Улар Ваққосович билан илгари фалон институтда бирга ишлаган ёхуд бирга ишлагани билан қўшни, фалон синглисидан билан борди-келдиси борлиги билан мақтанишади. Иложи бўлса тўшак воқеаларидан ҳам хабардору унияям ҳеч ким эшитмасин дея беш-олти сирдошига бу сирни фақат ўзи билганини билдириш, яъни оддий ожизона мақтанчоқлик юзасидан айтиб беришади. Аммо минбаъд ҳеч кимсага гулламасликни тайинлайди-ю, бу борада даставвал ўзи хол қўяди...

Бироқ Ваққосовичнинг котибаси бу миш-мишлардан зинҳор йироқ бўлса керак, деб тахмин қиламан. Ҳеч вақт унинг иш юзасидан бирор ортиқча сўз ҳам айтганини кўрмаганман. Ўзи қўлдан ясалган қўғирчоқдек, томоша қилса қилгудек, ҳали турмушга чиқмаган бўлса-да, катталардан ақли бутун. Бўйчан. Худо билади, хўжайиндан ҳам чандон новчароқ. Кўзларида чуқур бир сир яширин. Бу сир, аминманки, ҳеч кимсага ошкор бўлмаса керак. Биз йигитлар ҳар нарсани тахмин қилаверамиз. Оғзимизга кучимиз етмай, Ваққо-

сович билан боғлиқ ишратлар ҳақида ҳам валақлашган-миз. Бу қиз гарчанд хўжайин билан хуш кайфиятда ўрисча гаплашса-да, ўзбекчани ҳам дона-дона қилиб шундоқ талаффуз этардики, зора шу йўсин бир оз сўзлаб турса дер эдингиз. Уни таърифлаганда китобдаги гўзаллар янглиғ тавсиф ишлатиб бўлмаса керак, ҳозирги оврупача модада олти кунда олти хил товланиб кийнади, гоҳ бир ёғи қийиқ кесилиб тушган кўйлак ёки юбка, гоҳ икки ёғи очилган либос, — ҳамма қизлар янглиғ оёқ ва почаларини бирров кўрсатиб қўйиш учундир, — сочини гоҳ ташлаб, гоҳ тикка қилиб, гоҳ ўриб юрадики, ҳеч маҳал шу ўзига ярашмабди-да, деб айтишга тилинг бормайди. Ўзи соф ўзбек эмас, дурагай бўлса эҳтимол. Аммо атлас кўйлак кийиб, сочларини ўриб ташласа ҳар қандай ўзбек қизнинг рашкини кўзитар даражада тагин очилиб кетарди.

Оппоқ ҳам эмас, лекин буғдой рангдан оқроқ, баъзилар шоколад рангига ўхшатишади.

Мен уни ифбатли ва маданиятли деб ҳисоблаган бўлардим. Бироқ тагин сирли бир гўзалликлари бор эдики, уни чизиб бериш, ҳайҳот, қўлимиздан келмас. Бир нарса аниқ-равшанки, тенгсиз жозибали у. Бу жозиба ҳар маҳал, ҳар қандай эркакнинг жунбушини кўзитмай қолмайди.

Абдумалик ўзи мени қора тортиб ишга келган бўлса-да, кўп ўтмай котиба қиз — Сабина билан тил топиша кетди. Аввалига мен уни койидим, катта нима деб ўйлайди, оёғингдан осиб қўймасин тагин ва ҳоказо деб. Бироқ у менинг гапларимга эътибор бермади, ўз билганидан қолмай, тирғалгандан тирғалаверди қизга. Балки Сабинаси қурмагур келиб-келиб шу пачоқ ошнамга дил ёрадиган яқин бўлиб қолгани гашимни кўзитгандир, ким билсин, ўзим эпполмаган бўлсам-да, рашкимни келтирган чиқар. Бу унчалик аҳамиятли эмас, муҳими, Абдумалик котиба орқали директорга йўл топди. Ҳайтовур бирданига ишлари ўнглашиб, диссертацияси ҳам дарров тайёр бўлақолди. Ва дарров ҳимояга ҳам ҳозирлик кўра бошлади.

Майли, қандини урсин, бундан хафаям, хурсанд ҳам бўлмайман. Хафа бўлмаслигимнинг сабаби — у дўстим ҳам қариндошлигимизам бор. Хурсанд бўлмаслигимнинг сабаби — бунақа тез эришилаётган илмий даража нимага ҳам татийди, деб ўйлайман, фан номзоди бўлиш билан фан номзодлигига эришиш орасида кўп фарқ бор, ахир.

Жуда бўлмаганда бу жараёнда ўнлаб, юзлаб китоблару материалларни титкилайсан, ўқиш, титкилаш асноси нималардир миянгга қаттиқ ўрнашади, умринг беҳуда кетмайди ҳарҳолда. У бўлса, келдию шартта Ўзбекистон-Қозоғистон иқтисодий муносабатларига доир янгигина мавзунини олиб, тез кунда юмалоқ ёстиқ қилиб ташлади. Иккита илмий мақола ҳам чиқарди. Институтимизга янги директор келгач, пуллик ўқув курслари ташкил этилди, тушган пуллар ҳисобига уч ойда бир марта «Мозий нафаси» номли илмий-оммабоп журнал ҳам чиқа бошлади. Бош муҳаррир директорнинг ўзи. Ҳар сониди институтимиздан икки-уч олимнинг мақоласи узук-юлуқ бўлиб чоп этилади, қолгани чет муаллифларнинг, улар ичида юристлар, шифокорлар, лавозимли кишилар бор эди, илмга тегишли бўлган ва бўлмаган мақолалари пала-партиш босилаверарди. Аммо журнал қалин, ялтироқ, рангли муқовада, чиройли эди. Мен ҳам тўмтоққина қилиб ўн тўрт саҳифалик мақоламнинг икки саҳифасини чиқаролдим, холос. Ўзимга ёққан жойи чиққан-у, бироқ у барибир далил билан асосланмаган. Шунгаям шукур қилдим. Акс ҳолда тобора ёмонлашиб бораётган бу муҳитда шунгаям эришиб бўлмасди балки.

Соат беш дегунча худди бирданига кўрсатма бўлгани сингари ходимлар дувва қайтмоққа шошади. Азбаройи ички тартиб қаттиқ ўрнатилганидан ҳеч ким ақалли бир дақиқа бўлсин, аввал дарвозага яқинлашишга журъат этолмайди.

Абдумалик билан одатдагидай бирга чиқамиз, у кутиб тур, дея янги танишию эски танишлари билан узоқ хайрлашади. Сўнг уни «Запорож»имга ўтқазиб Чилонзордаги оилавий ётоқхонасига ташлайман. Менга

бутунлай тескари йўл. Сўнг қайтиб Қорақамишга келаман. Уйга туш, деб кўп зўрлайди у. Уйига киравераман-у, шу хотинидан юрагим безор. Доим қовоқ-тумшугига беш кило тош осилгандай бир алпозда юради, гап-сўзлариям зардалими-ей, кўзлари нуқул одамни тафтиш қилади, ўтирганингда кўзи қадалган жойларинг огриётгандай бўлаверасан киши. Тезроқ туриб кетгинг келади.

Абдумаликнинг хотин масаласида менда тиши бор. Биламан буни. Лекин бунда менинг айбим йўқ.

Яхшигулга мендан аввал у икки марта совчи қўйган. Биринчи гал ота-оналари хушламаган. Абдумаликнинг онаси қўярда-қўймай туриб олавергач бир-бири билан кўришсин, фарзандлар ўзлари ҳал қилади бўлмасам дейишган.

Ёшлар учрашганларида Яхшигул Абдумаликни жиндай кулмиш қилган. Улар жуда яқин қариндош бўлмаса ҳам оталари қалин дўст эдилар. Яхшигул Абдумаликларникига, Абдумалик Яхшигулларникига болаликда бориб-келиб юришган. Дўстларнинг фарзандлари бўлгани билан ака-сингил ҳукмида бўлганлар. Ўша учрашувда Яхшигул: — Сиз менданам майдасиз-ку,— деб кулган. Яхшигул буни тўғри маънода, мендан бўйингиз паст, мен уяламан, деган маънода айтган эдим дейди. Абдумаликнинг хафа бўлишига шу гап ҳам етарли эди, бироқ у мени ҳам пакана, ҳам майда феълли одам дея ҳақорат қилди, деб тушунган.

Оталари шундан кейин тамом тескари бўлиб кетишган. Қишлоғимизда шаҳарда ўқиб олий маълумот олган йигитлар учун совчиларнинг қуруқ қайтиб келиши ор саналади. Кечириб бўлмайдиган ҳодиса сифатида қабул қилишади.

Мен азалдан тарихга, Абдумалик дўхтирликка қизиқардик. Лекин негадир ҳужжатларини мен билан бирга тарих факультетига топширган. У йиқилди, мен кирдим. Кейин у армияга кетди, қайтиб келиб яна кўрди, кириб кетди. У киргандан бир йил ўтиб мен ўқишни тугатдим у тўғри Тошкентга отландим. Бир муддат Ленин музейида, кейин пединститутда, бир оз ўтиб уни-



верситетда ишладим, кейин бошим айланиб архив институтига ўтдим.

Музейда ишлаб юрганимда уй олдим. Нимагадир тез навбат келиб қолган. Ўзим ҳам билмайман, ошкоралик даврининг тўфонларида бир омадим чопиб қолди, шекилли.

Абдумаликнинг Самарқандда уч хонали уйи бор. У институтни тугатгач Самарқандда қолиб ишлади. Учиб-қўниб кўп жойда ишлади. Бир эшитганимда экстра-сенс бўлиб одамларни даволаётганини билдим. Бунга ҳайрон бўлмаганман. Чунки ўша маҳаллар кароматгўй, учар тарелка тўхтатиб «пассажирлар» билан музокара олиб борувчилар, фолбин, сеҳргар, мундай, даражаси пастроклари сеҳр билан масофадан туриб даволар эди.

Чамаси бу Кашпировскийдан ўтган юкумли касаллик эди. Абдумалик ҳам бу касалликка чалинганига унча ажабланмаганман. Ундаги мослашувчанлик қобилиятини билардим. Экстрасенсликни эгаллаш ҳам у учун оғир юмуш бўлмаган. Тўғри қилгандир балки. Айтишардики, шунинг орқасидан уйлик бўлди деб.

Яхшигулнинг онаси бир гал қишлоққа келганида онам Яхшигулдан оғиз очиб роса уни мақтаган, ҳайтовур мана бизнинг болаям эр етиб турибди, дегандай гўё оғиз солиб кўрган. Ўқишга энди кирди, ўргилай, берсак сизнинг болангиздай бир мўминқобилига берамиз-да, дегандай юшоқ дилдорлик ҳадя этган онаси. Онам терисига сигмай ҳамма жойда айтиб юрган буни. Бироқ айнан шу воқеадан кейин Абдумаликнинг уйидагилар ҳаракатга тушиб қолишди. Оқибати эса хунук тугади. Ҳолбуки, ўлай агар, ўша кезлар Яхшигулни кўрганимда танимас эдим. Сал қолди шу тўфайли Абдумалик билан ҳам орага совуқчилик тушишига.

Мен охириги курсдалигимда у билан каталакдек бир квартирада ижарада турардик. Бир куни у негадир мени курашга чорлаб қолди. Армияда курашга қатнашган экан шекилли, роса тентиратди мени. Новчалигим фойда бердим, тош кўтариб машқ қилиб туришим-

ми, ишқилиб бўй бермадим, уни у бурчакдан- бу бурчакка силтаб ташлайвердим. Бир маҳал у сонимдан чунонам қаттиқ тишладики, нақ узиб олай деди. Жаҳлим чиқиб бетига шапалоқлайвердим. У сонимни қўйиб қўлимга ёпишди, энди бош бармоғимни тишлади, қаттиқ тишлади. Кўкариб кетди. Жуда жаҳлим чиқди. Башарасига бир мушт туширмоқчи бўлиб хезландим. Қарасам, кўзлари филтиллаб ёшланиб турибди. Ҳовримдан тушдим. Кап-катга йигит курашдан йиғласа-я, деб юмшадим. Негадир ёш болага ачингандай ачиндим.

Бироқ сонимдаги тиш излари ит ғажиган каби қон-талаш бўлиб кетибди. Кейинчалик ҳам ўша жой қопқора из бўлиб қолди.

Кунларнинг бирида онам айтиб қолди: Яхшигулнинг алами бу. Абдумаликдан четроқ юрсанг бўларди.

Мең говбош сира парво қилмаган эканман. Ҳали Яхшигул сени рад этдию менга тегиб қўяқолдими, ол-а. Қанақа ичиқора одамсан?! Дунёда қизнинг тухуми қуриб кетувдимики, қутурган итдай ташланасан одамга.

Аmmo у кейин менга бунақа ташланмади. Алами борлигини билиб мен ҳам бу борада оғиз очмадим. Ҳазил ҳам қилмадим.

Бунга ўн бир ё ўн икки йил бўлди. Яхшигул билан тақдиримизни Оллоҳ қўшган экан, мана, ўн йилдан бери иттифоқ бўлиб яшаяпмиз, неки турмушнинг аччиқ-чучугини бирга баҳам кўряпмиз. Нолимайман. Бировдан илгари, бировдан кейин. Шукур қиламиз. Баъзан менинг инжиқлигим, унинг бир оз лоқайдлиги боис сен-менга ҳам бориб қоламиз, бироқ у бу ҳақда ақалли энг яқин туғишганларигаям чурқ этмайди, уйдаги гап уйда қолади, зинҳор кўчага чиқмайди. Шундай кезлар унга беҳад меҳрим товланади. Нимадир олиб бериб қўнглини олиб қўймоқ тараддудида бўламан. У шуни ҳам хоҳламайди. Ишингизни тугатиб олинг, одамлар олдида юзингиз ёруғ бўлсин ёки ундан кўра болларга уни-бунни олиб берайлик, дейди. Ўзининг кийим-кечагидан нолимайди, қиш кезлари қўшни аёлларнинг ғарчиллаган чарм плашларда, хотиним эса,

тўйдан сал кейинроқ олиб берганим — ранги унниқиб қолган эски модадаги, оддийроқ матодан тикилган плашда юрса, ўнғайсизланаман.

Ҳартугул аёл киши — аёл-да, бировлардан кам бўлишни хоҳламайди. Шунинг баробарида менинг қўлимга қараб турганини ҳисобга олган ҳолда, эртага ҳаммаси яхши бўлишига умид қилиб бир нарса демайди. Азбаройи тили қисиклик қилаётганидан мен ўзим ҳам гоҳида ўртаниб кетаман.

Бироқ, мен ҳам ишонаман, эртага яхши бўлади, яъни бировдан кам жойимиз бўлмайди. Худога шукр, бировлар тирноққа зор, бировларнинг ватаним деб оёқ узатадиган уй-жойи йўқ. Бизда эса ҳаммаси бор. Худо берган ўғил, қиз, уй, пачоқроқ бўлса-да, машинаям бор. Нолишга ҳаддимиз сифмайди.

Дўстларим, улфатларим, таниш-билишларим кўп. Улар билан баъзи нарсаларда олди-берди қилиб турамиз. Бир мўлжалларимиз бор, агар амалга ошса го-йибдан бойигандек бойиб қоламиз. Ўғлим Жамшиднинг суннат тўйини ҳам ўша яхши кунлар келиши биланоқ бадабанг ўтказиб юборамиз. Барибир диссертациямни ҳали-бери ниҳоясига етказиб, ҳимоя қилолмайдиганга ўхшайман.

Режа бўйича ёзиб тугатиб домлага маъқуллаб, оппонент топ, тақриз ёздир, мақола, брошюра чиқар, илмий кенгашга қўй, кенгаш аъзоларининг кўнглини топ, эҳ-ҳе, бари бошоғриқ. Мабодо кенгаш аъзолари ичида домланинг ғаразгўйлари чиқиб қолса, тагин урди Худо. Тирноқ тагидан кир топиб расво қилади.

Ўзи абжир эмасман-да. Ҳар нарсани йўл-йўриғи билан уйдalasа бўлади. Бу борада Абдумаликка ҳавас қиламан. У менинг домлам профессор Бешимовни ҳам қўлга олди. Илмий ишида оппонент бўладиган бўпти. Боз устига домлам директоримиз билан яхши муносабатда экан. Домламиз Москвада докторликни ёқлаётган чоғда директоримиз номзодликни ҳимоя этган, ўша пайтлар бир муддат мучали тўғри келиб, кейин ҳам узилишиб кетмаган экан.

Бир-икки марта директор қабулхонасида кўрдим домламини. Домлам ўзи камсуқум, айтиш керакки, хокисор, айна пайтда жуда гапга чечан одам. Қариликми ё ҳамма домлага теккан касалликми, менинг Самсонич билан яқинлашганимни у кўтаролмади, юрагига жуда оғир олди. Гаплашгиси келмай қўйди. Йўли тушиб келиб қолса ҳам тўғри биз ўтирган хонанинг эшигини тортиб очарди-да:

— Мавлонога саломларимиз бўлсин! — дерди. Хонада тўрт киши бўлсак, тўртталамиз ҳам учиб туриб домланинг қўлини олардик.

На бўлғай, шу ҳавас қиларлик, ота-боладек меҳрли муносабатимизга путур етди.

Бу, аввало, мен учун ёмон зарба бўлди, ишим қандоқ юришишини билмай қолдим. Ҳолбуки, агар энди ишимни ҳимоя қилсам, нақд катта воқеа бўлгулик эди. Каттакон хонамизда баъзилар эрталабдан то кечгача папирос бурқситганча шахмат суриш билан кун ўтказишарди. Мен эса тўпланган материалларимни саранжом қилолмай овора бўлардим. «Ишни уйда ёзадиларда, мулло», — дерди ҳар доим пичинг билан бухорolik Соат ака. Уйда ёзиш учун эса вақт керак. Мен кечаси фақат ўқийман, негадир шунақаман. Эрталаб эса худди заводга кечикаётган ишчидай шошиб чиқамиз. Кечга довур газета ўқиб, сигарета чекиб, ғийбатлашиб вақт ўтказамиз. Бунақа интизом олим бўламан деганига ҳечам ёқмаса керагов.

\* \* \*

Кичик айвонли, икки хона, икковигаям бир даҳлиз орқали ўтилади, сирти деярли ёғоч билан қопланган, бўёқларининг ранги ўчиб оқиш яшил-хира бир тусга кирган уй. Уйдан беш-олти одим нарида тагин бир айвон, тўғрироғи, бостирма десак бўлади. Атрофи томга ёпиладиган қора тўл, айрим жойлари қалин салофан билан қопланган. Устунларга михланган тўл ва салофаннинг айрим жойлари шамол ҳамда тўзон таъсирида бўлса керак, йиртилиб тушган, мезон шамолидан елпиниб турибди. Айвон ичкарасида қуруқ

ўтин, тезак ва саксовул шохлари бетартиб уйиб ташланган. Айвон устига ҳам тўл тўшалган, баъзи ерларига бир қулочлик тунукалар ётқизирилиб, устига тош ташлаб қўйилган. Айвондан икки-уч одим нарида ўнгир қазилган, унда тарвуз пўчоқлари, узум, суяк ва ёғ аралаш овқат қолдиқлари, доғ бўлиб ётган қоғоз парчалари ташланган, ари ва чивинлар уймалашиб ётибди.

Гарчанд сахро ўртасида жойлашган бу манзил куннинг тиғида куйиб, жизганак бўлиб ётса-да, термулиб турсанг нақ зимистоннинг ўзи.

Биз сахро бўйлаб елдек учиб келган «Жип»дан бошқа тагин қандай машина ҳам бу ерларга келиши мумкин. Бироқ менинг кайфиятим чоғ эди. Чунки тўрт томоним энди қибла. Аллақачон ўлиб-йитиб кетган одам учун бу манзилдан кўра хузур-ҳаловатлироқ, саранжомроқ, беташвишроқ жой йўқ эди. Боз устига...

Боз устига Худойимнинг мўъжизасини кўринг. Қирғий амаки шу манзилда, у тирик, у мен билан бирга. Бундан ҳам ортиқ бахтиёрлик бўладими?! Ҳаётда ўзи мўъжизалар кам, аммо, хўп деяверинг. Бунақаси фақат эртакларда ёки тўқима кинолардагина учраса керак.

Аввалига уни танимадим. Мени бу ерга опкелганларнинг бирорта чоракори, деб ўйладим. Ҳойнаҳой қозоқ амаки бўлса, эҳтимол, деб ўйладим. Чунки унинг бошида қозоқи қалпоқ бор эди. Шуни ҳам ечмасдан ичкарида чўзилиб ётган экан.

— Мудраппан, кўз кетиб қопти, — деди у туриб ўзини ўнглаб ҳам олмасдан.

Қарасам, оҳ, не кўз билан кўряпманки... Қирғий амаки.

— Ассалому алайкум, — дедим деярли бақироқ овозда ҳушимни ўнглаб ололмай. Кетидан «тирик экансизку», деб юбормоқчи бўлдим.

Ўзимни базўр босиб қолдим.

Афтидан, шерикларимнинг ҳаммасини у яхши билади, мен бегона эканимни сездим, бепарво бир қараб қўйди. Аммо ўрнидан тура-тура ялт этиб қаради, кўзлари чақнаб кетди. Бироқ тагин ўзини танимаганга олиб ташқарига йўналди.

Бир замон қўллари ювиб, артиниб-суртиниб кириб келгунча мен ўзимча шерикларимнинг кимлиги, Қирғий амакимнинг тутқун экани ҳақида ўйлаб ўтирдим. Биз бир-биримизга таниш эканимизни сездирсам, иш расво бўлишини тасаввур қилдим.

Шерикларим машинанинг орқасидан икки пилак сув, қоқ нон, тарвуз ва ҳар хил егуликларни туширишни буюрди. Қирғий амаки билан уларни даҳлизга жойлаштирдик. Улар уч киши эди. Даҳлизнинг чап томонидаги эшикни калит билан очиб киришди. Ичкари қоп-қоронғу, бир оз салқин эди. Шу ерга мени қамаб қўйишмаса-ку, деган хавотирга бордим. Йўқ, улар дам олишмоқчи экан. Сочлари тикка, гарчанд юзи ва қорни думалоқ, бақалоқ қозоқ башара киши Қирғий амикдан молларнинг тугал-тугал эмаслигини суриштирди. Ўрисча, ўзбекчани аралаштириб чапараста қилиб гапираркан. Бироқ, мен кутганимдек, амакини у дўқ-пўписа қилиб сўкмади, урмади. Мени кўрсатиб:

— Помошник бул сизга, — деди.

Ҳамма нарса аён бўлди. Улар кетгунча амаки билан бир оғиз гаплашмасак ҳам бўлади.

Мен севинганимни сездирмаслик учун ташқарига чиқдим. У ёқ-бу ёқларни кузатиб, томоша килдим. Нарироқда ертўла қазилган, усти ердай қилиб хода билан ёпилиб, тупроқ ташланган отхонани кўрдим. Бориб қарасам, икки-уч от сиққулик жой. Қаламага бир тўриқ арқонлаб қўйилибди. Охурда дағал емиш, бостирма шипига емхалта, лаган, қамчи осилган. Эгарабзали олиб қўйилган тўриқнинг устидаги яғир, ундаги дашт чивинларининг уймалашганини кўриб бир нималарни ўйладим.

Қирғий амаки отдан тушмай минаркан-да, ё бўлмасам молларнинг подаси роса олислаб кетиши мумкин экан, деган хаёлга бордим.

Амаки примусни ёқиб чой қўйди. Шира ва кирлардан дағал бўлиб кетган дастурхонни ёзди. Қоқ нон, қоқ, лекин пишган гўшт, шакар қўйди. У қариб қолибди, озиб, ажинлари зўрайибди. Кўзлари ҳам алланечук ботиб, ўзиникига ўхшамай қолган, аниқроғи, те-

шиб юборгудай аввалги кўзлардан энди асар ҳам қолмаган, тамом гам-гусса, ёлғизлигу қариликни бўйнига олиб қўйибди.

Қирғий қафасда қолибди.

Бироқ мен эркин, енгил қуш эдим энди.

Амаки билан бир оғиз гаплашсак-да, ҳамма нарса тушунарлидай эди. У менга бир муддат термулиб туриб хўрсиниб қўйди. Чамаси юзим ва бошимдаги яраларни кўриб у боягилар роса тепиб-тепкилабди, деб ўйлади. Ҳадеб кулимсираб шодланаверишим эса унинг гашини кўзитаётганини билиб турибман.

Охири сабрим чидамай:

— Тирик экансиз-эй, хайрият! — деб юбордим.

Юзида бирор ўзгариш сездирмади.

— Тирик мурдаман-да, бўталоғим, — деб қўйди ниҳоят ва оғир сўлиш олди.

Кулдорлар, — ҳозирча шундай атаб турайлик уларни, — уч соатча ухлаб ётишди. Сўнг туриб, юзларини ҳам ювмай, хайр-хўшсиз жўнаб қолишди.

Ҳар ҳолда Қирғий бово мендай бир ҳамроҳ келганига шукр килгандир, аммо у барибир ич-ичидан менга ачинаётган эди. Мен-ку, умрини яшаб бўлган одамман, сен ҳам менга қўшилиб чўлда чириб кетасанми, бўталоқ, деган каби надомат сезилиб турарди. Бироқ у мендаги қаноат ва ҳатто севинчни кўриб донг қотди. Эҳтимол қутқаришга келган, деб ўйлаган чиқар, лекин булар билан бирга келганимни кўриб барибир ҳафсаласи пир бўлди.

У ўз одатича камгап одам. Аммо бу ютиб юбораман, деб турган чўлда Қирғийдай эл кезиб юрувчи одам нақ ёрилиб кетмаганига таажжубланасан одам. Озиб-тўзиб кетгани шундан бўлса керак.

Кун қайтиб аср кирди. Биз отга мингашиб, хув ясси тепалик ёқалаб, бу ердан саккиз-ўн чақирим наридаги кўл ёқасига бориб, молу йилқилардан хабар оладиган бўлдик. Икков тўриққа мингашиб жўнадик.

Ҳамон индамаймиз бир-биримизга.

Бу сукут ғалати эди. Узоқ муддат олди дамбаси берк турган ҳовузнинг бандига ҳар хил лойқа ва балчиқлар

ўрнашиб олади. Ҳадеганда унинг кўзи топила қолмайди. Бизнинг дилимиздаги дард ҳам анчайин шунга қиёс этгулик эди.

Биз оёқнинг тагидаги нарсалар ҳақидагина бирикки оғиз гаплашдик ва бундан иккимиз ҳам қониққанамиз йўқ.

Чордаранинг суви деб гумон қилдим — тўлқинланиб, атрофга салқин бериб турибди, кўл бағрига туртиб кирган яриморол шаклидаги қуруқлик чакалакзорга айланган, қамиш қалин ўсган, пояси ҳам қуриб қолган, моллар бўйи етгулик жойгача баргини шилиб олган, қолгани дарахтдай сўппайишиб турибди. Кўл устида оққушлар гирён учиб юришибди. Бир ён чўл, бир ён кўл. Ҳарна бўлгандаям озодлик ва хилват яхши. Менга маъқули шу.

Бироқ бу Қирғий бовомизга ёқмайди. У — тўданинг одами. Қафасдаги қушдай гунгсифат бўлиб қолибди. Кўзларида илгаригидай шиддат йўқ. Балки ростдан ҳам қаригандир.

Кавш қайтариб ётган сигирлар яқинлашишинг билан ҳуркиб тура қочишади. Тоғ ҳайвонлари сингари ёввойи бўлиб кетишгани шундоқ кўриниб турибди. Бир эшитганим бор эди: Нурота тоғининг орқа томонида Ҳайдаркўлда моллар шундоқ ёввойилашиб кетганки, эгалари баъзан уларни саришта қилолмай, ноилож милтиқ билан отиб опкелишар экан. Бир ёқда Орол ҳансираб ётибди, бу ёқда, эсингга келмаган чўлларда туш кўрмаган денгиз пайдо бўлаётир. Табиат одамнинг ноинсофлигига чидаркан, аммо ўзининг адолатини ўтказаркан-да.

Ҳаётнинг бу каби ажиб тақдири бошимда тургани етти ухлаб тушимга кирмагандир.

Мен чиндан Гўрўғлининг ҳолига тушдим. Ҳолбуки, дорулфано билан хайр-хўш қилганим аниқ эди ва бу менга ҳолатан сархушлик, енгиллик, беташвишлик билан бошланган гўзал лаҳзаларни ато этган, ҳаёт қайғусидан тамом фориф этган эди. Одам танани кўтариб, нафсини қондириш, эришиш, эришиш ва яна



сазovor бўлиш илинжида шу оғир гавдани ҳарчанд зўрма-зўраки бошқариб юришни ўшанда нақадар тиниқ ҳис этдим. Бу каби гўзал, айтиб, таърифлаб бўлмас даражадаги илиқлик, юмшоқлик, эркинлик Сиз билан яшаётган тупроқда зинҳор учрамайди. Чунки Сиз билан мен шу гавда, шу бир қоп гўшт ҳавасини тўйгазиш учун жуда қийналиб, заҳмат чекиб ҳарчанд уринаверарканмиз. Қиёс учун бир нарсани айтай: гавдангиз билан тўшакка қапишиб ухлаб ётган бўлсангиз ҳам менинг бир лаҳзалик беқиёс оромимга тенг ҳолатга асло тушолмассиз.

Ростини айтсам, шу кунларда мендаги ғайри бир ҳолат сизга қизиқ туюлади: мен «нариги ёқдан» қайтиб келганим учун ҳақиқатан ҳам хурсанд эмасман, таққослаб кўриб қаер афзаллигини ўзим ҳис қилияман. Яна-тагин тақдир мутлақо мен кутмаган манзилларга улоқтирганини кўринг. Қирғий амакини тириклар, қавму қариндошлар ўйда-қирда излаб, дарақлаб тополмай юришибди-ю, мен у кишини нақ «нариги дунёдан» қидириб тополмай бу дунёдан тўппа-тўғри бориб топиб олгандайман.

Яшириб нима, бундай тасодифлар ҳам кейинги пайтда мени чандон довдиратиб қўйди, нима десам экан, ҳаммасига ақлим етавермагач, ҳатто дийдам қотди.

Бир нарсага хурсандман: менинг танамга қайта жойлашишиму яна эски, яъни «собиқ» домумла бўлиб тирилишим, қабрдан чиқиб бу гўшаларга дарбадар келиб қолганимни бирор таниш кўз учратмади. Ҳайтовур ўзим бирортасига кўриниб қолмадим, деб ўйлайман.

Билганида хотиним, онам, отам — шулар билишарди, чунки улар то худойи ўтказгунга қадар узлуксиз ҳар куни тонг саҳарлаб мозор бошига бориб туришди. Шу воқеани бўлган деб айтиб берсангиз, эҳтимол, ўзим ҳам ишонмаган бўлардим. Аммо, на илож, бўлган-қўйган саргузашт шу.

Яъни...

Камина «бахтлар водийси»да чунон ҳузур-ҳаловат ила қўним топган мисол юрган, учган, тумандай суз-

ган, армонлар талқондай ушала кетиб, сармаст, тен-так, бир довдираш, эсанкираш ила ошуфталиқ ҳолатимда мисоли ҳаводаги заррани бир куч билан итарган каби боз-бояги «қувур»га зўрлаб ҳайдади, мени ўша танамдан узилиб чиққан дастлабки палладаги сингари (эсингиздами, мен гавдамга бот-бот яқинлашган эдим) зўрлаб киритмоқчи бўлди, тамом қаршилик қилдим: ўламан саттор, мени қўй, йўлимни тўсма. Бироқ мен саргашта, ҳавойи, тийиқсиз бир жон на олдга, на ортга ўзимча интила олардим — икки дунё сарсонни овора-сарсончиликдан ўша босим куч қутқараман дейди, лекин жон-кўнгил водийни дейди, хоҳиш зўр, интилиш бор, аммо чинакам интилиш йўқ, негаки, атрофингдаги ўн дона, юз донадир, ҳаракатланувчи «жисмларим» кимнингдир ихтиёрига ўтиб қолди. Шундан-да каминани гавдага қайта жойлаштириш осон кечмади, ўхшатиш жоиз бўлса, яйдоқ ўтлоқдаги подани тор бир қўрага қисталанг ила қамоқлаб келган каби...

Хуллас, ўша зил-замбил жисмга кирдиму донг қотдим! Бу ўзи илгаригидан ҳам ошиб тушди: қамоқла-ниб гавдага сингганим жазоси етмагандай, танаю руҳи жоним гўристонда тиқилиб ётибман.

Чама-чамадан билдимки, ҳали тонг отмаган экан. Инсоннинг ўлишиям осон эмасга ўхшайди. Бошим ва оёғимнинг қақшашидан кўра тупроқ остида ҳавонинг етишмаслиги заҳмати оғирроқ туюлди, зўр бериб юмшоқ жой ахтариб тепага қараб тирноқ ила кавлайвердим.

Хотинларнинг бирин-кетин изиллашиб йиғлаганини эшитиб қолдим, тирмалашни тўхтатдим, овозларини танишга, ажратишга уриндим. Онамнинг зориллаб сел бўлиши, гарчанд бошқача бир овоздай туюлса-да, жигаримни тилиб юборди. Тезроқ бирор тирқиш топмасам бўғилиб ўлишим аниқ эди. Бўғиқ бир овоз инқиллаб, гоҳ йўтал аралаш ноумид бўзларди. Хотиним! Тўрам деб зориқишларини эшитганман, аммо бу бечора тамом беҳол, паришонхаёл эдики, акам деб бўзлар эди.

Жуш томонда бурноғи йиллар бир марҳум чолни кўмиб келишса, эртаси куни кечаси кафан ила уйига арвоҳдай кириб борган, уни кутиб олган келинининг юраги дош беролмай ўша заҳоти жон таслим қилган экан. Чолнинг куни битиб бир гал «тағин» ўлибди. Тасодифни қарангки, бу гал ҳам у ростакамига рихлат қилмаган экан. Арвоҳдай бўлиб тағин кечаси уйига кириб борибди. Бу сафар ўзининг қизи...

Чолнинг хосиятсизлиги бир қур гап бўлган, оғиздан-оғизга кўчган, оқибат у дорилбақога мангу сафар қилганида, бу гал дарғазаб бир оқсоқол қабрдаги «уйи»га қўйиш асноси мурданинг бўйинини ниҳоятсиз жаҳл билан қайириб синдирган экан...

Ўлиб-тирилишнинг фазилати шу бўлса, тирилмай қўяқолган маъкул эмасми? Албатта, мен ўшанда бояги чол воқеасини аниқ эслаган бўлмасам ҳам, ҳар қалай, гўрдан чиқиш истаги туғишганларимга кўринмаслик истагидан устун эмас эди.

У бўлди-бу бўлди, камина гўр ўғли бўлдим. Гўрўғли каби гўрдан чиқдим! Гўрдан чиққанда тун хуфтонга оғди. Чиқиб қарасам, қандайдир қабримга кетмон урилганга ўхшайди, тупроқлар нарёққа уюлган, азбаройи менинг чиқишимга кўмаклашгандек кимдир. Аммо кейин хужрабачча бир йигитдан сўраб билсам, янги майитларнинг ҳам қароқчилари бўлармиш, агар тилла тиши бўлса, кечаси очиб, тишни қоқиб кетишармиш... Хуфтонга азон айтилганда кафанга ўралиб қабристонга яқин мачит девори бўйлаб пуса-пуса «гуноҳкор» бўлиб тирқишлардан мўраладим. Кун салқин, намоз охир бўлди. Бир тўда намозхонлар хуфтонни ўқиб тугатиб чиқишди. Икки-уч йигит орқада қолди. Тусмоллаб билсам, булар шу ердаги хужрада ётишади. Бирини, холи қолгач, чақирдим. Оvloқ хужра сўрадим. Не бўлғай, меҳрибон шу йигит кўмагида нақ саккиз кун шу ерда хилватнишин бўлдим. У мақсадимни билгач, бажонидил ҳомийлик қилди: кийим-кечак, кам-кам егулик, охирги куни йўл харжини ҳам аямади. Ҳойнаҳой мачитнинг эҳсон пулидан бўлса ажаб эмаски, буям майли, таги андижонлик бўлган бир қирчиллама табиб

хам пайдо бўлди, мудом оғриқларим босилгунча у тинимсиз малҳам босиб, қайта яраларимни боғлаб турди. Шуйтиб биз гарчанд уйимизнинг ёнгинасида пусиб яшадик, пусиб даволандик, пусиб овқат еб, керак ҳолда пусиб нафас олдик: азбаройи тириклигимиздан тортиндик, худдики, биров хабар топиб қолса бизни обдан гуноҳқор қиладигандек. Индаллосидан келганда, ўлдингми бола, ўлдинг-да. Нима қиласан тагин шунча дахмазадан кейин қайтиб келиб, биз адашибмиз, дебми, нима деб оқлайсан ўзингни ахир?

Мачит хужрасидан чиқиб кетишимга бир кун қолганда уйимиз атрофини хўп айландим. Тун эди, бирор шовир сезмадим. Ҳойнаҳой куни бўйи чарчаб, сўнг донг қотиб ухлаб қолишгандир. Айниқса қизимни шунақа соғинган эдимки, гулни ҳидлагандай бир ҳидла-сам эди, армон қилмас эдим.

Қабримни тезда тузатиб гумон қилмайдиган даражада чимларини яхшилаб босиб қўйгандим, токи чиндан мурда тирилиб чиқиб кетгани сезилмасин. Ким билсин, сезилмаган чиқар. Ростини, иккинчи кундан бошлаб мазор бошига чиқаётганларни ўзим ҳам кузатдим. Шундай кезларда негадир улар билан қўшилиб ўзим ҳам йиғлагим келди. Лекин зинҳор хужрадан чиқиб уларнинг бағрига ўзимни ташлаш нияти туғилгани йўқ. Улар ростакамига бу жудоликка кўникишларини хоҳладим. Ҳойнаҳой кўникишди ҳам. Балки совиб ҳам улгуришган чиқар. Аммо мен энди беқарор, бир телба аҳволда қолдим. Миямга урдик, шундан пиёда неча кун юриб бўлсаям қишлоққа бораман. Шуни қилдим. Лекин йўлга чиққаннинг учинчи куни даштда тутилдим. Мени боғлаб, олисдан қувиб овора бўлишганим йўқ. Уларнинг ниятларини билдим, ортиқча ташвиш туғдирганим йўқ уларгаям, ўзимгаям. Ҳайрон қолишди ўзлариям. Менга шуниси маъқул эди, нимаям қиламан ҳозир қишлоққа бориб. Қолаверса, ёлғизлик менга ёқа бошлади. Одам ўлса ёлғизсираб ўлмайди. Ёлғизликда фикринг тиниқлашади, дунёни теранроқ тушунасан.

Кўшимча турли ахборотлар келавермагач, хотиранг ҳам анча жонланади. Менинг аҳволимдаги одамку буни хоҳлаб эмас, мажбур бўлиб идрок этади, холос. Бошқа иложиям йўқ. Шундаям ўзига мақбул йўлнинг мақбуллигини ўйлаб қаноат қилгиси келади.

Пешонанинг олти қаричлигини кўринг, келиб-келиб Қирғий бовага дучор бўлганимни қаранг. Хонаси келса, мақтансанг — Қирғийнинг ўғлигами, хотинигами ёки бирор қариндошими, кимгадир, сизлар шу ерда туриб тополмайсизлар-а, мен нақ нариги дунёдан келиб, мана шу ердаги одамни топиб бердим сизларга десанг, суюнчи олсанг. Э-ҳе, тил икки қарич бўларди-ку, аммо тақдир... ҳар иккаламизни ҳис-ҳаяжонимизни-да ногирон қилиб ўтирибди. Бу бир юзи қаролик иш. Одам руҳан мағлуб этилса, унда алам қолади. Аламли одамни тўсатдан озодликка чиқарганингдаям унинг ҳадеганда ичи ёришмайди. Чунки аламнинг ери бўлак, озодликнинг ери бўлак.

Илмий ишимда руҳоний ҳолатларга асосий эътиборни қаратганим ҳам шундан. Мисол, юз йиллик мустабид тузумда яшаган бўлсак, истибдод қирралари шу қадар тармоқли, кўламли, мураккаб эдики, дабдурустдан сенга ўзи нима ситам ўтди, деса шошиб жавоб беролмасдинг. Энди зулм йўқ. Аммо ўшанга ўхшаган зулмга кўникма бор. Шунинг учун дўппини ҳадеганда осмонга отгимиз келмайди. Кечаги куннинг «ижобий томонлари» тўғрисида биров куйиб-пишиб гапира бошласаям, уни беҳафсала инкор этамиз, инкор этгимиз келгани учун эмас, инкор этиш керак бўлгани учун. Ўт йўқ, чўғ йўқ кўнгилда. Нега? Дил кафолатни ёқтиради. Кафолатни сўрайди. Ўша учун, биродар.

Кишилар шунинг учун жонларини нисор айлашадик, ўлсангу, ўлишга арзиса шу иш, аксинча, ўлганинг ҳам бир ортиқча гавда янглиғ увол бўлиб кетаверса, кимга қизиқ?

Бир гал Шерали Ваққосович менинг орқамдан гап пойлаётганини сездим. Аммо сезгунимча вақт ўтиб бўлган экан.

Кези келганда одам танламайман. Абдумаликни ўзимча ихтиро қилганимни яширмайман. Айтайлик, одамни иймон ва ирода ушлаб туради, кишиларда баъзан ўша қатъий принципаллиликни кўрамиз, биз уни ўжар деймиз, ётсираброқ қараймиз, ҳолбуки зингил солиб кузата берсангиз, унинг ҳаётида шу ўжарлиги муҳим ўрин тутганини пайқайсиз, ҳатто уни сақлайди шу хислат, охир-оқибат, кези келганда у ютиб чиқади, мабодо салбий қобилига томон бурканиб олмаса. Албатта, у омадга эришади. Бу хусусийлик умумийлик касб этганда у миллатга хос, дея таъриф берилади.

Миллатнинг, демакки, унга мансуб одамларнинг феъли ўзгармайди. Ўзбек ҳам худди шундай. Аммо дунёда қариётган миллатлар бор. Миллатнинг қони тозариб, яъни бошқа миллатлар қони билан қўшилиб беравериши керак.

Диссертация ишимга киритган бу тахлит фикрларни Абдумаликка оғзаки айтиб беравераман. Бир гал унга директоримизнинг фан доктори тугул оддий зиёли ҳам эмаслигини тушунтирдим, олифта, дедим, ишқилиб, кўнглимга яқин олиб катгани ёмонлайвердим-да. Бошқа кимгаям ёмонлайман? Аммо...

Илмий конференция бўлаётганди. Шерали Ваққосович негадир алам билан навбатни ҳеч кимга, ҳатто илмий ишлар бўйича ўринбосаригаям бермай илм ҳақида ваъз ўқий кетди. Ваъзиям шу, ўзининг бошидан ўтказган бир талай «қийинчиликлари»дан тузилган Масков чўпчаклари эди. Икки қўл шимнинг чўнтагида. Ўзи пакана бўлишига қарамай кўзининг ости билан безрайиб, бакрайиб қарайди залга. Бу сафар у залга эмас, кўпроқ менга қараб гапирди. Тўсатдан савол ташлади:

— Ичингларда қайси биринглар билимдон? Ким билимдон, ман бир кўрай-чи?!

Ие, бу ёғи неча пулдан тушди, дейман донг қотиб: бешикдан то қабргача илм изла дейилади-ю, барибир поёнига етмайсан, қизиқ, ким билимдонман дея оларкан, шуюм олим кишининг саволи бўлдимми? Энсамиз

қотиброқ турган эди, директор тескари ўгирилиб, қўлининг кўрсаткич бармоғини ҳавога қия бигиз қилиб ўқталди-да:

— Билимга келганда любойингни синдираман, — деди тўсатдан.

Оббо, Сукрот бобо эшитмайди-да, дейман шу гапларни, нақ гўридан тикка туриб келармиди, олам дошишмандлигини ўзида тўла мужассам этган пайгамбарсифат зот «шунча ўқиб нимани билдингиз?» деган саволга ҳаётининг поёнида «ҳеч нарсани билмаслигимни билдим», дея жавоб қилган экан. Сукрот амаки бу анжуманда қатнашганда директоримиз унинг «билимсизлигини» юзига солиб тоза изза қилган бўларди-ёв. Сукрот домла бошини қуйи эгиб мулзам бўлганича, яхши, хўжайин, энди кўпроқ ўқиймиз, деб таслимона чиқиб кетарди ҳойнаҳой. Билимлининг қошида икки карра бош эгмоқ дуруст. Сукрот бобонинг бунга фаросати етарди, албатта... Эҳтимол, Сукрот бобо «билимсизлиги учун» Ваққосовичнинг пўписаси билан институтдан ҳайдаларди. Шунингдек, Ваққосовичда шундай шижоат борки, сўзсиз Улуғбек, Форобий, Навоий ҳам бу даргоҳга қадам босиши мумкин эмас. Биргина сабаби — Ваққосович улардан зўр, зўр бўлгандан кейин билганини қилади-да.

Шуларни хаёлдан ўтказиб зап нашъа қилаётувдим, миямга чақмоқ янглиғ бир нарса урилдию ичим тамом музлаб кетди: шу одам бир тузук-қуруқ зиёлияммас, хулиганни кўргандай бўламан шуни учратганда — Абдумаликка айтган гапларим эсимга тушиб бошимдан совуқ сув қуйгандай бўлдим. Ичим совигани бир ҳол, қўл-оёқларим ҳам ишламай қолди-ёв. Гўё биз очиқ жанг қилдигу у ғолибона ҳайқирар эди. Икки кўзини уккиники сингари менга қадаган қўйи давом этаётир. Не аҳволга тушганимни у сезиб турибди; кўзи ва миёйғидаги ғолиб истехзосидан билинаётир бу.

Шартга Абдумаликни қидирдим. Ён томондаги столда тирноғи билан тахтага шакл соляпти. Дўстимнинг сотқинлиги шу маҳалда, бир анжуман тўла одам ичра

электр токи янглиф фақат учаламизнинг этимизни жижиз куйдириб ўтар эди.

*Гўрўглининг отаси Равшан кўр қайноғаси Гаждумбек билан қизилбошлар юрти Хунхордан узоқ йиллик тутқунликдан сўнг даштда қочиб келар эди. Равшан кўр Гаждумбекка: — Қани, бир Хунхор томонга назар ташлаб кўр-чи, тинчликмикан, — деб шу сўзни айтди.*

*Кўрман, кўринмайди ҳеч зот кўзима,  
Тоғдан ел урилар келиб юзима,  
Энди боқ, Гаждумбек, менинг сўзима,  
Хунхор элга қара, у ён тинчликми?*

*Баҳоркордан келар тўрғай садоси,  
Узоқлашган ўхшар Хунхор ороси,  
Кўринмайми ҳеч ниманинг қораси,  
Хунхор элга боқ-чи, у ён тинчликми?*

*Ҳилолойман янгам қолди Хунхорда,  
Кечгача омонат ғайри диёрда.  
Тоқат йўқ унгача сену мен зорда,  
Хунхор элга боқ-чи, у ён тинчликми?*

*Юрагим ҳавл олиб, дурсиллаб ёнар,  
Шу ёнмоқлик билан яшаб ўртанар,  
Кўз ёшим дарё бўп дурни кизғанар,  
Хунхор элга боқ-чи, у ён тинчликми?*

*Равшан шўрлик ожизликдан оҳ урар,  
Дўстлар дийдорини маҳшарда кўрар,  
Юрагим ўзидан ўзи ҳавл урар,  
Хунхор элга боқ-чи, у ён тинчликми?*

Хунхор тинчлик эмас эди. Гаждумбек Равшанга:

*Булут келар чўқтарилиб ё тиркашиб,  
Соат сайин қалинлашиб буркашиб,*



*Кам-кам яқинлашар дўнглардан ошиб,  
Қибла бетдан келган туман не бўлди? — дея берди.*

*Равшан кўр Гаждумбекдан бу сўзни эшитиб: — Бўлма-са, бизни арвоҳ урибди. Бирор баччағар бизни кўрибди. Дарҳол Хунхоршоҳга хабар берибди. Хунхоршоҳ орқамиздан қўшин юборибди. Бу тўзанг Хунхоршоҳ қўшинларининг от туёғидан чиққан чанг. Энди, Гаждумбек оға, иш кўнглимиздагидай бўлмай, чапга тушибди. Ҳилолой билан янгамга боролмайсан. Тақдир шу экан. Оға, энди улар Хунхорда кўзидан осилиб қоладиган бўлди, — деса, Гаждумбек кўрқиб кетиб: — Равшанжон, сен Ҳилолой билан янганнинг ҳасратини ейсан, ҳали ўзимиз нима бўламиз, ҳали-замон қўлга тушиб ўламиз, — деб қалтирай берди. Шунда Равшан кўр Гаждумбекка: — Оға, энди нима бўлса, бўлди, кўрқма, ўзимизни бу от қутқаради. Нима бўлса ҳам шундай индамай қочиб кетганча, шу ерда тўхтаб турайлик. Хунхорнинг қўшини келгандан кейин уларга мана турибмиз, отинга ишонсанг, қувиб етиб ол, дейлик, барибир етолмайди, шуйтиб қизилбошларни бир ҳасратда қолдириб кетайлик, деди. Бир пилла Хунхоршоҳнинг ўттиз минг қўшини от йўрттиришиб, Гаждумбек билан Равшан кўрнинг яқинига етиб келди.*

*Равшан кўр:*

*Ғайри дин қизилбош, қолма армонда,  
Орқамдан ета олсанг, ҳайда отингни.  
Етолмадим дема, бўлма армонда,  
Қувалаб тута олсанг, ҳайда отингни.*

*Қойил эмасман баҳоринга, ёзинга,  
Туркман кўринами сенинг кўзинга,  
Амр айла ҳар қандай чавандозинга,  
Орқамдан ета олсанг, ҳайда отингни,*

*деб Кўктомир отнинг жиловини олға қўйиб кетаверишиди.*

*Бир вақт Равшан кўр Гаждумбекдан: — Орқамизда бир отнинг шобири келаётир, у не тусли от, деб сўради. Гаждумбек: — Ўзи ола, бўйи тиккатоб, ўқдай бир бало,—*

деди. Равшан уни дарров эслаб: — Бўлмаса, қуёшга қараб ҳайда,— деди. Гаждумбек Кўктомирнинг жиловини дарҳол қуёшга буриб ҳайдаган эди, ола тулпор шафақ экан, қуёшга қараб чопа олмай, орқада қолиб кетди. Энди икки от қувиб келаяпти. Бу икки отнинг бирови оқ бўз от эди. Шундоқ бўз от юлдуздай оқиб, Гаждумбек билан Равшанга етай-етай деб қолди. Равшан кўр яна Гаждумбекдан: — Орқамизда бир отнинг шобири чиқади. У қай тусли от? — деб сўради. Гаждумбек: — Оқ бўз, бамисоли юлдуз,— деди. Равшан кўр бу отни ҳам эслаб: — Бўлмаса, тошлоққа қараб ҳайда,— деди. Гаждумбек Кўктомирни тошлоққа қараб ҳайдаган эди, оқ бўз отнинг оёғи тошга ярамас экан, тошлоқда оёғини тош ирғаб, оқсаб у ҳам орқада қолиб кетди. Гаждумбек отни ҳайдаб, энди Бадбахт тоғининг тубига келиб қолганда, ҳалиги орқада келаятган бир от қувиб етишиб қолди. Шунда Равшан кўр Гаждумбекдан: — Орқамизда яна бир отнинг шобири бор, у не тусли от? — деб сўради. Гаждумбек:— Қора чавқар, товуши заҳар, узун бўйин, — деди. Равшан кўр: — Агар шу от қора кўкиш бўлганда, бизни қувиб етар эди. Бунга шу ерда Кўктомирни бир тўхта-тиб, кейин ҳайдаб юборсанг, иложи шу,— деди. Гаждумбек Кўктомирнинг жиловини таққа тортиб тўхтатган эди, Қора чавқар етиб келиб, у ҳам таққа тўхтади. Гаждумбек отни ҳайдаб юборган эди, Қора чавқар шу тўхтаганича тўхтаб қолиб кетди. Шуйтиб, Гаждумбек билан Равшан кўр душманнинг қувғинидан қутулиб, Бадбахт тоққа чиқиб кетди. Бадбахт тоғининг бу бетини Асқар тоғи дер эди. Шу тоғнинг бу ёнида туркманлар элати эди. Гаждумбек билан Равшан кўр тоғдан ошиб, бир яйпонга тушиб, Ҳилолой билан Гаждумбекнинг хотини Хунхорда қолиб кетганига ҳасрат ва надомат қилиб йиғлашиб ётдилар. «Бош қаттиқми, тош қаттиқ», «Бошга тушганни кўз кўрар», деб Гаждумбек билан Равшан кўр кўникмакдан бошқа илож топмай, шу тоғда оқшомни ўтказдилар. Эрта билан Гаждумбекнинг ўзидан-ўзи бир оз ичидан санчиқ бўлиб чиқди. Дарров тушиб, иккови мингашиб, тоғдан бериги бовурга тушиб, текисликда тулпор оёғида кечгача юриб, Кўкланг

деган туркманлар уруғидан ўтиб, такани оралаб, Ёвмитга етдилар. Кечқурун бир ерга келиб тушмакчи бўлдилар. Шунда Гаждумбек мени отдан суяб ол, деб бир сўз айтди:

Қизил гуллар очилмайин сўлибди,  
Ё билмайман, паймонам ҳам тўлибди,  
Тақдир ҳукми билан Ёвмит элига  
Гаждум оғанг тупроқ тортиб келибди,  
Аста мени суяб олгин, Равшанжон.

Албатта, дунёга устун бўлмайман,  
Чироғим, рози бўл, тирик қолмайман,  
Эсим оғиб, ақл-ҳушим билмайман,  
Аста мени суяб олгин, Равшанжон.

Узоқ-узоқларга кўзи сузилди,  
Кўзда ёши мунчоқ-мунчоқ тизилди,  
Равшан кўрнинг тиззасига бош қўйиб,  
Шуйтиб Гаждумбекнинг жони узилди.

Ҳай аттанг, Равшанга бўлди қиёмат,  
Дод айлаб чекади оҳу надомат,  
Қулликда қутқарган Равшан шўрлини,  
Қаёқдасан энди Гаждум валломат.

Равшан ўзи кўзи ожиз фидойи,  
Ҳам кўришининг, ҳам ёрининг гадойи.  
Бу кимсасиз чўлда нима қилади,  
Не савдога дучор этди Худойи.

Шуйтиб Равшан кўр Гаждумбекнинг жасади олдида ҳайрон бўлиб ўтирганида, уч бозорчи шу ерга келиб қолиб, Равшан кўрга ёрлашиб, йўлнинг бошидан битта гўр кавлашиб, улай-булай қилишиб, Гаждумбекни расмлаштириб, шунда кўмдилар. Равшан кўр бозорчилардан ўзининг Жигалибекнинг ўғли ва Гаждумбекнинг Оғалибек ўғли эканини яшириб, Қизилбошга асир тушиб кетган туркманларданмиз, қочиб кетяпмиз, деб қўяқолди. Равшан кўрнинг кўнгли учун уч бозорчи шу ерда тунашиб, эрта билан Равшан кўрни ўз отига миндириб, отни етаклашиб, чошгоҳ вақтида Ёвмитнинг бозорига етиб келди-

лар, Равшан кўр ўйлаб: «Ардисари ишим чапга сўққан бахтсиз йигит чиқдим. Энди туркманга келдим, нима бўлдим. Менга от энди нимага керак»,— деб ҳалиги бозорчилар билан от бозорига бориб, Кўктомирни харидорнинг сўраганига сотиб юборди. «Гаждумбек нималар қилмаган, энди унинг йўлида худойи, хайрия қилиб, дастурхондан элга ош бераман, десам, кўзим йўқ, ўзим бир мунгадек бўлсам. Кел, Худо кўрмас жой йўқ. Шу отнинг пулини бозорда сочиб юборай, буюрган кишилар олар»,— деб тангаларини от бозорида сочиб юборди.

Туркманда бирор воқеани тезда унутиб юбориш одати бор. Шуйтиб Равшан кўрни ҳеч ким Жигалибекнинг ўғли эканини билмай: «Бу бир ажойиб савдойи дарвеш экан»,— дейишиб, Равшан кўрга:— Сен художўй бўлсанг, хонақога бор,— деб эргаштириб, бировлари хонақога келтириб қўйдилар. Ана шуйтиб, дарвишнинг бошқа ватани йўқ, Равшан кўр шу хонақода қолди. «Мен энди бу шайхларнинг овқатига текингина шерик бўлмайин»,— деб, самоварда дамловчи бўлиб шу хонақода бир ўлмас кунини ўтказа берди.

Қирғий амаки билан ота-бола мақомида, балки улардан авлороқ бўлиб, э, бор Худоё, кўрсатган кароматингга балли, деб кунни тунга, тунни кунга улаб яшаб ётибмиз. Амаки бир туркум дostonларни навбати билан менга айтиб турибди. Бахши эмас, баъзан илгари ёд олган айтимлари ёдидан чиқади. Шарт пешонасига муштлаб, қолган давомидан куйлай беради. Оҳ, бу кумқулоқликнинг хосияти нақадар зўр экан, дейман, ҳавасим келади. Жебасини келтириб бир нарсалар айтиб берайин мен ҳам деб қоламан, сўнг нўноқлигимдан ўзим уялиб юраман. Қирғий амакига Худо юқтирган экан-да, дейман. Ўзи айтиш санъатиниям эгаллаш керак экан. Қадимдаги дарсларда ўқишдан кўра ёдлашга кўпроқ эътибор қилингани бежиз эмас экан-да. Сўзга чевар деб шуларни айтади. Сел бўлиб кетди-я амаки.

Бир кун ўтди, икки кун ўтди. Қирғий амакининг рангига ранг қўшилгандай бўлди. Дostonларниям у аз-

баройи кўнглида хотиржамлик ўрнашгани учун тўлиб-тўлиб айтаётир чамаси. Кўзларидаям алланечук ўт чақнаётгандек назаримда.

Гурунг қиламиз, билган овқатимиз — қоқгўштни қайнатиб шўрва пиширамиз, унга бўлкадан тайёрлаган нонқоқиларни бўктирамиз, устидан чойни бостирамиз.

Бизнинг тутқунлигимиз эркин тутқунликка ўхшарди: устимизда қамчисини ўйнатиб турган назоратчининг ўзи йўқ, сахро бўйлаб пойи-пиёда кетаверишинг ҳам мумкин. Бироқ азбаройи чўлнинг ўртаси бўлгани учун қаергача бориб тинка-мадоринг қуришини билмайсан, ит ўлимига йўлиқмасам, деб қўрқасан, холос.

Қирғий амаки энди ном-нишонсиз ўлиб кетишига мутлақо ишониб, ёзуғим шу экан-да, дея рози бўлиб ўзини ўзи чўктириб қўйган экан. Жони кириб қолди баладай.

Мезоннинг ҳам охирлари эди чоғи, аҳён-аҳёнда шу овлоқ чўллардаям юзингга мезон урилади. Менинг «қазо қилганимга», ҳисоблаб кўрсам, йигирма бир кун тўлибди. Қирғий амаки шароитга тоза мослашган, чекишга носиям бор, батареяли радиони қўйиб, турли қўшиқлар эшитамиз, ётиш олдидан оғзини каппа очиб ясама тишларини олади-да, белбоғи билан артиб-артиб ёстиғининг тагига қўйиб ётади.

Қирғий амакининг бу ердан қочишгаям ҳафсаласи йўқ эди ёки буни ўзи хоҳламай қолган эди. Ўзининг айтишича, бошида икки-уч кунлик йўлларниям чўбир отда бир кузатиб келган, бефойдалигига иқрор бўлган, сабаби, қайси йўл билан борилсаям барибир адашадди одам, адашмаган тақдирдаям муқаррар қўлга тушади. Чўл бўрилари ўлжаларини бировга текинга топшириб қўярмиди, дейсиз...

Амакининг тахминига кўра мени ҳам, у кишини ҳам тутқунга олиб келган кишилар бу яқин ҳудуднинг эгалари, чорвани тамом тасарруфларига олган. Гўшт, зотли моллар билан савдо қилади. Қирғий амакини улар бир синчи керак бўлгани учун бу ерга опкелиш-

ган. Ҳамсоям Сондибой айтиб чиқди уйдан, сойга оптушиб шуларга дуч қилди, мени мошинага босиб бойлаб, кўзимга белбоғ тортиб алла-аллалар бир мошиндан иккинчи мошинга алмашиб икки кун деганда келдим, дейди амаки, ҳомуза тортаркан. Қарийб беш ойдан ошди келганимга, энди тирик кириб боришимга биров ишонмайди, куёв. Тирик қочдим, уйга бордим ҳам дейин, шу овозадан, бу шармандаи шармисорликдан сўнг яқин одамларимнинг ичида қандай яшайман? Ўзи буёғи кўп қолгани йўқ. На қилай, жигарларимни, айниқса невараларимни кучоғимга боссам, қариликнинг гашти-маишатини сурсам, дейман. Аммо биз ҳаётда кўп оғирликни кўрдигу бундай абгорликни кўрмадик. На ўлигинг, на тиригинг ойлаб йўқолиб кетса... Э, Худо одамни на у ёқ, на бу ёқ қилиб аросатга солмасин экан. Шуйтиб, менинг борганимнинг қизиги йўқ. Кимларгадир керакман, бийтиб ўлиб кетаман, деб хаёл қилмаганим, начора, шу қисматда бор экан, рози бўлмоқ керак, сен лекин кўнглингга олма, сени Олло икки дунё орасида асраб, раҳм билан қайтарибди. Бунга пешгарлик қилиб бўлмайди. Шаккоклик бўлади. Боришинг, қутулиб чиқишинг керак. Шундай бўладиям Худо хоҳласа, кўнглим сезиб турибди. Бироқ ўшанда мени ўлган деб айтасан, ўлигини кўзим билан кўрдим, дейсан. Мен одамлардан розиман, улар ҳам мендан рози бўлиб аза очсин, шундоқ бўлгани тузук.

Қирғий, демак, ҳануз руҳан қаримаган, орияти чидамаяпти. Бундан кўра ўлган афзаллигига иқрор бўляпти, холос.

Кези келганда Қирғий амакига Абдумаликнинг баъзи қилгуликларини, айниқса охириги кунги қилган душманлигини ҳикоя қилиб бердим. Абдумалик ўша куни ростдан ҳам рўпарадан келаётган самосвалнинг тагига машинанинг рулини куч билан буриб юборган, юк машина мен томонга гурсиллаб урилиб босиб кетган эди. Билмадим, эҳ, билмадим, бу не бало ахир...

Чўбирга мингашиб чиқиб молларнинг саногидан хабар олишга кетяпмиз. Пешин оққан, ҳамон кун ис-

сиқ эди. Қирғий амаки мезонларни телпагидан олар экан: «Ай, Абдумуталнинг тарвузпалагидан чиқиб қолмаймизми ҳозир, а?!» деб юборди. Пешонадан қуёшнинг иссиғи уриб турибди. Чанқаганмиз икковимизам. Кўлнинг суви шўр. Чучук сувни фақат ичишга ишлатамиз. Муздаккина бир катта тарвузни ерга уриб ёриб то тўйгунингча еб, икки палласини икки томонга улоқтирмайсанми. Оллоҳ табиатга, одамларга не неъматлар бермайди. Бироқ ўша неъматлар кимларнингдир оёқлари остида ириб-чириб ҳам ётгандир.

Оролда асосан тўқай: қаёққа қайрилишингни билмай шошиб қоласан. Қуруқ буталар чирмашиб уй каби узун йўлак ҳосил қилиш жойида Қирғий амаки отни тўхтатди, қайрағочга нўхтани илдирди-да, шу йўлак бўйлаб мени бошлаб кетди. Кетавердик-кетавердик, рўпарамиздан бир тепалик чиқди. Тепаликнинг устки қисмида бир кавланган жойни кўрдим. Амаки бормади-ю, ўзим қизиқсиниб бориб қарадим: қабр...

Нима гаплигига тушундим: оқсоқол ўзининг «ғамини ўзи еб қўйибди». Яхши ит ўлигини кўрсатмайди...

Не гаплигига тушунганим майли-ю, туйқус эт-вужудим музлаб кетди. Неча вақтдан бери имкон бўлгандаям қишлоққа бормайдиган, ўзининг тирик эканини билдирмайдиган одамнинг мақсади шунчаки гап эмас экан. Амакининг дадилланганини кўриб, бу гаплар шунчаки чўпчакдек туюлаётган эди. Аммо... тавба, шунақасиям бўладими? Бу иймоннинг кучлилигиданми, ориятданми, нимадан?

Бирдан ўпкам тўлиб йиғлаб юбордим. Қирғий бо-вони кучоқлаб бағримга босдим.

Энди гапни Гўрўғлининг онаси Ҳилолойдан эшитайлик.

*Ҳилолой билан Гаждумбекнинг хотини бир неча кун Равшанбек билан Гаждумбекнинг йўлига қараб, охири шаҳарга келган баъзи туркманлардан воқеанинг аниғини эшитиб, жуда ҳам ғамгин бўлишиб ўтирганларида Ҳасан-*

бек кириб келди. Шунда Ҳилолой шўрли Ҳасанбекни кўриб тўлиб ўтирган эмасми, бирдан дод, деб йиғлаб, Ҳасанбекка қараб бир сўз деди:

*Қабо фалак жафо солди бошима,  
Душман оғу қўшди ичган ошима.  
Янгам йўлдош бўлди кўзда ёшима,  
Туганмас савдога қолдим, акажон.*

*Шумлигимдан қайғу келди бошима,  
Дард ўти туташди ичу тошима,  
Ҳолим сўраб ҳеч ким келмас қошима,  
Шундай можарога қолдим, акажон.*

*Гайри юртда мойтарилдим, тойрилдим,  
Уча бошлаб қанотимдан қойрилдим.  
Ҳам оғамдан, ҳам тўрамдан айрилдим,  
Дарди бедавога йўлиқдим, акажон.*

*Шаҳар ичида нелар ўтди, билмадинг,  
Ё билсанг ҳам унга парво қилмадинг.  
Бўри уясида улоқдай бўп боғланиб,  
Синглинг қолди кўзи тўрт, келмадинг,  
Ғам ютиб жафога қолдим, акажон.*

*Ҳилолой зор йиғлар бунда нотавон,  
Бошимни қоплади айролик туман,  
Дунёда жудолик жуда бир ёмон,  
Ҳажр отли балога қолдим, акажон.*

Ҳасанбек «Ғаждумбек билан Равшан қочиб, орқасидан ўттиз минг Хунхоршоҳнинг қўшини қувалаб, улардан қутулиб кетган эмиш. Равшанни Хунхоршоҳ кўр қилиб, қўзининг хунига бир от берган экан, у от тулпор чиқибди. Шуйтиб Ғаждумбек билан Равшан кўр қизил бошларни тоза армонда қолдириб кетибди», деб эшитиб ўтирганида, Хунхоршоҳдан Ҳасанбекка одам бориб, «Ғаждумбекнинг бола-чақасини олиб кетсин. Ҳовлиси, моли подшоликка олинди»,— деган ха-



барни етказди. Ҳасанбек бундай ҳодиса-хабарни эшитиб, Ҳилолойни ва Гаждумбекнинг аёлини қўриққа кўчириб кетиш учун икки туя билан дарров жўнаб, Гаждумбекнинг ҳовлисига етиб келган эди. Ҳилолойнинг бу нолишини эшитиб:— Ҳафа бўлма, бўлар иш бўлибди. Энди дод-вой қилганинг не фойда. Гаждумбек бўлмаса, мен бор. Сенга Гаждумбек ҳам, мен ҳам бирдаймиз. Балки ҳали бир сабаб бўлиб ўзимиз ҳам вақти-соати келиб Ёвмитга борармиз. Худо ўлдирмаса, ўшанда бир-биримизни кўрармиз,— деб Ҳилолой билан Гаждумбекнинг хотинига дилгирлик бериб, туяга миндириб, қўриқдаги туркман овулига олиб кетди. Қўриқда Ҳасанбек бу икки муштипарни ҳам рўзгорига кўшиб, катта оила бўлиб яшай берди.

*Ҳилолойнинг бўйида ҳомила бор эди. Тўққиз ой, тўққиз кун, тўққиз соат, тўққиз дақиқа ўтиб, Ҳилолойга тўлғоқ пайдо бўлиб, жуда тўлғоғи қаттиқ бўлиб, қийналиб, гоҳ ўзини билиб, гоҳ ўзидан кетиб алаҳсиб, сандираб, Равшанни йўқлаб, Равшан, қўлимдан тут, деб шу сўзни айтди.*

*Ҳар доим толиқдим, тутгин қўлимдан,  
Қувватим-мадорим кетди белимдан.  
Йироқлашмасдинг-ку менинг олдимдан,  
Кўринмайсан, қаёқдасан, Равшанжон.*

*Вафо деган шундай-шундай бўлами,  
Ёридан ўзини йироқ қилами,  
Ё бунда киришни уят билами,  
Товушинг йўқ, қаёқда сен, Равшанжон.*

*Доимо айладим сенга вафони,  
Ўзинг билан кўрдим завқу сафони,  
Лозим кўрасанми менга жафони,  
Йўқса агар қиёматдасан, Равшанжон.*

*Ё кетган эдингми акамман овга,  
Томоша қилгани Бадбахтдай товга.  
Меҳрим айлар сенга битта ул совга,  
Ҳа демайсан, қаёқдасан, Равшанжон.*

Мен эдим муштипар, мунглиқ, бечора,  
Тортқилаб айлади момо овора,  
Раҳм айласанг-чи бунда мен зора,  
Билмайсанми, қаёқдасан, Равшанжон.

Эшитгин Ҳилолойнинг оҳу зорини,  
Олдинда сарф этсин ҳарна борини,  
Одам шуйтиб ташилармикан ёрини,  
Билмай қолдим, қаёқдасан, Равшанжон.

Шу аҳволда Ҳилолой қийналиб, туғолмай, охири ҳалок бўлди. Ҳасанбекнинг кўзи қоронғилашиб, оғир мусибатга қолди. Ҳилолойнинг таъзиясига қўриқдаги барча туркманлар йиғилиб келди. Ҳаммасининг мусофир бу юртда мотами янги бўлиб, кечқурун Ҳилолойни тупроққа топшириб қайтдилар. Шундай қилиб, туркманлар Ҳасанбекникида Ҳилолойнинг ошу сувини қилиб тарқалишдилар.

Туркман бир ёғи дарёобод, бир ёғи даштлик жойда ўтирар эди. Уларнинг гўристонни дашт бетиди эди. Ҳилолой кўмилгандан кейин гўрда туғди. Одамнинг одам бўлғуси келгандан кейин ҳар нима баҳона. Бир чимнинг орасидан гўрнинг ичига оз-моз шонглах тушар экан. Ҳасанбекнинг бир улоғи ўлиб, савдойи бўлиб қолган эчкиси, қўй, эчкилар билан ёйилиб, Ҳилолойнинг қабрининг устидан бориб қолиб, оёғи чимни ўйиб юбориб, ўзи қабрнинг ичига тушиб кетди. Ичкарида Ҳилолой туққан чақалоқ йиғлаб ётар эди. Ўзидан-ўзи эчки чақалоққа меҳрибон бўлиб эмиза бошлади. Шундан бошлаб эчки ҳар куни бориб чақалоқни эмизадиган бўлиб қолди. Шуйтиб, орадан не вақтлар ўтгандан кейин бола ўрмалаб, гўрнинг тешигидан ташқарига чиқиб, эчкини эмадиган бўлди.

Кунлардан бир куни чўпон молларини ҳайдаса, ҳалиги эчки дим ҳайдовга юрмай, гўристонликка қараб қоча берди. Чўпон эчкини қайтараман деб борса, гўрдан бир бола чиқиб, эчкини эма берди. Чўпон яқинлаша бергандан кейин бола Ҳилолойнинг қабрининг тубига ўрмалаб

бориб йўқ бўлди. Чўпон бориб кўрса, Ҳилолойнинг гўрининг бир томонида бола чиққудай тешикчаси бор экан. Чўпон бу воқеани бориб Ҳасанбекка билдирди. Бу куни Ҳасанбек икки туркман билан бирга чўпонга эргашиб, гўристонликка бориб анғиб ётди. Чўпон ҳалиги айтган эчкини қабристонга ҳайдаб юборди. Эчки югуриб, Ҳилолойнинг гўрининг тубига бориб манграган эди, қабрдан бир қип-яланғоч бола чиқиб, эчкини эма берди. Ҳасанбек қошида бирга борган туркманлар билан болани ушлаб олмоқчи бўлган эди, бола ўрмалаб қочиб Ҳилолойнинг гўрининг тубига бориб, бола сиққудек бир тешикдан кириб кетди. Ҳасанбек қувониб, шунда бир сўз деди:

*Шукур этайми, учган қушим,  
Яна қайтиб қўнар бўлди.  
Биздан қочиб кетган давлат,  
Қайта бошдан дўнар бўлди.*

*Эгам ёндириб чирогим,  
Кўкарибди қўриқ боғим.  
Бузилган кўнгил чортоғим,  
Уз жойига қўнар бўлди.*

*Дунё ўтар карвон-карвон,  
Ҳилолой эди бенишон.  
Урни ўчмаса на армон,  
Энди кўнглим тинар бўлди.*

*Бу гудак Ҳилол боласи,  
Олтиндай сочин толаси.  
Бўталиб кўнглим қоласи,  
Бахт-чирогим ёнар бўлди.*

*Ҳасанбек ғамим олмади,  
Ҳосил суяк ушалмади.  
Бахтли Ҳилолим ўлмади,  
Дарахтим пойдор бўлди.*

Бу сўзни айтгандан кейин Ҳасанбек ўзи билан бирга

борган туркманларга: — Энди бу болани билайлик. Эр-тага беш-олтита ошиқ билан иккита қўғирчоқ келтириб кўрмоқ керак, деб қайтдилар. Бу кунисига Ҳасанбек қишлоғидаги барча туркманлар беш-олтита ошиқ ва иккита қўғирчоқ олиб, қўғирчоқни бўлак ерга, ошиқларни бўлак ерга қўйиб, кечагидай чўпон эчкини ҳайдабди. Ҳасанбек барча одамлари билан қабрларнинг панасида пусиб ётди. Эчки бориб манграб, Ҳилолойнинг гуридан бола чиқиб, эчкини эмиб, тўйиб олиб, ўрмалаб ўйнаб юриб, қўғирчоқларни кўриб қолиб, қўли билан тутиб чангаллаб, икки тарафга икковини отиб юбориб, кейин ошиқларнинг ёнига келиб, ошиқларни ушлаб, шу ерда жуда кўп андармон бўлиб ўтирди. Ҳасанбек туркманлар билан болани: «Ўғил бола экан», дейишдилар. Шуйтиб, Ҳасанбек ва барча туркманлар болани тутиб олмоқчи бўлиб ҳар томондан ёпирилишган эди. Болага Ҳилолойнинг қабри яқинлик қилиб, бола тешикдан кириб кетди. Ҳасанбек туркманлар билан: — Эртага эгар олиб келиб қўяйлик. Бола эгарга андармон бўлиб қолган палла бировимиз писиниб бориб, тешикка бир нима тиқиб қўяйлик. Ундан кейин болани очикда ушлаб оламиз, — дейишиб, маслаҳатлашиб қайтдилар. Бу кунисига бир яхши қизил эгарни олиб бориб, Ҳилолойнинг қабридан тўртбеш қадам узоққа қўйиб, ўзлари яна кечагидай қилиб пусиб ангниб ётдилар. Чўпон молларини ҳайдаб келди. Ҳалиги эчки Ҳилолойнинг қабри ёнига бориб манграган эди, бола тешикдан югуриб чиқиб эчкини эмиб, тўйиб олиб, ундан кейин шу ерларда ўрмалаб ўйнаб юриб, эгарни кўриб қолибди. Бола эгарга осилиб миниб, жуда мириқиб ўйнаб қолди. Шу вақтда биров пусиб бориб, қабрининг тешигига бир нима тиқиб қўйди. Ундан кейин туркманлар ўраб олиб, болани тутиб олдилар. Бола жуда ҳам тибирлаб йиғлай берди. Шуйтиб шунда туркманлар маслаҳатлашиб, қани нима қилар экан, деб тешикни очиб, болани қўйиб юборишган эди, бола ичкарига кириб кетди. Бола шу киришида бу одамларни онасининг устига тўхтатиб, энасини дим туртиб қўймади. Унда Ҳилолой тилга кириб, боласига бир сўз деди:

*Жоним болам, турткиладинг, қўймадинг,  
Мендан бошқа одамларни сўймадинг.  
Шунчалар ишорат қилдим, тўймадинг,  
Тинчимга қўй, жоним роҳат уйқуда.*

*Мен бу ерда жуда сенга алағда,  
Бўлмаса, кетардим ҳур бўп шу чоғда,  
Сайр этиб юрардим яшнаб гул боғда,  
Тинчимга қўй, жоним роҳат уйқуда.*

*Сени излаб келган одам тоғандир,  
Мени бунда ташлаб, болам, энди тур,  
Тириклар манзили бўлмас қора гўр,  
Тинчимга қўй, жоним роҳат уйқуда.*

*Бор тоғанга, энди сендан тинайин,  
Ҳур бўп беҳишт ичра бориб қўнайин.  
Маҳшарда отанга шарбат қуяйин,  
Тинчимга қўй, жоним роҳат уйқуда.*

*Ҳилолой дер, ҳали гўдак боласан,  
Токайгача қора ерда қоласан.  
Тоғанга бор, шодланасан, куласан,  
Тинчимга қўй, жоним роҳат уйқуда.*

*Бу сўзни бола энасидан эшитиб, ўзидан-ўзи худди она-сининг гапига тушунгандай эшикдан қайтиб ташиқарига чиқди. Ҳасанбек болани ушлаб, кўтариб уйига олиб қайтди. Ана шуйтиб, Ҳасанбой ҳовлисига бориб, бир катта боқма қўйни сўйиб, тўй қилиб, барча туркманларни чақириб, болага нима деб исм қўйишни сўради. Шунда туркманларнинг кекса бир бобойи: — Бу боланинг оти ўзи билан — Гўрўғли бўлсин, деган эди, барча маъқуллаб болага Гўрўғли деб исм қўйдилар.*

Қирғий менга азбаройи суяндими, кўнгли ёлғизликдан кўп зориққанми, кун сайин тиллариям бир бийрон бўлаверди. Уйладимки, одамнинг ўткирлигиям, уддабуронлигиям, шунинг орқасидан орттирган

обрў-мартабасиям одамлар туфайлидир, агарчи одамлар бўлмаса эди, у ким бўларди. Мана, у ёлғизликда ва тутқунликда ким? Қул десак ҳам ярашади. Ҳаётда инсон эгилгиси, сингиси келса осмондан сабаб ахтариб овора бўлмоққа ҳожат йўқ экан.

Биз кунига, кунига бўлмасаям кун оралаб баъзи онлар бир-биримизга маънисиз термулишиб қолар эдик. Мен унга, у менга ачинардик. Бировнинг арпасини хом ўрмадик. Бу — тўғри. Аммо икковимиз ҳам муштарак хиёнатнинг қурбони, ўлжасимиз. Қирғий бобо кетишни хоҳласа керак, ори қўймайди. Мен бўлсам, — негадир ўзим кетгим келмаяпти. Ноқулай, жудаям ноқулай.

Қирғий амаки келган кунимдаёқ мени кет деб ундаган эди. Бора-бора ўзиям ўрганиб қолдим, қистамай қўйди. Кейинчалик хаёл жойига келавергач, бу туриш-турмушимиз тушнинг ўзгинасига ўхшаб кўринаверди. Эҳ, биродар, ҳали тақдир ҳукмингда яшамок, интилмоқ, хуллас, ҳаёт аробасини ҳали тортмоқ заҳмати ёзилган экан-ку.

Отақул Қирғий деганлари ҳаётнинг аччиғию чучуғи, паст-баландини етарли сифатлари билан кўриб бўлган. Умрнинг оқар сув, зинҳор у ортга оқмаслигини бизга нисбат бериб айтилса, тажрибасига биноан юз карра яхши билади. У яшамок истайди, албатта. Ҳаётни, ҳаётнинг лаззатини биз каби ширин кўради. Аммо унинг каби ҳамма давраларда ҳам обрўсини мудом тўкмай азамат виқор билан келиб, сўзи шамшир каби кесиб юрган мартабали одам бир аҳволда, яна денг, ўғирланган, қаролсифат, аллақандай чўл безориларига аллапайт текин ишлаб берган киши туйқус... йўқолди, ўлигиям бир талай вақт топилмади, деган надоматларни кўтариб юриш... ҳай-ҳай... киши белини эгмас, балки қирс этиб синдириб юборар.

— Сенга танбеҳ бераман деб ҳеч қулайини тополмадим, — деди бир куни Қирғий бово. — Нега энди қитмир дўстни қабатингга оласан, демоқчи эдим. Қарасам, ўйлаб-ўйлаб қарасам, айбни сенга тўнкасам бўлмас экан. У бўлган-бу бўлган, шуллуқдай сенга қапи-

шиб ўрнашиб олган. Алами ортиқ экан-да сенда. Кўрол-маслик ёмон нарса, бунинг устига уйланаман, деганини сен илиб кетдинг. Бу кечирилмас ишдир-да, энди у учун. Отаси майда феъл одам-да. Ўзи пакана одаминг алами ёмон бўлади шекилли. Сен «ўлиб» у ниятига етгандир, бошлиғинг билан байрам қилаётгандир — бу номарднинг иши. Лекин, билмайдики, бу билан у барибир бошлиқ билан оғиз-бурун бўлиб кетолмайди. Чунки бошлиғинг сени, сен уни ёқтирмайсан, холос. Сен билан курашиш, олишиш нияти йўқ эди унинг. Абдумалигинг бўлса худди бошлиғингнинг нафсини тўла қондиргандай керилади. Ҳақ бермайди у бола. Бошлиғинг энди бу боланинг қўлидан хиёнат-корона ишлар келаверишини билиб олди. Бунақа одамни ҳеч ким дўст тутмайди. Кўрасан, қараб тур ўзинг.

Амаки энди мени кетишга чинакамига даъват қилди. Ўйлаб қарасам, қачонгача бундай дардисар, дарбадар юраман. Қирғий амаки бу ердан қочган маъқулмикан, деган маслаҳатни берди. Лекин менга маъқул келмади шу таклиф. Негаки, камина бу ерга қийинқистов билан келмаган одамман. Отнинг юганини ечиб қўйиб юборсанг даштга улоқади, аммо у хонаки ҳаётни қўмсайди. Бизнинг ёввойилигимиз ҳам вақтинча. Отам, онам, қизим, ўғлим, хотиним — бариси бири-биридан муштипар бўлиб кўз ўнгимдан кетмай қолди. Мен ортга, шаҳарга эмас, қишлоққа бормоқни ният қилдим. Амакига айтдим: бу хулиганларингиз мени судраб опкелгани йўқ-ку. Илтимос қилсам, кетай десам, йўқ демас.

Амакининг шубҳасидаям жон борга ўхшайди: булардан ҳар балони кутса бўлади. Барибир ҳам сўраб кўриш лозим. Менинг сизларга фойдам тегмайди шекилли, деб узр сўраб бошлайман. Шоввозлар бир ойда икки-уч карра келишаркан. Мен ўйлаган эдимки, аввал бир кишига етадиган егулик ташлаб кетишарди, энди у икки баробар кўп бўлди. Шу ишни бир кишиям бажараётувди-ку, жавоб берсак берибмиз-да, деб қўйиб юборишса зора. Тўғри ўйлаган эканман, ёхуд улар ўзлари кет сен деб айтишга тайёр туришган экан, келган

заҳотиёқ дарров кўна қолишди. Қирғий бовоям ҳайрон қолди. Лекин бир оз ўтиб шоввозларнинг феъли айниб қолди: кейинроқ кетарсан, дейишди. Ялинавердим, худди йиғламоқдан бери бўлиб. Бўпти, кетавер, деди охири корейсга ўхшаган қийиқ кўз, хўппа семиз бири. Аммо бу ҳансираб ётган адоқсиз чўлнинг ўртасида туриб қаёққаям бораман бир ўзим.

Хуллас, аканг қарағай бирпасда йўлга отлана қолдим. Амаки билан хўшлашдим. Кетмайсизми, дедим. Кўзларидан сезилиб турибди, жуда кетгиси келяпти чолнинг. Нечундир ёш бола каби илтижоли термулаётгандай туюлди менга. «Ўша гап» деди.

«Ўша гап» шу эдики, мен амакининг уйига бориб «бовонинг ўлигини чўлда кўрганим»ни айтиб қўйишим керак эди.

Амаки билан хийла бўшашиб хўшлашдим, туриб-туриб хўрлигим келдими, билмайман, хўнграб ёпишиб қолибман. Қарасам, эмранишиб қолиб кетадиганман, апил-тапил «Жип»га чиқиб олдим, йўлдаям гўдакка ўхшаб анчагача шўрқиллаб бурун торта-торта кетдим, аммо ўзимни тутиб олдим, қайсидир белгиларга қараб бу ерни мўлжал олмоқчи эдим. Аммо йўлнинг бирор хусусиятини тополмайман. Охири умидимни узар чоғим олисдаги қорамтир-кўк чизиқни пайқадим. Демакки, у сув. Ҳайдаркўлнинг чек-чегараси кўринмайдиган суви. Сув мўлжал қилинади. Йўлда на бирор дарахт, на бирор из кўринади. Юрган изинг изғиринда тагин кўмилиб кетаверади. «Жип»нинг масофа ўлчагич рақамига қарадим. Йўлда икки канистр бензин қуйиб олишгач, рулга бошқаси ўтирди, роппа-роса беш юз етмиш тўрт километр юрилгач, қош қорайиб қолган чоқда мени бир асфальт йўлга чиқиб тушириб қолдиришди. Мен ўнг томонга қараб кетсам Жетисой тарафга чиқарканман, улар тўғрига, қаёққа кетишди — билмай қолдим. Аммо машина рақами хотирамда қолди.

Камина энди нариги дунё тутқунлигидан ҳам, бу дунёнинг қамоғидан ҳам қутулганимга шукур қилиб



йўл пойлаб турибман. Жетисойга бир соатча юриларкан, ундан Мирзачўлнинг маркази — Гагарингача етиб олдим. Бу ёғи марра бизники. Аммо энг ёмон хавф бор: каминанинг тириклигини ўзим бориб билдирмаслигим керак. Бунинг ҳам йўлини топдим, кечаси шу ердаги меҳмонхонада тунагач, эрталаб автобекатга чиқдим. Кўринишимдан бирон киши аллазамонлар аввал зиёли зот бўлганимниям тасаввур қилолмас: бир абгор аҳволдаман.

Ўйлаб қўйдим: такси тутаман, ҳайдовчи билан тўғри қишлоққа бораман. Уйдан бир чақирим бери тўхтатиб бирорта болани таксига ўтқазиб юбораман-да, суюнчи олиб тур, орқаларингдан бирор ярим соат ичида етиб бораман, дейман. Ҳар ҳолда «ўлган» одам тириклардан кейинроқ боргани, ҳовлиқмагани маъқул...

Албатта, бундай дардинг борлигини такси ҳайдовчигаям, йўлдан чиққан бошқа йўловчигаям батафсил тушунтиришинг шарт эмас. Аввал одамга малол келадди, сўнгра ғайритабиий бир ҳодиса. Мўлжалимдагидай бўлди. Жиззахдан ўтгач, ҳайдовчидан бошқа йўловчи олманг деб илтимос қилдим. Фақат йўлда бир тўхтаб тарвуз сотувчи деҳқонлардан бир кичикроқ тарвуз сотиб олиб едик. Оҳ-оҳ, Қирғий амаки билан палак бошида, қўлинг билан палакдан узиб олиб сўйиб ейишни қанча орзиқиб эслаган эдик. Лалми қайроқи тарвузлар мезон еган, ширинлигига таъриф йўқ. Байбай, лаззатнинг чек-чегараси бормикан?

Бироқ юрагим ҳапқириб, ўпкам тўлиб кетаётир. Чўкиб қолган ота-онам, хотиним, ўғлим, уларнинг нафасини сезиб турибман. Эҳ, адойи тамом бўлишган чиқар. Кетган одамнинг келиши, бу — бир афсона. Узилган умид иплари, дард, фignon, фақат сабрга таяниб кечилаётган фойдасиз бир ҳаёт.

Шундай ҳолатда мен ҳам ўзимни, ҳам уларни асрашим, авайлашим керак. Қишлоққача етишга сабр қилмадим, бир қишлоқ берида тош йўл чеккасида янтоқ чопаетган икки йигитни кўриб, бирини чақирдим. Қишлоқ жой, мен уларни танимасам-да, улар

мени кўрган заҳоти тахта бўлиб қолишди. Аҳволни қисқа тушунтирдим. Бировларинг мошинага чиқиб, бориб шундай деб тушунтириб турсанглар, дея илтимос қилдим. Йигитларнинг икковиям мошина кабинасига уриб кириб кетишди. Бундай ғаройиб воқеа учун суюнчи олиш... ҳали кўрилмаган иш. Ҳам завқли.

«Волга» мени чанг-тўзонга ботириб олға кетди. Орқасидан кетяпману на чангу тупроққа, на почаларимга, оёқларимга урилаётган ёввойи ўтлару чала тўшалган қайроқтошларга парво ҳам қилмас эдим. Алланечук бир вазнсиздай эдим.

Аслида дунёнинг ўзи бир ғоясиз кўринди. Нукул кўз ўнгимда Яхшигул жилва қилади. Негадир унинг биринчи марта менга розилик билдириб хат ёзганию хатни почтага ташлагач, худди бу «уят иши»ни ҳамма кузатиб тургандай уйига довур «қочиб» боргани эсимга тушиб йиғлагим келарди.

...Бозор кунига айтиб қўйишган экан «қирқ»имни. Икки кун аввал кириб бордим.

Тўрт кун зўрға чидадим. Қандайдир уяласан, тортинасан одам: армиядан, жуда бўлмаганда қамоқдан келган бўлсанг ҳам майли эди.

«Қирқ»имга Абдумалик келмади. Ҳар ҳолда узоқ йўл, балки кечроқ келар, деб кўп кутдим, келмади. Ўсал бўлдим. Хафа бўлдим. Худди ундан қасос олиш учун тирилгандай эдим-да. Шундай бўлгач, дунёнинг телбалигига тагин бир иқрор бўлгани маъқул-да.

Абдумалик дунёга тез эга чиқишни хоҳлайди. Аксарият кўп ишнинг уддасидан ҳам чиқади. Аммо бу сафар... менинг ҳаётимга шумғиядай ёпишиб олиб... панд еди. Худо панд берди.

Уйдагиларга айтдимки, тириклигимни шаҳардаги ўртоқлар ҳам билсин. Боз устига ҳамма жойлардан менинг фамилиям устига қора чизиқ тортилиб, қавс ичида «ўлган» деган ёзувларни тиркаб қўйишгандир. Ўзимнинг тириклигимни исботлаш учун ҳам бирмунча тиришишга тўғри келди. Балки чиндан ўлиб-чириб кетмаганимни аниқ исбот этиш учун комиссия туздилар. Файриодатий бунақа текширув қанақа бўларкан.

Бирор-бир қолипга, бирор-бир қоидага сифмайди-я. Комиссия охири хуноби чиқиб бундан кўра... ҳамма-нинг тинчини бузгандан кўра... ахир бизниям тушунинг-да дўстим, деса-я. Ўлиб-тирилди, дея қайд этиш ёқимсиз иш эмасдир-ку, тажрибада йўқ воқеа-да. Фалати.

Ҳечқиси йўқ, буниям Абдумаликка қўйиб берсак эсплайди...

Худди Абдумаликнинг ўзига...

Гап бор-да: мен энди унинг тириклик дунёсидаги барча галабалари билан қутлаб, бундан буёқ ҳаётига би-ир берилиб томоша қилмоқчиман...

Ахир, ҳаётда бундай бемисл томоша учрарканми?..

Ҳеч ҳам учрамайди!

Кайвони оқсоқоллардан тўрт киши қўшилди. Кетаётганда йўлда Яхшигул нечукдир менга бир нарса дегиси келиб, яна ютиб юбораётгандек эди. Бу воқеанинг туш эмаслигига энди зўрға ишонаётгандай эди. Ахир бир марта эмас, тўрт кеча ухлаб турди, ҳар эрта мени жони бор кўрди — ишонса бўлар.

Одам — омонат.

Жон ҳам омонат.

Буни Яхшигулдай чуқур фаҳмлайдиган йўқ ҳозир.

Фақат у ҳар сафар мени ушлаб-ушлаб кўришга тортинарди, холос.

Бироқ айтар гапи бор экан, сезмабман. Боргандан сўнг жўрангиз билан алоқангизни узинг, лекин гапирманг, уришманг, демоқчи экан.

Яхшигул билан қовушган ўша узун ва ёқимли кечаларда унинг ота уйи, боғи ва албатта, қисқа муддат бирга яшаган бўлсак ҳам бизнинг қишлоқдаги ҳовлимиз, оталар, оналар, сингиллар, укалар, янгалар, уларнинг феъл-атворлари, қилиқлари ҳақида гурунглашиб, эслашиб ётамыз. Сўлим кунлар эди. Яхшигулнинг ўша мен борганда чиқмай ноз қилишларини эслатаман. Ростини айтсам жудаям сиз томонга шошилиб, кўргим келиб турардим, аввал ойнадан кузатар, томоша қилмоқчи бўлардим. Аммо дарров пешвоз чиқақолсам, сиз нима деб ўйлардингиз... дейди.

Ҳа, дарвоқе, у ҳечам ўз тилидан розилик бергиси келмасди. Сукут ва баъзи аломатлари ила розилигини сезиб росмана ўзимники деб ўйлардим, холос. Аммо бир оғиз гап йўқ, барибир хавотир турарди кўнгилда, ахир отаси отамни икки марта, акамни бир марта «айланиб келинглари» деб қайтариб юборишган. Йўқ ҳам дейишмаган. Кейин анча палла уйдагилар у ёққа қадам босишга товлари келмай юрган. Бу орада бизга қиз бергувчилар кўпайиб, баъзилари ҳатто онам орқали оғиз солиб кўришган. Куёвга совчи бўлиш... Тавба. Шундан сўнг камина буларнинг тагида бир фитна борлигини сезиб фоз туриб айтганманки, ўзимизнинг қишлоқда бизга тўғри келадигани йўқ, олиб берсанглари ўша — Яхшигул тузук экан, бўлмаса қўяверинглари, деганман.

Бир куни Яхшигул дугонаси билан Жиззахга тушган. Шаҳарлараро телефон тармоғига кириб менга, ишхонамга сим қоққан.

— Мен Яхшигулман, — деди у.

— Ие, — дея ҳовлиқиб ҳол-аҳвол сўрай кетдим.

Лекин у бирор гапимга жавоб ҳам бермай, индамай тураверди. Нима бало, узилиб қолдим, деб трубкага пуфладим. Бирдан унинг йиғламсираган овози эшитилди:

— Розиман.

Шу билан телефон узилиб қолди «тут-тут»лаб. Қувонаримни ҳам, йиғлашимни ҳам билмайман. Уйга бир энлик хат ёзиб юбордим: — «Яхшигулга совчи бўлиб боринглари» деган мазмунда. Аммо, негадир уйдан на хат, на бир хабар бўлди.

Абдумаликнинг онаси онамга Яхшигулни роса ёмонлабди. Кейин онам совчи жўнатишга кўнгли бўлмай эзилиб юраверибди. Охири ўзим қишлоққа бориб бу гапларга эътибор бермай, акамни совчиликка жўнатдим. Хуллас, масалани бир ёқлик қилиб келдим.

Яхшигул ҳар замон эслаб кулади:

— Ўша телефон қилганимда шундай уялиб кетдимки, худди биров пойлаб тургандай телефонни қўйиб-боқ кўчага қараб қочдим. Кўчадаям одамлардан уяла-

ман. Ҳамма мени томоша қилаётгандай, масхара қилаётгандай бўлаверади. Автобус бекатида Зарифа кутиб турган эди. Унинг олдига келиб ўзимни туюлмамай йиғлавордим...

— Чунки, — дейди у яна, — Абдумалик акадан ўша кунлари деярли ҳар куни совчи келди. Яна бошқа ёқлардан ҳам кела бошлади. Менга... сиз маъқул кўриндингиз.

Абдумаликнинг онаси ўша кунлари совчини у ёққа жўнатиб, бу ёққа ёлғон гийбат ташиш билан овора бўлган.

Бор-йўқ совчи тарихимиз шу.

Лайли-Мажнун, Кумуш-Отабек бўлмадик. Лекин тинч яшадик. Бир-биримизга тамом қовушиб, ўргандик, нафас олишимизданоқ фикри-зикримизни тушунадиган бўлдик. Бирин-кетин ўғлимиз, қизимиз туғилди. Энди бизни боғлаб турган ипни биров узмас эди. Узиб юборади деб хаёлимизгаям келтирмасдик.

Саргузашт бу қадар катта бўлиб кетади, деб ўйламасдик. Ақалли тушимизгаям кириб чиқмаган.

Қисса сўнггида айтиб қўяверай: дўсти содигим Абдумалик ҳали «танам совимай» Яхшигулга оғиз солишгаям улгурибди. Бундан ортиқ тубан кетиш бўларми?!

Менинг ҳали-ҳамон тирик вужуд эканимни, ўшанда «адашиб» ўлганимни, кечирасизлар, тағин тирилиб қолди, деган маънода расмий ҳужжатлар тайёрлашним атайлаб унинг гарданига юкладик.

На илож, «пешонамда бор экан шул ҳам».

Бу ёғи тағин ҳаёт, демакки, яна — кураш.

Чамбилбел даштларини бирров ҳазиллашиб кезиб чиқдим-да...

# ҲИКОЯЛАР



## АКА-УКАЛАР

Тўғриси, бизнинг уйга қуёш ҳожи бобонинг иморатидан ошиб тушади. Офтоб бизга нурларини тўшашдан аввал ҳожи бобонинг уйини ёритади: кенг-мўл, девор-дармиёнсиз дашт ҳовлиси. Пастга эниб тушадиган жойда бир оёғи «оқсоқ» Т-28 трактори икки йилдан бери қадалган кўйи, ҳайкалдек туради, мабодо у юрса ҳам ё бирор транспортнинг шатагида, ё пастга қараб шўнғиб ўт олдирилади, қишлоқда аккумулятори соғ транспортни ўзи учратиш қийин.

Ҳар қалай трактор шу туришда бировга зарари тегаётгани йўқ. Ҳожи бобонинг кичик ўғлидан неваралари уни тайёр, «индамас» эшак қилиб минишларини ҳисобга олсак, «фойдали жонивор» қаторига қўшсам бўлаверади.

Бир уйда уч оила жам бўлган. Катта ўғил чўлда, лекин бола-чақаси шу ҳовлида. Кичик ўғил шу ерда. Кичигининг болалари тўртта. Ўртанчаси иккинчи марта уйланди. Биринчи хотини туғмас чиқди — қўйиб юборди. Иккинчисидан уч қиз бор. Келин, қишлоқ тили билан айтганда нақ «қора товон», яъни кеча-кундуз тиним билмайди, ёзда, кузда яқин-атроф қирнинг тезагини уйига ташийди. Қиш бўйи уч рўзғор шу ўтин ҳисобидан исинади, роҳатланади. Албатта, бошқалари ҳам қараб туришмас, аммо каттаю кичикнинг тилида шу келин. Кам уйқу ҳожининг ҳар таҳоратига илиқ сув тайёр, ҳар чой сўраганида аччиқ чой ҳам тайёр. Одамлар унга ўғил тирноқ тилашади. Кўпнинг дуоси кўл, боз устига ҳожи бобоям қишлоқда ягона ҳожи —

дуоси ижобат бўлиб, ажабмас, Оллоҳ ол қулим, деб ўғил ато этса.

У кампири билан яшайдиган кичик нашахонанинг деворига ҳожининг онасидан қолган чилдирма оқ сурпда сақланади. Табаррук. Кампир юз ёшни қоралаб қазо қилди. Тўқсон ёшларидаям авжи келиб сумалак бошида ё артисти йўқ тўйларда қарсиллатиб бир-икки терма айтиб ташлаб келинчакларни ўйнатиб юборар эди.

Бултур ҳожи бобо Маккаи мунавварага, ҳаж зиёратига борганида онасини ҳам ҳажжи бадал қилдириб кепти. Яхши-да. Шундан бўлса керак, бу уй нурли, баракали.

Менинг синфдошим, ҳожининг кичик ўғли кўпкарига қизиқади. Бир чўбири бор. Гаштак кўпкариларда ҳа-ҳа, деб тўдага уриб туради. Норбўта обдан ичар эди, отаси ҳожи бўлгач, таққа тўхтаб номозхон бўлиб олди. Лекин «шайтон ўйини» — кўпкаридан қолмайди.

Биз эртага Қизил олмада бўладиган кўпкарига икки чавандоз ва икки яйдоқ кечин ола йўлга тушдик.

Мен Қизил олмага эмас, шу қишлоқнинг бошидаги қайнотамникига, Ингичкага борамиз, отларни қантарамиз, жойи бор, эрталаб тўйхонага тушамиз, дедим. Кўмак ака бунга кўнмади. Тўй эгаси Қорабош менинг қирқ йиллик қадрдоним, борсак, ҳамма нарсани тўкиб ташлайди, бошқаникига борганимизни эшитса хапа бўлади, деб туриб олди. Қоронғу тушган, лекин электр йўқ. Бизда-ку, кечқурун икки-уч соат чироқ ёнади, бу шўринг қурғурларда шуям йўқ экан.

«Тўй тоға» деб товуш берганимиздан сўнг кимдир оёғига калиш кийиб чиқди. Қорабош аканинг армия жўралари келиб, улар билан ичиб маст бўлиб қолганини айтиб, бермон томон бошланглар, деб сойнинг нариги бетида турадиган Эсиргап дегич укасиникига бошлади. Эсиргап бир чағат жойдан уй солган экан, отларимизгаям жой тегмай, дуч келган жойга боглаб ичкарига кирдик. Ўртада мойчироқ, кун совуқ, печкага ўтин ташланмаган, қунишибгина ўтириб олдик. Бир маҳал дастурхон келди, нон йўқ; аллазамон ўтиб



нон келди, чой йўқ. Оббо, бу ёғи неча пулдан тушди энди, деб ўтиравердик. Кўмак аканинг жонига тегдим:

— Ҳалиям кеч эмас, сурдик бизнинг қайнотаникига.

Аммо ака унамади. Қайнотанг меҳмон қилолмади. Булар эл кезиб юрган, донғи чиққан одамлар, деб мени мулзам қилди.

Яна бир муддатдан сўнг бир тақсимчада тош конфет ва бир тақсимчада, чамаси бултурғи ҳайитдан қолиб кетган парварда келди. Бошқа ҳеч нарса келмади. Чавандозлар бирор ёғлироқ овқат еб қорин тўйғизиш қайғусида, биз ночавандоз, ҳайбаракаллачи Кўмак ака иккимиз тўйда эски ошналар билан мириқиб улфатчилик қилиш иштиёқида эдик. Додимиз Худога етмади чоғи, қамоққа тушган тўрт ўғлондай ўтиравердик. Овқатдан дарак йўқ, ҳеч ким хабар олмайди. Ухлайлик десак, уй совуқ, печкага ўт қаланмаган. Бир вақт бир одам келиб печкага ўт қалаб керосин сепди, олов ёнгандай бўлди, аммо у яна ўчди. Қайтанга уй тутунга тўлди.

Кўмак ака димиқиб деразани очди. Дераза ортидан бир ниманинг хириллагани эшитилди.

— Ана, меҳмонга сийлов деб қўй сўйилаётир, — деди Кўмак ака хурсанд бўлиб қўлларини бир-бирига ишқалаганча.

Лекин хирилдоқ узоқ давом этди ва бирдан тўхтаб, «онангни фалон қилай», деган бўғиқ сўқинишга айланди. Ҳар қалай бу «сийлов» биз учунми, бошқа бировга аталганми — дабдурустдан билиш қийин эди. Алоҳа, бунинг орқасидан тарсиллаган товуш келди. Чамаси икки эркак бўғишаётган эди. Кетма-кет сўқинишлардан кейин шундай экани аён бўлиб қолди.

Кўмак ака чиқиб уларни ажратиб қўймоқчи бўлди. Қўйинг, жанжалга аралашиб, эртага мелисага қатнаб ўлманг, деб уни зўрға тўхтатдим. Аммо жанжал зўрайиб, сўқинишлар ҳам олий мақомга кўтарилаётган эди. Энди улар бир-бирини таёқ билан солаётгани эшитиларди. Сапчиб ўрнимдан турдим. Агар биз учун уриша-

ётган бўлсанглар, мана, кетдик, сизлар тўхтатинглар, демоқчи эдим.

Шундоқ даҳлизга чиқишимни биламан, оёгим сатилга тегиб кетиб, сув тўкилиб, оёгим сирпаниб, ерга думғазам билан ўтириб қолдим. Орқа оёгим пайпоғим аралаш нақ тиззамгача лой, сув бўлди. Шунгаям қарамай ташқарига отилдим. Айвонда, хира фонус ёруғида, устун тагида биров узун тушиб ётибди. Қарасам, аёл киши, кўтариб турғизай десам, ўлик. Тап-тахта бўлиб қотиб ётибди. Ичкаридан бир чол чиқди. Фонусни яқин опкелди. Чол ҳам оғзига келганини қайтармай анови икки uriшқоқни сўкиб ётибди.

Аъзойи баданим музлаб кетди. Бу ёғи етмагандай энди манови қотилликкаям гувоҳликка ўтсаг-а. Кампирни кўтариб ичкарига олиб кирдик. Нафас олиш йўқ, оёқлари музлаб боряпти. Шу пайт ҳарбий муаллимимиз ҳушсиз одамни орқа бўйнидан маҳкам қисиб бошини олди тарафга эгиш керак, деган гапи хаёлимга келди ва шундай қилган эдим, кампир бирдан хирллаб юборди, оғзидан кўпик чиқиб кетди. Аммо энди нафас ола бошлади. Кампирни узала қилиб қўйиб келиними ё қизими, бировига оёгини уқалайверинглар, деб чиқиб кетдим. Айвонда чол катта заранг таёқни ушлаб иккала йигитга, бу ёққа чиқ, икковингни уриб ўлдираман, деб пўписа қилаётган экан.

— Отахон, қўйинг, биз сизникига тўйга келдик, меҳмонингизмиз, — деб ялина-ялина базўр қўлидан таёқни олдик.

Йигитлардан бирининг боши ёрилиб ётибди, қон шариллаб оқяпти, иккинчисининг эса юзлари тирналган, кўзлари қовоқдай шишиб кетган. Биз шунисини ўртага олдик. Жўражон, бизлар тинч кетайлик, дўхтир чақир, акангнинг ярасини боғласин, онангния кўриб қўйсин, дедик.

— Дўхтир узоқда, мен бормайман, — деди у.

— Қаерда, биз бориб келайлик бўлмасам.

— Қўшилишда.

— Ўҳў, ўзларингда дўхтир йўқми?

— Бизникиям ўша, Қўшилишдаги.

Шундай деб, у бурилиб бошқа уйга кириб кетди. На бўлгай, биз шу ҳолимизча қотиб қолдик. Шу орада бир мотоцикли бор одамни топиб, ялиниб, охири бензин пули деб, тўрт-беш сўм бериб, дўхтирга жўнатдик.

Кўмак аканинг сабри чидамади. Нариги бетга, тўйхонага борайлик, деб туриб олди.

Мен яна Ингичкага борайлик, дедим.

Аммо энди кеч эди.

Ҳамроҳларим — Олмос ва Норбўта полвонлар бу фожеага шерик бўлиб қолишдан чўчиганлариданми ё жанжалдан зада бўлишдими, отларимизниям олиб бу ердан кетайлик, деб қисталанг қилишди. Хуллас, жанжалкашларнинг акаси, тўй эгаси Қорабош полвонни-кига ўтар бўлдик. Борсак, тагин бояги калишчан дастёр чиқди. Бизни уйга олиб кирди. Кирсак, уй тўла меҳмон, бариси маст. Сигарет тутунидан нафас олиб бўлмайди.

Ноилож кириб ўтирдик. Ҳечқурса қорнимиз қовзар нар деб ўйладим. Лекин дастурхон ночор эди. На овқат, на қоринни алдашга дурустроқ нарса бор. Бирикки пиёла чой ичганимиз ичимизни бир оз илитди.

Кўмак ака мастларга қўшилиб беш-олти пиёла ароқни ютиб олди. Қийшанглаб уларга ўхшаб чучмал ҳангомалардан ола кетди. Мастлар эса кўпга дош беролмади, чўзилиб-чўзилиб ухлаб қолишди. Ҳатто дастёр йигит ҳам печга суянганча пинакка кетибди. Биз чўзилишимизга умуман жой йўқ эди. Энди уйқу босарди. Иложсизликдан жанжалхонага кетишга мажбур бўлдик.

Борсак, бояги «ўлган» кампир ҳеч нарса кўрмагандай ташқарида ғимирсиб юрибди. Ё тавбангдан кетай, бу қанақаси — худди жўртгага қилгандай-а! Барибир ўлмагани тузук бўпти.

Кўмак ака алжираганча:

— Ўлмайди бу тош кампир, менинг энам. Қорабош полвонди шул тувған, — деди ва тентираганча биринчи бўлиб бояги меҳмонхонага кириб кетди. Биз ҳали этикларимизни ечиб ҳам улгурмай бир аёл ичкаридан отилиб чиқди. Не бўлганини билмай қолдик.

Кирсак, мойчироқ ёруғида Кўмак ака кўзлари ҳай-калникидай тосрайиб қотиб турибди. Кайфидан асар ҳам қолмаган.

— Нима қилдингиз? — деб сўрадим.

— Ҳеч нарса, ҳеч нарса, — деди у йиғлагудай бўлиб.

— Қариганда буйтиб шарманда бўлмай ўлганингиз яхши.

— Ҳеч нарса, ҳеч нарса, — дерди у яна, — бояги жанжалкаш йигит деб ўйлапман, қоронғида келинчак эканини билмапман, юзини очсам индамади, кўрпани кўтариб орқасига бир тепсам, чийиллаб эчкидай сакраб туриб кетди. Энди нима бўлади?

— Бояги жанжалда одам ўлмади ҳар тугул, ўлса — энди ўлади, тайёр бўп тулинг, — дедим.

— Неужели, ай, неужели?

— Мана, қараб турасиз...

Индаллосини айтганда шу хавф-хатар бор эди-да. Шунинг ҳисобга олиб унинг чиқиш-қочиш тирқишларини мўлжаллаб иккала деразасини ҳам очиб, этикларимизни ҳам кийиб, бардам бўлиб тек турибмиз. Эшик томондан шариа келса, пастга қараб сакрашга шаймиз.

Дераза орти камида уч қулочлик пастлик, уй нишабга қурилгани учун тош қалаб қўйилган, тошдан нарисини пастлик, қуласанг шу ердан кулаб майиб бўласан. Бояги бўғишма шу пастликда рўй берган.

Тонг ҳам ота қолмади, мижжа ҳам қоқмадик. Кўмак ака мастликда қилиб қўйган ишидан пушаймон, «мени ўлдириш керак, мени», деб уф тортади нуқул. Деворларга қарасам, нуқул кашта, сўзана илинган, ўртада келин билан куёвнинг тўй либосида тушган чети ёғоч, усти ойнали каттагина портрет сурати.

— Сиз бунинг эмас, нақ келиннинг кетига тепгансиз. Ҳозир куёв болта кўтариб келиб ҳаммамизни чопи, — деб гизладим мен.

— Ўлдик, вой, — деди Кўмак ака. — Ростдан ҳам келиннинг уйи бу.

Аммо, не тонгким, қотилликка арзирлик мазкур воқеа бу жанжалли уйда эътиборсиз қолдирилди. Ба-

рибир деразалар ланг очик, эрталабга довуr чегарада-  
ги хушёр аскар мақомида тонгни ҳам отгирдик.

Шунча ғавғоларни ўз бағрига сингдирган қиш ке-  
часи жуда узун эди...

Тонг ёришар-ёришмас уйга бир кучоқ ўтин кўта-  
риб чол кирди.

— Меҳмонжонлар, қишнинг изғиринида тиразалар-  
ди очиб қўйганларингиз нимаси? Полвонлар-да бу-  
лар, полвонлар.

Бу ташрифдан биз бало ариганини чуқур англаб,  
енгил тин олдик. «Қатлга маҳкум» Кўмак ака ҳам даб-  
дурустан ўзига келиб, чолни отам деб гулдирай кет-  
ди.

Печка устидаги чойнак хуштак чалиб қайнади. Чой  
устида кўпқари ҳақида гурунг кетди. Гўё бу уйда кеча  
суронли жанг-жадаллар бўлиб ўтмагандек.

Норбўта полвон барибир гап ораси кечаги тепа-  
лашган йигитлар сизга ким бўлади, деб сўради. Чол  
аввал «онангни палон қилайлар» деди-да, сўнг:

— Икковиям менинг улим, — деди.

— Йўғ-э, — деди Олмос чавандоз, — биз тўйдан  
икки маст келибди деб...

— Калласи ёрилгани кичкинамиз. Эркароқ. Беш-олти  
қафасда каклик сақлайди. Акаси райондаги молиячи  
жўраси келиб ҳавас қилса, опкетавер деб биттасини  
берворипти. Келин шуни эрига айтиб кўйипти. Кейин  
шу жанжал-да: сўяман, чопаман дейди акасини, ўзла-  
рингиз кўрдингизлар-ку, кимга қийин — ўзига қийин.  
Болтанинг учи тегса калла кетар эди, кейин нима  
бўлар эди — ўлар эди. Тўйда аза чиқар эди. Уят-да. Бу  
ёқда кўпқарига одамлар айтилган. Мана, сизлардай  
полвонларди миймон қип ётипиз. Катта улимиздинг  
Қорабош полвон деб чиққан оти бор, туврима, пол-  
вон?

Олмос полвон бўздай оқариб, ҳатто кўкариб кет-  
ди.

— Яхши бўлиб қолдими ахир улингиз?

— Нариги томда ўламан деб жотипти, ким биледи.

Тоштемир духтур келиб бойлади, унингам кайфи боракан, ароқ сўради, бермаб эдик, кетиб қопти.

— Кампир соғми ишқилиб? — деди Кўмак ака.

— Бу энангди... — деб тагин сўкинди бобой. — Бу икки бирдай жигит разбор қилаверсин, демай, ора очаман, деб ўртага тушган. Бирови нари тур деб тирсаклаб юборипти, бориб каллани устунга уриб опти, пок қолди ўлиб қолишига. Ҳалиям устун бор экан, бўлмаса тошдеволдан пастга тушиб бўйни қайрилиб ўлар эди. Ҳай, эътибор қилманг, меҳмонлар, кўпкаридан гапиринг...

Тамадди қилгач тўйхонага ўтар бўлдик. Отлар ўша ерда қолган, улоққа тайёрлаш керак. Чошгоҳда Керагатошнинг яйловида кўпкари бошланади.

Жанжалхонадан чиқаётиб, кечаси кампир йиқилган жойга разм солдим. Худо асрабди. Агар устунга урилмай тошдевордан пастга тушиб кетганида, ростдан ҳам бугун азахонада ўтирарканмиз...

Атрофга қалин туман тушибди. Тўйда қозон осилган. Одамлар ғимирлаб қолган. Отларимизни оғилнинг орқасига ўтказиб боғлаб қўйишибди. Ҳар қайсисининг олдида бир боғ беда... Чавандоз учун бундан ортиқ жазо йўқ. Тўқ от кўпкарига ярайдими? Уни қуруқ қийнаганинг, қамчи тушириб баданини оғритганинг қолади.

Кутганимиздай кўпкари ҳам мурдор бўлди. Полвонларимиз солимгаям, жаловгаям ташлай олишмади. Боз устига туман жуда қуюқ эди.

Қишлоққа ошиб тушганимизда, гарчи кеч тушаётган бўлса-да, қуёш чиқди. Бу — эртага кун илиқ бўлишининг белгиси.

Уйга келиб Қизил олма қишлоғи томонга қарадим. Ҳожи бобонинг уйи равшан, оқариб кўринарди. Чўлдаги ўғли бир тележка опкелган шекилли, пастликка қараб турган тракторга тақиб қўйибди. Эртага юргизса керак...

## БЕГОНА МЕҲМОН

*Бу бир ривоят. Лекин ўзим унга ишондим. Тўқиган жойларим ҳам бор, тўқимаганларим ҳам. Лекин галати. Сабаби...*

Матлаб аслида шу Оқморални деб дунёга келган экан. Саксонга кириб умрининг боши-кетини ўйласа шундай бўлиб чиқди. Шунча йил-а, шунча узун умр-а, сарсон-саргардонликка эврилган қисмат, ана, боринг, пешона-я. Оқмарални деб яшаган йиллари асли уни қиздан юзлаб чақирим нари, худди қуюндаги хашақдай бегона манзилларга улоқтириб ташлайверибди. Қариди, чуриди, энди манглайига тарсиллатиб шаппат урди.

Ҳали ҳам Талас тоғларида таёғини, чоригини судраб юрар эди. Қўра-қўтону тоғ-адирларда бу атрофларнинг эгаси бўлган янги бой — Замонбойнинг хизматини қиларди. Кунларнинг бирида бир тўп отлиқ қуролланган йигитлар куппа-кундузи келиб қўраю капасини шип-шийдам қилишди. Ўрисча-қирғизча қурама тилда бақира-бақира шу ерда чол билан бирга молбоқарлик қилиб юрган Қорақулни, хотини ва икки гўдак боласиниям отиб ташлашди. Уларга ташланаётган учта бўрибосарнияв автоматдан тариллатиб ўт очиб ер тишлатишди. Сўнг бири Матлаб чолга юзланиб, Замонбой энди йўқлиги, манави давонгирлар аллақачон уни нариги дунёга равона қилишганини бемалол, дона-дона қилиб тушунтирди, сўнг бойнинг йилқи уюри, пода-си, қўй отарлари қаердалигини суриштирди. Буткул ҳимоясиз қолган чол сойлар, адирларнинг номини айтиб, моллар ўтлаётган манзилларни айтди. Ҳалиги отлиқ қошларини чимириб турди-да, чолнинг юзига зарб билан қамчи қўйди. Тирқираган қон кўзларига тушди, «воҳ, падарингга лаънат» дея қўллари билан юзини тўсгунча бўлмай қўлидан судраганча қўра ёнидаги яккамихда бойланган байтал ёнига опкелиб, ўша моллар юрган жойни бизга кўрсатасан, дея буйруқ қилди. Чол юзидан тушаётган қоп-қора қонни артиб

улгурмай, байтални эгарлаш асносида имиллаётгани сабаб бўксасидан тагин бир қамчи еди. Беихтиёр йигитни бўралатиб сўкиб юборди. Ёноқлари пир-пир учди. Аммо негадир босмачи йигит бу сафар пўписа қилмади. Чамаси бу қари инсон ҳали-ҳануз унга кераклигини эслаб қолди.

— Кўзинг-бетингга қараганда сарт чигарсан? — деди ажабланганнамо.

Чол иягигача келиб бармоқ энлигида сумалакдай бўлиб турган қонни ижирганиб жабдуққа артаркан, сен тўнғиз қўпурга бунинг нима қизиги бор, ўлдириш ниятинг бор экан, шу ерда бир ўқ билан тинчитиб қўяқолмайсанми, демоқчи бўлди. Ияги, лаблари титради-ю, ҳеч нарса демади. Балки омонликдан умид қилгандир. Эгарга ўтирар-ўтирмас йигит байталнинг сағрисига аччиқ қамчи босди. Отини пишқиртирган кўйи унинг ортидан йўртди.

Хуллас, ожиз-нотавон чол минг қўйли бойнинг қўй-эчки, қорамолу уюр-уюр йилқиларини отликларнинг олдига солиб ҳайдатиб юборди. Эвазига тагин икки қамчи еди, ноинсофлар унинг остидаги байтални ҳам олдиларига солганча адирлар куйисигача бўкирган кўйи от қўйдилар.

Чол энди тақдир битиги бир ерга келганига, балки сўнги кун яшаётганига тамом иқрор бўлди. Худо ўлдирмаса одам не машаққатларни орқалаб, сошдан ўтказиб юравераркан. Ана қисмат: қаерда туғилдинг, қаерда яшадинг, қаерда ўлмоқдасан? Хўп, ўзи нима учун яшадинг? Тўғрироғи, яшаган эдинг?

Кўз олдида ўзи туғилиб ўсган Хартанг қишлоғи жонланди. Отасининг эл қатори бир қаричгина ери бор эди, лекин қўли гул эди шекилли, оламжаҳон узум етиштирарди. Ота-ўғил эшакаравада Самарқанд бозорига элтиб, қайтарда қанд-новвот, ўзларига, ука ва сингилларига, онасига ҳам кийим, рўмоллар харид қилиб қайтишарди. Отаси унинг замонга мос бўлиб ўсишини, келажақда катта одам бўлишини астойдил хоҳларди. Шундай бўлаётганди ҳам. Самарқанддаги ягона очилган университетга кирди. Не балолиғ бўлдиким,



йигит узоқ юрт — Жамбулдан келган Оқморал деган қизга ошиқ бўлди-қолди. Бора-бора қиз ҳам унга кўнгил қўйди. Лекин на йигитнинг, на қизнинг ота-онаси уларнинг турмуш қуришига рози эди. Ораларини суриштириб қарашса нақд беш юз чақирим келади. Тавбангдан кетай, ўзбекман деганнинг ҳам не ерларга уруғи сочилган-а! Жамбуллик соф ўзбек, қуралай кўз Оқморал! Хуллас, икки томоннинг ҳам ота-онаси норози, йигит-қиз ўқиш тугагач, ўз уйлари — ўлан тўшақларига қайтишди. Ўша маҳаллар қишлоқларда ўқитувчи кам, Матлаб ҳадемай ҳашар билан қурилган қишлоқ мактабига директор бўлди. Аммо қизни унутолмади. Китоблардаги сингари кеча-кундуз оқ чекди. Хатлар ёзди, хатлар олди. Оқморал! Маъноси қозоқчадан ўзбекчага ўгирилса — оқ оху эмиш. Оқ оху! Қизнинг отаси бир қалин қозоқ ошнасининг таклифи билан шу исмни танлаган экан. Не бўлғай, ўша қозоқ ошна Оқморал гўдаклигида ўғлига бешиккертди ҳам қилиб қўйибди. Оқморалнинг ёзишича, уларда удумни қаттиқ ушлар эмишлар. Удум шариатдан ҳам устун эмиш.

Матлаб бу сўзларни ўқиб нақд олов каби ёниб кетарди. Оқ юзли сулув — оқ охуни жизганак бўлиб бировлардан, номаълум йигитлардан рашк қиларди. Бу дард шу қадар кучли эдики, охир-оқибат касалманд аҳволга келди. Тунлари деярли бўзлаб чиқадиган бўлди. Отаси бунга сезиб, тезроқ бошини боғлиқ қилиб қўйиш тадоригига тушди. Кўп ўтмай отаси ўз тоғасининг қизига уйлантириб ҳам қўйди. Бир ой яшашди. Йигит ҳамон Оқморалнинг кўйида жони ўртанар эди. Ахийри кунларнинг бирида ҳе йўқ, бе йўқ, Самарқанд вокзалига бориб, қайдасан Жамбул, дея жўнади-борди.

Топди. Оқморалини топди. Гапнинг қисқаси йигит ҳам шу ерда ўқитувчилик қила бошлади. Шу юртнинг эгасиман, деганлар ҳам аллақачон қизга совчи қўя бошлаган эдилар. Колхоз раиси урушга бориб келган ўғлига сўраттирган, йигит яримжон бўлиб келган, сўнг пешонадан кўриб ортиқ безовта қилмай қўяди. Бешиккертди бўлган йигит ана-мана тўй қиламан, деб тай-

ёрланиб юрган кезде хирмонда ярим қоп ғалла билан қўлга тушиб қамалиб кетади. Тақдирнинг кулганини кўринги, Матлаб камтарона тўй қилиб Оқморалига эришади. Ўзининг қайнотасиникида ичкуёв бўлиб яшай бошлайди. Аммо бахтли эди. Ғоят бахтли эди! Ҳатто ортда қолган ота-она, рўзғор, хотини ҳам эсидан чиқиб кетди.

Қишлоқ аҳли бир бегона жойдан келиб элнинг энг сулув қизига уйланиб олганини тумшуқларининг тагидаги хазинани ўмаргандай қабул қилди. Урушдан кейинги сиёсий айбловлар авжга чиққанда Матлабнинг устидан ҳам чақувлар бошланади. Мактабда ишлаб юрган оддий ўқитувчини қарийб ватан хоини сифатида қамоққа оладилар. Матлаб Сибирга сургун бўлиб кетади.

Оқморалнинг ота-онаси, ҳатто ўзи ҳам куёвдан умидини узадилар. Чунки Сибирга сургун бўлганлар деярли қайтмас эдилар. Умрбод сургун қилишдими: ё очнаҳорликдан, ё касалликдан ўлиб кетаверади.

Оқморалнинг Матлабдан қолган гумонаси бор эди. «Халқ душманининг боласи» деган тамғадан кўрқиб, отаси Жамбул касалхонасига бориб болани олдириб ташлайди. Кунларнинг бирида бешиккертди қилинган йигит қамоқдан қайтади. Ота-оналар маслаҳатни бир жойга қўйиб, ёшларнинг бошини қовуштирадилар. Беш йил, ўн йил ўтади ҳамки, улардан фарзанд бўлмайди. Йигитнинг ундови, ота-она истаги билан Оқморал эрининг бошқа турмуш қуришига розилик беради, аммо ўзи ҳам шу эшикда сиғинди бўлиб юраверади.

Тақдирнинг ҳукмига қаранг: Матлаб орадан йигирма икки йил ўтиб, яна денг, соғ-саломат, тўрт мучали бут — Оқморалнинг эшигини қоқиб келади. Аҳволни билгач, оҳ уриб Мажнун каби саҳроларда дарбадар бўлиб юради, тоғ-тошлар, адирларга боради. Чўпонларга ёрдамчи тушади. Шу ерда қолиб кетади. Қарийди. Ўзини қисмат ҳукмига ҳавола қилади.

Охирини, мана, кўриб турибсиз...

Аммо буям кам эмас экан. Ҳали охири эмас экан...

Чол яраларининг, суякларининг оғриғидан қийнаиб бир неча одим ташларкан, қўл билан текислангандек теп-текис катта тошни кўрди. Бориб оёқ илди. Дам олиб, сўнгра сойдаги зилол булоқ сувидан юз-кўзларини чайиб, қон теккан кийимини ҳам ювиб олишни ният қилиб қўйди. Тақдир энди тағин ҳукм ўқталаётганини ичидан ҳис қилди. Бир зум ўзига ачиhib хўрлиги келди.

Ахир, энди ёруғ дунёда ҳеч бир суянчи, таянчи қолмабди. Шериғи — чўпон болани ҳам итдай отиб ташлашди. Хотини, икки боласини ҳам. Хўш, бу бечораларда нима гуноҳ эди? Ўлдирмай ҳам шунча молни ҳайдаб кетаверишса бўларди-ку. Кимнинг кучи етарди у аблаҳларга. Ё тавба, ё қудратингдан, ким булар, нега кўзларига бунча қон тўлган? Алҳазар, ё алҳазар!

Кўзларини йириб очаркан, ён томонидаги Чотқолнинг худди зиналардай қат-қат кўтарилиб кетганини биринчи бор кўрди. Чўққилари оппоқ қор билан ўралган. Айтишларича, тоғ устида каттакон бир муз қоплаган кўл ҳам бор эмиш. Кўлнинг устига тинимсиз қор ёғармиш, кўл остидан сизган сув тоғ ёнбағирларидан булоқ бўлиб отилиб чиқармиш.

Мендай муз қотган шўрликнинг кўз ёшлари улар...

Чолнинг кўзига қор ҳар қачонгидан ҳам кўра оқариб-роқ, ҳатто ялтираб тургандек кўринди. Бир пайтлар эшитган эди: ўша тоғларда оқ барслар яшармиш. Ҳа, оқ барслар. Паст адирларга улар йўламайди, шекилли. Айтишларича, оқ барслар фақат шу ерда бўлармиш. Оппоқ барслар. Улар ўша ёқларда кун кўрувчи ўзларига ўхшаш оқ кийикларни еб озиқланармиш.

Оқ моралларни...

Оқморал!..

Кимларга ем бўлди, озиқ бўлди у оху!

Умр эса ўтди-кетди. Мендан не қолди?

Хартанг... Жуда олис, жудаям олисда қолди... Ота-она тупроқ бўлиб кетган чиқар. Ука-сингиллар-чи?

Нимага сарфланди бу умр?

Бармоқлари билан тошни пийпаркан, миясига уч-кундек бир хотира урилди.

...Икки оқсоқол ҳамроҳлигида бир азиз меҳмон ташриф буюрган эди. Бир кун бурун Замонбойнинг ўзи келиб қўй сўйдириб, от гўштидан қазии-қарта ҳам тайёрлатиб кетган эди. Сўнгра эртаси куни ўтов атрофини шериклари билан тозалаб, яйдоқ жойга кигиз тўшаб меҳмон кутганди. Бир меҳмон келди: оқ костюм-шимда, оқ кўйлак, оқ туфлида, ёши ўтинқираган бўлсада, куюқ сочларини орқага тараган, бай-бай, юзидан нур томади, нур-ку майли, маъно, донолик ёғади. Кигизга ўтириб бошига қирғизи қалпоқ илди. Суратчи уни, шерикларини суратга олди.

Таомдан кўп тановул қилмас экан. Энди соғилган сутдан сипқоришни яхши кўраркан. Сўнгра қимиз, қимронни. Оқсоқоллардан овул-уруғларни суриштирди. Бир чол оқин дўмбира олиб «Манас»дан айтди. Сел бўлиб эшитди. Пиёда келиб худди шу тошда ўтиришди. Матлаб чолдан бу адиру сойларнинг номини сўради. Уруғ-авлодини ҳам сўраб қолди. Қисқа айтган эди, «бу қизиқ» деди. Бир келганда алоҳида «сўйлаб бериш»ини тайинлади. Матлаб чол мўмингина бўлиб қўл қовуштириб турди. «Оқ барисни кўрганинг барма?» — деб сўраб қолди. Йўқ жавобини олгач, шу ерда шунча йил яшасанг ҳам кўрмайсанми, дегандек идао қилди.

Бунга ўн йил бўлди.

Кейин билса... Ҳа, кейин билса, у одам унча-мунча эмас, ҳув пастдаги овулда болалиги ўтган, дунёнинг энг зўр ёзувчиси нақд Чингиз Айтматовнинг ўзгинаси экан. Ҳа, Чингиз Айтматов!..

Ундан бери замон ўзгарди. Дунё ҳам ўзгарди. Айтматов ҳам йўқ. Ҳа, уни шу атрофдаги ўзининг овулига дафн қилдик дейишувди. Замонбой айтувди бу гапни. Матлаб чол билан суҳбати қиёматга қолди. Бу дунёда қайта кўришув насиб қилмапти.

Ўшанда Матлаб бобо: «Нима учун бир оғиз айтмадинлар, мен унинг қиссаларини, «Қиёмат» романини ёддан биламан-ку, икки оғиз тузук-қуруқ гаплаш-

тирмапсизлар ҳам, бир катта бой деб ўйлабман, аттанг-а!» — деб ўртаниб оху зор қилганди. Айтматов қариган чоғида сўнги романи — «Кулаётган тоғ»ни ёзди. Ўшанда у мана шу тоғ, мана шу тоғ бағридаги оқ барслар, мана шу қотил тўдаларнинг разилликларини, охир-оқибат ўз қавмининг не аҳволга келиб қилаётган қилмишларини қаламга олган экан-да...

Ҳай, гўринг нурга тўлгур, Чингиз дўстим-а!..

Ўшанда ҳей, ўзбек чол, бу ерларда нима қилиб юрибсан, деб сўрадинг, сўрашга сўраб дарду дийди-ёмни эшитмадинг-ку. Тинглаганингда, билганингда бирор асарингга киритиб, мен ғариб чолни ҳам китобларинг каби дунёга дoston қилган бўлармидинг?..

Энди бўлса, на Оқморал, на Чингиз, на Замонбой бор дунёда...

Дунё хувиллаб қолди.

\* \* \*

Чол аввалига шу ўрганган жойини макон тутмоқчи бўлди. Бироқ кимсасиз гўша уни ютиб юбораман, дерди. Замонбойнинг чиндан ҳам куни битган кўринади — биров-ярим бу атрофдан на уни, на бошқани йўқлаб ҳам ўтмади.

Матлаб чол ноилож тугун кўтариб йўлга тушди. Жамбулга бора-бора чегарада тўхталиб қолди. Ёнида бошпурти бўлмаганидан ҳарбийлар орқага қайтариб юбориш пайдан бўлишди. Бақиритиб қолиб уларнинг каттаси бир кеча қамаб ҳам қўйди. Эртаси куни бир майор киши қари одамни нима қиласизлар қийнаб, деб қўйиб юборди. Шунгача чолнинг ғазоби кўзгаб, ичкаридан буларни бўралатиб сўка бошлаган эди. Чиққандан кейин ҳам кечаги катта ҳарбийга: «Қараб тур, бола, шу қилганингга мен анави сув омборининг дамбасини портлатиб юбораман, ҳаммани сувда чўктириб юбораман!» — деди ўдағайлаб.

— Қўйиб юбор уни, — деди майор. — Қария билан тенг бўласанми. Шу ҳолига, майли, дамбани портлатиб юборақолсин. — Шундай дея у ҳиринглаб кулиб, чолга «хайр» дегандек кўлини силкиб қўйди.

Кейинги чегарада у тагин тўсиққа дуч келди. Фигони фалакка чиқиб ҳаммангни портлатиб юбораман, — деб бақирди. Яна тутилди. Лекин ҳамма чолнинг бу иш қўлидан келмаслигини билиб турарди.

— Ненг бар? — деб сўради ҳарбий йигит.

— Ақчам жўқ.

— Портлатўдиган ненг бар дебатирман.

— Ўзим билемин.

— Бул жерде оғайин-тувисинг барма, ким деганди қидирибатирсан?

Матлаб бобо таниган-билганларини бирин-кетин эслади, айтди. Баъзиларини чегарачилар биладиган чиқди. Афтидан, чол нуқул марҳумларни таниркан. Охири тоқати тоқ бўлиб, «Оқморалникига бораман!» — деди.

— Биз эркекпен сўйлашамис, қотин қолқини билмеймис. Ўт, ўтабер, — дея чолнинг елкасидан суриб нарироққа итариб юборди.

Шаҳар шу даражада ўзгариб кетибдики, у билган биноларнинг ҳеч қайсисини топа олмади. Тентирай-тентирай бир замонлар ферма омбори мудирини бўлиб ишлайдиган ошнаси Матёқубнинг уйини излаб топди. Ошнаси қариб букилган, лекин гап-сўзи тетик эди. Оҳ уриб, оҳдан сўнг бир оз лоф уриб тонготар гурунги қилишди. Кун келиб, ўлар вақтида суягим бегона юртда чирийдиган бўлди-да, деб ҳасрат қилди. Ошнаси, энди сенга борар юрт йўқ чиқар, қолган умрингни меникида ўтказ, невараларим сениям, мениям тепиб-тепкилаб кўмишади, деди. Айтишларича, укасининг қўлида қолган Оқморал узоқ йиллар мактабга директорлик қилиб, кейин қарилик нафақасига чиқибди. Қаригани ҳам билинмайдиган сулув кампир бўлиб қолибди.

Бу орада маҳалла-қўйда Талас тоғидан ошиб келган бир девона чол сув омборни портлатаман дебди, мелиса қамаб, сўнг чиқариб юборибди, у Оқморал деган аёлни сўраб юрганмиш, деган гап чиқди. Сув омборини бир ёқлик қилишга-ку кучи етмас, аммо сулув кампир бу чолга ким бўларкин — шуниси қизиқ эди.

Шу зайл кунлар ўтди. Чолнинг кўнглида Оқморал-

ни излаб топсам, ўтган-кетганига ҳай бериб обдан суҳбат қурсам, деган орзу-истак ҳам пайдо бўлди. Матёқуб ошнасини қабатига олади, ҳеч бўлмаганда қариб-чуриганда бир дийдорлашай девдим, дея эшик қоқиб бораверади, бошқа нима ҳам дерди.

Кунларнинг бирида кутилмаган шов-шув гап чиқди. Тепадаги сув омборининг суви тошибди. Жамбул сув остида қолаётганмиш, дейишарди одамлар. Матлаб чолнинг дами ичига тушиб кетди.

Ростдан ҳам сув омборининг дамбаси очилиб кетган бўлса-я, деб ўтакаси ёрилгудай бўлди. Халқда гап ётармиди: яқингинада бир девона чол чегарачиларга сувингни тошираман, дамбани портлатиб шаҳарингни сувга бўктираман, деб дўқ қилган экан, шу чол айтганини қилганга ўхшайди, энди ўлдик, тоққа қочмасак қутулолмайдиганга ўхшаймиз.

Сув омборининг шаҳар томонга қуйилиб эниш қисмида ҳақиқатан ҳам икки ён маҳаллага сув тошиб чиққан, полиз, чорбоғлар сув остида қолиб, пахса деворларни захлатиб ичкарига ҳам сув уриб кира бошлаган, одамлар жон ҳалпида қўлига илинган нарсани олиб, тепаларга қоча бошлаган, шошганларидан ким пиёда, ким улов, ким машинада ҳар ёнга тирқирар эдилар. Куёш уфққа чекина бошлаган эди, ким подасини қирга ҳайдаган, ким қоплаб олган бўҳчасини орқалаганча сув кечиб тепага ўрлаган, кимлардир бола-чақасини опичлаб, етаклаб, қий-чув қилиб дўнгликка, ҳув ўша Талас тоғларига томон чопиб борар, саросимага тушган аҳоли нима қилиб бўлса-да, омон қолишга тиришар эди. Уфқ куёшида қизариб пичагина ёришиб турган тоғ одамларнинг нечоғли ваҳимали товушларига тўлиб кетган, бу бандаи ожизларнинг ўзлари эса мисоли бир тийиқсиз, тутқич бермас каттакон мол подасига айланган эди...

Шу куни Оқморал кампир яшайдиган тепа маҳаллада рўй берган эди воқеа. Укаси аввал томорқасига сув тараб, ариқ бошидан хабар олиб, бамайлихотир сўрига келиб ёнбошлаган, чой дамлатиб, опаси ва кампири билан ул-булдан икки оғиз ҳангома қилишга

тушган эди. Бир вақт кампири, тараган сувингиз ҳовлига тошиб кетди-ку, деб бақриб қолди. Шоша-пиша ўрнидан туриб шиппагини оёққа илай деса, сув анамана пойабзалини ҳовли четидаги офилхона томонга тез оқизиб кетди. Бирдан кўрқиб қолиб ариқ бошига югурди, аммо сувнинг бу қадар зудлик билан кўпайганини кўриб донг қотди. Ваҳимадан, «ўлдик, уйдан чиқ ҳамманг!» — деб бақриб юборди.

Сув шу даражада тез кўпайиб борардики, одамлар дарвеш чолнинг кўпоровчи эканига чиппа-чин ишониб қолишди. Умумий дард инсонларни бирлаштиради, деган гап бор. Аммо фалокатнинг ҳаммаси ҳам уларни бирлаштирмаслиги, аксинча, кимларгадир ёв қилиб ҳам қўйиши мумкин экан. Мисол учун сулув кампир, яъни Оқморал бугун шу уйдаги оила аъзолари ичида ягона тошқин қурбони бўладиган чиқди. Сабаби, у укасининг хотини, келини, ўғил-қиз ва неваралари сиққан «Волга» машинасига сиғмай қолиб кетди. У бошда жиянларининг, «амма, тезроқ чиқинг машинага!» — деган даъвати билан «Волга»нинг олд ўриндигига жойлашиб олган эди, кейин оила аъзолари кўп эмас, кам эмас, нақд ўн олти киши экани маълум бўлди.

Ўн олти киши-я! Шунча одам бир энгил машинага қандай сиғиши мумкин? Лекин дўппи тор келганда сиғиб ҳам кетаркан. Орқа юкхона эса шитоб билан ортилган кўрпа, бўхча ва кийим, пойабзаллар билан аллақачон тўлиб бўлган эди.

Ана, холос! Шу вақтда машинанинг эшиги беркилмай қолди-ку. Жигарлар бир-бирининг устига букланиб-суқилиб тирбанд бўлиб олган эдилар. Эшикни ука ташқаридан итариб зўриқиб ёпмоқчи бўлди, фойдаси бўлмади, одам ҳаддан ташқари кўп эди. Шунда эркакнинг калласи ишлаб қолди. Олд эшикни очиб опасига маъноли тикилди. Бирдан кўзларини пирпиратиб:

— Опа, — деди.

Кампир бир маънони сезиб қолди ва бўшашди.

Ука давом этди.

— Саксонга кирдингиз-а?..

— Мен ўлгур... Мен ўлгур... — кампир саросима ва



хижолат ҳисси юзига уриб, укасининг невараларини итариб-суриб машинадан тушди.

— Хафа бўлманг яна, ахир сизнинг ёшингизга ким етди, ким етмади. Унинг устига... уйга қоровуллик қилиб турасиз. Айтиб бўладими... ким билсин, яна... Уғри-пўғрилар ҳам йўқ эмас... Кечирасиз-да, аҳволни кўриб турибсиз-ку. Биздан норози бўлманг...

Кампир аҳволни олдинроқ тушунмагани учун ҳақиқатан афсус қилди.

— Мен меров, мен эсар... чироғим, айланай, жонимни ўйлаганимни қара. Миямни еб қўйибман-да... сен шошил, тезроқ ҳайда, бу туришда йўлларинг беркилиб қолади. Мендан рози бўлинглар... Қара, каллам ишламаганини. Эҳтиёт бўлиб ҳайда.

Ука машинага ўтириб моторни юргизди. Опаси у ўргатганидай эшикни орқасидан зарб билан ёпди.

Энди юрган ҳам эдики, катта невараси қичқириб юборди:

— Вой, соткам...

— Бақирма-е, одамлар не аҳволда-ю...

— Йўқ, бўлмаса тушаман...

— Сотка керакми, жон керакми санга...

— Баҳромнинг совғаси эди... Майли, силар кетаверинглар...

Ука аччиқ билан тормозни қаттиб босиб шартта кабинани очди-да, қичқирди:

— Опа! Опа дейман! Гарангми... Опа-а!

Кампир энди айвон тепасидаги супага чиқаётган эди. Бир оз гарангсиб туриб қолди. Укасининг товушини эшитиб ортига ўтирилди. Қўлини силкиди. Тезроқ жўнамай нима қилиб турибсизлар, демоқчи эди.

— Майли, мен силардан розиман, — деди сўнг. Кейин: — Сувда чўккан шаҳид бўлармиш, ташвиш чекманглар, — деди-да, видолашаётган каби қўлини у ёқ-бу ёққа чайқади. Яна ортига ўтирилмоқчи эди, укаси жонининг борича бўкирди:

— Сарвининг соткасини опчиқинг деяпман! Эшит-япсизми, телевизорнинг устида, зарядда экан.

Кампир бу гапни эшитди чоғи, уйга кириб кетди.

Қайтиб чиқиб аппаратни баланд кўтариб укасига кўрсатди. Сўнг яна супага қараб йўналди. Укасининг жон-пони чиқиб кетди.

— Бу ёққа опкелинг!

Кампир гапга энди тушунди чоғи, бу ёққа қараб юраверди. Укаси сабри чидамай тез-тез борди-да, опасининг қўлидан соткани юлиб олди.

— Вой-й, жигарим-а, мен бу сабилни оволинг, гаплашиб турамиз деб тушунибман-а, кечирасан-да, қаричилик...

Ука келганча «Волга»нинг мотори ўчиб қолган, энди калитни қанча бураса ҳам машина ўт олай демасди.

— Опамизни норози қилдик-да, — деди хотини.

— Нима? — деб қичқирди унга чоли.

— Опам норози эмасмикан, деб ўйлаяпман-да. Мана, техникангиз ҳам юрмай қолди-ку.

— Минғирлама-е. Ҳар нарсани гапиравермай тур, не аҳволдамиз-у... бидирлайсан. Опам саксонга кирди, саксонга... Бўлмаса ўрнига сен қол. А, қол, туш машинадан!

— Дадажониси...

— Бўлмаса мен қолай, мана, ҳайда машинани.

— Дадажониси... Сизни деб...

— Бўлмаса минғирлама.

Аммо машина ҳамон жойидан қимирламасди.

— Опа! — деб тағин чақирди ука.

Опаси қараган эди, укаси қўл имлаб чақирди. Тез бўлинг дегандек қўлини зарб билан силкитди.

Опаси кавушини оёғига илмай шошиб кела бошлади. Лозим-қўйлаги тамом шалаббо бўлган эди. Сув тобора кўпайиб борарди.

— Укажон, мени кўй, мен энди бу дунёнинг одами эмасман. Розиман, — деди кўзлари мўлтираб.

— Э, мен буни айтаётганим йўқ. Машинанинг орқасидан туртиб юборинг, юрмаяпти.

— Ҳа-я, эсим қурсин, кучим етармикин?

— Етади, етади, сал туртсангиз бўлди, нарёғи пастлик, юриб кетади.

Кампир машинанинг ортига ўтиб, бор кучи билан итара бошлади. Ука ҳам кабинадан чап оёғини чиқариб тираганча чирана бошлаган эди, машина кўзга-либ юриб кетди. Сўнг пастликка йўналиб мотори ҳам ўт олди.

Неваралар чий-чийлаб, «аммам қолиб кетди, аммам сувга чўкадимми?» — дейишарди.

Машина бир оз пастликка қараб юрди-юрди-да, сўнг йўналишини ўзгартириб тепаликка қараб юрди. Текисликдаги асфальтдан тезлигини ошириб олди-да, қирга қараб кетган тош йўлдан ортига қум-шағалларни сачратганча ўрлаб жўнади. Шу зайл бора-бора кичрайиб кўздан йўқолди.

Сулув кампир ундан кўз узмай турди. Ғойиб бўлгач, «хайрият» деб қўйди.

Энди унинг наздида тошқин тошаверса, ҳаммаёқни сув олиб кетса бўлаверарди. Чунки энди фалокатга, илло ўлимга ҳам руҳан тайёр эди.

\* \* \*

Намозшом тушганда Матлаб чол қий-чув қилиб саросимада тоққа ошиқаётган оломонга қўшилмай бир ўзи тентирарди. У айна тошқин бошланган тепа маҳаллага боришни ният қилганди. Бу тошқин ҳали бошланиши экани, агар чиндан ҳам дамба ўпирилган бўлса, ҳадемай қиёмат қойим бўлишини у дилидан ҳис этарди. Аммо дамба дегани шундоқ ташлаб, ҳимоясиз қолдириладиган жой эмас. Ҳамма жойда бўлгани сингари, бу ерда ҳам у қўриқланса керак. Давлат учун стратегик аҳамият касб этадиган, аҳоли учун эса жон озиғи бўлмиш сув омборини эҳтиёт қилмаслик мумкин эмас. Зеро, ўша Жамбулга тушиб келаётган кунни ҳам ҳарбийлар сув омборини порглатиб юбораман деганида мазах қилиб кулишган эди-ку.

Қаршисида ариқларни аллақачон тўлдириб, четдаги йўлларнинг ҳам шағал тошларини шалдиратиб оқиб тушаётган сувнинг у қадар дами баланд эмаслигидан ваҳимага тушмай бораётган чолнинг кўнглида недир хотиржамлик бор эди. Ва не бир хаёлда, уруш-

дан кейинги дастлабки йилларда қурилган мамлакат миқёсида улкан сув иншооти ҳисобланган сув омборининг шаҳарга қуйиладиган қисмида ўша кезларда бунёд этилган осмон бўйи чархпалакни кўзлаб борарди. Чархпалак тепадан бетон каналда шитоб билан оқиб тушувчи катта сув устига ўрнатилган бўлиб, унинг сув тўлдирилган идишлари ҳам дошқозондай келувчи чўяндан бўлгани учун шамол тегирмони сингари тез айлана олмас эди. Бироқ чархпалак айланиб тепага кўтарилавергач, бири чап, бири ўнг томондаги катта бетонариққа сув қуювчи катта чўян қозондан тўкилаётган сув офтоб шуъласида ажиб жимирлаб, ўзига хос кичик камалаклар ҳосил қилар, кўрган кўзни қувонтирарди. Шу атрофда бунёд қилинган истироҳат боғининг терак, арчаю чинорларига шамолда дув-дув учиб келувчи сув зарралари келиб урилар, дарахтнинг намиққан тоза япроқлари қуёш нурида ўзгача ялтирарди. Матлаб, ўша вақтларда айни куч-ғайратга тўлган бўз бола, мактабдан бўш кезлари Оқморал билан бу ерларга келар, соатлаб гурунг қилиб тўймас эди. Кечагина эди. Худди кечагина эди. Аммо ундан бери қанча сувлар оқиб кетибди. Сувлар оқибди-ю, хотира, ширин бир туйғулардан ўзга нима қолибди? Азобу уқубат, тухмат, Сибир... Бу ёқда Оқморалнинг шўр қисмати... У кўриб гувоҳи бўлиб турган қисматда Оқморални айблай олмасди ҳам. Илло Сибирга сургун дегани, ажал комига тик оёқда бормоқ дегани эди-ку. Лекин шу парирўй қизни деб унинг буткул умри кўкка соврилиб бўлди.

...Сув бетонариқдан тошиб чиқиб атрофларни ювиб кетаётганди. «Тошқинга сабабчи» бўлган девона чол эса шу атрофда тагин ўзининг тақдирини томоша қилиб юрарди. У бир замонлар Оқморал билан сайр қилиб келиб, шудринг зарралари ила чайилиб қорайиб қолгучи, иккаласи устига чиқиб энтикиб юзларини сувга тутиб турувчи каттакон темир қувур олдига келиб қолди. Ўшанда чархпалак қозонларидан бетон ариққа тўкилиб, сўнгра шу қувурга ғалдир-ғулдир шовқин ила қуйилиб, деярли тўлиб оқадиган топ-тоза сувни то-

моша қилиб диллари завқланар, сув зарралари ҳўл қилгани етмагандай бир-бирларига ҳовуч-ҳовуч сув сепишар, йигитнинг оқ нейлон кўйлаги, қизнинг энди урфга кирган шоҳи атласи баданига чиппа ёпишиб қолар, қизнинг дуркун кўкраги ростмана билиниб қолар, пушти дуррачаси остидаги қалин ўрилган қора сочлари ҳам зилол сувда бирров чўмилиб олар, девонаваш ёшлик сурурига қўшилиб рўмол тагидан кўкси узра бир қулоч дордай биланглаб чиқиб келиб, шўхликка қўшилар эди. Сўнгра ёшлар гўё уст-бошларини қуритиш учунмикан, қалин дарахтлар панасига ўтиб узоқ қолиб кетишар, эҳтимол, уст-бошлари намдан аригач, қизаришиб чиқиб келишарди...

Йигитлик чоғини эслаб, яна нималардир кўксига тўкилиб чол ағанаб йиғлагиси келди.

Аммо атрофни ёритиб турган прожекторлар ёруғида қувур оғзига тиқилиб турган каттакон қора нарсага кўзи тушиб, бир нарсага ақли етгандай кўнгли нурланди. Яна тек қотиб бирор ҳаром ўлган мол эмасмикан, деб тўхтади. Барибир сесканди. Сўнг қари чолни мол гавдаси чўчитганига ҳайрон бўлди, аммо не-не бўриқашқир изғиб-кезган Талас овлоқларини бир зум эслаб, қувур оғзига сув кечиб келди. Қарасаки, гўё тўфон уриб ётган жойда чиндан ҳам бир нарса тиқилган. Бир катта шаҳар ақли шунга аҳамият бермабди-я, деб ажабланди. Енг шимариб бир узун таёқ топди-да, уни қувурга узатиб, тиқилган нарсани итариб оқизиб юбормоқчи бўлди. Кучи етмади. Нарёқдан, қувур устидан юриб келмаса бўлмас экан. Шундай қилди. Қувур устидан келиб таёқ суққан эди, тагин бўлмади. Бир кўрпа ё теридай нарса шох-шабба билан қўшилиб қувур оғзига қопланиб қолибди. Қиш кезлари чархпалак тўхтатиб қўйилишини эслади. Қанақадир бир тормозга ўхшаган мурвати бўлиши керак. Йўқ, уни чол ахтариб тополмади. Тагин қувур устидан юриб келди. Ётиб олиб бояги қопламани бир учидан бор кучи билан тортди. Ўша парчаси йиртилиб чиқиб келди. Яна ётиб олиб тортаверди, тагин бир парча узилиб чиқди. Яна тортсам чиқади, деб ўйлаган эди, йўқ, қолгани қайтанга маҳкамроқ ёпишиб қол-

ди. Чолнинг мияси ишлаб кетди. Бояги қалин таёқ билан кўрпа ё кийим қопланган шох-бутани уриб-суриб юборгани яхшироқ экан. Сув оқимиға қўшиб таёқни суқиб итараверди. Шунда денг, шох-шаббалар синиб-синиб сув оқимининг тезлиги билан улар қувурнинг ичига бирданиға сингиб ғойиб бўлди. Атрофға оқаетган тошқин ҳам туйқус тўхтади-қолди.

Маҳалла-гузар тим-тирс эди. Чол ўзича зўр иш битирганини ҳис этди. Аммо атрофда ҳеч ким йўқ, чамаси ҳамма жон ҳовучлаб қиру дўнгликларға ўрлаб кетган, балки... балки бошқалар тун зулматида ваҳимаю бедорликдан чарчаб уйкуға чўмган эдилар. Ҳар қалай дунёни сув босмаётган эди-ку. Тепаликдаги икки гузарға сув тошган эди, холос.

Чол борар манзилини белгилай олмас, лекин ўта чарчаган эди. Кесилган чинор кундасиға ўтириб тин олди. Барибир ёшлик хотиралари уни тарк этмасди.

Анови ариқ четидаги бўлиқ ўт-ўлан кўмган жойларда ўша чоқда урф бўлган қора хром туфлисининг, Оқморалнинг ҳам учли, пошнаси ҳам учли оқ туфлиси излари бордир. Лекин энди буларнинг қандай аҳамияти бор?

Төбора ҳорғинлик ўз измиға тортиб ва хийла тун шабадасидан жунжикиб борар экан, бу ерда тунаб бўлмаслиғиға, Матёқуб ошнасиникиға эниб бормаса бўлмаслиғиға иқрор бўлди. Бели ҳам зирқирай бошлади. Иссиқ кўрпаға ўранишни ният қилди.

Омонат бу дунёда ўзи бирор кун хотиржам ором топдимми, деб ўйлади. Не ажабки, ундай кунни эслаёлмади.

Шунда... нарироқдаги дарахтлар ортидан бир хилқат қора тортиб келаётганини пайқади. Тўғри ўзига қараб келарди. Ўрнидан туриб томоқ қириб қўйди. У ҳам бир тўхтади-да, йўталган бўлди. «Аёл киши».

Бир оз юриб пешвоз чиққандай бўлди чол ва:

— Келинг, — деб қўйди йўлиға.

— Ассалому алайкум, бобо. Ўзи қушуйқуман десангиз. Шу бугун қўшнилару бола-чақа, бариси уйларини ташлаб қирға кетишди. Тошқин ёмон экан.

— Сиз-чи, бир ўзингиз қолдингизми?

— Бир ўзим... ҳа, уйқоровул ҳам керак-ку... Ваҳимаси ёмон бўларкан. Ҳар ким жонини ўйлаб қоларкан. Унинг устига бир довон ошиб келган девона чол аввалдан сув омбор тошади, деб каромат қилган экан. Одамларнинг оғзида шу гап эди, сув тошгач, ана, девонанинг башорати амалга ошди, деб ҳамма шошиб қолди.

— Бу тошқин эмас, анови чархпалакнинг суви, — деди чол.

— Қанақасига?

— Шунақасига-да. Ўзи... оббо, қизиқ бўпти-ку, фарзандларингиз сиздай кампирни тошқин босаётган уйга қоровул қилиб кетишгани ғалати бўпти-да...

— Шарти кетиб, парти қолган бўлсам. Қаридим. Бу дунёда кўраримни кўриб бўлдим. Орзу-ҳавасларим амалга ошди-ошмади, ҳар нечук бир одам қатори яшадим. Ҳаёт ортда қолди. Энди қирга чопиб қутулган билан нима ўзгарарди?

— Шуни айтинг! Мен ҳам кўчабошидаги Матёкуб жўрамникида эдим. Ўтган-кетгандан гаплашиб ҳангомалашиб ётган эдик, бола-чақаси гузарни сув босяпти деб восвослардек машинага чиқиб, жўрамниям миндириб тепага кетишди. Мени бегона... бегона меҳмон... деб қолдиришди. Хафа эмасман. Ўзи кимман уларга? Вақти-замонида бир фариштанing ортидан доддираб эргашиб келган дайди итман-да...

— Дайди ит эмассиз, — шундай дея кампир негандир мунгайиб энгашиб олди. — Сиз Самарқанднинг Хартанг қишлоғидансиз. Дунё ҳадисшуносларининг пешқадами Имём Бухорий дафн этилган қишлоқдан.

— Биларкансиз, биларкансиз-а... — сўнг бирдан тикланиб: — Қайдан билдингиз? — деб сўради ва қулгани елпана қилиб турди.

— ...

*(Шу жойда Кумушбибининг «Сиз ўшаму?» номли машҳур саволини келтирсак бўларди. Аммо қаҳрамонларимизнинг бири кампир, бири чол. Ўхшаш жойи шундаки, булар ҳам бир-бирларининг дийдорларига тўймадилар. Тарих зулми дийдордан устун турди: иккисини икки ёққа*

юлқиб улоқтириб юборди. Биз учун қизиғи ҳам шу: бир-  
ровникига ўхшамаган қисмат. Қолаверса...)

Қолаверса...

(Чол ва кампирни бир-бирига суянтириб дийдиёлаш-  
тириб қўйсак ҳам бўларди. Хоҳласангиз, Сиз шундай та-  
саввур қилинг. Яхшиси, биз ҳикоячи сифатида бу ҳолатга  
тегинмайлик. Сабабини тушуниб турибсиз: энгил вази-  
ят эмас...)

Алқисса, сулув кампир чол билан укасининг ҳов-  
лисига тушдилар. Тонгни қарши олдилар. Ҳаёт жой-  
жойига тушди. Тоққа чиқиб кетганлар ҳам бирин-ке-  
тин тушиб келишди. Сулув кампирнинг укасининг  
жужуқ неваралари тоққа машинада қандай чиқиб бо-  
ришгани, тик қиялардан қўрқмай ўтиб боришганини  
бирин-кетин ҳам бурро, ҳам соқовланиб гал бермай  
ҳикоя қилишарди.

Лекин эрталаб кетаётганларида кеча чиққан жой-  
ларидан машина пастга қараб тушолмабди. Бобоси кеч-  
қурун бу ерлардан қандай чиқдик экан, деб юрак  
ҳовучлаб қолибди. Ёрдамчи кутиб турганмиш...

Чол ҳам, кампир ҳам уларга ёрдам кераклигини  
тушунишди. Бир-бирига им қоқиб ўринларидан қўзға-  
лишди...

(Матлаб ва Оқморал эртақдагидек мурод-мақсадига  
етмагандир. Лекин муроду мақсад нима ўзи? Изласанг  
топа оласанми?)

Хуллас, бу ёғи Сизга ҳавола. Хоҳласангиз, Матлаб  
чолни қариган чоғида Самарқандга жўнатиб юборинг,  
хоҳласангиз, икки қария кексалик гаштини бирга сур-  
синлар. Ўзингиз қолганини истаганингизча тўқийверинг.

Бизнинг ишимиз битди.)



## ТЕГИРМОНЧИНИНГ БОЛАСИ

Мардибой бобони мен кичкиналигимда, тоғам ҳам-сосяси бўлгани учун ўғиллари билан ўйнаш учун бирикки кун қолиб кетганимда кўп кўрганман. Жиккаккина, доим катак иштонда, қишин-ёзин яланг ковуш кийиб юрадиган, боз устига қора эшагини фақат яйдоқ — эгар-абзалсиз минувчи чаққон, абжир, лекин негадир овози хирилдоқ, тез-тез томоғини қириб тупурадиган одати бор эди. Айтишларича, қишлоқнинг ягона сув тегирмонини шу одам бир умр юргизган, тегирмоннинг гард-чанглари бу одамни хирилдоқ қилиб қўйган эмиш. Колхозлаштиришнинг оғир йилларида бу киши буғдой ўримида чунон жонбозлик кўрсатган, айтишларича, йигирма киши бир ёқ, Мардибой бобо бир ёқ бўлиб марра ўйнаганда чол қолиб келар экан. Туман катталари ва раис унинг меҳнатини тақдирлаб, кечкурун битта бутун тандир нон билан сийлар экан. У киши доим иштаҳаси карнай юрганидан нонни сувга ботириб дарҳол уриб ташлар ва кечаси ойнинг ёруғида тагин шунча майдонни қўлдан чиқараркан. Кейинчалик омонлик замонларда у киши ҳақида бир латифа тарқалган. Бобой ўзи кичкина бўлгани билан филминдидан нақд элликтани паққос тушираркан. Юпқага сутли атала ўралишини, сўнг куйдирилган сарёққа хўп булаб товоққа жойланиши, манаман деган полвон ҳам унинг атиги беш донасини еб кекириб юборишини назарда тутсак, бу ҳайрон қоларлик даражадаги очофатлик эканини тасаввур қилсангиз бўлади.

Қишлоқ ўртасидаги отам замонда қурилган тегирмонни кўп бора болалик завқи билан томоша қилганмиз. Кирар жойида йигирма-ўттизта қоп тўла буғдойи билан турарди. Мардибой бобо бир ўзи бу қопларни эшакдан тушириб қолар ва навбати билан бир қоп буғдой сиғадиган тепадаги ёғоч идиш — тўлга кўтариб ўзи тўкиб кўярди. Валлоҳу аълам, бу идишдаги буғдой ярим кун ё бир кунда тош ўртасидаги тешикка доналаб бир маромда тушиб турар, атрофидан худди сув сачрагандек ун отилиб турар, тегирмончи ҳеч қачон

бировнинг қоли тугамай, бошқасининг қопини аралаштирмас эмиш. Етти фуддан бир килоси тегирмончининг ҳақи эмиш. Бир фуд ўн олти килолигини билгач, бу ҳақ жуда кам эмасмикан, деб ўйлаб қўяман.

Бир сафар отам мол орқасидан тоққа кетаман, қўлим бўшамайди, дегани учун ўзим бобога буғдой торттириб келганман. Отам гап ўргатган: кимнинг улисан, деб сўрайди, палончининг улиман, дейсан. Буғдойинг бир синтирми, дейди, сен ҳа, де. Барибир чол ўзининг ўлчагич халтасида ўлчаб олади. Бир синтирдан кам бўлса, кам экан-ку, дейди. Кўп бўлса, ортиқ экан, деб айтади. Сўнг қачон келайин деб сўра, айтган вақтида бор, бўлмаса жаҳли чиқади, қоплар қалашиб кетди, деб.

Мен отам айтганидай қилганман ва шунда жиккак, қоп-қора, кўримсиз, қошу кўзи, оғзи-бурни, қулоғигача оппоқ гард бўлиб кетган чолнинг юз килолик юкни кўрдим демай ўзи кўтариб тушириб, эртаси куни миҳдай қилиб ортиб бериб, арқон билан эшагимнинг айили устидан овуртмоқ қилиб бойлаб, мени қопнинг устига кўтариб ўтқазиб қўйганини кўриб қойил қолганман.

Одамлар тегирмончининг акс феълидан чўчишарди, айни пайтда ҳалоллиги учун шу баробар ҳурмат ҳам қилишар, шу боис ўрнига бошқа одам бўлсин, дейишга ботинолмас эдилар.

Тегирмоннинг тепа томонидан катта ариқда зилол сув шиддат билан ёғоч тарновдан шарқираб тушиб турар, у тегирмон тошини пастдаги катта ёғоч парракка зарб билан уриб юргизиб турарди. Натижада тегирмондан гусирлаб, гоҳида галати шийқиллаган овоз анча нарига ҳам баралла эшитилиб турарди.

Биз ёш болалар бу пайти шу тегирмон пастдаги сойдан қўлда балиқ овлардик. Гоҳида тош остидан сувилон чиқиб, ҳаммамиз ҳар ёққа тирақайлаб қочиб қолардик. Биз бир гал шу тегирмон яқинидаги шарқироқ сой суви ҳаяллаб ўтадиган ҳовузсимон жойда бир челак балиқ тутдик. Сўнг чўмилдик. Сувдан чиқсак, челакнинг ёнида тегирмончининг ўғли турибди. У ав-

вал балигингни сувга тўкиб юбораман, деб дўқ урди. Йигит мактабни аллақачон битирган, Каттақўрғонда-ми, Самарқанддами ўқир, бироқ отасига ўхшаган қоп-қора, яна ярашмаган тарзда хўппасемиз эди.

Биз нима қилишимизни билмай гуноҳкорлардай дилдираб туравердик. Яна шунча балиққа ачинардим. Биласиз, булоқ сувидаги ширмоҳи балиқ унча катта бўлмайди. Бир челак балиқни тоғамнинг хотини Суй-мали янгам сариеғда жуда мазали қилиб пишириб бе-ришидан умидвор эдим.

Хайриятки, йигит биз кутган ишни қилмади. Че-лакдан балиқларнинг энг каттасини олиб бошини оғзи-га тикди. Кейин уни яна қўлига олиб:

— Шунини мен тириклай ея оламан, гаров ўйнайсиз-ларми? — деб сўради.

Биз бир-биримизга қараб олдик. Чунки киссамизда бир тийин ҳам йўқ эди.

— Камбағал, қашшоқлар, — деди у ва балиқни бо-шидан тутиб бирпас типирчилатиб турди-да, яна оғзи-га тикди. Кўзлари хонасидан чиққудай бўлиб тасра-йиб, қизариб-бўзариб кетди, лекин барибир кучана-кучана уни ютиб юборди. Сўнг кўйлагини кўтариб қорнини қашлаб-қашлаб қўйиб: — Ҳалиям ўлмади, кўряпсизларми диркиллаяпти, — деди. Ортига бури-либ кета бошлади.

— Аканг қарағайди кўрдинларми, — деди бир ма-ҳал тўхтаб, отасига ўхшаган хирилдоқ овозда. — Ша-ҳарда бўлганимда ҳозир гаровда элик сўм ютиб олар-дим, сенлардан икки дунёдаям одам чиқмайди.

Акавой кетганига хурсанд бўлиб, биз тегирмон то-монга ўтдик. Тегирмоннинг тепасидаги сув сачраган жойлардан гулдирган ўсиб ётарди. Гулдирган дегани-миз сиз танийдиган малинага ўхшаш майда мевали тиканакли ўсимлик. Тиканлари қўлингга тегса дарҳол қонатади, кийимингга илашса йиртиб юборади.

Тегирмончи борида биров бу ерга яқинлашмайди. Барибир бизга ўхшаган бебошлар гулдирганнинг пиш-ганини териб еб кетишибди, бизга қолгани аччиқла-

ри, ҳали бўзармаганлари экан. Тоғамнинг менга тенг-  
қур ўғли қўли билан нуқиб:

— Мардибой бобо шу деворга гилминди урган, — деди.

Ҳа, дарвоқе, биз гилминди ҳақида латифа бошлаб, бошқа ёққа қараб ўтлаб кетувдик. Узр.

Хуллас, тегирмончининг кампири Ойгул момо чо-  
лининг буюртмасига кўра кечки овқатга сератала гил-  
минди пиширибди. Кечаси фонус кўтариб, мойлиги-  
на овқатни чуқур товоққа бостириб келса, чоли алла-  
қачон таҳоратини олиб, очқаб, ер тепиб ўтирибди.  
Чоли овқатнинг чўғи пастлигидан хавотирланиб:

— Нечта?— деб сўрабди.

— Болаларингизам ўзингиздай жуқмахўр, ўттизта қолди, — дебди кампири.

Чол кампирини бўралатиб сўкиб, энди уришга чоғ-  
ланган экан, бобойнинг бу феълини билган кампир  
шоша-пиша сувдан кечиб ўтиб қорасини ўчирибди.  
Чоли жаҳл билан товоқни тегирмоннинг деворига  
урибди. Шундан сал ўтиб тегирмонга унини олгани  
келган Кўмак муаллим тегирмончининг фонус ёруги-  
да гилминдини хас-хашакларини териб-териб паққос  
тушираётганини кўрибди...

Бу, албатта, тоғорадай қишлоқ учун катта гап. Ҳали-  
гача кулгу, баъзи хотинлар боласи овқат емаса жаҳл  
қилиб: тўқдир хўжам тўқдир-о, бўлмаса ер бўқни-ё,  
дейишади ва орқасидан тегирмончи бобонгнинг қили-  
гини қиласан-да, деб қўйишади. Кун келди, шу чол  
ҳам қариди, тўзди. Кулоғи эшитмай, кўзи кўрмай қол-  
ди. Эшик оралаб баъзан кампири стовида, баъзан ўзи  
девор пайпаслаб чиқадиган бўлди. Бу куни ҳам йўқ  
бўлиб тўшакка михланиб қолди. Кампири Ойгул момо  
ҳали галтакдай, мен деганни бир чўқишда қочиради-  
ган норғул, тетик эди. Ҳазрат Фафур Фулом «оталар  
ўзи шундай мўрт келади», деганда Мардибой тегир-  
мончини ҳам назарда тутмаганмикан?

Чол ётиб қолишидан олдин ер, боғ ва уйини ўғил-  
ларига тақсимлаб васият қилди. У ҳосилдор тоқларни

кичигига қолдирди. Бу катта ўғилга ёқмади. Кап-катта бошига жанжал кўтариб уруш чиқарди. Бир гал ўғли отаси таҳоратга кўтариб чиққан мис офтобасини қўлидан тортиб олиб, бошига туширганини ҳам кўрдик. Ҳа, биз болалик, мурғак кўзимиз билан кўриб додлаб юбордик. Чолнинг бошидан қон отилар эди. Сўнгра у қонга бўялган кўйи, ёнбошига мункиб тушди. Хирилдоқ овозда ўғлини сўқди. Ўғли ўлжасини қизганган итдек бизга ҳам ўшқирди. Қўлига тош олиб бизга иргита бошлади. Эсласам юрагим орқага тортади, агар шу тошлардан бирортаси тегиб кетгудай бўлса, аниқки, тил тортмай ўлар эдик, астаффуруллоҳ. Сўнг опаларимизнинг пичирлаб қилган ўшакларидан шуни билдикки, тегирмончининг элликни қоралаган ўша мирғазаб ўғли орага тушган онаси ва ўзининг кампириниям ўлимичи қилиб урибди. Во дариф. Чол барибир туршак ҳолида ўжар экан, боғни сенга бермайман, деяверибди. Ўғли яна урибди, яна, яна... Охири тегирмончи жоҳил ўғлининг таёғидан ўлди-кетди. Таъзияси кун «отам»лаб товуш бериб турди...

Тегирмон эгасиз қолди. Охири маслаҳат билан Мардибой бобонинг бўйниса ўртоғи Ёлғош бобо унга қараб турди. У чол ҳам қазо қилгач, тегирмонга ўғиллари эгалик қилишди.

Мазлумнинг, мусофирнинг ва ота-онанинг дуоси учун Оллоҳ ҳузурида парда йўқ эмиш. Кексалар бу дунё қайтар дунё, унинг ҳам эгаси бор, деганида бизнинг ўжар ва тўхтам, сабр билмас миямиз қабул қилмас экан. Кейин билдик, дунёнинг қандай қайтишини...

Мардибой бобонинг катта ўғли Чиндоли ака аввал бўлимнинг, кейин колхознинг ҳисоб-китоб буғалтери бўлиб ишлаб юрар эди. Кейин ерлар фермерларга бўлиб берилгач, у ишсиз қолди. Чамаси пенсиясига ҳам яқин қолган эди. Ишдан бўшаган йили уйининг олдидаги томорқасига тўлдириб кўкнори экди. Кўкнорининг гулини кўрганмисиз? Қирмизи рангда товланувчи бундай нафис гул оламда йўқ. Сўнг у ичидан бошоқ чиқариб бўлгач, гуллар бирин-кетин узилиб

туша беради. Бошоқ қотиб, сарғайиб пишмасдан бурун устомон нашафурушлар уни тиг билан кесиб сунини ташқарига чиқарадилар, сут қотгач, пичоқ билан қириб оладилар, идишга йиғадилар, тўплайдилар, сотадилар, уни яна бир устомон кукун ҳолатига келтириб героин отли маҳсулот тайёрлайди. У кейин дунёни офатга етаклаб юради...

Мен шу тоғорадай қишлоқда кўкнори экиб барака топган одамни кўрмадим. Кимдир қамалди, кимдир бор будидан айрилди. Аммо шу касофат нарса Чиндоли акани бойитди. Бошқалар мелисага тушди, тушгани тушмаганларни чақиб берди. Чиндоли акаям мелисага қатнади. Бироқ ё зори, ё зўри устун келди чоғи, ишқилиб тинчитди. Ҳадемай ялтиллаган «Жигули» сотиб олди. «Жигули» уйида қантарилган отдай тураверди, минмади. Гап чиқдики, Чиндоли ака бу машинага сифмапти, каттароғидан оларкан. Ўша маҳаллар «Волга» урф эди, энг обрўли машина ҳисобланарди. Чиндоли ака «Волга» опти, дейишди. «Волга»си қурмағур раисдаям йўқ эди. Лекин бу машинани ҳам на ўзи, на фарзандлари минди — кўпқарига тайёрланган тулпордай тураверди.

Кунларнинг бирида ўғиллари палончининг тўйи бугун, никоҳига сўраяпти, миниб борайлик, деб сўрашибди, ота бермабди. Ўртада жанжал чиқибди, икки ўғил отадан қалитни тортиб олиб рулга ўтирган экан, жаҳлга минган ота катта суруқ таёқни олиб келиб машинанинг олд ойнасига уравериб синдириб ташлабди, устига шиша сачраб қон бўлган йигитлар тушиб, отани дўппослай кетишибди. Фазаб устида бири темир билан, бири таёқ билан ураверишибди. Охири боши мажақланиб, мияси, кўзлари отилиб чиқиб кетибди.

Ва улар эртаси куни «отам»лаб ҳасса суяниб йиғлашди. Куйган фарзандлар сингари то қирқи-маросими ўтгунча устларидан тўну белбоғ, дўпписини ташлашмади...

Ундан кейин ҳам кўп сувлар оқди. На бўлғай, шу сувлар Мардибой бобонинг тегирмонини ҳам юрги-

зиб турди. Тегирмон ёнидан ўтиб қолсам ўша ўжар чол эсимга тушади. Шу деворларда ўша чолнинг бармоқ излари, нафаси қолган. Кўҳна ёғоч эшикни очиб ичкарига бўйласанг, намчил ун ва яна алланарсаларнинг ёқимли ҳиди димогингга урилади.

Илгари бу тегирмон қулф кўрмаган. Ҳозир эса калладай қулф осифлик туради. Эгаси кимлиги ҳам номаълум. Лекин тегирмон аввалгидай мустаҳкам, ҳеч нарса уни ўзгартирмаган.

Тегирмоннинг тепаси қабристон. Тегирмонга яқин жойда Мардибой бобо ётибди. Ўғли ундан четроқда... Жой кам. Кейингилари ундан ҳам нарига қўйилади...

# ЭССЕЛАР





## ОДАМНИНГ КУЧЛИСИ

### 1

1986 йилнинг кузи эди. Университетни тугатганмиз. Уша кезларда матбуотда бирор асаринг чоп этилса тезда тилга тушар эдинг. Каминанинг «Ёшлик» журналининг 8-сонида бир йўла икки ҳикояси босилиб, босар-тусаримни билмай анчайин ҳаволаниб юрган кунларим. Курсдошим Назар Эшонқулнинг 10-сонда «Уруш одамлари» деган қиссаси чиққан, яна бир қадрдоним Ҳошимжон Мирзааҳмедовнинг «Неваракулча» рукни остида иккитагина болаларбоп шеъри ҳам эълон қилингандики, биз бошқалардан ҳам кўра Тошкентда қолиб ишлашга кўпроқ ҳақдор сезардик ўзимизни. Бориб ўз вилоятларимиздан «бизда иш ўрни йўқ» мазмунида «отказ» хат ҳам опкелиб, журналистика факультетига топширганмиз. Деканат бўлса, кунда-кунора суриштиради. Аслини олганда бунинг ҳам сабаби бор: бир гуруҳ курсдошлар факультетимиздаги билими саёз домлалар, хусусан, декан устидан шикоят қилиб унча-мунчамас, Марказқўмнинг гоъвий котиби ҳузурига-да кириб чиққанмиз. Жангарилигимиз самараси ўлароқ икки карра декан алмашган. Учинчиси — рус киши ҳам азбаройи ўзининг бор-йўқлигини сездирмайгина пусиб-қимтиниб ишларди. Акс ҳолда ҳужумларимиз самарали кетаётганидан чандон илҳом олиб юрган эдикким, «ўзга миллат вакилининг ўзбек журналистикаси ўқув даргоҳига не дахли бор», мазмунида навбатдаги ҳамлага ўтиб қолиш шашти ҳам мавжуд эди. Шикоятимиз рўйхат-

ларида тилга олинган домлаларнинг бизда «тиши» бор эди, албатта. Шу боис биз бош суққан таҳририят ёхуд идораларда аввалдан хабардор қилинган таъриф тавсифларни эшитиб, «астаффуруллоҳ» дея ёқа ушлаб, сўппайиб чиқар эдик.

Сирасини айтганда, ўша шарттакилик, бетгачопарликларимизнинг ҳеч кимга фойдаси бўлмади.

Ўша домлалардан ким бор, ким йўқ, дунё ўткинчи экан, борлари ҳалиям ўша-ўша — факультетни тўлдириб, янги талабаларга ўша оҳангда сабоқ бериб ётишибди. Кўз кўзга тушганда бир оз қимтинасан. Ким билсин, баъзи бирлари ўшал даврларни эсламайди-ям. Журналистика факультетлари республикамиз Олий ўқув даргоҳларида бир неча чандон ошиб, ўқитувчи кадрларга тагин ҳам эҳтиёж ошдиким... бу ёғини қўяберасиз энди.

Сиз чўчиманг, гап айланиб Абдусаид акага уланди барибир.

Ҳа, дарвоқе, биз «поездга осилиб келган» қишлоқликларга эртадир-кечдир, барибир омад кулиб боқди. Камина ўша пайтдаги «Ёшлик» журналининг наср бўлими бошлиғи, таниқли ёзувчи Фаффор Ҳотамовнинг назарига тушиб қолдим. Кечаги талабалар узунқисқа бўлиб «Совет Ўзбекистони», «Ёш ленинчи», «Ленин учқуни» газеталари, «Гулистон», «Ёшлик» сингари журналларнинг эшигидан бўйлаймиз. Бор таҳририятлар ҳам шулар-да. Ҳозиргидай ёмғирдан сўнгги қўзиқорин каби газеталар уйилиб кетмаган-да. 60—70 сўмлик маошга қаноат қилиб ишламоқчимиз. Лекин иш қайда? Фаффор аканинг хайрихоҳлиги сабаб «Ёшлик»да ҳали бўшамаган, лекин тез орада ўрин бўшаши мумкин бўлган хатлар ҳисобчиси деган ишга кўз тикиб юрибман. Ўрин бўшади ҳам. Лекин...

Лекин шаҳарга пропискага қўйиш ҳозиргидан беш-баттар: пулингни қучоқлаб, танишингнинг этагидан тутиб юраверасан, юраверасан. Мен ҳам бир учарга уч юз сўм бериб қўйганман, февраль ойидан ноябргача бугун, эрта, индин деб судраб, она сутимни

оғзимдан келтирди. Тошкент бизга насиб қилмади шекилли, деган умидсизликларгаям бордим. Ўрин бўшади. Фаффор ака, кел энди, деди, бордим. Кўзимни лўқ қилиб пропискани ҳал қилолмаётганимни айтдим.

— Аттанг, — деди Фаффор ака. — Бизнинг Нурота томонлардан ҳам бинойидай бир ёзувчи чиқадими, деб эдим. Бунақа лаллайиб юраверсангиз жой кетиб қолади. Матжонга сизни айтган эдим, бўладиган бола, тарбиялаймиз, ўзингизнинг одамингиз бўлади, деб қўйганман, келсин деди, опкиришим керак, кутяпти. Сиз бу ёқда прописка-мрописка деб бошни қотира-сиз.

Бутунлай ҳафсалам пир бўлди. Шалвираб қолдим. Беихтиёр:

— «Ёш ленинчи»даям прописка сўрайдими? — дедим.

— Сўраганда қандоқ! Иш борақанми уларда?

— Қулмон Очиловга учрашган эдим, яқинда корректура бўшаб қолиши мумкин эмиш, вақтинча, бир аёл декрет отпускасига чиқади, қайтгунича амаллаб турасан, девди.

— Бир гап, — деди Фаффор ака бир оз кулимсираб, лекин заҳархандалик билан. — «Ёш ленинчи»га корректор бўлгандан «Ёшлик»да фаррош бўлган афзалроқ.

Ана холос. Баттар бўшашдим.

Кеч тушяпти. Ҳозирги ЎЗА ва журналлар жойлашган бинонинг 11-қаватида Фаффор аканинг сариқ эшикли, сариқ стол-стуллар, буни қарангки, телефон аппарати ҳам сап-сариқ кабинетида таёқ еб мулзам тортган боладай тумшайиб ўтирибман. Катта ойнадан бирин-кетин ёнаётган шаҳар чироқлари милтиллаб кўринади. Индамайман. Нима ҳам дейман? Ака бўлса, ўзига бир пиёла чой қуйди, графинда қолган сувни гулларга қуйди, сўнг киссасидан «Родопи» сигаретини чиқариб тутатди. Чека-чека мендан назарини узиб, машинкаланган, бир чеккаси бўялган қўлёзмани таҳ-

рир қила бошлади. Бу менга «баттар бўл» дегандай туюлди. Лекин икки кўзим Фаффор аканинг таҳрир қилаётган кўлида. У бир ҳикояни деярли қайтадан ёзиб чиқаётган эди. Тавба, бировнинг асарини қандай тизатиб тайёр ҳолга келтиришар экан? Ўзим не аҳволдаман-у, хаёлим шу ёққа кетади. Аканинг хати ҳам жуда чиройли. Дарвоқе, шу кўллар билан каминанинг ҳикояларини ҳам чунон бўяб-бежаб ташлаган эдики, дабдурустдан қотиб қолганман. Ўшанда ўзига яқин олган эди шекилли, ҳикояларнинг бунақа бўялиб кетганини бу ердагилар кўрмасин, «Совет Ўзбекистони»га борсангиз, машинкачилар бор, тоза кўчиради, деб мени ўша ёққа юборганди. У ердаги опа ҳам: «Ие, Фаппорнинг почерки-ку», деб ажабланган эди. Ака бундан аввал ўша газетада ишлаган, шунинг учундир, дарҳол таниган.

Яна бир хаёл, мен бунақа бировнинг асарини бўяб ташлаёлмайман-ку, деб ўйлайман. Ака бўлса, кўришиб турибди, ҳикоянинг ичига кириб, балки шўнғиб кетган, менинг ўтирганимниям деярли унутган эди. Сигаретидан учиб тушган кукунларни «пуф» деб учириб юборади-да, тагин ишлайди.

Чамаси осмонда юлдузлар ҳам пайдо бўлди.

Шу пайт эшик шахд очилиб, қорачадан келган, шляпали, узун қора плаш кийган, тикқомат бир киши кирди-да, дарҳол кулиб:

— Э, устозлар, сизларда уй, ватан деган нарса йўқми? Ё бугун ишхонада қоладиган кунингизми? Э, қойил-э, — деб юборди.

Фаффор ака кўлөзмани дарҳол четга суриб ўрнидан турди. Янги киши билан кулиб сўзлаша кетди. Чой кўйишга тутинди. Мен уларнинг ҳазил-ҳузулига, бировларни лақаб билан атаб сирли гаплашишларига ҳайрон бўлиб боқаман.

Киши менга эътибор бермади. Бир фурсатдан кейин Фаффор ака менинг мундай ўтирганимга кўзи тушиб, энди эслагандай:

— Бу йигит Кўшрабоддан. Нуротанинг ҳавосини си-

мириб катта бўлган. Ўқиган бўлсангиз, саккизинчи сонда «Кунсулувнинг сирли хатлари» деган ҳикояси босилувди.

— Э, ҳа, бўлди-бўлди, — деди у одам эслаб қолиб.

— Исми Собир, — деди Фаффор ака, — тортса одам бўлади, қалами бор.

Сўнг менга юзланиб:

— Абдусаид акани танигандирсиз? — деди.

— Ҳа, танидим, — дедим. Ўзим ҳам Абдусаид Кўчимов эмасмикан, дея тусмол қила бошлаган эдим. Яқиндагина у кишининг «Ёшлик»да чиққан «Ўғил» деган ҳикоясини ўқиган эдим. Ҳикояга «Бесабаб оёққа тикан кирмас», деган мақол эпиграф қилиб олинган эди.

Ўзи Ургутдан, айти замонда «Шарқ юлдузи» журналининг масъул котиби экан. Дарҳол мени ўзига яқин олди. Нималар дегани аниқ эсимда йўқ, аммо кўнглинг тўқ бўлсин, бола, биз қараб турмаймиз, ёрдам берамиз, деганга ўхшаш бир ўқтам яқинликни туйдим. Акам яна биттага кўпайгандай эди.

Рости ҳам кейин шундай бўлиб қолди.

Фаффор ака гап орасида, бу йигитни ишини Омон акага кириб ҳал қилдим, лекин пропискасини эплаёлмаяпти, деди.

— Ие, — деди Абдусаид ака, — шундайчикинам бўламо? Э уккағар-э, буни қаранг.

Кейин бирдан сергак тортиб, кўзини пирпиратгансимон бир жиддий нарсани эслагандай:

— Қаерга қўймоқчисиз? — деб сўради.

— Бир кўшработлик акамиз уйимга қўйиб бераман деб, ўн ой бўлди, алдаб юрибди, уч юз сўм берганман, — дедим бу одамга кимнинг устидан бўлсаям шикоят қилаверса бўладиган каби. Чиндан ҳам янги акага бир халоскордай қараб, ўрнимдан туриб қўл қовуштириб турдим.

Абдусаид ака Фаффор аканинг сариқ телефонини олдига суриб олди-да, рақам терди. Ким биландир ўша баланд пардада ҳазил-ҳузул аралаш гаплаша кетди.

ЦУМнинг ёнидаги участкавой мелиса Абдусаид ака-нинг қўшниси экан. Ҳа йўқ, бе йўқ, участкавойнинг бўйнига менинг пропискамни юклаб қўйди.

Муаммо бу қадар тез ҳал бўлганидан шошиб қолган эдим. Қўшработлик оғамиз паспортни берди-ю, пулни бермай яна бир муддат сарсон қилди, югура-югура, ялина-ялина охири олдим. Сўнг участкавой акага чопдим. Борасола неча пулга қилиб берасиз, деб ҳам сўрамасдан уч юз сўмни паспортга қистириб, Абдусаид ака жўнатганини айтиб узатдим.

Майор «кетдик» дея, мўъжаз идорасининг ёнида турган яшил «Москвич»га ўтириб ўт олдирди. Ҳозирги «Миробод» бозори томондан ўтиб бориб, тўрт қаватли гиштин ётоқхоналар атрофида тўхтадик. Майор бир ўрта яшар рус аёлига учради. Паспортни берди. Чамаси пулни олиб қолди. Мен у аёлнинг кўрсатмаси билан комендант номига ариза ёздим. Рус аёл мелисадан тўрт-беш сўм умидвор бўлди. Нималарнидир баҳона қилган бўлди, бироқ мелиса ўрисчалаб кулиб аёлни кўзинг яхши, қобоғинг яхши дея алқади, сенинг устингдан ҳам иш қўзғасам нима қиласан, дея ёлғон пўписа ҳам қилди. Шундан сўнг аёл ожизона рози бўлди-да, паспортни олиб қолди. Аниқ эслаёлмайман, чамаси эртаси куни пропискага муҳр урилган паспортимни қўлга олдим. Пропискага қўйилганим ҳақида маълумотнома ҳам беришди.

## 2

Шуйтиб аканг қарағай «Ёшлик» журнали ходими ҳам бўлдим. Қайсидир куни Фаффор ака уст-бошимга, юзимга обдан зингил солди, эгнимда тоғамнинг сарғиш плаши — тоза мато, тоғам уни ветврачлигида роса кийиб тўздирган. Москва, Ленинграду Волгоградларгаям кийиб борган, қайтиб келиб ёфингарчиликларда Қўшработнинг Нуротагача бўлган қишлоқларида кийиб юрган, кунларнинг бирида катта жияни, Низомий номидаги педагогика институтининг иккинчи курс талабаси — акам Сайимбойга тортиқ қилган.

— Буни кий, тоза нарса. Староста эмишсан, жура-ларинг жуда юпун юрар экан демасин.

Гап шундаки, акам талабаликни тамомлагач плаш каминанинг мулкига айланди. Шу кийимни обрўли қилиб кийдим, Университетни тугатдим, талабаликда бўйим шопдай ўсиб, қўлларим кийим енгидан рапидадай чиқиб ҳам қолди. Ийманиб дам-бадам плашнинг енгидан тортаман, қўл чиқиб туришидан уялман. Бу-ку майли, Фаффор ака «сочни эпақага келтириш керак», деди. Бу насиҳатга ҳам ўша маҳал амал қилмадим.

Омон Матжон роса ўйланди. Чамаси ёқмадим. Ниҳоят розилик билдирди.

1986 йилнинг 3 ноябри эди. Меҳнат дафтарчамга шу йил, шу сана, сўнгра «учётчик писем» номли иш тури ёзилган. Шу-шу «Ёшлик» журналининг содиқ ходимига айландим. Кунлар келиб Фаффор акадан кейин бош муҳаррир ҳам бўлдим. 1993 йилнинг ниҳояси эди. Мустақиллик. Ҳали баъзи ишлар жойига тушмаган. Журналимиз ҳам бирданига хўжалик ҳисобига ўтказилиб, иқтисодий мустақилсан, ўз кунингни ўзинг кўр, дея ташлаб қўйилган, нарх борган сари ўсади. Бу йилда обунадан тушган пуллар кейинги йилнинг ярмига етмай тугаб қолади. Қоғоз, босмаҳона харажатлари лоп-лоп ошиб шоширади, қўшма сон қиламиз, давлатдан дотация сўраймиз, давлат нархидаги қоғозлардан беринглар, деб ҳар куни хат ёзамиз. Бора-бора иқтисодий қийинчиликларга ҳам мослашиб олдик.

Бу борада Абдусаид ака, Фаффор акалар маслаҳатларини аямайди.

Ўшанда Абдусаид ака тез орада ҳозирги болалар нашри, у вақтдаги «Ленин учқуни» газетасига бош муҳаррир бўлди. Устоз-устозлаб бориб тураман. Буни қарангки, у кишиям одамни «устоз» деб уялтиради.

— Газетамизнинг тиражи бир миллиондан ошди, устоз. Машҳур бўламан десангиз бизга ҳикоялар беринг, «Ёшлик» ўз йўлига, — деди бир куни.

Қоралаб қўйган бир-иккита ҳикояларимни олиб

бордим. Ака кичикроқ ҳажмдаги бир ҳикоямни босиб юборди. Тагин расмим билан. Кейингиси катта ҳикоя эди, мавзуси ёшларга боғлиқ бўлсаям, ёзилиш усули катталарга мос эди. Уч ё тўрт сонда бўлиниб бу ҳикоям ҳам чиқди. Жуда хурсанд бўлдим. Қатор-қатор хатлар ҳам олдим. Болаларнинг қайси мазмун, қайси йўсинда бўлмасин, ҳар қалай муносабат билдириб атай хат ёзиши барибир ёқимли-да. Кейин яна бир ҳикоямни эълон қилишди. «Алла» деган ҳикоям «Саодат» журналида чиқди. Бу журналнинг ҳам адади чандон катта эдики, одамлар босиб ўқишарди. Маҳмуд Саъдийдек танқидчи: «Мана шу ҳикоянг бизга маъқул, аслида ҳақиқий асар шундай бўлади: ҳам руҳ, ҳам гап-сўз ўта миллий; колоритга ёпишиб ҳам олмагансан, орқада одам тақдири бор, қўшиқ ҳам бор, бу йўлда кетсанг балодай ёзувчи бўласан», деганини эслайман.

Абдусаид аканинг одамшавандалиги, бағри кенглигига қаранг: мен ҳадеганда бостириб бориб, фалон ўртоғим ишсиз юрибди, ишга олмасангиз бўлмайди, деб тирғаладиган ҳам бўлдим. Дастлаб хокисор шоир дўстим, чувтлик Ҳошимжон Мирзааҳмедовни ишга олинг, деб етаклаб бордим. Олди. Корректурара. Ҳошимжон меҳнат таътилига чиқувди, ўрнига бир ой ишлаб турсин, деб яна бир курсдошим Маматқул Исмоилов (Муҳаммад Исмоил)ни оборувдим, униям олди. Кейин Навоий вилоят газетасида ишлаб юрган дўстим — курсдошим Вафо Файзуллоҳ. Буниям олди. Бу орада М.Исмоил ва В.Файзуллоҳ уйланиб олган, бири Ховосга, бири Навоийга «хотинини кўргани» кетиб, бир ҳафталаб йўқ бўлиб кетишади. Абдусаид ака ходимлари орқали биздан сўратдириб қолади: шунақа бир ходимимиз бўларди, сизгаям таниш, мабодо дарагини билмадингизми?

Буларнинг ичида, албатта, Ҳошимжондан кўра тартиб-интизомлиси йўқ эди.

У ўта камтар, камсуқум, одобли ҳам кўнглимиз бир-бирига боп тушган эдими, биринчи курсданоқ иноқ-



лашиб кетиб, биринчи семестр тугаши билан қийин-қистови билан Ўуст тоғларининг қўйнида жойлашган Гова қишлоғига борганмиз. Тоғларга чиқиб бинафша, чучмома, номини биз билмайдиган сариқ, сиёҳранг гуллар терганмиз, зилол ариқ сувларида нон бўктириб еганмиз. Ҳай-ҳай у кунлар! Садағанг кетай у кунлар!

### 3

Ҳошимжоннинг катта акаси Муҳиддинжон ака колхозда шофёр, ундан кичиги — Баҳромжон ака қишлоқ сартароши экан. Колхоз томорқага кичикроқ ер ажратаркану, акалари шу ерга картошка экиб оз-моз тирикчилик қилишаркан. Отаси Эшонжон амаки Ҳошимжон ўқишга кирар кезде вафот этган экан. Мен онаси деб ўйлаганман, ўзи ҳам «ойи» деб атаган бир меҳрибон аёл асли опаси экан, жуда чучук тилли, Ҳошимжонга қўшиб бизниям боласидек алқаган. Кейин ҳам бир гал шу аёл Муҳиддинжон ака билан Тошкентга келган эди.

Э-э, бу Ҳошимжон деганингиз жуссаси кичик бўлса-да, дардга мустаҳкам экан. Ўшанда у онам ҳам йўқ, фирт етимман, жўралар, деб ёзғиришни эп кўрмаган экан... Акаларини ҳам бундай камтар бўлганлари билан картошкадан хўб даромад қиладиган бой одамлар қилиб тушунтирган. Кўрдик: Фовасой бўйидаги синч-гувалали кичик-кичик пастқам уйлар. Бой эмас, камбағал эди улар. Лекин қаноатли, соғлом, камтар: биз пақир меҳмонлар учун жонини ҳам бериб юборадиган одамлар эди.

Учинчи курсда эди шекилли, Ҳошимжон бир дардга чалинди. Қон қуйиш институти клиникасида ойлаб ётиб даволанадиган бўлди. Ўзи айтмагани учун бу касалликнинг маъносини тушунмас эдик. Бир гал уни кўришга борсак (орада пахта теримига кетиб, анча вақт кўришмаган эдик), йигит чунонам семириб кетибди, ҳадеганда таниёлмай қолдик, сочлари ҳам жингалак тортиб, шокила-шокила бўлиб елкасига тушиб кетиб-

ди. (Ўзи у пайтлар соч ўстириш мода эди-ку). Биз унинг гулдирак кулгусидан таний олдик, холос. Худди эр-такдагидек сеҳргар кампир унга қўлини бир сермаб, бошқа одамга айлантириб қўйгандек гўё... Одатда у га-йир сочини калтароқ олдирад, шунда ҳам орқага та-раб юрарди. То касал бўлгунича, албатта. Фақат кўзлари ўша-ўша. У билан кўришганда феълидан келиб чиқиб одамни бир зум ҳам ўйлашга қўймас эди: кулдираве-рарди, кулдиравеарди. Қаёқдан қайнаб чиқар экан бу гаплар — ҳайрон қолардинг. Ўшандаям бир гуруҳ курсдошлар унинг ҳузуридан думалаб қолгунча қота-қота кулиб чиқдик. Ташқарига чиққанда негадир йиғ-лагим келди. Бунинг дарди ёмон, айтмаяпти, деб ўйла-дим. Курсдошим Санобарга шу гапни айтиб ёрилсам, уям хўрсиниб қўйди. «Мен тентак у тез орада соғаяди-ку, деб гул овоппан, ўзи курсдошлар пул йиғиб дори олсак бўлармиди», деди. Ҳа-я, шу нарса нега хаёли-мизга келмапти-я. Йўқ, Ҳошимжон бизнинг бундоқ ҳомийлигимизга йўл қўймади. Негадир шундай қилди. «Ҳаммаси яхши, яқинда ўзим чиқиб бораман, урин-манглар», деди.

Чиқдиям. Лекин ҳар олти ойда камида бир ой ётиб даволанадиган бўлди. Курсимиздан қолди. Қуйи бос-қичдаги Мамадали Эроновларнинг гуруҳида ўқий бош-лади. Кейин пича озди. Соч эса жингалаклигича қолди. Билсак, беморхонада қон қуйиш асноси гормон до-рилар беравераркан, у одамни шишириб юбораркан.

Мен ижара квартирасидан қувилганман. Вафо На-воийга кетиб қолган. Ҳошимжон икков квартира из-лай-излай Олимпия шаҳарчасидан бир уй топдик. Аб-дураҳмон ака деган киши эди. Тўлов муҳлати келса, кириб олиб эзмаланаверарди. Бир гапнинг тайини йўқ, нукул эзмаланади. Қоронғу тушади, ётар бўлади, ўн-ўн беш чойнак чой ҳам ичилиб кетади, акам кетмай-ди — бир зайлда, биз такрор-такрор эшитган саргу-заштларни, маишатларини гапиравеаради, гапираве-ради — ҳеч тўхтамайди. Ҳар-ҳар замонда:

— Сизларда ота-она борми? Пулни қаттан оласан-

лар? Журналист бўлсаларинг кўп тўлашадими? — деган «маънодор» саволлар ҳам бериб қўядики, Ҳошимжон билан иккимиз бир-биримизга қараб қоламиз-да, ҳамма гапларнинг ўзак мағзини тушуниб оламиз: дарвоқе, бугун биринчи число-ку!

Ўзи ёши борса, элликдадир — нега мунча каловланади?

Хотини, бир қизи билан рўпарадаги эшикда туришади.

— Вой адаси, шу боллардан квартир ҳақи сўраш мунча қийинми: тўла, бўлмаса чиқиб кет — тамом. Эзмаланишларини-чи...

— Мен буларга тушунтирвотман-де. Ёш боллар, бунинг устига қишлоқдан келишган. Ота-оналариям борми-йўқми...

Шундай дея, Абдурахмон акамиз қари одамлардек инқиллай-синқиллай туради ва:

— Эртага тагин бир хавар оларман, а, боллар... — деб қўяди.

Кетгач, қотиб-қотиб куламиз.

Бултурги йили пахта мавсумида бўлган воқеага ҳаёлим кетади. 7 ноябрь эди. Байрам. Абдуқажом Абдурахмонов деган домла бизга раҳбар. Қаердандир қўшни «Абай» совхозиданми, ароқ опкелиб ичишимизгаям шахсан рухсат беради. Кичкина эмасмиз, учинчи босқичдамиз. Аммо меъеридан кўпроқ отиб қўйибмиз. Ҳошимжон билан пахтазор четида қоронғуликда бу ҳаётни баланд пардаларда тинимсиз сўкиб кетаётимиз, йигит бирдан шеърый йўсинга ўтиб олди-ку. Есенин усулида, майин, аммо дардчил шеърлар. Ўзига хос бўлмаган қўл силкишлар, оёқ тепкилари (ғўзами, кесакми — зарб билан тепиб юборади) симфониясида ўқийверди. Онаси ҳақидаям бир-икки шеър ўқиди. Биринчи мазмунан, «бу гал борганимда қабриндан ўсибди қизғалдоқлар», деган маънони ўқиб, тек қотиб қолдим. У эса энди йиғлаб ўқимоққа тушди. Ўқиб бўлиб баралла хўнграб юборди. Мен уни кучоқлаб олганман, ўзимниям тўхтатолмаяпман. Эмранишиб, бир-бири-

мизни суяшиб турсак, қаердандир тентираклаб Вафо келиб қолди.

— Ҳой, нима гап, жўралар? Нима бўлди сизларга ўзи?

Шунда ҳайрон қолдим: Ҳошимжон ҳарбийлардек тез йиғиштириниб, ўзини тутиб олди. Кулди. Ҳа, кулди. Латифа айта бошлади...

Мен эса унинг етимлигидан тамом воқиф бўлиб, шоирлигига таҳсинлар айта бошлаган, қўшилиб ҳўнграй бошлагандим. Энди эса дабдурустдан унинг латифаларига кулишни эплаёлмай ҳиқичоқ тутган одамдай нукул ҳиқиллар эдим.

Вафо бўлса Ҳошимжоннинг навбатдаги латифаларига ёввойилардай «ваҳ-ҳай, ваҳ-ҳай», дея қўлларини кўполдан-кўпол кўтариб портлаб куларди-ю:

— Лекин, жўралар, бир нарсани айтмаяпсизларда, — деб ўпкалар эди...

#### 4

Абдурахмон акамининг хотинини Ҳошимжон «шустрий хоним» деб атарди. Албатта, орқадан. Ўзимиз учун. Эрининг чайналишига қарама-қарши ўлароқ хоним тезда мақсадга кўчиб, масалага ойдинлик киритиб кўяқоларди.

Ака чиқиб кетгач, Ҳошимжон:

— Одамга ботадиам демайди, иккаламизниям етимга чиқариб қўйдими бу синглингни... — деди сўкиниб. Бундан: «мен-ку фирт етимман, гаплари сизга ботмадими?» — деган маънони уқдим.

#### 5

Ҳошимжон «Ленин учқуни»га, Абдусаид Кўчимовнинг қўлига энди ишга ўтган маҳаллар. Шу кунларда биз азбаройи қўлимиз калталигидан, Абдурахмон акадай эзма-зиқнанинг квартирасига ортиқ пул етказолмай, дўстимиз Муҳаммад Исмоилнинг ундови билан Қорақамишнинг бир четидаги ишчилар ётоқхонасига кўчиб ўтдик. Битта секцияда 5—6 киши турамиз. Му-

ҳаммад Исмоил бир хонани тўлиқ эгаллаган. Кечаси билан гапириниб ижод қилади. Биз ишдан қайтгач, А.Ахмадова, М.Цветаева, В.Хлебников, Б.Пастернакдан лекциялар эшитамиз шоирдан, гапини асослаш учун бизга тушуниксиз узук-узук русча шеърлардан ўқиб қолади. Мен айтаётган нарсалар асли адабиёт бўлади, демоқчи бўлади. Ўзи яқинда уйланган, хотини Ховосда, ўзи ишламайдиам, бир ой-икки ойда уйига бориб, мен фалон жойда ишляпман, дейди. Бир гал бу «рост гап»ни тасдиқлатиш учун мениам опкетган, акаси — Аҳмад акага, онаси — ҳожи онага «шундоқ, жигит «Ленин учқуни»да ишлаётир», деб шубҳаларини тарқатиб келганман. Аҳмад ака ишонқирамай:

— Ҳай билмадим-да, Собирбой, бунинг ишлаши... — деб елка қисган.

Кўп ўтмай ишлаган ва тез орада ишлари юришиб ҳаммамизни чангда қолдириб кетган. Деганим, бунга-ям, юқорида тилга олганим — Абдусаид ака сабабчи.

## 6

Буларни Абдусаид ака ишга олди. Кейинчалик ҳам қаноти остида ҳимоя қилди. Қаерда бўлсаям суяб юрди, эркалик қилса аяди, гуноҳ қилса — кечирди. Ака шу даражада синчилми ё бағоят кўнгли кенглигиданми, ҳечқурса менга: «Эй, Собирбой, опкелган одаминг мундай экан-ку, аввал айтмаб эдинг», деб юзимга солмаган. Чиппа-чин ишонган. Ҳолбуки, мен аканинг ишончини қозониб, бир нарсани дўндириб ҳам қўймаганман, аксинча ўзимни ҳамон қарздор деб билар эдим.

Шунақа қарздорлик ҳиссини Ҳошимжон ҳам ўйлаб юрар экан, бир куни ёрилди:

— Устоз, бир чойхонага чақириб меҳмон қилайлик акаларни. Нима дейсиз?

Хўп дедим-у, ўйладим: ўша маҳалларда ичимлик топиш муаммога айланиб қолган эди. Ҳамхонамиз, Чилонзорда участковой бўлиб ишлайдиган, юридик институтнинг кечки бўлимида ўқийдиган олмалиқлик Эркиндан бу масалани ҳал қилишни сўрадик. Шу йи-

гит ҳам ичимлик муаммосини ҳал қилолмаса денг. Икки кун орқасидан юриб, бошлиғига кириб, у киши бировларга телефон қилиб, ниҳоят, икки дона ароқ топдик. Набиев паркининг орқасида, Ғани Аъзамов яшайдиган маҳаллада бир арзон чойхона бор экан. Гаплашиб келиб, акаларни: Абдусайд ака билан Ғаффор акани чорладик. Ош қилдик, ҳалигиларни қўйдик. Етмай қолди, албатта. Ғарибона дастурхон бўлди-да. Абдусайд ака шундаям бекорга овора бўлганимизни, шусиз ҳам бизни яхши кўришини айтди. Ошдан чиқиб бекатга бориб, кечки автобусда ўзининг Қўйлиқ томондаги уйига кетди. Таксига ўтиринг, икки-уч сўм тўлаб юборамиз, десак, унамади. Ҳа, аканинг Қўйлиқдаги икки хонали уйига отаси Кўчим бобо қазо қилганда фотиҳага борган эдим. Ғаффор аканинг тўрт хонали уйи бор эди. Уйи бор одамлар эса, бизнинг наздимизда энг бахтлилар саналарди. Ўша кунги ғариб базмда М.Исмоил, Ҳошимжон, Эркин, Комил Жумаевлар — ҳамхоналар жам эди. Табиийки, бояги нарса томоғимизга урвоқ ҳам бўлмай ўтиб кетганди. Ҳурматли меҳмонларни-ку кузатдик, энди ўзимиз бир нарса ташкил қилишимиз зарур эди. Шунда Муҳаммаджондан ташаббус чиқди. Яқин орадаги Чигатойдаги лўли маҳаллада вино бўлармиш. Ичкиликка қаттиқ турилган давр эканми, лўли холалар ҳам у ёқ-бу ёқларга қараниб, болахонадаги пичанлар ичидан вино опчиқиб беришгани ёдимда.

Беш норғул Набиев паркининг қоронғу бурчагида виноларни «через горло» ошқозонга бўшатдик. Кейин бирданига очилиб, бахтли одамларга айландик. Вузгородокдаги ётоқхоналарга, таниш қизлар ёнига бормоқчи бўлдик: мардмиз. Аммо чўнтак деганимиз қуриб бўлган экан, автобусда кетишга ҳам чақаларимиз қолмапти. Алкашлардай ғинғир-ғунғир, ким ашула айтган, ким шеър — бир-биримизга суйкала-суйкала Қорақамишнинг нариги чети, ботқоқ қамишзор ёнидаги ётоқхонага судралиб етиб бордик.

Ботқоқ сув ёнидалигиданми, аксар подваллари сувга

тўлиб кетганиданми, ётоқхонада пашша кўп эди, кечаси деярли ухлатмас, ухласак ҳам эрталаб, калтак егандай юзимиз моматалоқ, кўкариб уйғонардик.

Ҳошимжон билан анчагача гурунглашиб ётдик. Уям бир чечилди. Сочнинг жингалаклашгани мавзусига келганда бир рост гапни айтди.

Ўтган гал биз борган палатасида олти киши ётганини, ўшалардан бир ой ичида фақат бир ўзи тирик қолганини сўзлади. Шунда ҳам умидсизликка тушмай «чорт» деб қўйди.

— Наҳотки?! — деб юборибман.

— Шундоқ кулиб гаплашиб ўтираверади, кун бўйи қарта ўйнаймиз, кечаси билан бирдан оғирлашиб қоладию қайтиб келмайди: ўша ёқдан мўргга обориб ташлашган бўлади. Ачинамиз, эртаси куни унинг қилиқларини эслаймиз. Ўзимизни овутамиз. Бироқ... бир кун ўтиб, тагин биримиз... Яшашнинг қизиғи қолмади, устоз...

Мен унга далда бермоқчи бўламан-у, нима дейишни билмайман. Қайтанга, аксинча, ўзи бизни овутади, бу қийинчиликлар ўтиб, ҳали катта ижодкорлар бўлишимизни башорат қилади.

— Ўзи, устоз, бу қанақа касаллик?

— Оққон.

— Оққон?

— Ҳа, қон раки, устоз...

Сўнг орқасидан бир латифа айтиб юборади-да, аввал ўзи портлаб кулиб юборади, ихтиёрсиз биз ҳам қўшиламиз.

## 7

Комил «Гулистон» журнаliga ўтди. Ҳошимжон «Ленин учқуни»га, Эркинимиз — мелиса. Муҳаммаджонимиз кечаси билан қўнғиздай гўнг-гўнг қилиб, чой ичиб, ижод қилиб юради-юради-да, тонгдан шомгача ухлайди. Яшаш шароитимиз талабаларниқидан тузукмас. Боз устига — бундай воқеалар тез-тез бўлиб туради, меҳмон келиб қолса — урди Худо. Кимнидир йўқлаб

келган меҳмонга ҳам бошқаларга нимадир егизишинг керак. Қийинлиги шунда.

Ҳошимжоннинг йўқлайдиганлари бор. Улар ҳам ўзига ўхшаган беозор одамлар. Уйидагилари унинг касаллигини билишмайди. Шунчаки, ўзининг табиати ва иродасидан келиб чиқиб айтмаган, яширган, холос.

Дард устига чипқондек Қашқадарёдан Норқобил Жалил келиб, бизга қўшилиб олди. Чўнтагида ҳемири йўқ, иш керак, пул керак, яна хотинидан ажрашган — бўйдоқ, уйланиши ҳам керак, уй керак: ўзимиз қатори. Кўрпа-тўшагиям йўқ. Кечаси ўлардай пашшага таланамиз — уйқу йўқ. Ётар вақти ётоқхонадагиларнинг кўпчилиги пашшадан қутулиш илинжида кўрпа-тўшагини кўтариб тепа туйнук орқали томга, шиғирлаган шағал тошлар устига чиқиб ётадиган бўлди. Бу одат менгаям юқди. Том усти салқин, кўрпага ўраниб-бурканасану қотиб ухлайверасан, пашша киролмайди. Қуёш чиқиб кун қизиганда туйнукдан кўрпангни кўтариб пастга — ўз кулбангга тушиб борасан. Ҳошимжон бунақа кўрпа кўтариб юришларга ҳафсала қилмас эди. Шу боисдандир, у пашшага кўпроқ таланди ва оқибат касали қайта қўзиди. Бу сафар ҳозирги Қатортол кўчасидаги Қон қуйиш институти филиалида ётди. Идорамизга жуда яқин жойда бўлгани учун кунига, кунора кираман. Олим ака деган бир бераҳм даволовчи врач бор экан, дори-уколларни бермайди. Бир журналист акамизнинг таниши экан, унга телефон қилдирдик, барибир фойдаси бўлмади. Охири, Ҳошимжон беҳабар, мен уйидагиларга хабар бердим. Муҳиддинжон ака билан опаси куйиб-пишиб, йиғлаб-сиқтаб келиб қолишди. Дўхтир билан расамадини келтириб гаплашишибди чоғи, кейин даволашни ҳам бошлаб юборишди. Ҳошимжоннинг опаси менга:

— Ўзингиз кўз-қулоқ бўлиб туринг, укажон! — деб илтимос қилди.

Ҳошимжон тағин шишиб кетди. Акалари тез-тез хабар оладиган бўлишди. Дўхтир уларга, бу — тузалмайдиган касаллик, дебди, хавотирга тушиб қолиш-



ди. Муҳиддинжон ака бир куни Ҳошимжонни касалхонадан олиб чиқиб Чустга — ўзининг қишлоғига олиб кетди. Бир ойдан кўпроқ у ёқда қолиб кетди. Ўрнига Муҳаммаджон корректор бўлиб ишлаб турди.

Ҳошимжон келди. Анча тетик, бардам. Сабабини сўрасам, акалари тоғдаги қирғиз овчиларга илтимос қилиб, суғур оттириб келиб Ҳошимжонга егизишибди. Зўр нарса экан, фойдасини аниқ билдим, деди дўстим. Шу-шу касалхонага қайтиб бормади. Бироқ ўнг оёғини авайлаб босиб бир ёнга жижжа энгашиб қадам ташлайдиган бўлиб қолди. Энди тагин Қорақамишдаги ётоқхонада пашшага ем бўлиб яшамаслигимиз керак эди. Квартира топиш пайдан бўлди. Бу сафар ҳам Абдусаид ака жонимизга оро кирди. Идорасидаги Раъно деган аёлнинг Юнусободда бир бўш квартираси бор экан, одам қўйиш ниятида эмиш. Хуллас, Абдусаид аканинг далдаси билан шу ёққа узун-қисқа бўлиб кўчиб келдик. М.Исмоил, К.Жумаев, Н.Жалил, Ҳошимжон, камина.

Ўша — ит ётиш, мирза туришу, ҳар қалай косатовоғимиз жойида, иссиқ овқат қиламиз, вақтида еб-ичамиз, ювинамиз. Энг муҳими — пашшадан қутулганмиз.

Ўйлаб қарасам, ҳар биримиз бу ердан мустақил бўлиб чиқиб кетибмиз. Муҳаммаджон — кечгача уйқуни урадиган шоир биринчи бўлиб уй олди. Хотини, боласини кўчириб келиб кириб яшай бошлади. Комил уйланди. Кейин Ҳошимжон. Ундан кейин — Эркин. Икки кун ўтгач мен...

Бу шоҳона кулбамизга ҳам Абдусаид ака бир келди. Ҳошимжонга акалари олтига каклик жўнатишибди. Акани чақирамиз, буларни ошга босамиз, дедик. Энди, Абдусаид ака бизни ҳар куни шунақа каклик-пакликлар еб ётади, деб ўйламаган чиқар, ҳар нечук, маош олиб одамдай яшаётганимизни кўриб хурсанд бўлди.

— Ҳошимжон, бу «какибак-какибак» деб сайрайди-я?

— Ҳа, устоз, «какибак» дейди.

— Ҳозир бу жонивор бирдан қанот боғлаб «каки-бак» деворса-я!

Кулишамиз.

Ишхонада кўрсак ҳам Абдусаид ака бирдан шўтаноклиги тутиб, «қанотларини» ёяди-да:

— Какибак-какибак, — деб юборади бирдан баланд овозда.

Бегоналар кўрса нима деб ўйларкин, дея аланг-жаланг атрофга қараб қўямиз.

Демоқчи бўлганим — ака мудом шогирдларини ўзидан узоқлаштириб юбормайди, яхшилик қилиб чарчамайди. Беписанд бўлишни хаёлигаям келтирмайди.

Ёзувчилар уюшмасида, Вазирлар Маҳкамасида, радиода, Президент девонида, сўнг Телерадиокомпанияда масъул лавозимларда ишлаб юрганида ҳам бунга қайта-қайта гувоҳ бўлдим.

## 8

Саксон тўққизинчи йилнинг июни эди. Ҳошимжон уйланди. Қишлоғидан — Раънохон деган иболи, ақлли, одобли, кўҳликкина қизга. Тўйга биз билан қўшилишиб Абдусаид ака, Ғаффор акалар ҳам боришди. Чуст томонларда базм дегани ихчамроқ бўлар экан. Ўртани ўраб турадиган бир қатор стол, унинг орқасидан бир қатор стул қўйиларкану енгил егуликлар тортилиб, асосан ёшлар ўйин-кулгу қилишаркан. Шунда ҳам тўй эгалари Тошкентдан келган ҳурматли меҳмонлар учун бошқача зиёфат уюштиришган. Акалар сўзга чиқиб, Ҳошимжоннинг шаънига илиқ табриклар изҳор этишган.

Фарғона воқеалари яқинда бўлиб ўтган эди. Абдусаид ака билан Ғаффор ака ўша ерлик танишлари ҳамроҳлигида воқеа жойларини кўриш учун жўнаб кетишган.

## 9

Ака радиоқўмигада раҳбар бўлганида Ҳошимжон ва яна бир қанча шогирдлари устознинг изидан бо-

ришган. Телерадиокомпания раислигида эса яна ўшалар гуриллаб телевидениега ўтиб олишган.

Айтдим-ку, устоз бировга меҳри тушиб қолса қаноти остида тутиб юришни истар эди. Чамаси, унга ёрдами тегаётганидан даставвал ўзи мамнун бўлар эди.

Саидазим Мардиев, Минҳожиддин Мирзо, Ҳошимжон Мирзааҳмедов, Муҳаммад Исмоиллар энди телевидениеда фаолият юритишди. Айтиш жоизки, мураккаб, ўзига хос муҳитга эга, минглаб ишчи, техник ходиму журналист, шоир-ёзувчию кекса-ёшни бирлаштирган улкан идорада бош бўлиш осон эмасди. Чамаси, бундай жойда раҳбарни гуруҳбозлик, манфаатлар тўқнашуви, ҳар хил ифво, казо-казоларнинг босими ҳам қийнаб юборади. Буларнинг барисига иродасини ишга солиб дош беришгина етарли эмас-ку. Ташаббус билан кўрсатувларни янгилаш, ҳар хил лойиҳаларни жорий этиш, ислоҳотлар ўтказиш, муҳими, кўрсатувлар сифатини яхшилаш, одамлар кўриб, завқланиб, «баракалла» дейдиган даражага олиб чиқиш вазифаси турибди. Яна энг муҳими — телевидение давлат сиёсатининг ойнаси. Ножоиз, бўлар-бўлмас гаплар, савияси паст кўрсатувлар, сиёсий саводсизлик, ноҳолис танқид, кераксиз мақтов, хонандаларнинг экран талашилари... Буларнинг бари раҳбардан нафақат хушёрлик, керак пайтда чўрткесарликни, масалани дарҳол бир томонга, лекин холисона, адолат юзасидан ҳал қилишни талаб этмайдими?.. Шундай, акада фавқулодда хушёрлик, фавқулодда жасорат, ғайратни кўрар эдим.

Аканинг бир гал нолиганини эшитганман.

— Биласизми, ука, мен бундай идорадан яна икки-учтасини бирлаштириб берсаям эплайман, куч топанман. Чунки муҳтарам Президентимиз бизга тўғри йўлни кўрсатиб турибди. Мен бу борада ҳеч қачон иккиланмайман. Бироқ ўзинг ишонган одамларинг гоҳ пулга сотилиб, гоҳ мансаб бермаганинг учун тинимсиз ифво уюштириши одамни эзади. Илгари ҳатто юрагим қаерда жойлашганини ўйламас эдим, энди бўлса шу қурғур санчадиган бўлди...

Мен буни оз бўлса-да ҳис қилар эдим. Журнални қўй, қачонгача обуна, пул деб югурасан, телевидениега кел, дея таклиф қилганида ҳам оёғим тортмаган. Қайдам, балки Худо ўнглагандир...

А. Кўчимов Президент девонида масъул лавозимда ишлаётганида ҳам газеталарга турли мавзуларда мақолалар ташкил қилганини биламан. Ижодкорларнинг фаолиятини кучайтириш, кенгайтиришни ўйлар эди. Ёзувчиларнинг публицистик чиқишларига кўп эътибор берганини кўрганман. Шахсан ўзимга ҳам маънавий мавзуларида мақола ёзишни тавсия этган, айти маҳалда ёзилажак мақоланинг руҳи, йўналиши, нималарга урғу беришни ҳам тушунтирган эди. Ўша мақолалар марказий газеталарда чоп этилган, сир эмаски, кейин ўзимнинг ҳам кўнглим тўлган эди.

## 10

Абдусаид ака ҳозир фаолият юритаётган «Хабар» газетасида ҳам ижодий муҳит ҳукмрон. Ўзи эринмасдан материалларни компьютерга солиб, ўқиб, тузатиб, ифода — берилиш шаклларини ходимларга батафсил уқтириб ўтиради. Муҳими — ижод қиляпти. Ахир, ижодкордан нима қолади — яхши сўз, эзгу фикр, қайноқ дард — шулар сингдирилган чин асарлар.

2003 йилмиди, «Баланд тоғлар» деган сайланмаси чиқди. Жуда гўзал қисса ва ҳикоялари бор. Қаҳрамон ҳолатларини ҳаракатлантирувчи чизик, гап-сўзлар табиийлигини топади. Жуда топади. «Оқ каптарлар ороли», «Баланд тоғлар остида» қиссалари, «Бойчечак» ҳикоясида бу фазилат ёрқин намоён бўлган.

Икки-уч йил бурун чиройли бир шеъррий тўпламни чоп этгирди. Ишқ-муҳаббатга тўла ҳароратли шеърлар.

Тўхтовсиз эсселар ёзаяпти. П.Қодиров, О.Ёқубов, Қ.Йўлдошев, А.Жумаевлар ҳақида ажойиб, керак бўлса, бадиий қиссадан кам бўлмаган эсселар ёзди. Устоз Одил ака ҳақидагисини биз журналда бердик.

Ёзувчининг шу даражада тафаккури уйғонганки, тавба, бу узун лавҳа, узун сўзлар — суҳбатларни қандай эсида сақлаб қолди экан, деб ҳайратга тушасан.

## 11

Чамамда 1988 йил эди, ўша вақтдаги Иттифоқнинг марказий нашри бўлмиш «Правда» газетасида бир танқидий мақола чоп этилди. Айниқса, ёзувчилар орасида тез шов-шув бўлиб кетди. Унда: «Ўзбекистон матбуотида, «бу Республика Россия таркибига куч билан қўшиб олинган» мазмунидаги миллатчилик руҳидаги мақолалар кўпайиб кетди», дейилиб, нуқул болалар газетаси бўлмиш «Ленин учкуни» газетасидан мисоллар олинган. Эсимда, учта мақолани шарҳлаган, бири тарихчи М.Ҳасановнинг мақоласи, бошқа икковиям шу газеталардан олинган. Бош муҳаррир — А.Кўчимов! Бу, биринчи навбатда, муҳаррирга қаратилган сиёсий зарба эди.

Ҳолбуки, қайси газетани, журнални олиб қараманг, бу хил мазмундаги жанговар руҳли мақолани топиш мумкин эди. Бир украиналик ғаламис журналист акани «уриб чиққан» эди.

Бошқа матбуотда ҳам шу мазмундаги материаллар берилаётган эди, деяпмиз-у, аслини олганда барибир вазият қалтис эди. Чунки шўро мафкурасининг тиши ҳар қандай одамнинг бошини «чирт» узиб ташлаши, сиёсий бир бўрон қўпса, унча-мунчаларни осмону фалакка кўтариб, сўнг ерга қапиштириб ташлаши мумкин эди. «Пахта иши»нинг қама-қамалари бунга мисол. Ҳали бундоқ хуружларнинг ҳиди атрофимизда анқиб турарди.

Шунда ўзбек зиёлилари, айниқса, ёзувчилар бир оёққа қалққанига гувоҳ бўлганман.

Эсласанг юрагинг ўртанади!..

Одамлар нақадар мустақил яшашга муҳтож экан.

Биз ҳам қараб турмай СССР давлат раҳбари М.Горбачёвга, «Правда»нинг бош муҳарририга, яна аллакимларга бу мақола туҳмат, бўҳтонлиги ҳақида бир

талай нусхаларда шошилинч телеграммалар ёзиб Москвага жўнатганмиз.

Шунда кўрганман: Абдусаид акани ёқтирмай, ортидан зимдан ғаламислик қилиб юрувчи баъзи ижодкорлар ҳам телеграммага қўл қўйган. Балки уялганидандир, балки бу зарба бугун Кўчимовга тушаяпти, эртага менга ёки бошқасига ҳам тушиши мумкин-ку. Тек қараб туриш керакми, дея инсоф нуқтаи назаридан қарагани учундир. Ҳар қалай шундай бўлган эди. Адашмасам, юз эликдан зиёд шоир-ёзувчи қўл қўйган. Оқсоқоллар ўзлари алоҳида телеграмма жўнатишган. Ўзимизнинг ҳукуматга ҳам хат ёзганларини эслаяпман...

На бўлғай, қўлган бўрон зиёлилар, ижодкорларнинг виждонини кўзғатгани учундир балки, ҳар нечук катта талафот солмай, яъни Абдусаид акани «учирмай» ўтди. Аммо ўшанда аканинг юрагидан нималар ўтганини, қайси маҳкамаларга чақиришганию не дашномлар эшитгани менга қоронғу. Ака бундай нолишларни ёқтирмайдиган, қийин вазиятларда ҳам кулгуга буриб юборадиган одам.

Муҳаррир ишда қолди.

Энди эҳтиёткор, ҳушёр бўлгандир дерсиз?

Қайда! Яна шундай мақолалар қатор-қатор кетаверди. Аксинча, бошқа газеталар болалар газетасидан улгу ола бошлашди. Шунда кўп ёзувчилар, шоирлар, зиёлилар мисолида, давлатимиз, тилимиз, ҳудудимиз мустақиллигини ёқлаб чиққан элнинг бир парчасини кўрган бўлсам, Абдусаид Кўчимов тимсолида эгаллаб турган вазифасидан бир лаҳзада учиб кетишдан чўчимай эл дардини ўзидан баланд кўя олган мард муҳаррирни кўрганман.

Ахир, вақти келиб, барибир ҳақ қарор топар экан-ку!

## 12

Иттифоқо, бир гал тушликда чой ичиб ўтирибмиз. Ака Ҳошимжоннинг вафот этганини эшитиб, жуда афсусланди. Эслаб ўйланиб қолди. Ҳошимжоннинг

ошқозонида яра бор экан, шу очилиб, операция қилишга тўғри келти. Кейин қон тўхтамаган. Шу... 45 ёшга ҳам кириб-кирмай ке-етди чин дунёга.

Ака фарзандларини сўради. Хабар олиб туринглар, деди. Жуда тоза йигит эди-да, деди тагин.

Яқинда у ҳақда «Ўзбекистон овози» газетасида мақола берганимни айтдим. Сўнг даставвал каминани «прописка»га қўйиб берганини, ҳикояларимни чоп этиб мени машҳур қилгани, Ҳошимжон, Муҳаммаджонларни оборганимда ишга олганини эслатмоқчи бўлдим.

— Шунақа бўлувдими, — деди у киши хиёл очилгандай бўлиб. — Эсимда йўқ.

— Наҳотки?

— Балки. Яхши одам яхши одамни опкелади-ку, деб ўйлагандирман-да. Тўғриси — эсимда йўқ.

Мен у вақтлар Абдусайд аканинг хаёлидан кўтарилиб кетганига ишонмайман. Шунчаки...

Шунчаки, қилган яхшилигини пеш қилишни, бировларга ўхшаб, «мен фалончига мундай ёрдам қилган эдим, энди назарга илмади, яхшиликка жавоб шу экан-да», дея ёзгиришни ёмон кўради, холос.

Бу — баъзи одамларнинггина қўлидан келади.

Ростини айтсам — руҳан, қалбан кучли одамлар шундай қила оладилар!..

## ҚИСМАТ ҰЙИНИ

*Нуроталик 88 ёшли ҳожи Жўрақул КАЛОН  
ўғли оғзидан*

Бизни Эрсари авлод дейдилар. Хийла танбал, хийла қайсар, лекин ориятли одамлармиз. Инқилобдан олдинги йилларда бобомизнинг бирови Кўлтўсин офтобрўсини ер қилиб эгаллаган. Кўлтўсиннинг тупроғи қора, семиз, ёгингарчилик мўл, одам кўмадиган кўллари-нинг атрофи қамиш, на бўлғай, қишин-ёзин қорамол, ушоқ мол еб тўймай семириб ётаберади, қиш-ликка хашак тўплаб ўтиришга ҳожат йўқ. Бобомизга эргашиб Нурота туркманлариям жобдираб келиб бу жойдан уй қилиб эл бўлади. Бобомизга Худой қиз тирноқ берибди, ўғил тирноқ бермабди. Кунларнинг бирида яйдоқ ерлик бир митани йигит келиб бобомизга кўп хушомад қилиб, энди мен сизнинг тутинган ўғлингиз бўлайин, бир-биримизга эмранишиб, суянишиб юрайлик, депти. Бу гап чолга ёқибди. Эй, кел, ўғил бўлса ўғил-да, ўзиям хушсурат бола экан, деб кўнипти. Йигит миниб юрган отини чолга ҳадя қипти. Чол қўявер энди, менинг юзлаб от, байталларим ўтлаб юрипти, буни нима қиламан, деб унамапти.

Йигит қўярда-қўймай бу менинг чин ўғиллик белгим бўлсин, чунки бор бойлигим шу, холос. Йўқ деманг, депти.

Бобомиз бу гапдан хурсанд бўпти. Ҳадяни опти. Энди ота-ўғил бўлдик, ўғил ҳадя қилса ота қараб турама, кел, мен ҳам сени бир нарса билан сийлайин, сўра, отардаги қўй-қўзимиди, от, туя, мол, нимамдан берай, депти.

Йигит ўйлаб ўтирмай манов кўриниб турган қирлар ичини, кўл-пўлларни сеники деб қўйсангиз бўлди, ўғил шунга хурсанд бўлади-да, депти. Чол ўйлаб ўтирмай, ол, ана, шу мулк сеники, депти. Йигитни уйингдан рози-ризалик олиб кел, деб эгар-жабдуқ қўйиб бир отга миндирибди. Йигит отга миниб йўлга чиқибди-ю, тагин қайтиб кепти.



— Ота, — депти, — энди менинг жону жаҳоним сиз бұлдингиз, уйимдаги ота-онам не учун ўзгага фарзанд бұлдинг, деса, хўп, бир Худо берган эрсари туркманнинг молига учдим, мулким сеники бўлди, деб айтди, дерман. Лекин исботинг қани, деса не дейман, бир энлик васиқаям ёзиб берақолинг, — депти.

Чол қавмдошларининг ҳай-ҳайлашига қарамай бир энлик васиқаям ёзиб, боланинг қўлига тутқазиб юборибди.

— Энди бола орттирдим деб хурсанд бўлмайсиз, сиз учун бола эмас, бир бало бўлади бу, — дебди оқсоқоллар.

— Нима бўлгандаям у менга ўғил фарзанд бўлди, қаёққаям борарди, мулкка эгалик қилса мени боқадида, — дебди бобомиз.

Шуйтиб оқсоқоллар ўпкалашиб турса, боёқиш йигит ўзининг қишлоғига эмас, Митанга қараб от қўйиб, қирдан ошиб кетаётганини кўриб қолишибди.

— Энди ўлдинг, бой, — дебди бир кекса, — бу боланинг нияти бузуқ. Шу кетишида у аниқ Каттақўрғонга боради. Васиқани муҳрлатиб олиб, қайтиб бизни қишлоқдан қувиб чиқади.

Бобомиз бошини чангаллабди.

— Икки митан — бир шайтон дегани шуякан-да, орқасидан от қўй, қувиб етинглар, — дебди.

Йигит шу кетишда Митанга етибди. Одамлар унга етай деганда у от алмаштирибди. Митанликлар буларга от бермабди. У эса Иштихонга бориб тағин от алмаштирибди. Буларнинг оти ҳориб-толибди. Хуллас, изма-из қувишиб Каттақўрғонга бориб тасдиқлов идорасига етишса йигит идорадан муртини бураб тиржайиб чиқиб келаётганмиш. Туркманлар бирин-кетин отдан тушиб уни дўппослай кетишибди. Миршаблар аралашиб йигитни ҳақ дейишибди. На бўлғай, ўғил тутинган баччағар келиб бир кечада буларни қишлоғидан қувиб чиқарибди. «Отаси»нинг ёлворишигаям қарамай мулкига эгалик қилиб, унияма ҳайдаб солибди. Шуйтиб Эрсари авлод яқин атрофда жобдираб,

биров у қишлоқ, биров бу қишлоқда ўрнашиб, барибир бойлиги камайиб, буларга муте бўлиб қопти.

Очарчилик, сўнг уруш, сўнг тагин қаҳатчилик йиллари — одамларнинг обдан силласи қуриган йиллар.

Отам мулла Калон Бухоро мадрасасида таълим олиб, қишлоқда муллалик қилиб бир нави кун кўриб юраркан. Биринчи энамдан бир қиз фарзанд қолган, энамиз касалдан нобуд бўлгач, отам яна бир энамизга уйланади, Улаш дегич бир ўғил туғади. Қаҳатчиликда бир камбағал қизини отамга назр қилиб беради. Бу менинг энам Сулув экан. Энам икки қиздан кейин менга юк кўтаради. Аммо мен отамни кўрмадим. Отамнинг қотилини кўрдим, холос...

Отамнинг тоғаси Толлибой ўркач мардикорчиликка чақирилиб, Қозоғистон тарафларда пусиб юради. Талай йиллардан кейин қишлоғи Кўрсапарга келади. Эски Кўлтўсиндаги «ўғил» унинг хабарини миршабларга етказади. Толлибой ўркач аввал қочиб кетади. Орқасида биргина гўдак қизи Назокатга алағда, тагин қишлоғига келиб, Назокатни бегона қўлда қолмасин деб уни қўлтиқлаб, тонг азонда Боғожотнинг қиридан ошиб кетаётганда Митан томондан бир отлиқ келиб унинг орқа бўйнидан отади. Якка ўқ бўйинни тешиб оғзидан ўпириб, тиши-лабини юлиб чиқади. Тоғамни таниб бўлмай қолади. Эл қатори жасадни отам ҳам бориб кўради. Мурда икки кун чивинга таланиб ётиб ҳидлана бошлайди. Биров унга яқинлашишга қўрқади. «Ановилар» тагин сотиб қўйса, кунимиз не кечади, дейди. Отам учинчи кун икки-уч ҳамроҳ топиб, кечаси тоғамни мозорга кўмади. Одамзоддан гап қоладими — икки кун ўтмай отам қамоққа олиниб, Каттакўргон турмасига ташланади. Шу ётишда икки йил ўтади. Турма миршаблари орасида Ёрбек чўнтоқ дегани билан танишади. Гапдан гап чиқса Ёрбек чўнтоқ қорақиссалик эрсари авлоддан экан. Ёрбек чўнтоқ лақабини олганига сабаб, у Нурота туманида ўқишга бориб биринчи камзул кийиб келган одам, тенгқурлари бу чўнтоқни қаранглар, деб масхара қилишган экан. Шу чўнтоқ отамни қочириб юбориб, орқасидан

жўрттага ўқ узган, отам ўзини Қорадарёга ташлаган. Дарёдан тўғри сузиб чиқиб Митан, ундан Қўшработга келиб бемалол одамлар билан салом-алик қилиб юрганмиш.

Одамнинг авомлигиям шунча бўладими?

Маҳаллий ревком вакиллари энди яна уни қўлга олишади. Бир қанча маҳбуслар билан қўшиб, тоққа қараб ҳайдашади. Шуларнинг ичида отамни йўлда отиб ташлаш буюрилади. Бу иш Эшонқул деган наримоновлик одамга топширилади.

Унга, «одамлардан бир бўйин четга чиқарасан-да, қочмоқчи бўлди, деб отиб ташлайсан», деган буйруқ бўлади.

У одамнинг юраги дов бермайди.

— Мени қўйинг, бировга топширинг, менинг ўқим Калонга тегмайди, — дейди.

Хуллас, шу одам барибир пўписадан қўрқиб отамни отади.

Бу вақтда мен — икки ёшга етақа чақалоқ энамни эмиб ётган бола эканман.

Орада ўгай акам Улаш ҳам, ўн тўрт ёшлик навниҳол йигит — кўзикиб қазо қипти.

Мен — отамнинг ёлғиз ўгил тирноғи етти ёшимгача энамни эмдим.

Авлоддан кимдир кўпроқ яшашининг ҳам ҳикмати бордир-ов дейман. Мана, қизиқ мисол, мен отамни отган одамни излаб топдим, гаплашдим. Наримоновда, Пойариқда яшаркан. Ўшанда у олтмишдан ошиб бобой бўлиб қолган экан. Сира бўйнига олмади.

Йиллар ўтиб, мен ҳам ўзимни босиб олдим. У одам тагин кексайди. Жўшда бир тўйда учрашдик.

Қабатига ўтиб секин гапга солдим. Ўшанда у отам қўшилган маҳбусларни Қўшработдан Оқмачитгача олиб келишганини айтди.

— Сўнг менинг отим ўйнаб ловловлади, икки юз қадам четга чиққан эдим, отангни миршаблардан бирови отиб қўйди, кўрмай қолдим, — деди.

— Ие, — дедим. Отини айтдим: — Фалончи ака, Қўшработдан Оқмачитгача қанча йўл — эллик беш-

олтмиш чақирим чиқар-ов. Отингиз Қўшрабoтда лов-ловламапти, Ҳасанбoбo, Эски Қўшрабoт, Жўш — ҳеч қaерда ўйнамай, чарчаб-ҳориб қолганда — Оқмачитга келиб ловловладими?

— Эй, Калоннинг ўғли, ўшанда ёш эдинг, сенда интиқом олиш чўтинг кучли эди, бўйнимга олмаб эдим. Қани айт, сен Калоннинг ўғли бўлиб нима жабр кўрдинг?

— Ана, кўрдингми? Мулла Калоннинг сенга зарари тегмадими — сенинг ҳам унга зараринг тегмасин.

Шу гап бўлдию мен ҳам ортиқ ўсмоқчиламадим. Қолаверса, бу банданинг ҳам бир беғуноҳни отиб ташлашга қўли бормагани аниқ, бу бўлмаса, бошқаси отар эди. Бор ҳақиқат шу. Уни айблаб ёзғириш — шамолга қараб қўшиқ айтгандай гап.

Не бўлганда ҳам қолган умримда ҳалол ишладим. Ветврач бўлдим. Нурота офтобрўсида молдўхтир Калонов деса, ҳануз барча билади. «Калонов» фамилияли одамлар юзга яқинлашди. Улар менинг Оллоҳ ато этган фарзандларим, невараларим, чевараларимдир. Ўғилларим Нуриддин ва Аслиддин юртга танилган рассом, Бадиий Академия аъзолари. Қолганларининг ҳам турмушлари чакки эмас. Мустақилликдан ўргилай, ҳозир нафақам унча-мунча ишлаётган одамнинг маошидан кўп — беш юз эллик мингдан ошади.

Фарзанд, невараларимни йўқлаб Нуротадан Самарқанд, Жомбой, Гулистон, Чиноз, сўнг Тошкентга йўлга чиқсам, ўн кун ҳам камлик қилади уларнинг дийдорига тўйишга. Бир яшаргандай, оёқларимга ҳам қувват ингандай бўламан. Яна «Регистон» поездига ўтириб Самарқандга шошаман. У ердаги болаларим Нуротага кузатиб қўйишади. Нуротага етгунимча бир қанча ҳожи дўсту улфатларим соғиниб туришади.

Шу-да умр, шу-да ҳаётнинг завқу сафоси!

Э, мулла Калоннинг боласи-ей!..

**Баъзи мулоҳазалар туфайли бир хил жой номлари, исмлар ўзгартирилиб, воқеликлар нисбийлаштирилди (Муаллиф).**

## УМИДИМИЗ КАТТА

Ўзим шоир сифатида мансуб бўлган шеъриятнинг мақоми ва аҳамиятини мутлақо камситмаган ҳолда, барибир адабиётнинг тиргагини, бошқачароқ айтганда, локомотивини наср ишғол қилган деган бўлардим. Гарчанд бизда наср деган адабий жанр XX асрга келиб Қодирий ҳазратларининг қалами остида пайдо бўлган эса-да, шундан буён у тинмай ўқилади. Чўлпон, Ойбек, Фафур Фулом сингари чўнг шоирларимиз ҳам бу соҳада баракали ижод қилишгани бежиз эмасга ўхшайди.

Ўтган аср 80-йилларида оқсоқол адибларимиз ортидан бир гуруҳ носирларимиз янги нафас, янги фикр, керак бўлса янги оҳанглар билан гуриллаб адабиётга кириб келишди. Эркин Аъзам, Хайридин Султонов, Мурод Муҳаммад Дўст, Тоғай Мурод, Аҳмад Аъзам, Фаффор Ҳотамов, Нормурод Норқобилов ва бошқаларни тилга олсак бўлади.

Бугунга келиб бу укаларимизнинг ҳам олди олтимиш ёшни қоралаб қўйибди. Ва шунда табиий бир савол ҳам туғилади: хўш, буларнинг ортидан кимлар келаётибди? Назар Эшонқул, Лукмон Бўрихон, Шойим Бўтаев, Кўчқор Норқобил, Исажон Султон, Баҳодир Қобул, Улуғбек Ҳамдам, Зулфия Қуролбой қизи, Абдуқаюм Йўлдошев, Исмоил Шомурод ва баъзиларининг исм-шарифлари хаёлимга келмаётган навқирон ука-сингилларим орасида Собир Ўнарни алоҳида таъкидлагим келади.

У баъзи бирларга ўхшаб ойда-йилда бир семиз китоб нашр қилмаётган бўлса-да, ёзган ҳар бир асарида

самимийликни, чин эҳтиросни, гап-сўзу ҳолатларнинг реаллиги, табиийлигини туйгандай бўламан. Халқона, ўзбекона иборалар ишлатади. Бу жуда ҳам муҳим. Ахир кўп китобларга муаллиф бўлган баъзи биродарларнинг сўзга нақадар қашшоқлиги ёхуд жуда серсўз, ё бўлмасам ўта сўзамол, оҳанжамага ўраб ташланганини кузатиб, гоҳида гашинг кўзийди. Бундай китобларнинг жазоси тайин: бир четга суриб қўяқоласан, тамом. Устоз Абдулла Қаҳҳорнинг қисқаликка интилгани, ибора ва халқона мақоллар орқали ёрқин тасаввур уйғотадиган ҳолат ва манзараларни, характерларни чизиб бера олгани бугун ҳам долзарблигича турибди.

Собир Ўнар асарларида миллийлик, колорит жуда табиий йўсинда ифодаланади. Хоҳ ҳикоя, хоҳ қисса-сида бўлсин, у бир қизил чизиқ — лейтмотивни топиб олади. Узоқларга ўтлаб улоқиб кетмайди. Мен унинг «Бибисора» қиссасини қизиқиб ўқиганман. Чингиз Айтматовдай буюк ёзувчининг издошидек таассурот уйғонади. «Михдай асар бўпти, ука» деб муаллифдан суюнчи ҳам олганман. Ҳолбуки унда ҳикоя қилинган ҳодисалар ўша даврни бошидан кечирган ҳар биримизнинг тақдиримизда мавжуд. Ўсмирликдаги биз тушуниб-тушунмайдиган болалик севгиси деймизми, мутлақо шарт-шароитга эга бўлмаган бурунги қишлоқ мактабидаги ҳолатлар, ғалати феълли ўқитувчилар, уларнинг ёмон ниятли одам қошида бош эгиб туриши, катта одамларнинг қотилликка ҳам бефарқ қарашлари, қотилнинг ўғли кейин келиб шу қишлоқда ўшандай бузуқ ишларни тап тортмай амалга оширавериши, одамлар тагин унга ҳам мум тишлаб туришлари, ёвуз одам қисса охирида бу мактабдан қувилса ҳам нариги қишлоқда ишини давом эттиравериши — улар аввал ҳам, бурун ҳам, эртага ҳам биз билан бақамти, билганини қилаверишини таъкидлаётгандай туюлади. Бола ва амаки, бола ва янга, бола ва Бибисора муносабатлари ҳам ғоят самимий, мароқли ўқилади.

Собир қиссаларида турли-туман ҳайратомуз воқеаларга, кутилмаган ўлиму фожиаларга ўқувчини етаклаб бориб гаранг қилиб ташламайди. Ҳаётда бундан

ҳам баттар фожиалар кўп, аммо уларга ўқувчини жалб қилавериш хунук воқеаларни таъкидлаб, ахборот беришдек нохуш кайфият уйғотади. Гап уларнинг ичидан соф инсоний муносабатларни топиб олишда.

Бунинг учун жиддий дунё асарларидан воқиф бўлиш зарур. Баъзилар мумтоз асарлардан тамом беҳабар бўлиб ҳам ёстиқдай китобларни ёзиб ташлаганликларини кўрганмиз. Одам Навоийдан кўп ёзгани билан Навоий бўлиб қолмайди-ку.

Муаллифнинг бошқа қисса ва ҳикояларида ҳам самимий руҳ ҳукмрон. У ўтириб олиб асар ясамайди. Ўзи яхши билган одамлар, яхши билган воқеликларни қалбига жиз этиб теккан жойидан олиб ёзади. Буям муҳим. Чунки ёзувчи ўзи таъсирланмаган нарсага бировни жалб қилиб йиғлатолмайди, қулдиролмайди.

Собир Ўнар қисса ва ҳикояларини тўплаб яна китоб ҳолига келтирибди. Бу — яхши гап. Нуфузли наشريётимизда чоп этилаётгани яна яхши.

Мен Собирнинг асарлари орқали бунинг тенгқурларидан адабиётимиз ҳам, китобхонлар ҳам жуда жиддий, юксак савиядаги жаҳоний китоблар умид қилётганини яна бир карра таъкидлаб қўймоқчиман.

*Абдулла ОРИПОВ,  
Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири.*

---

---

## МУНДАРИЖА

### *ҚИССАЛАР*

Бибисора .....	4
Дунё шундоқ турурми? .....	45
Инқилоб кечаси .....	115
Чамбилбелнинг ойдаласи .....	161

### *ҲИКОЯЛАР*

Ака-укалар .....	238
Бегона меҳмон .....	246
Тегирмончининг боласи .....	264

### *ЭССЕЛАР*

Одамнинг кучлиси .....	272
Қисмат ўйини .....	295



**Ўнар, Собир.**  
Ў 75 Бибисора: Қиссалар. Ҳикоялар. Эсселар / С.Ўнар.  
—Т.: О‘zbekiston, 2011. — 304 б.

ISBN 978-9943-01-678-1

УДК:821.512.133

ББК 84 (5Ў)6

*Адабий-бадиий нашр*

**Собир ЎНАР**

**БИБИСОРА**

*Қиссалар*

*Ҳикоялар*

*Эсселар*

Муҳаррир *Д. Исмоилова*  
Рассом *М. Юлдашев*  
Бадиий муҳаррир *И. Юлдашев*  
Техник муҳаррир *Т. Харитоновна*  
Мусахҳиҳ *Г. Азизова*  
Компьютерда тайёрловчи *Д. Габдрахманова*

Нашриёт лицензияси АИ № 158, 14.08.09.  
Босишга рухсат этилди 04.05.2011. Бичими 84×108<sup>1/32</sup>.  
Офсет босма. Шартли босма табоғи 15,96. Нашр табоғи 15,41.  
Алади 5000. Буюртма № 11-96.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг  
«О‘zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.  
100129. Тошкент. Навоий кўчаси, 30.

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20  
Факс: (371) 244-37-81, 344-38-10.  
e-mail: [iptduzbekistan@mail.ru](mailto:iptduzbekistan@mail.ru) [www.iptd-uzbekistan.uz](http://www.iptd-uzbekistan.uz)

«O'ZBEKISTON»

ISBN 978-9943-01-678-1



9 789943 016781